

МОЛИЯ

ИЛМИЙ ЖУРНАЛ

4/2023

Муассис: Тошкент молия институти

Таҳририят ижодий жамоаси:

Бош муҳаррир: *A.Каримов*

Бош муҳаррир ўринбосари: *A.Исламкулов*

Муҳаррир: *M.Хусанова*

Техник муҳаррир: *H.Абдуллаев*

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан
2008 йил 24 марта 0519-ракам билан рўйхатга олинган.

2008 йилдан нашр қилинади, бир йилда 6 марта чикади.

Ўзбекистон худудида тарқатилади.

«Молия» илмий журнали Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 13 декабрдаги 201/3-сонли қарорига биноан иқтисод фанлари бўйича фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан илмий мақолалари эълон қилиниши зарур бўлган илмий журналлари рўйхатига киритилган.

Веб-сайт: www.tfi.uz/Issues/Jmoliya
e-mail: *moliya@tfi.uz*
Обуна индекси – 1204

Таҳририят манзили: 100084,
Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 60^а-уй
Тел.: (+998 71) 234-66-89

ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ:

Т.З.ТЕШАБАЕВ – Тошкент молия институти ректори,
иктисод фанлари доктори, профессор.

ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ:

А.А.КАРИМОВ – Бош муҳаррир, иқтисод фанлари доктори, профессор.
А.Х.ИСЛАМҚУЛОВ – Бош муҳаррир ўринбосари, иқтисод фанлари доктори.
М.Б.НУРМУРАТОВ – Ўзбекистон Республикаси Марказий банк раиси.
Т.С.МАЛИКОВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.
Э.Ғ.НАБИЕВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.
Б.Э.ТОШМУРОДОВА – иқтисод фанлари доктори, профессор.
Ш.З.АБДУЛЛАЕВА – иқтисод фанлари доктори, профессор.
Б.Қ.ХАМДАМОВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.
А.З.АВЛОҚУЛОВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.
Ж.И.КАРИМҚУЛОВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.
Ш.А.АЛЛАЯРОВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.
Ф.Т.МУХАМЕДОВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.
Д.Р.РУСТАМОВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.
И.К.ОЧИЛОВ – иқтисод фанлари доктори, доцент.
Х.М.ШЕННАЕВ – иқтисод фанлари доктори, доцент.
Э.Ў.ЭРГАШОВ – иқтисод фанлари доктори, доцент.
Т.М.БАЙМУРАТОВ – иқтисод фанлари номзоди, профессор.
Ё.С.ИЛХАМОВА – иқтисод фанлари номзоди, профессор.
И.Ғ.КЕНЖАЕВ – иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD.
Х.Д.ХЎЖАҚУЛОВ – иқтисод фанлари номзоди, доцент.
Х.А.ҶОБУЛОВ – иқтисод фанлари номзоди, профессор.
З.А.САГДУЛЛАЕВА – иқтисод фанлари номзоди, доцент.
Е.Б.МАЛЕЙ – кандидат экономических наук, доцент Полоцского
Государственного университета, Белорусь.
ELCIN AYKAC ALP – Туркия, Истанбул Тижорат университети профессори.
ТАЕ-HYOUNG MUN – Жанубий Корея, Моквон университети профессори.
Н.К.МУРАВИЦКАЯ – профессор Департамента аудита и корпоративной
отчетности Финансового университета при Правительстве Российской
Федерации.
ПИТЕР ХАЙК – Чехия Республикаси, Богем университети профессори.
ASIF MAHBUB KARIM – Малайзиянинг Менежмент ва тадбиркорлик
университети профессори.

МОЛИЯ ВА БЮДЖЕТ

D.A.Abdujalilova. Oliy ta'lif muassasalarida to'lov-kontrakt mablag'larining daromadlari va ularni hisobga olish amaliyoti 5

A.Botirov. Davlat ishtirokidagi aksiyadorlik jamiyatlarida aksiyalarni ommaviy joylashtirish amaliyotini tashkil etish 13

М.А.Эргашев. Акциядорлик жамиятларининг молиявий барқарорлигига ва уни бошқариш тизимига таъсир килувчи омилларнинг таснифи 21

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ

Ф.Б.Тошпулатов. Корпоратив бошқарув тизимида ички назоратнинг янги вазифалари 30

Н.Ш.Абдиева. Ички аудитда таҳлилий амалларни қўллаш 40

БАНК ИШИ

У.Д.Ортиков. Айрим МДҲ мамлакатларида банклар молиявий ресурсларини бошқариш тажрибаси 47

М.А.Тлеуов. Ўзбекистон банкларининг халқаро рақобатбардошлигини таъминлашнинг долзарб масалалари 55

О.А.Хакимов. Банк кредит фоизлари ҳақида тушунчанинг пайдо бўлиш тарихи ва банк фоизларининг мижозларнинг молиявий ҳолатига таъсири хусусида 63

СОЛИҚ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

S.E.Shirinov. Davlat budgetining soliqli daromadlarini prognoz qilish jarayoni usulida tuzilgan ekonometrik modellarni qo'llash uslubiyati 70

СУҒУРТА ИШИ

Х.Н.Шадманов. Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида сугурта тизимини инновацион ривожлантириш муаммолари 76

БАҲОЛАШ ИШИ

Н.Ф.Ишонқулов. Кўчмас мулкнинг бозор қийматини харажатли ёндашув асосида баҳолаш 81

ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ**J.R.Hoshimov.** То‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalg qilishda singapur tajribasi99**Н.Я.Исмаилова.** Анализ и аудит инвестиционной деятельности
АО «Ўзбекистон темир йўллари».....105**МАРКЕНИНГ ВА МЕНЕЖМЕНТ****С.С.Собиржонов.** Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришда рақамли
маркетингдан фойдаланишга оид назарий қарашлар.....112**ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ****Б.Н.Ишниязов.** Кишлоқ хўжалиги тармоғини инновацион жараёнлар ва уларни
молиялаштириш ҳолатининг таҳлили.....124**А.И.Яров.** Кластерларни молиялаштиришнинг муқобил шакллари.....130**Ф.Ф.Шарипов.** Ўзбекистонда ташки савдони ривожланиши
бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлиги.....138**СТАТИСТИКА ИШИ****Z.R.Siroj.** Ўзбекистонда демографик жараёнларнинг ҳолати ва
ўзгаришининг статистик таҳлили.....145**Р.С.Урунов.** Ҳудудларнинг барқарор ривожланишини аҳоли турмуш
даражасига трансформациясини эконометрик моделлари154**Ф.А.Қодиров.** Ўзбекистонда макроиктисодий кўрсаткичларнинг
эконометрик таҳлили.....162**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ****М.И.Азизова.** Электронная коммерция в условиях развития
цифровой экономики169**М.Ю.Жуманиязова.** Ўзбекистонда миллий хунармандчилик маҳсулотлари
брендининг ахборот платформасини яратишнинг назарий асослари.....177**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯ****И.Бозорова.** Современные информационные технологии для организации
и ведения учета материально-технических ценностей184

УО‘Т 33/330(43)

Abdujalilova Dilnoz Abdusattorovna,
Toшкент молия институти тайчан доктарантি
dilnoz.abdujalilova.84@mail.ru

**OLIY TA’LIM MUASSASALARIDA TO‘LOV-KONTRAKT
MABLAG‘LARINING DAROMADLARI VA ULARNI HISOBGA OLİSH
AMALIYOTI**

*Абдужалилова Дилноз Абдусатторовна,
докторант Ташкентский финансовый институт
dilnoz.abdujalilova.84@mail.ru*

**ДОХОДЫ ПЛАТНО-КОНТРАКТНЫХ СРЕДСТВ В ВЫСШИХ
УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ И ПРАКТИКА ИХ УЧЕТА**

Abdujalilova Dilnoz Abdusattorovna,
Doctoral student of Tashkent Institute of Finance
dilnoz.abdujalilova.84@mail.ru

**INCOME OF PAYMENT AND CONTRACT FUNDS IN HIGHER
EDUCATIONAL INSTITUTIONS AND THE PRACTICE OF THEIR
ACCOUNTING**

Annotatsiya. *Mazkur maqolada oly ta’lim muassasalarida budjetdan tashqari manbalar asosan to‘lov-kontrakt shakli mablag‘lari hisobining yurutilishi, to‘lov-kontrakt shakli mablag‘lari daromadlarini alohida tushumlar kesimida shakkantirish, ularni daromad sifatida tan olinishi va pirovard natijada ularning moliyaviy natijasini to‘g‘ri hisoblanishida qaysi jihatlarga e’tibor qaratilishi zarurligi yoritilgan. Moliyaviy mustaqillik berilgan oly ta’lim muassasalarining moliyaviy barqarorligini ta’minalashda to‘lov-kontrakt shakli tushumlarini mos yo‘nalishlar bo‘yicha guruhash va samaradorlikka erishish ko‘zda tutilgan va biznes rejada belgilangan moliyaviy natijalarga erishish bo‘yicha xulosalar hamda ilmiy takliflar tayyorlash bo‘yicha amaliy tavsiyalar berilgan.*

Tayanch so‘zlar: akadem qarzdorlik, daromadlar; qo‘shma ta’lim, tabaqalashirilgan (super) kontrakt, to‘lov-kontrakt, xarajatlar.

Аннотация. В данной статье освещается, на какие аспекты следует обратить внимание при учете внебюджетных источников в высших учебных заведениях в основном средств платежно-контрактной формы, формировании поступлений средств платежно-контрактной формы в разрезе отдельных поступлений, признании их доходами и правильности расчета их финансового результата, то есть при обеспечении финансовой устойчивости высших учебных заведений, которым предоставлена финансовая

независимость, предусмотрена группировка поступлений платежно-контрактной формы по соответствующим направлениям и выработка практических рекомендаций по подготовке заключений и научных предложений по достижению финансовых результатов, определенных бизнес-планом.

Ключевые слова: академическая задолженность, доходы, совместное образование, дифференцированный (супер) контракт, платно-контракт, расходы.

Annotataion. In this article, extra-budgetary resources in higher education institutions are mainly covered by the accounting of funds of the contract form, the formation of receipts of funds of the contract form in a separate section of receipts, their recognition as income and the aspects which should be paid attention to when calculating their financial result, that is, in ensuring the financial stability of institutions of Higher Education, where financial independence is granted, it is envisaged to group the receipts of the contract form in appropriate directions and achieve efficiency, and practical recommendations are made for the preparation of conclusions and scientific proposals on achieving financial results established in the business plan.

Key words: academ debt, income, co-education, differentiated (super) contract, payment-contract, expenses.

Kirish

Mamlakatimizda oliy ta’lim tizimini yuqori darajaga olib chiqish bo‘yicha bir qator ishlar amalga oshirilmoxda. Zamon talablariga javob bera oladigan mutaxassis kadrlarni tayyorlash, davlat talablari asosida ta’lim va uning barcha tarkibiy tuzilmalarini takomillashtirib borish oldimizda turgan dolzARB masalalardan biridir. Birgina “O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”[1]gi Prezident Farmoniga ko‘ra “O‘zbekiston Respublikasida oliy ta’limni tizimli isloh qilishning ustuvor yo‘nalishlarini belgilash, zamonaviy bilim va yuksak ma’naviy-axloqiy fazilatlarga ega, mustaqil fikrlaydigan yuqori malakali kadrlar tayyorlash jarayonini sifat jihatidan yangi bosqichga ko‘tarish, oliy ta’limni modernizatsiya qilish, ilg‘or ta’lim texnologiyalariga asoslangan holda ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarini rivojlantirish” belgilab olindi.

Bundan tashqari, “Davlat oliy ta’lim muassasalariga moliyaviy mustaqillik berish chora-tadbirlari to‘g‘risida”[2]gi qaroriga asosan, oliy ta’lim tizimida amalgा oshirilayotgan islohotlar samaradorligini

oshirish, davlat oliy ta’lim muassasalarining moliyaviy barqarorligini ta’minalash, moddiy-texnika bazasini mustahkamlash masalalarini mustaqil hal etish, ilmiy-tadqiqot faoliyatiga mablag‘larni jalb etish imkoniyatini kengaytirish hamda oliy ta’lim muassasalarini o‘rtasida raqobat muhitini rivojlantirish maqsadida bir qator vakolatlar berildi.

Moliyaviy mustaqillik berilgan oliy ta’lim muassasalarida moliyaviy barqarorlikni ushlab turish, to‘lov-kontrakt mablag‘lari daromadlarini samarali boshqarish hamda maqsadli sarflanishini ta’minalashda hisobni to‘g‘ri yuritish va nazoratini amalga oshirishda hozirgi kunga kelib bir qator kamchiliklar kuzatilmoxda. Jumladan, hisobdorlik masalalarida hisobni tadqiq etishning o‘rni, to‘lanayotgan to‘lov-kontrakt summasini o‘z yo‘nalishlari bo‘yicha guruhlanmayotgani, tuzilayotganligi hisob axborotlarini taqdim etishda qator muammolar keltirib chiqarmoqda. Amaldagi oliy ta’lim muassasalarini buxgalteriya hisobinin yuritishda bu kabi masalalar oliy ta’lim muassasalarining daromadlarini guruhlash asosida mos yo‘nalish xarajatlarini amalgа oshirish, buning uchun esa hisob jarayonini hamda hisobotlarni tuzib taqdim

etish tartibini takomillashtirish zaruriyati mavjud.

Mavzuga oid adabiyotlar shari

Oliy ta’lim muassasalarini samarali moliyalashtirish budgetdan tashqari mablag‘lar hisobi, shu jumladan, to‘lov-kontrakt shakli mablag‘lari hisobini tashkil qilish, shuningdek, budgetdan tashqari mablag‘lar jalb etishni kengaytirish va ulardan samarali foydalanish masalalari xorijlik va mahaliy iqtisodchi olimlar tomonidan olib borilgan tadqiqotlar, ilmiy asarlar, risolalarda o‘z aksini topgan. Respublikamizning yetakchi iqtisodchi olimlaridan B.K Hamdamov, A.A.Ostonakulov[3], S.U.Mehmonov[4], A.B.Sherov[5], J.Y.Qurbanov[6], S.M.Buzrukxonov[7] kabilar ilmiy ishlarida oliv ta’lim tizimini moliyalashtirishni takomillashtirish yo‘llari, xususan, to‘lov-kontrakt shaklidan tushgan tushumlar hisobi yuzasidan tadqiqot ishlari olib borishgan.

Xususan, A.A.Ostonakulovning “Budget tashkilotlarining budgetdan tashqari mablag‘lari hisobi va hisoboti metodologiyasini takomillashtirish” mavzusidagi iqtisod fanlari doktori ilmiy darajasini olish uchun yozilgan ilmiy ishida budget tashkilotlarida budgetdan tashqari mablag‘larini shakllantirishning zarurligi va ahamiyati, budget tashkilotlarining budgetdan tashqari mablag‘lari hisobining nazariy asoslari tadqiq etilgan bo‘lsa, S.M.Buzrukxonov “Innovatsion iqtisodiyotga o‘tish sharoitida oliv ta’limni moliyalashtirishni takomillashtirish” mavzusidagi iqtisod fanlari doktori ilmiy darajasini olish uchun yozilgan ilmiy ishida moliyalashtirishning samarali va shaffof mexanizmlarini joriy etish hamda o‘z xarajatlarini qoplash darajasidan kelib chiqib bakalavriat ta’lim yo‘nalishlari bo‘yicha to‘lov-kontrakt miqdorlarini bazaviy to‘lov-kontrakt miqdorining uch baravaridan oshmagan miqdorda mustaqil belgilashni

ilmiy yangilik sifatida taklif etgan. Yuqoridaqgi tadqiqotchilarining ilmiy izlanishlaridan bevosita moliyaviy mustaqillik berilgan oliv ta’lim muassasalarida to‘lov-kontrakt shakli mablag‘lari hisobini takomillashtirishni talab etadi.

Xorijlik iqtisodchi olimlardan rossiyalik olim V.A.Gurtov, E.A.Pituxin L.M.Serovalar o‘z darslik va maqlolalarida oliv ta’lim muassasalarining moliyaviy masalalarini yoritilishiga kata ahamiyat qaratgan “Повышение производительности труда возможно при значимом увеличении инвестиций в научно-техническую составляющую экономического роста”[8]. Rossiyalik olim A.I.Zotova iqtisod fanlari nomzodi dissertasiyasini “Бухгалтерский учет в высших образовательных учреждениях: На примере вузов Центросоюза РФ” mavzusida himoya qilgan va Rossiya oliv ta’lim muassasalari buxgalteriya hisobini o‘rganib ilmiy tadqiqot ishlarini olib borgan. «Наибольший удельный вес в сметах кооперативных вузов занимают расходы на заработную плату, приобретение оборудования, инвентаря и материалов для учебно-научных и хозяйственных целей»[9].

Yuqorida ko‘rsatib o‘tilgan xorijiy olimlarning tadqiqot yo‘nalishlari, oliv ta’lim muassasalarining moliya faoliyati o‘ziga xosligi va olib borilgan izlanishlari natijalarini O‘zbekiston oliv ta’lim tizimi moliyaviy faoliyati, ayniqsa moliyaviy mustaqillik berilgan oliv ta’lim muassasalariga xos jihatlarini o‘rganib tadqiq qilish maqsadga muvofiq.


Tadqiqot metodologiyasi

Tadqiqot ishlarini olib borish jarayonida oliv ta’lim muassasalarida o‘qitishning to‘lov-kontrakt shakli mablag‘larining hisobini yuritilishi, xorijiy iqtisodchi olimlarning ilmiy izlanishlarida oliv ta’lim

muassasalarining moliyalashtirish tizimi, budjetdan tashqari mablag'ları, shu jumladan, to‘lov-kontrakt shakli mablag’ları hisobining bugungi kundagi holati hamda xorijiy tajribalar chuqur o‘rganilib, tahlil qilindi. Maqolani tayyorlash jarayonida abstrakt mantiqiy fikrlash, induksiya, deduksiya, kuzatish, tahlil, guruhlash, taqqoslash usullaridan keng foydalanildi va taklif va tavsiyalar ishlab chiqish bugungi kunning dolzarb masalalaridan sanaladi.

Natija va muhokama

Bugungi kunda oliy ta’lim muassasalari moliyaviy ta’minotini asosiy qismi budjetdan tashqari mablag’lar, ya’ni to‘lov-kontrakt mablag’ları tashkil etmoqda. Xususan biznes va boshqaruv yo‘nalishlarida 95–98 foizgacha moliyaviy ta’minot o‘qitishning to‘lov-kontrakt shakli mablag’lariga to‘g‘ri kelmoqda. Olib borilgan tadqiqotlarimiz shuni ko‘rsatdiki, so‘nggi besh yilda oliy ta’lim tizimini moliyalashtirish jarayonida asta-sekinlik bilan bozor mexanizmlari joriy etilmoqda. Tahlillarimizga ko‘ra nodavlat va xorijiy oliy ta’lim muassasalarining tashkil etilishi, qo‘shma ta’lim dasturlari tobora kengayib borishi oliy ta’lim muassasalari o‘rtasida erkin raqobatning vujudga kelishiga zamin yaratmoqda.




1-rasm. 2023-yilda faoliyat yuritayotgan oliy ta’lim muassasalarining soni va ulushi¹

¹ O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi ma’lumotlari asosida tadqiqotchi tomonidan tayyorlandi.

Yuqoridagi diagramma ma’lumotlaridan ko‘rinib turibdiki, hozirgi kunga kelib, jami oliy ta’lim muassasalari soni 210 taga etdi. Shundan 115 tasi yoki 55 foizi davlat oliy ta’lim muassasalari va ularning filiallariga, 65 tasi yoki 31 foizi nodavlat oliy ta’lim muassasalari hamda 30 tasi yoki 14 foizi xorijiy oliy ta’lim muassasalarining respublikamiz hududidagi filiallariga to‘g‘ri kelmqda.

Shuningdek, 2022-yilga kelib joriy faoliyat olib borayotgan 17 ta filial institutga, 10 ta institut universitetga aylantirilgan bo‘lib, 10 ta oliy ta’lim muassasasi transformatsiya qilingan. 2022-yilning qabuliga ko‘ra 214 ming nafar abituriyentlar talaba bo‘lish baxtiga muyassar bo‘lgan bo‘lib, bu jami abituriyentlarning qamrov darajasi 38,4 foizni tashkil etgan. Natijada, 2023-yilga kelib, jami bakalavr talabalari soni 943 ming nafarga hamda magistratura yo‘nalishida tahsil olayotgan magistrlar soni 25 ming nafarga yetdi.

Tahlillarimizga asoslanib aytishimiz mukinki, respublika oliy ta’lim muassasalariga 2018-2022 yillarda ajratilgan mablag’lar miqdori faqat o’sish tendensiyasiga ega bo‘lib kelmoqda.



2-rasm. Respublika oliy ta’lim muassasalarining 2018–2022-yillarda moliyalashtirish manbalari miqdori (trln. so‘m)²

² O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi ma’lumotlari asosida tadqiqotchi tomonidan tayyorlandi.

Yuqoridagi diagramma ma'lumotlaridan ko'rinish turibdiki, davlat budgeti mablag'lari hisobiga moliyalashtirish tahlil davrida 2,7 marotabaga o'sgan bo'lsa, to'lov-kontrakt mablag'lari hisobidan moliyalashtirish 3,3 martaga oshgan. Demak, oliy ta'lim muassasalarini moliyalashtirishda to'lov-kontrakt mablag'lari hisobiga moliyalashtirish tizimi ustunlikka ega bo'lmoqda. Agar, biz ushbu ma'lumotlarni foizlarda tahlil etsak, bu nisbatlar yanada yaqqol namoyon bo'ladi. 2018-yilda oliy ta'lim muassasalari jami moliyalashtirishning 29 foizi byudjet mablag'lari, 61foizi esa to'lov-kontrakt mablag'lari hisobiga to'g'ri kelgan bo'lsa, bu ko'rsatkich 2022-yilga kelib 27,6 foizi budget mablag'lari, 72,4 foizi esa, to'lov-kontrakt mablag'lari hissasiga to'g'ri kelgan.

Tahlil ma'lumotlariga tayangan holda mamlakatimizda oliy ta'lim tizimini moliyalashtirishda budget mablag'lari salmog'ini pasaytirish va o'z-o'zini moliyalashtirish tendensiyasi davom ettirilayotganligini kuzatishimiz mumkin.

Oliy ta'lim tizimida amalga oshirilayotgan islohotlar samaradorligini oshirish, davlat oliy ta'lim muassasalarining moliyaviy barqarorligini ta'minlash, moddiy-texnika bazasini mustahkamlash masalalarini mustaqil hal etish, ilmiytadqiqot faoliyatiga mablag'larni jalb etish imkoniyatini kengaytirish hamda oliy ta'lim muassasalari o'rtasida raqobat muhitini rivojlantirish maqsadida 2022-yil 1-yanvardan boshlab faoliyat yuritayotgan 36 ta oliy ta'lim muassasalariga moliyaviy mustaqillik berildi. Unga ko'ra 2022/2023 o'quv yilidan boshlab moliyaviy mustaqillik berilgan davlat oliy ta'lim muassasalariga akademik mustaqillik sohasida hamda tashkiliy-boshqaruvdagi mustaqillik sohasida qo'shimcha vakolatlar berildi.

Moliyaviy mustaqillik OTMlarning moliyalashtirish manbaalarini tahlil qiladigan bo'lsak:

- davlat budgeti mablag'lari;
- to'lov-kontrakt shaklidan tushgan mablag'lar;
- rivojlantirish jamg'armasi mablag'lari;
- boshqa budgetdan tashqari mablag'lar.

Davlat budgeti mablag'lari – davlat buyurtmasi, ya'ni davlat granti asosida ta'lim olayotgan talabalarni o'qitish uchun O'zbekiston Respublikasi Davlat budgeti hisobidan ajratiladigan mablag'lardir. Davlat budgeti mablag'laridan moliyalashtirish hisobi "Moliyaviy mustaqillik berilgan davlat oliy ta'lim muassasalarida davlat buyurtmasi (davlat granti) asosida kadrlar tayyorlash uchun O'zbekiston Respublikasi davlat budgetidan moliyalashtirish tartibini tasdiqlash to'g'risida"^[10] gi qarorga asosan amalga oshiriladi. Bunda "Buyurtmachi Oliy ta'lim fan va innovatsiyalar vazirligi" hamda "Ijrochi OTM" o'rtasidagi davlat buyurtmasi (davlat granti) asosida ta'lim olayotgan talabalarni o'qitishni moliyalashtirish bo'yicha bitim imzolanadi. Bitim imzolangandan so'ng Budget kodeksining 18-bobi hamda qonunchilik hujjatlariga muvofiq OTM budget mablag'lari bo'yicha xarajatlar smetasini shakllantiradi va tasdiqlaydi. Davlat buyurtmasi asosida ta'lim olayotgan talabalar uchun ajratilgan mablag'lar OTM ning to'lov-kontrakt mablag'lari bo'yicha shaxsiy g'azna hisobvarag'iga o'tkaziladi. Hisobot davri oxirida mablag'larning qoldig'i oliy ta'lim muassasasining ixtiyorida qoldiriladi. OTMning to'lov-kontrakt mablag'larini rejalashtirish, daromadlar va xarajatlar smetasini tuzish va xarajatlarni amalga oshirish OTMning Kuzatuv kengashi tomonidan muhokama qilingan va tasdiqlangan biznes rejalariga muvofiq tegishli xarajatlarni moliyalashtirishning ketma-ketligi ta'minlangan holda amalga oshiriladi.

To‘lov-kontrakt shaklidan tushgan mablag‘lar hisobi - “Oliy va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi muassasalarida o‘qitishning to‘lov-kontrakt shakli va undan tushgan mablag‘larni taqsimlash tartibi to‘g‘risida”gi[11] nizomga asosan amalga oshiriladi.

O‘qitishning to‘lov-kontrakt asosida tuzilgan shartnomalarning hisobi OTMning 4009.....-o‘qitishning to‘lov-kontrakt shaklidan tushgan mablag‘larining harakati yuritiladigan hisobvaraqa amalga oshirilib kelinmoqda. Hozirgi kunda amalda tushumlar quyidagi kesimda taqsimlanib to‘lov-kontrakt (TK) hisobotida shakllantirilib kelinmoqda.

I-jadval

OTMning 2022-moliya yili uchun o‘qitishning to‘lov-kontrakt shaklidan tushadigan mablag‘larining taqsimoti³ (ming so‘mda)

No	Taqsimot turlari	Mablag‘
1	2021-2022 o‘quv yilining ikkinchi semestri, 2022-yil 1-martdan 2022-yil 30-avgustgacha rejalashtirilgan tushum	50 434 456,1
2	2022–2023-o‘quv yilining birinchi semestri, 2022-yil 1-sentyabrdan 2023-yil 28-fevralgacha rejalashtirilgan tushum	56 677 500,0
3	Byudjet buyurtmasiga asosan byudjetdan tushum	5 138 713,0
JAMI:		112 250 669

Shartnomada belgilangan kontrakt summalari ikki bo‘lib, ya’ni joriy o‘quv yilining 1-semestri uchun 1 oktyabrgacha hamda ikkinchi semestri uchun 1 martgacha to‘lash tartibi joriy qilingan.

³ Tadqiqotchi tomonidan OTM larning davriy moliyaviy hisobotlari asosida tayyorlandi.

Endi 1-jadvaldagagi tushum ma’lumotlarini tahlil qiladigan bo‘lsak, o‘qitishning to‘lov-kontrakt shaklidan tushadigan mablag‘lari quyidagi taqsimotda bo‘linishi kerak:

- o‘qitishning to‘lov-kontrakt shaklidan tushadigan asosiy to‘lov-kontrakt mablag‘lari;

- tabaqlashtirilgan to‘lov-kontrakt mablag‘lari;

- byudjet buyurtmasiga asosan to‘lov-kontrakt mablag‘lari;

- kredit-modul tizimida yetarli kredit to‘play olmagan talabalarning akadem qarzdorligi uchun to‘lanadigan to‘lov-kontrakt mablag‘lari;

- boshqa hollarda moliya instituti ixtiyorida qoldiriladigan to‘lov-kontrakt mablag‘lari.

Amalda OTMlarda to‘lov-kontrakt mablag‘larining daromadlarini hisobi faqat 2 ta yo‘nalish bo‘yicha yuritilayotganini ko‘rishimiz mumkin. Lekin barcha shu yuqoridaq taqsimotda ko‘rsatib o‘tilgan 5 yo‘nalish bo‘yicha tushumlar amalga oshirilib kelinmoqda. Bu tushumlar buxgalteriya hisob ishlarida umumiyl tushum ko‘rinishida yuritilmoxda. Bu hisob ishlarida qator noqulayliklarga boshqacha aytadigan bo‘lsak, hisob yuritish tizimi va tuzilayotgan hisobotlarda qator kamchiliklarni yuzaga keltirib chiqaradi. Masalan, tabaqlashtirilgan to‘lov-kontrakt mablag‘lari hisobining alohida yuritilmasligi, qolaversa, tabaqlashtirilgan to‘lov-kontrakt mablag‘lari shaxsiy g‘azna hisob raqamiga kelib tushganidan so‘ng, uni daromadga olib borish hisobi ham muammoli vaziyatlardan biri bo‘lib qolmoqda. Bu kabi to‘lov-kontrakt mablag‘lari hisobini yuritishdagi muammoli masalalar, o‘z navbatida, oliy ta’lim buxgalteriya xizmatida bir qator kamchiliklarga hamda taqdim etilayotgan axborot ma’lumotlarni ishonchsizligiga olib keladi.

Xulosa

O‘zbekistonda davlat budgeti mablag‘-lari shubhasiz, oliy ta’limni moliyaviy

ta'minlashning bosh manbayidir. Keyingi yillarda Davlat budgeti xarajatlarining 20–25 foizi oliv ta'lim tizimi xarajatlariga to'g'ri kelmoqda. Ta'lim xizmatlari ijtimoiy ne'mat sifatida qiymatga ega bo'lib, bozor munosabatlari obyekti ko'rinishida mavjud. Aholining barqaror o'sib borayotgan ehtiyojini ta'lim xizmatlari bozori qondirish imkoniyatiga ega bo'lib, bozor munosabatlari rivojlana borgan sari to'lov-kontrakt asosida mutaxassis tayyorlash asta-sekin ko'payib boradi.

Moliyaviy mustaqillik berilgan OTMlarda to'lov-kontrakt mablag'lari bo'yicha daromadlar va ular hisobining amaldagi holatini yaxshilash yo'llarini tahlili asosida quyidagilarni xulosa tarzida keltirish mumkin:

1. To'lov-kontrakt shaklidan tushadigan mablag'larni quyidagi taqsimotda bo'lish.

2-jadval

OTMning 2022-moliya yili uchun o'qitishning to'lov-kontrakt shaklidan tushadigan mablag'larining taklif etilayotgan taqsimoti⁴

(ming so'mda)

No	Taqsimot turlari	Mablag'
1	Asosiy to'lov-kontrakt mablag'lari: 2021–2022-o'quv yili ning ikkinchi semestri, 2023-yil 1-martdan 2023-yil 30-avgustgacha	44 268 503
2	Asosiy to'lov-kontrakt mablag'lari: 2021–2022 o'quv yilining birinchi semestri, 2021 yil 1 sentyabrdan 2022 yil 28 fevralgacha rejalashtirilgan tushum	41 385 618
3	Tabaqa lashtirilgan to'lov-kontrakt malag'lari	14 169 375

⁴ Tadqiqotchi tomonidan OTM larning ma'lumotlari asosida tayyorlandi.

4	Budjet buyurtmasiga asosan budgetdan tushum	5 138 713
5	Kredit-modul tizimida yetarli kredit to'play olmagan talabalarning akadem qarzdorligi uchun to'lanadigan to'lov-kontrakt mablag'lari	5 043 446
6	Boshqa hollarda moliya instituti ixtiyorida qoldiriladigan to'lov- kontrakt malag'lari	2 245 014
JAMI:		112 250 669

2. O'qitishning tabaqa lashtirilgan to'lov-kontrakt asosida tuzilgan shartnomaga miqdoridan asosiy to'lov-kontrakt summasidan ajratish. OTM buxgalteriyasida to'lov-kontrakt tushumlarini hisobga olinadigan schotni yangi subschotlarini ochib, tabaqa lashtirilgan to'lov-kontrakt mablag'lari hisobining alohida yuritilishini joriy etish. Bu buxgalteriya tezkor axborotlatni taqdim etishda joriy o'quv yilida qancha miqdorda tabaqa lashtirilgan to'lov-kontrakt mablag'lari tushumi amalga oshirilganligi va boshqa shu kabi buxgalteriya ma'lumotlarni olish imkonini yaratadi.

3. Tabaqa lashtirilgan (super) to'lov-kontrakt tushumidan asosiy to'lov-kontrakt qismini ajratib olib, qolgan qismini bir yo'la tabaqa lashtirilgan to'lov-kontrakt mablag'i hisob raqamiga kelib tushgan muddatda daromadga olib borish. OTMlarda tabaqa lashtirilgan (super) to'lov-kontrakt asosida talabalikka tavsiya etilgan talabalar bilan o'qitishning to'lov-kontrakt shaklidan tushadigan asosiy to'lov-kontrakt asosida talabalikga tavsiya etilgan talabalar o'rtasida xarajatlar miqdori bir xil. Shunday ekan tabaqa lashtirilgan to'lov-kontrakt summasini teng ulushlarda joriy o'quv yiliga bo'lib daromadga olib borish yoki o'qitishning to'lov-kontrakt asosida tuzilgan shartnomaga miqdoridagi summani tabaqa lashtirilgan to'lov-kontrakt summasidan ajratib olib,

qolgan qismini bir yo‘la tabaqalashtirilgan to‘lov-kontrakt mablag‘i hisob raqamiga kelib tushgan muddatda daromadga olib borish maqsadga muvofiq.

Ushbu amalga oshirilgan ishlar natijasida, OTMlarda budjetdan tashqari mablag‘lar hisobi, ya’ni to‘lov-kontrakt shakli

mablag‘lari bo‘yicha daromadlar va ularning birlamchi hisob-kitob ishlarini to‘g‘ri, aniq va har bir tushum kesimida o‘z vaqtida sifatlari yuritilishi, to‘lov-kontrakt mablag‘lari harakati to‘g‘risidagi moliyaviy hisobotlarni tuzilishida aniqliklarga erishiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim tizimini 2030-yilgacha rivojlanтирish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 5847-son Farmoni. 2019-yil 8-oкtyabr. <https://lex.uz/ru/docs/4545887>
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 24-dekabrdagi “Davlat oliy ta’lim muassasalariga moliyaviy mustaqillik berish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 61-sonli Qarori. 2021-yil 24-dekabr. <https://lex.uz/ru/docs/5793256>
3. B.K Hamdamov, A.A.Ostonokulov. Byudjet nazotati. O‘quv qo‘llanma.-T: Iqtisod-moliya, 2018. 318-b.
4. S.U.Mehmonov. Budget tashkilotlarida buhgalteriya hisobi va ichki audit metodologiyasini takomillashtirish. Iqt.fan.dok. (DSc) ilm.dar.olish uchun yozil. dis.avtoref.-T.:2018. –B36
5. A.B.Sherov. Foreign experience in financing of higher educational system. <https://www.bmpublggroup.com> Scientific enquiry in the contemporary world: theoretical basics and innovative approach. AQSh 2015 №4
6. J.Yu.Qurbanov. “Oliy ta’lim muassasalarida o‘qitishning to‘lov-kontrakt shaklidan tushgan tushumlar hisobi va uni takomillashtirish masalalari”. “Innovatsion texnologoyalar” jurnali 2021-yil №4. dekabr.
7. S.M.Buzrukxonov. “Innovatsion iqtisodiyotga o‘tish sharoitida oliy ta’limni moliyalashtirishni takomillashtirish” DSc diss avtoreferati 2022 y.
8. Гуртов В.А., Питухин Е.А., Серова Л.М. Моделирование потребностей экономики в кадрах с профессиональным образованием // Проблемы прогнозирования. - 2007. - 6. - с. 91-107.
9. А.И.Зотова. “Бухгалтерский учет высших образовательных учреждениях: На примере вузов Центрасоюза РФ”. тема дисс. и автореферата по ВАК РФ 08.00.12, РФ.:2000.-Стр.239.
10. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Moliyaviy mustaqillik berilgan davlat oliy ta’lim muassasalarida davlat buyurtmasi (davlat granti) asosida kadrlar tayyorlash uchun O‘zbekiston Respublikasi davlat budjetidan moliyalashtirish tartibini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 419-son qarori. 2022-yil 1-avgust. <https://lex.uz/ru/docs/6138976>
11. O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirining “Oliy va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi muassasalarida o‘qitishning to‘lov-kontrakt shakli va undan tushgan mablag‘larni taqsimlash tartibi to‘g‘risida”gi 2431-2-son buyrug‘i, 2018 yil 27 mart. <https://lex.uz/ru/docs/3598123>

УО‘Т 330.33

Botirov Azamat,
Toshkent moliya instituti

**DAVLAT ISHTIROKIDAGI AKSIYADORLIK JAMIYATLARIDA
 AKSIYALARINI OMMAVIY JOYLASHTIRISH AMALIYOTINI
 TASHKIL ETISH**

Ботиров Азамат,
Ташкентский финансовый институт

**ОРГАНИЗАЦИЯ ПРАКТИКИ ПУБЛИЧНОГО РАЗМЕЩЕНИЯ
 АКЦИОНЕРНЫХ ОБЩЕСТВ С ГОСУДАРСТВЕННЫМ УЧАСТИЕМ**

Botirov Azamat,
Tashkent Institute of Finance

**ORGANIZING THE PRACTICE OF PUBLIC OFFERING OF STOCKS IN
 JOINT STOCK COMPANIES WITH PUBLIC PARTICIPATION**

ANNOTATSIYA. Davlat ishtirokidagi aksiyadorlik jamiyatlarida aksiyalarini ommaviy joylashtirish amaliyotini tashkil etishda turli tadqiqotlar o‘rganilgan. O‘zbekistonda davlat ishtirokidagi aksiyadorlik jamiyatlarida aksiyalarini ommaviy joylashtirish amaliyotini tashkil etish bo‘yicha amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar tahsil qilingan hamda e’tibor qaratilishi lozim bo‘lgan jihatlar yoritilgan. Davlat ishtirokidagi aksiyadorlik jamiyatlarida aksiyalarini ommaviy joylashtirish amaliyotini tashkil etish bo‘yicha xulosalar shakllantirilgan.

TAYANCH SO‘ZLAR: aksiya, aksiyadorlik jamiyatları, aksiyalarını ommaviy joylashtirish, IPO, davlat ulushi, lot.

Аннотация. Были проведены различные исследования по организации публичного размещения акций акционерных обществ с государственным участием. Проанализированы реализуемые в Узбекистане меры по организации практики публичного размещения акций акционерных обществ с государственным участием и выделены аспекты, на которые следует обратить внимание. Сформированы выводы по организации практики публичного размещения акций акционерных обществ с государственным участием.

Ключевые слова: акция, акционерные общества, публичное размещение акций, IPO, государственная доля, лот.

Annotation. Various studies have been conducted on the organization of public offering of stocks in joint-stock companies with public participation. The measures implemented in Uzbekistan to organize the practice of public offering of stocks in joint-stock companies with

public participation are analyzed and the aspects that should be paid attention to are highlighted. Conclusions on the organization of the practice of public offering of stocks in joint-stock companies with public participation have been formed.

Keywords: stock, joint-stock companies, public offering of stocks, IPO, state share, lot.

Kirish

Mamlakatimizda aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ moliyaviy munosabatlarni samarali tashkil etishga alohida e'tibor qaratilayotganligi bois aksiyalarni ommaviy joylashtirish amaliyotlaridan foydalanish lozim. Aksiyadorlik jamiyatlarida IPO operatsiyalarini tashkil qilish va uni muvaffaqiyatlari o'tkazish kompaniya uchun ko'plab imkoniyatlarni taqdim etadi. Xususan, aksiyalarni dastlabki ommaviy joylashtirish orqali aksiyadorlik jamiyati katta miqdorda kapital qilish, aksiyalar kursining oshishiga erishish, investitsion jozibadorlikni oshirish, o'zining xalqaro imidjini shakkantirish kabilarga erishishi mumkin. Shu boisdan davlat ishtirokidagi aksiyadorlik jamiyatlarida aksiyalarni ommaviy joylashtirish amaliyotini tashkil etish masalalarini o'rganish va tahlil qilish dolzarb ekanligini ko'rsatadi.

Mavzuga oid adabiyotlar sharti

Aksiyalarni ommaviy joylashtirish amaliyotini o'tkazish jahon amaliyotida keng uchraydigan operatsiyalardan bo'lganligi sababli ko'plab iqtisodchi olimlar tomonidan tadqiq etilgan. A.Ljungqvist aksiyalarni ommaviy joylashtirish amaliyotining kompaniya ustav kapitaliga ta'sirini o'rgangan. "Aksiyalarni ommaviy joylashtirish amaliyotining o'tkazilishi kompaniya hayotidagi muhim bosqichdir. Mazkur amaliyot ustav kapitalini keng ko'lamdag'i investorlar orasida taqsimlanishini ta'minlaydi, natijada kompaniya o'z operatsiyalari va investitsiyalarini moliyalashtirish

zarajatlarini kamaytirishi mumkin" [1]. Aksiyalarni ommaviy joylashtirish amaliyoti natijasida jalb qilingan moliyaviy resurslar kompaniya faoliyatida muhim o'rinn tutadi.

J.Ritter va I.Welch IPO amaliyotlarida aksiyalar narxining shakllanishiga e'tibor qaratgan. "Investoring foydasi sotib olish hamda sotish narxlaridan foydalanigan holda hisoblab chiqiladi. IPO amaliyotlarida ko'pgina hollarda sotish narxi keskin o'zgarish boshlangan paytda shakllanadi, ya'ni anderrayerlar tahlilchilari deyarli har doim bu jihatga e'tibor qaratadi" [2].

P.Jiang va boshqalar IPO amaliyotlarida qo'llaniladigan usullarni tadqiq qilishgan bo'lib, ularning fikricha "aksiyalarni ommaviy joylashtirish kompaniyalar tomonidan qabul qilinadigan eng muhim qarorlardan biri hisoblanadi. Kompaniyalar aksiyalarini IPO orqali sotishda ikkita asosiy usuldan foydalanadi. AQSHda IPOning asosiy usuli bo'lgan book-building usuli aksariyat bozorlarda qo'llaniladi. Bunga muqobil usul auksion usuli bo'lib, mazkur usul butun dunyoda kam qo'llaniladi. Book-building hamda auksion usulidagi anderrayerlar taqqoslanganda auksion usulidagi anderrayerlar o'z manfaatlarini ko'zlay olmaydi" [3]. Bugungi kunda amaliyotda, odatda, belgilangan narx usuli hamda book-building usulidan tarkib topgan gribid usuldan foydalanilmoqda.

S.Elmirzayev aksiyalarni ommaviy joyashtirish amaliyotini atroflich'a tadqiq qilgan. "Puxta tayyorgarlik muvaffaqiyatlari IPO uchun har tomonlama asos vazifasini o'tab beradi. Ichki tayyorgarlik ta'minlanib, tegishli hamkorlar bilan kelishilgach, qaysi birjaga chiqish tanlangan holda har tomonlama asosli aksiyalar narx diapazonini

belgilashga e'tibor qaratiladi. Aksiyalarga bitta investor tomonidan ariza berish bo'yicha miqdor chegarasini belgilash ham mazkur jarayonda muhimdir. Shuningdek, arizalar qabul qilish vaqtini iqtisodiyotning joriy holatidan kelib chiqqan holda belgilash lozimligini shu o'rinda alohida ta'kidlash lozim. Chunki, Kvars, Qo'qon mexanika zavodi, Uzauto Motors aksiyadorlik jamiyatlarini aksiyalarini ommaviy joylashtirish amaliyotlari qishda tashkil etilganligi ham talabning past bo'lishiga sabablardan biridir. Chunki aynan qish faslida aholi daromadlari nisbatan pasayishi va xarajatlarning esa ortishi sharoitida ularga aksiya taklif qilish o'z natijasini yetarli darajada bermaydi. Aksiyalarni ommaviy joylashtirish yakunlanganligi, IPO amaliyoti tugaganligini o'zida namoyon qilmaydi. IPOdan keyingi bosqich ham mavjud bo'lib, unga ko'ra investorlar bilan o'zaro manfaatli munosabatlarni davom ettirish zarur. Buning uchun esa bozor daromadliligidan kelib chiqqan holda dividendlar muntazamligini ta'minlash orqali investitsion jozibadorlikni saqlab turish lozim bo'ladi. Mazkur jihat aksiyalar kursi ko'tarilishi hisobigi bir tomonidan investorlar aktiv daromadi ortishiga xizmat qilsa, ikkinchi tomonidan keyingi qo'shimcha aksiyalar emissiyasi joylashtirish uchun tekin reklama vazifasini o'tab beradi" [4]. IPO amaliyotini tashkil etish bosqichlarini to'g'ri amalga oshirish va ketma-ketlikka rioya etish amaliyotni muvaffaqiyatli amalga oshirish imkonini beradi.

J.Qurbanov, S.Omonov va N.Nuraliyevalar fikricha, "moliya bozorida aksiyalarni dastlabki ommaviy joylashtirish (IPO) orqali katta miqdorda kapital (mablag'lar) jalb qilish, aksiyalar narxining oshishiga erishish, investitsion jozibadorlikni oshirish, o'zining xalqaro imidjini shakllantirish kabi jihatlarga erishish mumkin. Bunda moliyaviy maslahatchi va

anderrayter sifatida tanlangan institutsional investorlarning ahamiyati yuqoriligini e'tirof etish lozim" [5].

Yuqoridagi tadqiqotchilarining fikr-mulohazalarini inobatga olgan holda ta'kidlash mumkinki, milliy amaliyotimizda aksiyalarni ommaviy joylashtirish amaliyotini to'g'ri tashkil etish, optimal usullardan foydalanish hamda bu orqali mamlakatimizdagi davlat ishtirokidagi aksiyadorlik jamiyatlarini xususiylashtirish jarayonini tezlashtirish lozim.

Tadqiqot metodologiyasi

Davlat ishtirokidagi aksiyadorlik jamiyatlarida aksiyalarni ommaviy joylashtirish amaliyotini tashkil etish masalalarini o'rganishda taqqoslama tahlil, statistik tahlil, induksiya, deduksiya kabi usullardan foydalanilgan.

Natija va muhokama

Davlat ishtirokidagi aksiyadorlik jamiyatlarini IPO amaliyoti orqali xususiylashtirishda kompaniya IPOga tayyorligini aniqlashda e'tibor qaratilishi lozim bo'lgan bir qator jihatlar mavjud. Jumladan, kompaniyaning rentabelligi, o'sish istiqbollari hamda uning kelajakdagi moliyaviy natijalarini prognoz qilish imkoniyati, boshqaruv jamoasi va direktorlar kengashining ochiq kompaniyaga o'tish va muvaffaqiyatga erishish qobiliyati, rahbariyatning investorlar bilan aloqalar talablarini qondirish qobiliyati, kompaniyaning raqobatbardosh pozitsiyasi, umumiylar bozorlar holati va muayyan kompaniya sanoati uchun bozor sharoitlari va boshqalarni alohida ta'kidlab o'tish lozim (1-rasm).

Kompaniyaning rentabelligi, o'sish istiqbollari hamda uning kelajakdag'i moliyaviy natijalarini prognoz qilish imkoniyati

Kompaniyaning aniq, yaxlit strategiyasini ifodalash qobiliyati va uning strategiyasi bilan muvaffaqiyatga erishishda kuchli tomonlari

Boshqaruv jamoasi va direktorlar kengashining ochiq kompaniyaga o'tish va muvaffaqiyatga erishish qobiliyati

Rahbariyatning investorlar bilan aloqalar talablarini qondirish qobiliyati

Kompaniyaning intellektual mulk pozitsiyasining mustahkamligi va asosiy tijorat kelishuvlarini ifodalash qobiliyati

Kompaniyaning raqobatbardosh pozitsiyasi

Umumiy bozorlar holati va muayyan kompaniya sanoati uchun bozor sharoitlari va boshqalar

1-rasm. Kompaniya IPOga tayyorligini aniqlashda e'tibor qaratilishi lozim bo'lgan jihatlar [6]

Mamlakatimiz iqtisodiyotida davlat ulushini kamaytirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 18-martdagi PQ-168-son Qarori qabul qilindi. Mazkur Qarorda bir qator davlat ishtirokidagi aksiyadorlik jamiyatlari va xo'jalik boshqaruv organlarini xususiylashtirish belgilab berildi (1-jadval).

1-jadval

Xususiylashtirilishi belgilangan davlat ishtirokidagi aksiyadorlik jamiyatlari tarkibi [7]

T/r	Aksiyadorlik jamiyat nomi	Hudud	Ulush miqdori (foiz)
1.	"Toshkent mexanika zavodi" AJ	Toshkent shahri	81,12
2.	"Olmazor KSZ" AJ	Toshkent shahri	7,68
3.	"O'zog'irsanoatloyiha" AJ	Toshkent shahri	7,95
4.	"Portlatishsanoat" AJ	Toshkent shahri	66,03
5.	"Janubsanoatmontaj" AJ	Navoiy viloyati	20,68
6.	"Ohangaronshifer" AJ	Toshkent viloyati	53,97
7.	"Shimbay may ashik" AJ	Qoraqalpog'iston Respublikasi	90,2
8.	"Podyomnik" AJ	Toshkent shahri	9,8
9.	"UZBAT" AJ	Toshkent shahri	2,6

1-jadvaldan ko‘rish mumkinki, yaqin muddatda bir qator yirik aksiyadorlik jamiyatlarini bosqichma-bosqich xususiylashtirish belgilangan bo‘lib, ular qatorida “Toshkent mexanika zavodi” AJ, “Ohangaronshifer” AJ, “UZBAT” AJ kabi yirik aksiyadorlik jamiyatlari mavjudligini ko‘rish mumkin.

2-jadval

Aksiya paketlari “bitta aksiya — bitta lot” tamoyili asosida mahalliy fond bozorida xalq IPOsini o‘tkazish tartibi asosida ommaviy savdolar orqali xususiylashtiriladigan korxonalar ro‘yxati [8]

T/r	Nomi	Davlat ulushi, foiz	Sotiladigan aksiyalar	
			foiz	dona
1.	“Navoiy KMK” AJ	100	2,0	300 000 000
2.	“Olmaliq kon-metallurgiya kombinati” AJ	98,54	2,0	12 300 297
3.	“O‘zbekiston metallurgiya kombinati” AJ	84,4	2,0	9 330 978
4.	“UZBAT” AJ	2,6	2,6	641 747
5.	“O‘zbektelekom” AJ	96,57	2,0	5 746 211
6.	“O‘zsanoatqurilishbank” ATB	95,2	2,0	4 878 435 656
7.	“Asakabank” ATB	98,96	2,0	842 745 407
8.	AT “Xalq banki”	100	2,0	148 667 596
9.	“Qishloqqurilishbank” ATB	98,34	2,0	311 141 316
10.	“Aloqabank” ATB	66,6	2,0	223 319 146
11.	“Turonbank” ATB	98,77	2,0	17 460 499
12.	“Mikrokreditbank” ATB	98,9	2,0	66 429 463
13.	“Ipak yo‘li” ATB	0,0003	0,0003	192 888
14.	“Trastbank” ATB	0,001	0,001	598
15.	“Garantbank” ATB	0,01	0,01	294 396
16.	“O‘zbekinvest” EISK AJ	83,33	7,33	20 686 463
17.	“Alskom” AJ	3,9	3,9	1 137 311
18.	“O‘zagrosug‘urta” AJ*	94,5	2,0	664 617
19.	“O‘ztemiryo‘lkonteyner” AJ	90	4,0	134 651
20.	“Dori-darmon” AJ	36,1	20,0	4 014 400
21.	“O‘zbekiston Respublikasi Tovar-xomash-yo birjasi” AJ*	26,4	2,0	1 499 168
22.	“O‘zbekgeofizika” AJ	96,8	2,0	23 240 292
23.	“Qurilishmashlizing” AJ	73,5	22,5	3 825 000
24.	“O‘zog‘irsanoatloyiha” AJ	81,7	5,7	671 238
25.	“Toshuyjoyliti” AJ	61,5	10,5	482 084
26.	“Tashgiprogor” AJ	41,8	15,8	85 673
27.	“Boshtransloyiha” AJ	32,1	6,1	271 556
28.	“Andijon biokimyo zavodi” AJ	96,0	20,0	2 541 782
29.	“O‘zbekneftgaz” AJ	99,94	2,0	849 738 934
30.	“Hududgazta’midot” AJ	100	2,0	529 261 741
31.	“Issiqlik elektr stansiyalari” AJ	99,99	2,0	3 993 422
32.	“O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” AJ	100	2,0	1 040 462 222
33.	“Hududiy elektr tarmoqlari” AJ	100	2,0	1 693 616 290

34.	“O‘zbekgidroenergo” AJ	100	2,0	146 221 337
35.	“Minora qurilish ekspeditsiyasi” AJ	37,1	11,1	3 588 800
36.	“Janubsanoatmontaj” AJ	20,7	20,7	337 653
37.	“Qo‘qon neftgaz parmalash ishlari” AJ	61,3	10,3	33 424 896
38.	“Ko‘priqurilish” UK**	100	2,0	-
39.	“Elektron onlayn-auksionlarni tashkil etish” DUK**	100	10,0	-
40.	“Qimmatli qog‘ozlarning markaziy depozitariysi” DUK**	100	10,0	-

* Davlat ulushi ustun mavqega ega bo‘lgan xo‘jalik jamiyati ulushi sotiladi;

** Aksiyadorlik jamiyati sifatida qayta tashkil etilgandan so‘ng sotiladi.

2023-yil 24-martda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-102-sodn Qarori qabul qilingan bo‘lib, mazkur Qarorda iqtisodiyotda davlat ishtirokini qisqartirishning qo‘srimcha chora-tadbirlari aks ettirilgan. Mazkur Qarorda aksiya paketlari “bitta aksiya — bitta lot” tamoyili asosida mahalliy fond bozorida xalq IPOsini o‘tkazish tartibi asosida ommaviy savdolar orqali xususiylashtiriladigan korxonalar ro‘yxati shakllantirilganligini kuzatish mumkin (2-jadval).

Eng yaxshi takliflarni tanlab olish asosida professional tashkilotlar savdo jarayonlarini tashkil etish uchun jalg’ etilishi mumkin;

Mahalliy investorlarga “E-auksion” elektron savdo platformasi, shu jumladan mobil ilovasi orqali real vaqt rejimida ularni identifikatsiya qilish, investitsiya vositachilar bilan shartnomaga tuzish va depo hisob raqamini ochish imkoniyati yaratiladi;

Aksiyalarni sotib olishda “E-auksion” elektron savdo platformasida barcha investitsiya vositachilar va ularning mijozlari ishtirok etishi uchun teng sharoitlar yaratiladi;

Aksiyalarni sotib olish uchun elektron arizalar mahalliy investorning o‘zi tomonidan yoki investorlar nomidan harakat qiluvchi investitsiya vositachisi orqali berilishi mumkin;

Onlayn auksionlar yakunlariga ko‘ra oldi-sotdi shartnomalari qimmatli qog‘ozlar savdolari tashkilotchilarining savdo maydonchalaridan tashqarida ro‘yxatdan o‘tkaziladi va uning natijasi to‘g‘risidagi ma’lumot investorning shaxsiy kabinetiga yuboriladi.

2-rasm. Aksiya paketlari “bitta aksiya — bitta lot” tamoyili asosida mahalliy fond bozorida xalq IPOsini o‘tkazishda belgilangan ayrim jihatlar [9]

2-rasmida aksiya paketlari “bitta aksiya — bitta lot” tamoyili asosida mahalliy fond bozorida xalq IPOsini o‘tkazishda belgilangan ayrim jihatlarga e’tibor qaratilgan. Eng yaxshi takliflarni tanlab olish asosida professional tashkilotlar savdo jarayonlarini tashkil etish uchun jalg’ etilishi mumkinligi, mahalliy investorlarga “E-auksion” elektron savdo

platformasi, shu jumladan, mobil ilovasi orqali real vaqt rejimida ularni identifikatsiya qilish, investitsiya vositachilar bilan shartnoma tuzish va depo hisob raqamini ochish imkoniyati yaratilishi, aksiyalarni sotib olishda “E-auksion” elektron savdo platformasida barcha investitsiya vositachilar va ularning mijozlari ishtirok etishi uchun teng sharoitlar yaratilishi kabilar belgilab qo‘yilgan.

Xulosा

Davlat ishtirokidagi aksiyadorlik jamiyatlarida aksiyalarni ommaviy joylashtirish amaliyotini tashkil etish masalalarini o‘rganish asosida quyidagi xulosalar shakllantirilgan.

Birinchidan, davlat ishtirokidagi aksiyadorlik jamiyatlarida aksiyalarni ommaviy joylashtirish amaliyotini tashkil etish iqtisodiyotda davlat ulushini qisqartishning optimal yo‘llaridan biri hisoblanadi.

Ikkinchidan, davlat ishtirokidagi aksiyadorlik jamiyatlarida aksiyalarni ommaviy joylashtirish amaliyotini tashkil etishda xalqaro amaliyotda keng qo‘llaniladigan book-building hamda belgilangan narx usullarining ijobilijihatlarini tatbiq etish lozim.

Uchinchidan, davlat ishtirokidagi aksiyadorlik jamiyatlarida aksiyalarni ommaviy joylashtirish amaliyotini tashkil etishda ustav kapitalining katta qismini fond bozoriga chiqarish xususiylashtirish jarayonini tezlashtirish hamda investorlarning qiziqishini oshirishga xizmat qiladi.

To‘rtinchidan, davlat ulushi qisqartirilishi belgilangan aksiyadorlik jamiyatlarining barchasida mazkur jarayonlarni muvaffaqiyatli amalga oshirilishini ta‘minlash zarur. Aks holda, investorlar orasida davlat ulushi mavjud aksiyadorlik jamiyatlariga nisbatan ishonchszilik kayfiyati yuzaga kelishi mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Ljungqvist A. IPO underpricing //Handbook of empirical corporate finance. – 2007. – С. 375-422.
2. Ritter J. R., Welch I. A review of IPO activity, pricing, and allocations //The journal of Finance. – 2002. – Т. 57. – №. 4. – С. 1795-1828.
3. Ping Jiang, Xinjian Shao, Yi Xue. The role of a long-term investor-underwriter relationship in auctioned IPOs. // Journal of Banking & Finance, Volume 135, February 2022. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0378426621003484>
4. Элмираев С. ХАЛҚЧИЛ ИРО ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ЎТКАЗИЛИШИ КЕРАК? //Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка. – 2023. – С. 116-121.
5. Курбонов Жавлонбек Жўрабекович, Омонов Сардор Ўлмасович, Нуралиева Дилдора Нурали Қизи. ХАЛҚАРО ИРО АМАЛИЁТЛАРИ ТАХЛИЛИ: ТАШКИЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕСТОРЛАР ИШТИРОКИ // Экономика и финансы (Узбекистан). 2021. №1 (137). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/hal-aro-ipo-amaliyotlari-ta-lili-tashkil-hususiyatlari-va-institutsional-investorlar-ishtiroki> (дата обращения: 10.05.2023).
6. Kurbonov J., Omonov S., Khamzaev K. PRACTICES OF PUBLIC OFFERING OF STOCKS IN CAPITAL MARKET DEVELOPMENT: FOREIGN EXPERIENCE AND

- SPECIFICATIONS //International Finance and Accounting. – 2022. – T. 2022. – №. 1. – С. 15.
7. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Iqtisodiyotda davlat ishtirokini yanada qisqartirish va xususiy lashtirishni jadallashtirishga oid qo‘srimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” PQ-168-son Qarori, 1-ilova. 18.03.2022. <https://lex.uz/docs/-5918980>
 8. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Iqtisodiyotda davlat ishtirokini qisqartirishning qo‘srimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” PQ-102-son Qarori, 24.03.2023. 1a-ilova. <https://lex.uz/docs/-6417192>
 9. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Iqtisodiyotda davlat ishtirokini qisqartirishning qo‘srimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” PQ-102-son Qarori, 24.03.2023. <https://lex.uz/docs/-6417192>

УЎТ 33.330(333.01)

Эргашев Мухиббек Аслам ўғли,
Банк-молия академияси мустақил изланувчиси

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ
БАРҚАРОРЛИГИГА ВА УНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИГА ТАЪСИР
ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ТАСНИФИ**

Эргашев Мухиббек Аслам угли,
самостоятельный соискатель Академии банковского дела и финансов

**КЛАССИФИКАЦИЯ ФАКТОРОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА ФИНАНСОВУЮ
УСТОЙЧИВОСТЬ АКЦИОНЕРНЫХ ОБЩЕСТВ И СИСТЕМА ЕЕ
УПРАВЛЕНИЯ**

Ergashev Muhibbek Aslam o‘g‘li,
independent researcher of the Academy of Banking and Finance

**CLASSIFICATION OF FACTORS AFFECTING THE FINANCIAL
STABILITY OF JOINT-STOCK COMPANIES AND ITS MANAGEMENT
SYSTEM**

¹⁰ ISO (Халқаро стандартлаштириш ташкилоти) – ҳалқаро стандартларни ишлаб чиқарувчи дунёдаги энг йирик компания. Ушбу ҳалқаро стандартлар махсулотлар, хизматлар ва энг яхши амалиётлар. Бу саноатни янада самараали қиласи. Стандартлар глобал консенсус орқали яратилади, шунинг учун улар тўсикларни енгишга ёрдам беради.

¹¹ SA 8000 – бутун дунё бўйлаб меҳнат шароитларини яхшилаш учун мўлжалланган ҳалқаро стандарт. Ушбу стандарт Ҳалқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) конвенциялари, Инсон ҳукуклари умумжаҳон декларацияси тамойилларига асосланади. Талаблар ходимларнинг ҳимояси, ҳурмати ва хавфсизлигини таъминлашга, шунингдек, меҳнат муносабатлари жарабёнида инсон ҳукукларининг бузилиши ҳолатларини истисно қилишга қаратилган.

хусусиятларини таъминлаш: долзарбилиги, тўлиқлиги ва аниқлиги, шаффоғлиги, долзарбилиги ва бошқалар.

Вазифанинг амалга оширилишини таъминлаш учун қуийдаги шартларни бажариш керак: ходимларнинг стандартлар талаблари тўғрисида хабардорлиги, зарур маълумотларни ўлчаш имконияти мавжудлиги, ошкор қилишнинг етарлилигини баҳолаш учун малакали кадрларнинг мавжудлиги, турли бўлимлардан маълумотларни бирлаштириш имкониятини таъминлаш.

Назорат функциясининг бир қисми бўлган ички аудитга келсак, унинг учун янги вазифа ички назоратдаги

ўзгаришларнинг самарадорлигини баҳолаш, уни такомиллаштириш имкониятларини аниқлаш бўлади. Бинобарин, ички аудитор барқарор инновацион ривожланиш устидан назоратни услубий кўллаб-куватлайди.

Шундай килиб, ташкилотнинг барқарор ривожланиш га йўналтирилганлиги назорат функциясининг жавобгарлик соҳасининг сезиларли даражада кенгайишига олиб келади. Назорат функциясининг самарадорлигини таъминлаш учун ички назорат ва ички аудитни ташкил этиш усусларини такомиллаштириш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Декларация Генеральной Ассамблеи ООН: Преобразование нашего мира: Повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года // Генеральная Ассамблея ООН : официальный сайт.
2. Устойчивое развитие в фокусе внимания советов директоров. Опрос членов советов директоров российских компаний // PwC. – 2022.
3. Morgan Stanley Capital International: официальный сайт. – URL: <https://www.msci.com/documents/10199/11c1879f-0e33-4a60-a8f1-fe365f05ece/> (дата обращения: 21.10.2019). – Текст : электронный.
4. BP: официальный сайт. – URL: <https://www.bp.com/> (дата обращения: 01.11.2020). – Текст : электронный.
5. COVID-19 — How chief audit executives are responding in the next // EY: официальный сайт. – 2020. – Текст : электронный. – DOI отсутствует. – URL: https://assets.ey.com/content/dam/ey-sites/ey-com/en_gl/topics/consulting/eycovid-19-cae-survey-insights-next.pdf.download (01.03.2021).
6. Internal Controls Survey 2020 // PwC: официальный сайт. – 2020. – Текст: электронный. – DOI отсутствует. – URL: <https://www.pwc.be/en/FY21/documents/2020-internal-controlssurvey.pdf>(дата обращения: 01.10.2020).

УЎТ 658.1/657

Абдиева Наргиза Шухратовна,
Тошкент молия институти
«Аудит» кафедраси доценти

ИЧКИ АУДИТДА ТАҲЛИЛИЙ АМАЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Абдиева Наргиза Шухратовна,
Доцент кафедры «Аудит»
Ташкентского финансового института

ПРИМЕНЕНИЕ АНАЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕДУР В ВНУТРЕННЕМ АУДИТЕ

Abdieva Nargiza Shukhratovna,
*Associate Professor of the Audit Department
Of the Tashkent Institute of Financial*

APPLICATION OF ANALYTICAL PROCEDURES IN INTERNAL AUDIT

Аннотация. Мақолада ички аудитда таҳлилий амалларни қўллашнинг аҳамияти, таҳлилий амалларнинг турлари ва уларни ички аудиторлик текшируви жараёнида қўллаш изоҳланган, таҳлилий амаллар бўйича миллий ва хорижий олимларнинг илмий қарашлари ўрганилган ва корхона молиявий барқарорлиги таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: таҳлилий амаллар, ички аудит, ички назорат тизими, ҳалқаро аудит стандартлари, самарадорлик, молиявий таҳлил, молиявий ҳисобот, горизонтал таҳлил, тренд таҳлили, ички бенчмаркинг, ташқи бенчмаркинг, тўловга лаёқатлилик, молиявий барқарорлик.

Аннотация. В статье обоснована важность использования аналитических процедур в внутреннем аудите, виды аналитических процедур и их использование в процессе внутреннего аудита, изучены научные взгляды отечественных и зарубежных ученых на аналитические процедуры, а также приведен анализ финансовой устойчивости предприятия.

Ключевые слова: аналитические процедуры, внутренний аудит, система внутреннего контроля, международные стандарты аудита, эффективность, финансовый анализ, финансовая отчетность, горизонтальный анализ, трендовый анализ, внутренний бенчмаркинг, внешний бенчмаркинг, платёжеспособность, финансовая устойчивость.

Annotation. The article substantiates the importance of using analytical procedures in internal audit, types of analytical procedures and their use in the internal audit process, studies

the scientific views of domestic and foreign scientists on analytical procedures, and also provides an analysis of the financial stability of the enterprise.

Keywords: analytical procedures, internal audit, internal control system, international auditing standards, efficiency, financial analysis, financial statements horizontal analysis, trend analysis, internal benchmarking, external benchmarking, solvency, financial stability.

Кириш

Хозирги иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида ички аудит корхонанинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлашда жуда юқори потенциалга эга бўлган, бошқарув воситаларидан бири сифатида намоён бўлади. Ички аудит корпоратив бошқарув воситаси сифатида корхона фаолияти мақсадларига эришиш, мавжуд рискларни бошқариш, ички назорат самарадорлигини ошириш, хато ва камчиликлар, фирибгарлик ҳолатларининг олдини олиш ва самарали бошқарувни ташкил этишга ёрдам беради.

Ички аудит хизматининг асосий вазифалари кузатувчи кенгашни ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхона бошқарув органларига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилишдан иборат бўлиб, кузатув кенгашига ишончли ва сифатли ахборот тайёрлашда таҳлилий амаллар катта аҳамият касб этади[1]. Таҳлилий амаллар аудиторлик текшируви жарёнида етарли даражада ишончли аудиторлик далилларини йиғишда фойдаланиладиган энг асосий аудиторлик амалларидан бири бўлиб, улар аудиторлик текширувининг ҳар бир босқичида қўлланилиши мумкин.

Таҳлилий амаллар ички аудиторларга ноконуний битим ва шартномалар, ташкилот фаолиятидаги ўзгаришлар, самарадорлик, рентабеллик кўрсаткичларининг пасайиши, хато ва фирибгарлик ҳолатлари, режалаштирилган кўрсаткичларга етишмаслик, меъёдан четга чиқиши

каби ҳолатларни аниқлашга ёрдам беради. Бунда ахборотни таҳлил қилишнинг турли методларидан фойдаланиш, таҳлилий амаллар натижавийлигини оширади.

Мавзуга оид адабиётлар шархи

“Таҳлилий амаллар” – молиявий ва молиявий бўлмаган ахборотлар ўртасидаги эҳтимолий ўзаро боғлиқликни таҳлил қилиш орқали молиявий ахборотларни баҳолашни англатади[8]. Таҳлилий амаллар моливий ахборот элементларини ўзаро солишириш(масалан ялпи даромаднинг йилар кесимида фоизда ўзгариши) ёки молиявий ахборотни тегишли молиявий бўлмаган ахборот билан ўзаро солиширишни (масалан, иш ҳақи фонди харажталари ва ишчиходимлар сони) тақозо этади.

Ички аудит фаолиятида ахборотларни таҳлил қилиш кенг тушунча ҳисбланиб, иқтисодчи олим, проф.М.Пардаев иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан бири – бу корхонанинг молиявий ва иқтисодий потенциалига баҳо бериш, уларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усусларини ишлаб чиқишдан иборатлигини таъкидлайди[6].

И.ф.д., проф. А.Авлоқулов таҳлилий амаллар бухгалтерия ҳисоби ахборотларининг тўғрилиги ва молиявий ҳисботот кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлашда муҳим ўрин тутишини таъкидлаган[2].

Л.П. Домрачева таҳлилий амалларни қўллаш аудит сифатига таъсир қилмаган ҳолда сермехнат хужжатли текширув ҳажмини қисқартиришнинг энг самарали усусларидан бири сифатида изохлади[4].

Н.Хажимуратов таҳлилий амалларни кўллашнинг ижобий томонларини кенгроқ очиб берган бўлиб, аудиторлик текширувларида таҳлилий амаллар улушкини ошириш:

– аудит ўтказилаётган иқтисодиёт субъектининг фаолиятини ташкил қилиш ва самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши;

– аудиторлик текшируви и методологиясини тақомиллаштириш ва аудит ўтказилаётган субъект фаолиятини тўлароқ баҳолаш ҳисобига аудитор томонидан қабул қилинадиган қарорлар сифатини ошириш;

– аудиторлик тестлари вақти ва меҳнат сифимини қисқартиришга имкон берини таъкидлаб ўтган [7].

Ички аудиторлар таҳлилий амалларни асосан режалаштириш ва ички аудитни ўтказиш босқичларида амалга оширишлари керак. Режалаштириш босқичида таҳлилий амаллар рискларни баҳолаш мақсадида амалга оширилса, аудиторлик текшируви жараёнида муҳим коэффициентларни таҳлил қилишда, шунингдек, молиявий ва молиявий бўлмаган ахборотнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш мақсадида қўлланилади, яъни аудит жараёнида олинган ахборотни баҳолаш имконини беради.

О.Кришкин ички аудиторлар томонидан таҳлилий амалларни куйидаги ҳолатларда қўллаш мақсадида мувофиқлигини изоҳлаган:

– режалаштириш босқичида рискларни аниқлаш;

– натижавий тестлаш, заиф нуқталарни аниқлаш учун жараёнларнинг истиқболлигини баҳолаш;

– тенденцияларни аниқлаш;

– жараёнлар ҳолатининг умумий таҳлили;

– аниқланган камчиликларни бартараф этишда таҳлилий амаллар натижаларидан фойдаланиш [5].

Urton L.Anderson таҳлилий амалларни аудиторлик топшириғини бажариш жарёнида ички аудитор томонидан аниқланган ёки тайёрланган ахборот билан солишириш орқали олинган ахборотни баҳолаш деб изоҳлайди ва у куйидагиларни ўз ичига олишини белгилаган:

– молиявий ҳисботлар таҳлили;

– нисбатлар таҳлили, яъни молиявий ва тегишли молиявий бўлмаган кўрсатикчлар динамикаси таҳлили;

– тренд таҳлили (горизонтал таҳлил);

– прогноз таҳлили;

– ташкил бенчмаркинг;

– ички бенчмаркинг [9].

Бу ерда бенчмаркинг деганда корхона фаолияти кўрсаткичларини фаолияти ва ҳажми жиҳатидан ўхшаш корхона кўрсаткичлари билан таққослаш тушунилади. Тегишли равишида ташкил бенчмаркинг бошқа ўхшаш корхона билан таққослаш, ички бенчмаркинг корхона таркиби тузилмасидаги ўхшаш ташкилотлар кўрсаткичларини ўзаро таққослашни англатади.

Рус олими и.ф.н., доцент Варкулевич таҳлилий амаларни ички аудитнинг алоҳида функциялари сифатида изоҳлайди: сотиш ҳажми, даромад, таннархни оптимал бошқариш; асосий фондлар, моддий ресурсларни самарали ишлатиш; бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг мониторингини амалга ошириш, корхонанинг молиявий барқарорлигини, тўловга лаёқатлилигини, молиялаштириш манбаларини, ишлаб чиқариш ва молиявий рискларни бошқариш имконини берувчи корхонанинг хўжалик фаолиятини комплекс иқтисодий таҳлили ички аудитнинг алоҳида функцияларини ташкил киласди [3].

Тўғри амалга оширилган таҳлилий амаллар аудит иш ҳажмини камайтириш, хато ва камчиликларни аниқлашда аудиторлик текшируви самарадорлигини

оширишга ёрдам беради. Бунда аудитор томонидан корхона фаолиятидаги ўзгаришлар, бухгалтерия ҳисоби методлари ёки жорий ҳисбот йилида юз берган бозор муносабатлари ҳақида ахборотга эга бўлиши лозим. Бу каби тушунчалар аудиторга молиявий кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни ёки ушбу алоқадорликдаги оғишишларни аниқлашга ёрдам беради.

Шу ўринда самарали корпоратив бошқарув COSO модели ҳам молиявий ва молиявий бўлмаган ахборотнинг ўзаро алоқадорлиги таҳлили, молиявий ҳисботнинг ички ва ташқи назорати ички назоратнинг самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга лигини таъкидлайди[10].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, индукция ва дедукция, абстракт-мантиқий фикрлаш, гурӯхлаш, қиёсий таққослаш каби усуслардан фойдаланилган.

Натижа ва муҳокама

Таҳлилий амалларни қўллашда оддий солиширишдан тортиб, энг мураккаб статистик методларгача бир қанча методлардан фойдаланиш мумкин бўлиб, у молиявий ҳисботларга, шу жумладан, консолидациялашган молиявий ҳисботларга ҳамда молиявий ҳисботларнинг алоҳида элементларига нисбатан ва тегишли молиявий бўлмаган ахборотга нисбатан қўлланилиши мумкин.

1-жадвал

Ички аудиторлик текшируви жараёнида қўлланилувчи таҳлилий амаллар турлари¹

№	Ички аудит босқичлари	Таҳлилий амаллар турлари
1.	Ички аудиторлик текширувани режалаштириш босқичи	Ички назорат тизимини баҳолаш. Мавжуд рискларни аниқлаш мақсадида тестлаш. Ҳисботни ўқиш. Молиявий ҳисботнинг горизонтал ва вертикал таҳлили
2.	Ички аудиторлик текширувани ўтказиш босқичи	Корхона фаолияти комплекс таҳлили. Молиявий ҳисбот кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликда оғишишлар аниқланганда, қўшимча таҳлилий амаллар. Батафсил тестлаш. Кутилмаган оғишишлар бўйича текширув. Молиявий ахборотни тегишли молиявий бўлмаган ахборот билан таққослаш. Амалдаги маълумотларни прогноз кўрсаткичлар билан таққослаш. Жорий ҳисбот маълумотларини ўтган йиллар ҳисбот маълумотлари билан таққослаш. Коэффициентлар таҳлили. Статистик методларга асосланган таҳлил. Корреляцион таҳлил ва б.

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

3.	Якуний босқич	Ҳисобот санасидан кейин содир бўлган ҳодисалар таҳлили. Банкротлик рискини аниқлаш. Фирибгарлик рискини аниқлаш. Корхона фаолияти узлуксизлигини баҳолаш. Олинган натижаларни ва аудиторлик далилларини баҳолаш
----	---------------	---

Ушбу жадвалдан кўришимиз мумкинки, режалаштириш босқичида таҳлилий амаллар ички риск мавжуд бўлган соҳалар, аудиторлик тешируви стратегияси, йўналиши, хажми ва ўтказиш тартибини аниқлашга ҳамда ички аудиторлик текширувани сифатли ва белгиланган муддатда ўтказишига ёрдам берса, бевосита ички аудиторлик текширувани ўтказиш жараёнида таҳлилий амаллар ишончли аудиторлик далилларини йиғишига ёрдам беради. Якуний босқичда эса олинган ахборот, далиллар, текширув натижаларини баҳолаш ва аниқланган камчиликлар бўйича тавсияларни ишлаб чиқишида катта аҳамият касб этади.

Ички аудиторлар айнан қайси методни кўллашни профессионал мулоҳаза қилиш орқали танлайди. Бунда ички аудитор қуидаги омилларни ҳисобга олиши керак:

- Ўрганилаётган соҳанинг аҳамияти;
- ички назорат тизимининг самарадорлиги;
- молиявий ва молиявий бўлмаган ахборотнинг ишончлилиги ва уни олиш имкони мавжудлиги;
- таҳлилий амаллар натижаларининг аниқлик дараҷаси;
- корхона фаолият юритаётган соҳага тегишли ахборотни олиш ва таққослаш имконияти.

Бугунги кунда темир йўл соҳаси Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётнинг энг йирик ва ажралмас йўналишларидан бири бўлиб, ушбу соҳа кўрсаткичларининг макро ва микро дараҷадаги таҳлили унинг барқарор фаолият юритишининг асосий инструментларидан бири сифатида намоён бўлади. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ каби йирик компанияларнинг молиявий ҳолати таҳлили корхонанинг тўловга лаёқатлиигини, молиявий барқарорлигини баҳолашга ёрдам беради.

2-жадвал

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили²

№	Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.		2019й.		2020	
			Киймати	Ўзгариши (2017 й.га нисбатан)	Киймати	Ўзгариши (2017 й.га нисбатан)	Киймати	Ўзгариши (2017 й.га нисбатан)
1.	Молиявий мустакиллик коэффициенти	0,464	0,512	10,23%	0,481	3,63%	0,439	-5,39%

² “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2.	Молиявий барқарорлик коэффициенти	0,93	0,948	1,93%	0,944	1,45%	0,949	2,03%
3.	Жорий ликвидлик коэффициенти	6,319	6,962	10,17%	5,849	-7,44%	6,989	10,60%
4.	Тез ликвидлик коэффициенти	1,103	1,106	0,24%	1,241	12,48%	1,785	61,80%
5.	Мутлақ ликвидлик коэффициенти	0,257	0,473	83,99%	0,412	60,07%	0,337	31,15%
6.	Ҳаракатчанлик коэффициенти	0,802	0,606	-24,44%	0,57	-28,96%	0,698	-13,03%
7.	Банкротликни башорат қилиш коэффициенти	0,372	0,31	-16,71%	0,274	-26,38%	0,306	-17,72%
8.	Молиялаш коэффициенти	1,155	0,955	-17,31%	1,079	-6,54%	1,278	10,64%
9.	Кумулятив фойдалилк коэффициенти	0,0002	0,0013	553,4%	0,004	1898%	0,004	1692%

2-жадвалда таҳлилий амаллар сифатида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ баланси молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлилини кўриб чиқамиз.

Ушбу жадвалдан кўришимиз мумкинки, корхона активларининг деярли 50%ни кредит хисобига олинган бўлиб, молиявий мустақиллик коэффициенти 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 10,23%га ошган, 2020 йилда эса 2017 йилга нисбатан 5,39% га камайган, бу кредиторлик қарзнинг 2017 йилга нисбатан ошганини кўрсатади.

Молиявий барқарорлик коэффициенти барча таҳлил қилинган даврларда меъёр даражасида бўлиб, йиллар кесимида деярли ўзгаришлар рўй бермаган.

Жорий ликвидлилк коэффициенти корхона жорий активлари хисобига қисқа муддатли қарзларини қоплай олиш қобилиятини кўрсатиб, таҳлил натижаларидан корхона жорий ликвидлиги юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

Тез ликвидлилк коэффициенти ҳам 1 дан юқори кўрсаткични ташкил этиб, корхона томонидан юқори ликвидли активлари билан қисқа муддатли қарзларини қоплай олиш қобилиятини кўрсатмоқда. Ушбу кўрсаткич 2020 йилда 2017 йилга нисбатан 61,80%га ошганини кўришимиз мумкин.

Мутлақ ликвидлик коэффициенти ҳам меъёрда бўлиб, корхона томонидан нул маблағларини самарали ишлатиши тўғрисида ахборот беради.

Банкротликни башорат қилиш коэффициенти корхона томонидан захиралар реализациясидан кейин таҳлил қилинган ҳар бир даврда мажбуриятларни бажара олишини кўрсатмоқда.

Молиялаш коэффициенти таҳлили корхона томонидан факатгина 2018 йилда фаолияти кўпроқ қарз маблағлари хисобига молиялаштирилганини, кейинги йилларда эса кўпроқ ўз маблағлари хисобига молиялаштирилганини

кўрсатмоқда ва ушбу кўрсаткич ҳам меъёр даражасида эканлигини кўрсатмоқда.

Бундан келиб чиқиб корхона тўловга лаёқатли, молиявий мустақил ва таҳлил қилинган даврлар кесимида банкротлик прогнози йўқлигини кўрсатмоқда.

Хулоса

Изланиш натижалари шуни кўрсатадики, таҳлилий амаллар ички назорат тизими ва аудит иш сифатини оширувчи, аудиторлик текширувига сарфланадиган вақт ва харажатни минималлаштиришга ёрдам берувчи инструментлардан бириси бўлиб:

– ички аудитда таҳлилий амалларни кўллаш уни рискка йўналтирилган тарзда ташкил килишга ёрдам беради;

– тўғри режалаштирилган ва амалга оширилган таҳлилий амаллар аудиторлик текшируви ҳажмини қисқартиришга ва аудит иш сифатининг ошишига олиб келади;

– таҳлилий амалларниг самарадорлиги уни тўғри танлаш ва кўллаш билан бевосита боғлиқдир;

– кўлланилган таҳлилий амалларни кўлланилиши ва унинг натижаси аудит иш хужжатларида расмийлаштирилиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисидаги Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон карорига 2-ИЛОВА.
2. Авлоқулов А.З. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида таҳлилий амалларни кўллашни такомиллаштириши. Иқтисодиёт ва таълим / 2020 № 6
3. Варкулевич В.Т. Внутренний аудит как инструмент обеспечения экономической эффективности субъектов бизнеса. Современные тенденции в экономике и управлении. 175-181 б.
4. Домрачева Л.П. Сравнительная характеристика аналитических процедур в сфере применения стандартов аудита. Международный бухгалтерский учет. 20 (266) – 2013.стр.35-40
5. Крышкин О. Настольная книга по внутреннему аудиту:Риски и бизнес процессы./ Олег Крышкин.-М.:АЛЬПИНА ПАБЛИШЕР,2017.-477стр.
6. Пардаев М.. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. “Зарафшон” нашриёти. Самарқанд, 2001, 272-бет.
7. Хажимуратов Н.Ш. Молиявий ҳисбот аудитининг методологик муаммолари. Иқтисодиёт ва таълим / 2020 № 6.225-229-бетлар.
8. The International Standard of Audit (ISA) 520 “Analytical procedures”. www.iasplus.com
9. Urton L.Anderson, Vichatl J. Head, Sridhar Ramamoorti, Cris Riddle, Mark Salamasick, Paul J. Sobel Internal auditing.Assurance&advisory services. Fourth edition. ISBN-13: 978-0-89413-987- 1, p.1-2
10. ROBERT R. MOELLER. Executive’s Guide to COSO Internal Controls Understanding and Implementing the New Framework. Published by John Wiley & Sons, Inc., Hoboken, New Jersey.Published simultaneously in Canada.2014. 316р.
11. <https://railway.uz/ru/>-“Ўзбекитсон темир йўллари” АЖ расмий сайти

УЎТ 336(330/33)

Ортиқов Уйгун Давлатович,
Тошкент молия институти,
и.ф.н. доцент

АЙРИМ МДҲ МАМЛАКАТЛАРИДА БАНКЛАР МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТАЖРИБАСИ

Ортиқов Уйгун Давлатович,
Ташкентский финансовый институт
к.э.н., доцент

ОПЫТ УПРАВЛЕНИЯ ФИНАНСОВЫМИ РЕСУРСАМИ БАНКОВ В НЕКОТОРЫХ СТРАНАХ СНГ

Ortikov Uygun Davlatovich,
Tashkent Institute of Finance
PhD., Associate Professor

EXPERIENCE OF MANAGIING FINANCIAL RESOURCES ON BANKS IN SOME CIS COUNTRIES

Аннотация. Мақолада айрим МДҲ мамлакатлари, хусусан, Россия ва Қозогистон мамлакатлари банк тизими молиявий ресурслари таркиби, манбалари тадқиқ қилинган. шу билан бирга, уларда молиявий ресурсларни бошқарышининг ижобий жиҳатларидан маҳаллий банк амалиётидаги қўллаши юзасидан айрим таклиф ва тавсиялар ишилаб чиқилган.

Таянч сўзлар: тижорат банки, мажбурият, депозит, капитал, инвестиция, банк капитални, қимматли қозозлар.

Аннотация. В статье изучены структура и источники финансовых ресурсов банковской системы некоторых стран СНГ, в частности России и Казахстана, а также выработаны некоторые предложения и рекомендации по применению положительных аспектов управления финансовыми ресурсами в отечественном банковском деле.

Ключевые слова: коммерческий банк, обязательство, депозит, капитал, вложение, банковский капитал, ценные бумаги.

Annotation. The article examines the composition and sources of financial resources of the banking system of some CIS countries, in particular Russia and Kazakhstan, and also develops some proposals and recommendations for the application of positive aspects of financial resource management in domestic banking.

Keywords: commercial banking, obligation, deposit, capital, investment, bank capital, securities.

Кириш

Республикамиз тижорат банклари молиявий ресурсларни бошқариш бўйича айрим муаммолар мавжуд, уларни бартараф этишда хориж мамлакатларининг амалий тажриба ва кўнгилмаларини ўрганиб, уларнинг ижобий тажрибаларини амалиётда кўллаш ўзининг самарасини беради. Хозирга шиддат билан ривожланиб бораётган замонда, иқтисодий рақобат йўлида банкларнинг муҳим вазифаларидан бири – ўз мижозлари ва контрагентлари олдидағи мажбуриятларини бажара олишидир. Бу вазифаларни бажариш юзасидан мамлакатимизда ҳам бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди.

Бугунги кунга қадар мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда, хусусан, тижорат банклари фаолиятини янада ривожлантиришда мамлакат раҳбари даражасида қатор фармонлар ва қарорлар қабул қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”[1] ги ва 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”[2]ги фармонлари шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқаришда хориж тажрибасини ўрганиш, уларнинг ижобий жиҳатларини амалиётда кўллаш долзарб масалага айланмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар шархи

Халқаро иқтисодий муносабатларда ҳамда республикамизда бир қатор иқтисодчи-олимлар тижорат банклари ҳамда уларни инвестиция портфелининг моҳиятини ёритиб беришга ва унинг

мазмунини тўлиқроқ ифода этиш борасида ўз қарашлари ва фикрларини билдириб ўтишган. Жумладан, О.И.Лаврушин “Активларни бошқаришнинг мақсади банк бош стратегияси натижаларини баланс таркиби ва рентабеллигига кўра таҳлил қилиш орқали номутаносибликни бартараф этиш ёки тўғрилаш ҳамда банк фаолиятини рисклардан ҳимоялашдир”[3] – дея таъриф беради. Фикримизча, ушбу масалага авваламбор банк стратегияси нуқтаи назаридан қараш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, стратегия асосида мақсадлар тизими ётади, яъни банк стратегиясининг турли вақт оралиғида турлича мақсадлар кўзланади. Шундан келиб чиқкан ҳолда, вақт горизонтига кўра активларни бошқаришнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли аспектларини фарқлаш мумкин. Қисқа муддатли (1 йилгача) аспектда активларни бошқаришнинг асосий мақсади меъёрий риск даражасида соф фоиз даромадини максималлаштириш ёки аксинча, меъёрий соф фоиз даромади даражасида рискин минималлаштиришдан иборат. Узоқ муддатли аспектда активларни бошқаришнинг асосий мақсади банк капиталининг бозор қийматини максималлаштиришдан иборат. Банк капитали бозор қийматини ошириб бориш банкнинг ривожланиши ва назорат органларининг ошиб борувчи талабларини бажариш имкониятини яратади.

Россиялик иқтисодчи олим В.Усоскин тижорат банклари активларининг асосий турлари бўлган кредитлар ва кассали активларнинг сифатини ошириш масаласига алоҳида эътибор берган. Олим кредит портфелининг сифатини ошириш мақсадида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимини такомиллаштиришни, кредит портфелини шакллантиришда диверсификация

принципига қаттиқ риоя этишни таклиф килади[4].

Банк ресурслари түгрисида республикамизда и.ф.н. Б.Бабаев[5] томонидан илмий тадқиқот иши олиб борилган. Унда банк ресурсларининг моҳияти, таркиби, ресурсларни шакллантириш билан боғлиқ муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш йўлларини кенг очиб беришга ҳаракат қилинган. Бироқ, бизнинг фикримизча, банк ресурслари ва уларнинг моҳияти ҳамда ишлатилиши билан боғлиқ муаммолар мазкур муаллифнинг ишида ўзининг тўлиқ ифодасини топмаган. Республикамизда пул бозорини шакллантириш ва унда пул ресурслари билан операциялар ўтказишида банклар фаолиятининг стратегиясини ишлаб чиқиш учун банк ресурслари тушунчасини ҳамда банкларнинг ресурслар билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган операцияларнинг моҳиятини тўлиқ англаш ва талқин этиш лозим [6].

Ҳатто охири ги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишларида, ўкув китоблари, монографияларда молиявий ресурслар, кредит ресурслари, молиявий механизмлар ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган кўплаб масалалар кўтарилиган бўлса-да, уларда банк ресурсларини бошқариш масалаларини комплекс ўрганиш четлаб ўтилган [7].

Шу боисдан, тижорат банклари ресурслари моҳиятини таърифлагандан нафақат уларнинг қайси манбалар ҳисобидан ташкил қилинганлигини эътиборга олиш, балки у маблағлар банкнинг мақсадли фаолияти учун зарур ва муҳимлигини ҳамда уларнинг самарадорлигига эришишни ҳам кўзда тутиш лозим.

Тадқиқот методологияси

Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш назарий ёндашувлар ва хориж тажрибасини ривожланиши ва республикамиз тижорат банкларини молиявий ресурсларини бошқаришда уларни кўллаш масалалари ва асосий кўрсаткичлар таҳлил қилинди. Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқаришга назарий ёндашувлар ва МДҲ давлатлари тажрибаси ўрганилди ва маълумотлар базаси йиғилди. Тўпланган маълумотлар асосида кузатиш ва иқтисодий таҳлилни қиёслаш, тизимли ёндашув ҳамда мантикий ёндашув каби услублардан самарали фойдаланилди.

Натижа ва муҳокама

МДҲ мамлакатлари тижорат банклари молиявий ресурсларни шакллантириш бўйича ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, депозитларнинг асосий улуши талаб қилиб олингунча сафланадиган депозитлар ҳиссасига тўғри келади. Бунинг натижасида, мазкур мамлакатлар тижорат банкларида трансформация билан боғлиқ рисклар доимий равища долзарб бўлиб қолмоқда. Чунки, тижорат банклари мижозларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобвараклардаги пул маблағлари ҳисобидан рискка тортилган активларни шакллантиради, яъни кредитлар беради ва инвестицияларга йўналтиради.

Россия банк тизимида, яъни тижорат банклари молиявий ресурслари таркибини кўриб чиқамиз ва таҳлил қиласиз.

I-жадвал

**Россия банк тизими жалб қилинган
маблағларининг таркиби ва
динамикаси [8]**
(1 январь ҳолатига, фоиз ҳисобида)

Манбалар											
Муддатсиз депозитлар											
Муддатли ва жамгарма депозитлар											
Бозор инструментлари											
Музлатилган депозитлар											
Халқаро мажбуриятлар											
Хукуматнинг депозитлари											
Нобанк муассасаларидан кредитлар											
Банкларнинг капитали											
Бошқа пассивлар											
Жами:	100,0	3,9	11,2	2,8	1,5	18,6	0,4	6,9	30,2	24,5	2019й.
	100,0	4,1	12,3	2,1	2,9	12,4	0,7	6,8	32,4	26,3	2020й.
	100,0	1,5	12,6	2,2	3,2	15,9	0,9	5,6	34,6	23,5	2021й.
	100,0	4,0	11,6	1,5	5,3	19,2	0,0	6,0	32,9	19,5	2022й.
	100,0	0,7	12,3	2,6	1,4	18,6	0,1	5,4	35,4	23,5	2023й.

Жадвал маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, бошқа Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари каби, Россия банк тизими, яъни тижорат банклари ресурслари таркибида муддатли ва жамгарма депозитларининг улуши ривожланган мамлакатларнига нисбатан пастроқ. Лекин, таъкидлаш лозимки, таҳлил обьекти сифатида ўрганилаётган даврда Россия банкларининг ресурслари таркибида муддатли ва жамгарма депозитларининг салмоғи ортиб бориш тенденциясига эга бўлган. Масалан, 2019–2023 йилларнинг 1 январь ҳолатига

муддатли ва жамгарма депозитларнинг миқдори мос равишда Россияда 30,2–35,5 фоиз атрофида тебраби турган.

Эътиборли жиҳати шундаки, Россия тижорат банклари капитали ривожланган банклар капитали миқдорига нисбатан анча юқори. Бизнинг назаримизда, бунинг сабаби, шу жумладан, республикамиз банклари капитали даражасини юқори салмоққа эга эканлиги уларнинг капитали таркибига хорижий валютада киритилган маблағларнинг девальвацияси билан изоҳлаш мумкин.

Россиядаги банклар ўз активлари ва мажбуриятларини мувозанатлаш ва фоиз ставкалари рискларини бошқариш учун актив-пассив бошқаруви билан шуғулланадилар. Уларнинг ўз активлари ўз мажбуриятларини қоплаш ва рентабелликни сақлаб қолиш учун етарли даромад келтиришини таъминлаши керак. Бундан ташқари, улар ликвидлик хатарларини минималлаштириш учун ўз активлари ва мажбуриятлари ўртасидаги муддатлардаги номунофиқликни бошқаришлари керак.

Россия тижорат банклари учун кредит рискини бошқариш жуда муҳимdir. Бу қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш, тегишли рискларни бошқариш сиёсати ва тартибларини ўрнатиш, кредит портфеллари сифатини мониторинг қилишни ўз ичига олади. Россия тижорат банклари Россия Марказий банки томонидан кредитларни таснифлаш, захираларни яратиш ва рискларни бошқариш амалиёти бўйича ўрнатилган қоидаларга риоя қилишлари керак.

Ўз операцияларининг халқаро характеристи туфайли баъзи Россия банклари валюта рискига дучор бўлиши мумкин. Улар бу рискини хежлаш стратегияларини қўллаш, валюта курси ўзгаришини кузатиш ва валюта ўзгаришидан келиб чиқадиган потентциал йўқотишларни

юмшатиши учун тегишли рискларни бошқариш сиёсатини қўллаш орқали бошқариши керак.

Россиядаги тижорат банклари
Марказий банк томонидан белгиланган
муайян тартибга солиш мухитида ишлайди.
Марказий банк секторининг барқарорлиги
ва мустаҳкамлигини таъминлаш учун
қоидалар ва йўрикномаларни белгилайди.
Банклар ҳисобот бериш талаблари,
рискларни бошқариш стандартлари ва
капиталнинг етарлилиги меъёрларини
ўз ичига олган ушбу қоидаларга риоя
килишлари керак.

Россия ҳукумати банк секторида мухим роль ўйнайди. У молиявий ёрдам дастурлари орқали муаммоли банкларни кўллаб-қувватлайди ва банк саноатининг ривожланишига кўмаклашиш сиёсатини белгилайди. Бироқ, ҳукуматнинг таъсири тижорат банклари учун маълум ноаникликлар ва қийинчиликларни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, молиявий ресурсларни бошқариш билан боғлиқ ўзига хос стратегиялар ва амалиётлар Россиядаги алоҳида банкларда уларнинг ҳажми, бизнес йўналиши, таваккалчилик иштаҳаси ва умумий стратегик мақсадларига қараб фарқ қилиши мумкин. Қуидиа Россиянинг йирик тижорат банкларидан хисобланган Сбербанкнинг активлар ва пассивлари таркибининг шаклланиш жараёнини кўриб чиқамиз.

2-жадвал

Очиқ акциядорлик жамияти Россия Сбербанкининг жалб қилинган маблагларининг таркиби ва динамикаси [9]

(1 январь холатига, фоиз хисобида)

Моддалар таркиби	Банкларнинг маблағлари						2019й.
	Жисмоний шахслар маблағлари	Корпоратив мижозларнинг маблағлари	Узоқ муддатли қарз ҚҚ	Бошқа қарз маблағлар	Молия инструментлар ва ҚҚ бўйича мажбуриятлар	Мажбуриятлар бўйича кечиктирилган солиқлар	
100,0	12,6	87,4	2,6	4,0	0,0	0,1	0,6
100,0	12,3	87,7	2,3	4,1	7,2	0,1	0,6
100,0	14,9	85,1	2,1	5,2	0,0	0,1	0,6
100,0	13,7	86,3	1,3	6,6	0,0	0,1	1,3
100,0	13,9	86,1	1,1	5,1	0,0	0,0	0,5
						0,0	1,8
						27,2	44,2
						5,9	6,2
						2022й.	2023й.
						2,6	3,5
						49,5	2020й.
						23,3	2021й.
						23,7	2019й.

Жадвал маълумотларидан кўриш
мумкинки, Очиқ акциядорлик жамияти
Россия Сбербанки жалб қилинган
маблағлар таркибида асосий улуш

жисмоний шахслар хиссасига тўғри келмоқда. Таҳлил этилаётган 2019–2023 йиллар 1 январь ҳолатига банкнинг жалб қилинган маблағлари таркибида жисмоний шахсларнинг пул маблағлари, моя равишида 49,5-44,2 фоизни ташкил этган, албатта бу сезиларли даражада катта кўрсаткич бўлиб, Россия Сбербанки ўзининг стратегик фаолиятини жисмоний шахсларга қаратганлигининг гувоҳи бўлишими мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда тижорат банклари, асосан, Россия тижорат банклари банк мижозлари сифатида жисмоний шахсларга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Масалан, Россиянинг Сбербанки 2023 йил 1 январь ҳолатига жами фаол мижозлари 104,8 млн.тани ташкил этса, уларнинг 101,9 млн. таси ёки 97,1 фоизи жисмоний шахс (чакана бизнес) вакиллариридир. Шунингдек, банк томонидан берилган кредитларнинг 42,6 фоизи жисмоний шахсларга берилган кредитларни ташкил этади, шунингдек, банк депозитларнинг 45,2 фоизини жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобидан шакллантирилган.

Бундан кўриниб турибдики, Россиянинг йирик банкларидан (Россиянинг банк хизматлари бозорининг 25–30 фоиз шу банк хиссасига тўғри келади) бири бўлган Сбербанки ҳам асосий эътиборни жисмоний шахсларни кредитлаш ва уларга турли актив ва пассив операцияларни кўрсатишни асосий йўналиш сифатида белгилаб олган.

Қуйидаги 3-жадвалда Қозоғистон банк тизимида молиявий ресурсларнинг манбалари ва динамикаси хусусидаги маълумотлар келтирилган. Жадвал маълумотларига таяниб хулоса қиласидан бўлсак, Қозоғистон банк тизими умумлашган балансида пассив моддалар таркиби, манбалари ва динамикаси келтирилган. Қозоғистон тижорат

банклари ресурсларнинг асосий улуши муддатли ва жамғарма депозитлар, яъни узоқ муддатга сақланадиган депозитлар хиссасига тўғри келмоқда. Ушбу манба таҳлил қилинган 2019–2023 йиллар 1 январь ҳолатига, мос равишида 29,3 ва 35,6 фоизни ташкил этган.

3-жадвал

Қозоғистон банк тизими жалб

қилинган маблағларининг

таркиби ва динамикаси[8]

(1 январь ҳолатига, фоиз ҳисобида)

Манбалар	2019й.	2020й.	2021й.	2022й.	2023й.
Муддатсиз депозитлар	22,3	29,3	34,6	33,6	35,6
Муддатли ва жамғарма депозитлар	21,3	31,43	34,6	33,6	35,1
Халқаро мажбуриятлар	27,3	1,3	0,5	0,8	1,2
Хукуматнинг депозитлари	23,9	0,67	1,2	1,2	1,2
Банклардан олинган кредитлар	31,43	34,6	34,6	33,6	35,6
Нобанк муассасалардан кредитлар	21,3	22,3	22,3	22,3	22,3
Банкларнинг капитали					
Бошқа пассивлар					
Жами:	100	100	100	100	100

Эътиборли жиҳати, Қозоғистон банк тизими пассивлари таркибида хориждан жалб қилинган маблағлар ҳам сезиларли даражада юқори салмоқни эгаллаб турибди. Албатта, буни бир жиҳатдан ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин, иккинчи жиҳатдан, Қозоғистон тижорат банкларининг халқаро даражада юз

бераётган гиёсиёсий ва гиёиқтисодий жиҳатдан тебранишларга мойиллиги юқори бўлишига сабаб бўлади.

Олиб борилган таҳлиллар ва ўрганишларнинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, республикамиз тижорат банклари айнан шу иккита масалани ҳал этиш орқали катта миқдорда молиявий ресурсларни шакллантириш имкониятига эга. Масалан, қўшни Қозогистон банкларининг ресурс базасини оширишда хорижий банкларнинг кредитларини ошириш натижасида уларнинг кредит портфели ҳар йили 80 фоизга ортишига эришилган, банклар томонидан жалб қилинган кредитларнинг ҳажми 2004 йилда 8 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб ушбу кўрсаткич 20 миллиард доллардан иборат бўлган[10].

Қозогистон банк тизимида банк капитали ҳам салмоқли улушни эгаллаб турибди, ушбу кўрсаткич таҳлил этилаётган 2019–2023 йиллар 1 январь ҳолатига, банкнинг пассивлари таркибида ўртача 12 фоиздан кам бўлмаган миқдорни ташкил этган.

Шуни таъкидлаш жоизки, таҳлил ва ўрганишлар жараёнида Россия ва Қозогистон банклари молиявий ресурслари таркибида халқаро банкларнинг кредитлари ва Востро ҳисоб рақамларидаги вақтинчалик бўш пул маблағлари салмоқли улушни эгаллаганлигининг гувоҳи бўлдик. Таъкидлаш лозимки, тижорат банклари учун ушбу маблағлар барқарор молиявий ресурсларни шакллантириш манбаси сифатида хизмат қилмоқда. Республикамиз тижорат банкларида эса айнан мана шу манбани шакллантириш масаласи ҳануз муаммо сифатида қолмоқда. Чунки тижорат банклари хорижий банклардан тўғридан-тўғри кредитларни жалб қилиш борасида ижобий натижага эришмаяпти, шу билан бирга, хорижий

банклар республикамизнинг тижорат банкларида ўзларининг Востро вакиллик ҳисобвақаларини очишмаган.

Олиб борилган таҳлиллар ва ўрганишларнинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, республикамиз тижорат банклари айнан шу иккита масалани ҳал этиш орқали катта миқдорда молиявий ресурсларни шакллантириш имкониятига эга. Масалан, қўшни Қозогистон банкларининг ресурс базасини оширишда хорижий банкларнинг кредитларини ошириш натижасида уларнинг кредит портфели ҳар йили 80 фоизга ортишига эришилган, банклар томонидан жалб қилинган кредитларнинг ҳажми 2018 йилда 18 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб ушбу кўрсаткич 90 миллиард доллардан иборат бўлган [11].

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқаришда МДҲ мамлакатлари банк тизимини ривожлантириш, хусусан, мамлакатимиз тижорат банклари ресурсларини самарали бошқаришга хизмат қилувчи қўйидаги айрим ижобий жиҳатларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир:

- тижорат банкларининг халқаро рейтинг даражасини кўтариб, халқаро банк кредитларини жалб этиш ва маҳаллий банкларда хорижий банкларнинг Востро вакиллик ҳисобвақаларини очиш орқали қўшимча молиявий ресурсларининг миқдорини ошириш лозим;

- аҳолининг банк тизимига ишончини ошириш орқали, банқдан ташқари айланмаларни муддатли депозитларга жалб этиб, миллий валютанинг сотиб олиш қобилиятини мустаҳкамлаш ва ЯИМга нисбатан кредитлар ҳажмининг ортишига эришиш лозим;

Россия банклари ўзларининг хавф-хатарли активларини қўллаб-кувватлаш учун капитал етарлигининг минимал даражасини саълаб қолишлари шарт. Россия Марказий банк тижорат

банкларининг йўқотишларни олдини олиш учун етарли капиталга эга бўлишини талаб этади, бунда асосий эътибор Базел III бўйича капиталнинг етарлилик кўрсаткичларини талаб қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Манба: <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Манба: <https://www.lex.uz/docs/4811025>
3. Лаврушин О.И. Управление деятельностью коммерческого банка. - М.: КНОРУС, 2021. 580 с.
4. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк. – Москва: Вазар-Ферро, 2018. – С. 218-276.
5. Б.Б.Бабаев “Вопросы формирования ресурсов коммерческих банков и их эффективное использование”. Диис. На соиск уч. ст. к.э.н.-Т.: БФА.,2002.
6. Ш.Абдулаева, Т.Каралиев ва У.Ортиков. Банк ресурслари ва уларни бошкариш. Тошкент. Иқтисод-Молия, 2009 йил. – Б. 48-49.
7. Обиджонов Ж., Азизов У. Молиялаштиришни такомиллаштириш йўлида // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 2000. -№4. – Б. 12-14.
8. International Financial Statistics IMF. July 2022.
9. <https://cbr.ru/finorg/foinfo/reports/?ogrn=1027700132195> весб сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган
10. Аасим М.Хусайнин. Закрепление макроэкономических успехов Казахстана. МВФ, 2006. internet: <http://www.imf.org>
11. Аасим М.Хусайнин. Закрепление макроэкономических успехов Казахстана. МВФ, 2022. internet: <http://www.imf.org>

УЎТ 336 .330.3(576.16)

Тлеуов Медет Абдимуратович,
Тошкент молия институти
мустақил изланувчиси

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО
РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАРИ**

Тлеуов Медет Абдимуратович,
Независимый соискатель
Ташкентского финансового института

**КЛЮЧЕВЫЕ ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ МЕЖДУНАРОДНОЙ
КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ БАНКОВ УЗБЕКИСТАНА**

Tleuov Medet Abdimuratovich,
*Tashkent Institute of Financial
independent researcher*

**KEY ISSUES OF ENSURING THE INTERNATIONAL COMPETITIVENESS
OF UZBEKISTAN BANKS**

Аннотация. Тижорат банкларининг халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш мамлакатга хорижий инвестициялар ва халқаро кредитларни жалб қилиши миёсени кенгайтиришининг зарурий шарти ҳисобланади. Бироқ, бунинг учун, республика тижорат банклари фаолиятининг самараодорлик кўрсаткичлари халқаро андозалар талабларига жавоб берииши керак.

Мақолада мамлакат банкларининг халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва улани ҳал қилишига қаратилган илмий тақлифлар ишилаб чиқилган.

Таянч сўзлар: тижорат банки, халқаро рақобатбардошлик, кредит, актив, регулятив капитал, инновация, риск, маржса, даромад.

Аннотация. Обеспечение международной конкурентоспособности коммерческих банков является необходимым условием расширения масштабов привлечения в страну иностранных инвестиций и международных кредитов. Однако для этого показатели деятельности республиканских коммерческих банков должны соответствовать требованиям международных стандартов.

В статье обозначены актуальные проблемы, связанные с обеспечением международной конкурентоспособности банков страны, и разработаны научные предложения, направленные на их решение.

Ключевые слова: коммерческий банкинг, международная конкурентоспособность, кредит, актив, регулятивный капитал, инновации, риск, маржа, прибыль.

Annotation. Ensuring the international competitiveness of commercial banks is a necessary condition for expanding the scale of attracting foreign investments and international loans to the country. However, for this, the performance indicators of republican commercial banks must meet the requirements of international standards.

The article identifies current problems related to ensuring the international competitiveness of the country's banks and develops scientific proposals aimed at solving them.

Keywords: commercial banking, international competitiveness, credit, asset, regulatory capital, innovation, risk, margin, profit.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида 2022–2026 йилларда 70 млрд. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестицияларни жалб қилиш, мамлакат фонд бозори айланмасини ҳозирги 200 млн. АҚШ долларидан 7 млрд. АҚШ долларига етказиш каби долзарб вазифалар қўйилган [1]. Бу эса, мамлакат тижорат банкларининг халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш заруритини юзага келтиради. Ўз навбатида, тижорат банкларининг халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш банкларнинг халқаро рақобатбардошлигини баҳолашни такомиллаштириш ва уни яхшилашнинг иммий жиҳатдан асосланган йўлларини ишлаб чиқишини тақозо этади.

Айни вақтда, ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг халқаро рақобатбардошлигини баҳолашни такомиллаштириш ва уни яхшилаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар мавжуд. Жумладан, банкларнинг рақобатбардошлигини аниқ ва тўлиқ баҳолаш имконини берадиган кўрсаткичлар тизими республикамиз тижорат банкларида шакллантирилмаган.

Мавзуга оид адабиётлар шархи

Н. Клинованинг хulosасига кўра, тижорат банкларининг халқаро рақобатбардошлигини баҳолаш кўрсаткичларининг қуидаги истеъмол мезонлари муҳим ўрин тутади:

- банк маҳсулотларининг ассортименти;
- кредитнинг максимал суммаси ва кредитлашнинг муддати;
- кредитларни тақдим этиш шартлари;
- мижозларга хизмат кўрсатиш сифати;
- фаолиятнинг диверсификацияси;
- фойдаланиладиган технологиялар;
- банкнинг филиаллар тармоғи;
- тижорат банкининг халқаро операциялари;
- банк ва унинг филиаллари тўғрисидаги маълумотларнинг шаффоғлиги;
- банкнинг миссияси ва стратегияси;
- банкнинг репутацияси;
- банкнинг молия бозорларидағи фаолиятининг давомийлиги [2].

Ж. Синкининг хulosасига кўра, иккиминчалик қимматли қоғозлар бозори ривожланган ва кутилаётган даромад назарияси кенг қўлланилаётган ҳозирги шароитда тижорат банклари ликвидлигини таъминлашда уларнинг федерал фондлар, депозит сертификатлари каби активларини сотишдан ва репо битимларидан кенг фойдаланиш лозим [3].

Ҳақиқатан ҳам, АҚШ хукуматининг кимматли қоғозларни эмиссия қилувчи йирик субъект эканлиги Марказий банкка (Федерал захира тизими) очик бозор операциялари орқали тижорат банкларининг ликвидилигига кучли таъсир қилиш имконини беради.

Тижорат банкларининг халқаро рақобатбардошлигини таъминлашда уларни етарли даражада ликвидли бўлиши муҳим роль ўйнайди. Шу жиҳатдан олганда, О.Семибраторованинг тижорат банкларининг ликвидилигини таъминлаш хусусидаги хуносаси муҳим аҳамият касб этади.

О. Семибраторованинг хуносасига кўра, тижорат банкининг ликвидилигига нисбатан ёндашув қўйидагиларн кўзда тутади:

- тижорат банки бухгалтерия балансининг активлари ва пассивларининг қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар асосида ликвидилик даражасини аниқлаш;

- ликвидиликни пулга айланадиган активлар баҳоланаётган пайтда ўлчаш;

- ликвидли активларнинг маълум санадаги мавжуд даражаси ликвидли активларга бўлган талаб билан таққосланади;

- банк ликвидилигининг даражасини ўтган даврлардаги баланс маълумотлари бўйича ҳам баҳолаш [4].

И.Юдинанинг хуносасига кўра, ривожланаётган давлатларда тижорат банкларининг даромад базасининг ҳолати бевосита кредит риски даражасига боғлик бўлиб, миллий валютанинг қадрсизланиши натижасида хорижий валютада кредит олган мижозларни кредитни қайтара олмай қолишлари кредит риски даражасини ошиб кетишига олиб келади [5].

Т. Брэдфорднинг хуносасига кўра, банкларнинг тўлов хизматлари амалиётидаги муҳим инновациялардан бири бўлиб, чекларни конверсия қилиш ҳисобланади. Бунда чеклар электрон транзакцияларга айлантирилади. Чекларни конверсия қилиш биринчи марта АҚШ амалиётида Федерал захира тизими томонидан ишлаб чиқилган “Check 21”тизими орқали 2004 йил октябрда амалга оширилди. Чекларни конверсия қилиш қоғоз чекларни клиринг қилиш билан боғлик бўлган харажатларни сезиларли даражада камайтиради. Аммо, банкларга барibir чекнинг қоғоз варианти керак. Чунки улар чекнинг қоғоз вариантини кунлик хужжат сифатида сақлаб қўйиши керак [6].

Б.Бердияровнинг фикрига кўра, ХВФ томондан тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш мақсадида таклиф этилган мазкур тизим банкларнинг ликвидилиги ва тўлов қобилиятини тўлақонли тавсифлаш имконини беради. Фақатгина тизимдаги кўрсаткичлар қаторига қўшимча равишда қўйидаги ликвидилик кўрсаткичларини киритиш мақсадга мувофиқ:

- лаҳзали ликвидилик коэффициенти;
- жорий ликвидилик коэффициенти;
- ликвидиликни қоплаш меъёри коэффициенти;
- соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициенти [7].

О.Саттаровнинг фикрига кўра, Ўзбекистон банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш учун қўйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- тижорат банкларининг ликвидилиги ва капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланадиган меъёрий талабларни такомиллаштириш лозим;
- банкларнинг корпоратив бошқарув тизимини, етакчи хорижий банклар

ва молия институтларининг тажрибасини чукур ўрганиш асосида такомиллаштириш;

– жалб қилинадиган депозитларнинг фоиз ставкаларини қайта молиялаш ставкаси ва бошқа макроқтисодий кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда ўрнатиш тизимини ишлаб чиқиш;

– депозит операцияларига нисбатан норматив талабларни такомиллаштириш, аҳоли омонатларини жалб қилиш таркиби ва шартларини оптималлаштириш бўйича талабларни, банкларнинг барқарорлигига таъсир қилувчи эҳтимолий рискларнинг юзага келишини минималлаштириш мақсадида такомиллаштириш;

– тижорат банкларининг ликвидлилигига қўйиладиган меъёр ва талабларни ҳисоблаш методикасини такомиллаштириш [8].

Тадқиқот методологияси

ХВФнинг эксперталари томонидан тижорат банкларининг рақобатбардошлигини тавсифлаш бўйича таклиф этилган тизим банкларнинг ликвидлилиги, тўловга қобиллиги ва молиявий барқарорлигини тавсифловчи 24 кўрсаткичини ўз ичига олади.

Базель-III стандартига мувофиқ, тижорат банкларининг капиталига нисбатан талаблар босқичма-босқич ошириб борилган. Базель-III стандартини жорий қилиниши таҳлили кўрсатадики, АҚШ ва Европанинг қатор банкларида мазкур стандартни жорий қилиниши натижасида капиталнинг етарлилиқ даражаси ва ликвидли активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи ошди. Аммо, кредитларнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғининг қисқариши ва кредитларнинг қимматлашиши юз берди.

“CAMELS” рейтинг тизимида тижорат банкларининг тўловга қобиллигига нисбатан талаблар капиталнинг

етарлилигига нисбатан талабларда намоён бўлади.

“CAMELS” рейтинг тизимида тижорат банкига капиталнинг етарлилиги бўйича бериладиган рейтинг капиталнинг рискли активларга нисбатан даражасига ва активларнинг сифати кўрсаткичига боғлиқ.

Натижга ва муҳокама

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ҳалқаро рақобатбардошлик даражасига баҳо бериш учун дастлаб уларнинг тўловга қобиллигига баҳо берамиз.

I-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият Миллий банкида регулятив капитал ва активларнинг риска тортилган суммасининг йиллик ўсиш суръатлари, фоизда¹

Кўр- саткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Регулятив капиталнинг ўсиш суръати	250,7	119,1	229,6	105,6	106,5
Актив-ларнинг риска тортилган суммасининг ўсиш суръати	259,7	118,5	128,3	130,3	118,7

1 - жадвалда келтирилган маълумотлар яққол кўрсатадики, ТИФ Миллий банкида 2017-2021 йилларда регулятив капиталнинг ўсиш суръати билан активларнинг риска тортилган

¹ Жадвал муаллиф томонидан ТИФ Миллий банкининг ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

суммасининг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносиблик таъминланмаган. Масалан, 2017, 2020 ва 2021 йилларда активларнинг риска тортилган суммасининг ўсиш суръати регулятив капиталнинг ўсиш суръатидан юкори бўлган. Бу эса, Миллий банк капиталининг етарлилигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

2-жадвал

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида соф фоизли маржа ва бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси², фоизда

Кўрсаткичлар	2017й.	2018й.	2019й.	2020й.	2021й.	2021 йилда 2017 йилга нисбатан ўзгариши, ф.л.
Соф фоизли маржа	5,9	1,3	0,9	0,9	1,7	1,0
Бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси	5,3	4,4	6,2	8,9	2,3	3,0

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, ТИФ Миллий банкида 2021 йилда 2017 йилга нисбатан соф фоизли маржа ва бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси кўрсаткичларининг даражаси ошган. Бу эса, банкнинг даромад базасини мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Аммо таҳлил қилинган давр мобайнида соф фоизли маржа кўрсаткичини меъёрий даражадан (4,5%) анча паст бўлганлиги банкнинг даромад базасини мустаҳкамлаш нуқтаи тузилган.

² Жадвал муаллиф томонидан ТИФ Миллий банкининг баланс маълумотлари асосида тузилган.

назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. ТИФ Миллий банкида бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси 2019–2021 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, банкнинг даромад базасини мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

ТИФ Миллий банкида соф фоизли маржа кўрсаткичининг меъёрий даражадан паст бўлганлиги, фикримизча, қўйидаги сабаблар билан изоҳланади: фоизли харажатларнинг ўсиш суръатини соф фоизли даромадларнинг ўсиш суръатидан юкори эканлиги; фоизли даромадларнинг ўсиш суръати билан фоизли харажатларнинг ўсиш суръати ўртасида мутаносибликтининг мавжуд эмаслиги; соф фойда микдорининг активлар суммасига нисбатан жуда кичиклиги.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ТИФ Миллий банкида соф фойда, активларнинг риска тортилган суммаси ва соф фойданинг даражаси³

Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Соф фойда, млрд. сўм					
Активларни риска тортилган суммаси, млрд. сўм	1,4	10 936	157	2016 й.	
Соф фойдани активларнинг риска тортилган суммасига нисбатан даражаси, %	1,2	28 397	354	2017 й.	
	1,5	33 650	506	2018 й.	
	2,5	41 658	1 043	2019 й.	
	1,7	53 820	905	2020 й.	

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, ТИФ Миллий банки соф фойдасининг микдори 2016 – 2019 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган.

³ Жадвал муаллиф томонидан ТИФ Миллий банкининг баланс маълумотлари асосида тузилган.


Аммо, банкнинг соф фойдаси микдори 2020 йилда 2019 йилга нисбатан камайган.

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, ТИФ Миллий банки активларининг рискка тортилган суммаси 2016–2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган.

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, ТИФ Миллий банки соф фойдасининг даражаси факат 2019 йилда меъерий талаб даражасида бўлган, яъни 2,0 фоиздан юқори бўлган. Қолган таҳлил қилинган йилларда соф фойданинг даражаси паст бўлган. Бу эса, Миллий банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат хисобланади.

Таҳлил қилинган давр мобайнида ТИФ Миллий банкида соф фойданинг даражасини паст бўлганлиги кўйидаги сабаблар билан изоҳланади:

- соф фойда микдорининг банк активларининг рискка тортилган суммасига нисбатан жуда кичик эканлиги;
- соф фойданинг ўсиш суръати билан активларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносиблигни таъминланмаганлиги. Масалан, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан Миллий банк активларининг рискка тортилган суммаси 29,2 фоизга кўпайгани ҳолда, соф фойдасининг микдори 13,2 фоизга камайган.



1-расм. АТ Туронбанк ва ТИФ Миллий банк АЖда активлар рентабеллиги ва соф фоизли маржа

1-расм маълумотларидан кўринадики, 2021 йилда 2018 йилга нисбатан АТ Туронбанкда активлар рентабеллиги

кўтарилиб яна тушган ва соф фоизли маржа – 0.9% камайган, ТИФ Миллий банк АЖда эса активлар рентабеллиги 0.3%га ва соф фоизли маржа 1.5%га ошган.

4-жадвал АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»да активларнинг рентабеллиги ва капиталнинг рентабеллиги кўрсаткичларининг даражаси, фоизда

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Активларнинг рентабеллиги	0,9	1,9	0,3	1,9
Капиталнинг рентабеллиги	8,3	11,3	2,2	15,4

4-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзсаноатқурилишбанкда 2021 йилда 2018 йилга нисбатан активларнинг рентабеллик кўрсаткичи ҳам, капиталнинг рентабеллик кўрсаткичи ҳам ўсган. Бу эса, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш борасида ижобий ҳолат хисобланади.

4-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Ўзсаноатқурилишбанкда капиталнинг рентабеллик кўрсаткичи 2021 йилда 2018 йилга нисбатан юқори суръатда (7,1 ф.п.) ўсган.

Хуносা

Тадқиқот жараённада кўйидаги хуносаларни шакллантиридик:

*тижорат банкларининг халкаро рақобатбардошлигини таъминлашда уларнинг ликвидлилиги, тўловга қобиллиги ва молиявий барқарорлиги муҳим ўрин тутади;

*ТИФ Миллий банкида 2017–2021 йилларда регулятив капиталнинг ўсиш суръати билан активларнинг

рискка тортилган суммасининг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминланмаганлиги банк капиталининг етарлилигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади;

*ТИФ Миллий банкида 2021 йилда 2017 йилга нисбатан соф фоизли маржа ва бир сўмлик активга тўғри келадиган даромад даражаси қўрсаткичларининг даражасини ошгандилиги банкнинг даромад базасини мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади, бироқ таҳлил қилинган давр мобайнида соф фоизли маржа қўрсаткичи меъёрий даражадан (4,5%) анча паст бўлган;

*ТИФ Миллий банки соф фойдасининг даражаси фақат 2019 йилда меъёрий талаб даражасида бўлган, яъни 2,0 фоиздан юқори бўлган. Қолган таҳлил қилинган йилларда соф фойданинг даражасининг паст бўлганлиги Миллий банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Фикримизча, республикамиз тижорат банкларининг халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш учун қуидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Ҳар бир тижорат банкининг халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқиш лозим ва ушбу стратегия қуидаги устувор йўналишлардан иборат бўлиши керак:

- банкларнинг самарадорлиги ва барқарорлигини ошириш;

- банк хизматлари турларини кенгайтириш ва мижозларга хизмат қўрсатиш сифатини янада ошириш;

- банклар устидан амалга ошириладиган назоратни такомиллаштириш;

- банк қонунчилигини замонавий шароитларга мослаштириш;

- банк назорати бўйича Базель қўмитасининг банкларнинг ликвидлилиги, молиявий барқарорлиги ҳамда

рискларни баҳолаш ва бошқариш бўйича тавсияларини амалиётга жорий этиш;

- банк сирини сақлаш;

- янги банк технологияларини жорий этиш;

- тижорат банкининг инновациялар портфелини шакллантириш;

- банкнинг халқаро рақобатбардошлигини тўлиқ баҳолаш имконини берадиган қўрсаткичлар тизими.

3. Тижорат банкларининг ликвидлилиги ва молиявий барқарорлигини халқаро андозалар талаблари даражасида бўлишига эришиш мақсадида, биринчидан, соф фоизли спрэд қўрсаткичининг меъёрий даражасини (1,25%) ва соф фоизли маржа қўрсаткичининг меъёрий даражасини (4,5 %) таъминлаш лозим; иккинчидан, тижорат банклари соф фойдасининг ўсиш суръати билан рискка тортилган активларнинг ўсиш суръатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш зарур; учинчидан, пассивларнинг барқарорлигини таъминлаш ва активларнинг оптимал таркибини шакллантириш керак, тўртинчидан, регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғини ошириш зарур.

Тижорат банкларида соф фоизли спрэд қўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш кредитлардан олинган фоизли даромадлар билан депозитларга қилинган фоизли харажатлар ўртасидаги оптимал нисбатни таъминлаш имконини беради. Бу эса, банкларнинг соф фойдасини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, кредитлар республикамиз тижорат банкларининг активлари таркибида энг юқори салмоқни эгаллаганлиги сабабли, кредитлардан олинган фоизли даромадлар уларнинг ялпи даромадлари ҳажмида юқори салмоқни эгаллайди. Иккинчидан, муддатли ва жамғарма депозитлари тижорат банклари кредитлари учун асосий ресурс манбаи бўлиб ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги Фармони. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.
2. Климова Н.В. Повышение международной конкурентоспособности российских банков//Аудит и финансовый анализ. – Москва, 2011. - № 6. – С. 77-81.
3. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 648.
4. Семибратова, О.И. Банковское дело: учебник / М.: Академия, 2012. – С. 146.
5. Юдина И.Н. Банковская система в развивающихся экономиках: опыт становления, развития и кризисов. Монография. – М.: ИНФРА-М, 2013. – С. 230-231.
6. Bradford T. Payment Types at the Point Sale. Payments System Research Briefings. – Kansas City, 2006.
7. Бердияров Б.Т Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидилилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. 73-6.
8. Саттаров О.Б. Актуальные вопросы обеспечения устойчивости банковской системы Республики Узбекистан//Банковское дело, 2016. – №9. – С. 25.

ҮҮТ**О.А.Хакимов,***Термиз Давлат Университети тадқиқотчisi*

**БАНК КРЕДИТ ФОИЗЛАРИ ҲАҚИДА ТУШУНЧАНИНГ ПАЙДО
БҮЛИШ ТАРИХИ ВА БАНК ФОИЗЛАРИНИНГ МИЖОЗЛАРНИНГ
МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИГА ТАЪСИРИ ХУСУСИДА**

О.А.Хакимов,*Научный сотрудник Термезского государственного университета*

**ОБ ИСТОРИИ ПОЯВЛЕНИЯ ПОНЯТИЯ БАНКОВСКИХ КРЕДИТНЫХ
ПРОЦЕНТОВ И ВЛИЯНИИ БАНКОВСКИХ ПРОЦЕНТОВ НА
ФИНАНСОВОЕ ПОЛОЖЕНИЕ КЛИЕНТОВ**

О.А.Khakimov,*Researcher of Termiz State University*

**HISTORY OF THE APPEARANCE OF THE CONCEPT OF BANK
CREDIT INTERESTS AND THE EFFECT OF BANK INTERESTS ON THE
FINANCIAL SITUATION OF CUSTOMERS**

Аннотация. Уибү мақолада банк кредит фоизлари ҳақида тушуунчанинг илмий назарий асослари фоизнинг пайдо бўлиши тарихи ҳамда банк фоизларининг мижозларнинг молиявий ҳолатига таъсири ўрганилиб, умумий хулоса ва таклифлар келтирилган

Таянч сўзлар: кредит, пул, фоиз ставкаси, санкциялар, омонатлар, капитал, рибо, ислом банки, инвестицион сертификат, фойда, шартнома кредитор, пенья

Аннотация. В данной статье изучены научно-теоретические основы понятия банковских процентов по кредиту, история возникновения процентов и влияние банковских процентов на финансовое положение клиентов, представлены общие выводы и предложения.

Ключевые слова: кредит, деньги, процентная ставка, санкции, депозиты, капитал, рибо, исламский банкинг, инвестиционный сертификат, прибыль, договор кредитора, штраф

Annotation. In this article, the scientific theoretical basis of the concept of bank loan interest, the history of the emergence of interest and the impact of bank interest on the financial situation of customers are studied, and general conclusions and suggestions are presented.

Keywords: credit, money, interest rate, sanctions, deposits, capital, ribo, Islamic banking, investment certificate, profit, contract creditor, penalty

Кириш

Банк мижозига айланиб бўлган аҳоли орасида банк кредит фоизлари ҳақида гапирадиган бўлсангиз, бирдан фоизларнинг қимматлиги ва ушбу фоизларни тўлаш тартибини қандайдир ўзгартириш кераклиги ҳақида гапириб қолишади. Ҳолбуки банкнинг кредитининг фоизининг қиммат ёки арzon бўлиши ички ва ташқи омилларга боғлиқлиги билан бирга, фоизларни кечикириб тўланиши мижозларга узлуксиз жорий санкцияларнинг қўлланиши натижаси эканлигини тушуниб этиш лозим. Келинг ушбу мақола орқали банк мижозларига кредит фоизи тушунчаси ҳақида олимларнинг фикри ва ушбу фоизларни ўз вақтида тўланмаётганлиги уларнинг молиявий ҳолатига қандай таъсир килиши мумкинлиги ҳақида тушунчалар берсак.

Мавзуга оид адабиётлар шархи

Аввало банк бу - банк хисобваракларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга (депозитларга) пул маблағларини жалб этиш, ўз номидан кредитлар бериш бўйича банк фаолияти сифатида аниқланган операциялар мажмuinи амалга оширувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахсdir.[1] Банк жалб қилинган маблағларни маълум муддатга фоизларни тўлаш шарти билан шартнома асосида бериб келади.

Фоиз ҳақида кўпгина олимлар ҳар хил фикрлар билдиришган. Жумладан, Қадимги Юнонистон олими Платоннинг фикрича кредитнинг фақат ишонч асосида ва фоизсиз берилиши мақсадга мувофиқ[2] дейилган. Аристотель ҳам шундай фикрларни билдириб, "...пул пулни яратмайди ва фоизли даромад келтирмайди" деб ёзади[3]. Уни фикри ҳам пулни фоизга эмас, балки

вақтингчалик фойдаланиш учун беришни ёклаган. Ўша даврда бундай ёндашувлар судхўрлик ривожланган даврда жамият ривожланишида табақаланишни чеклаш учун хизмат қилган.

Иқтисодий луғатларда кредит фоиз ставкаси кредиторнинг ссудадан фойдаланганлиги учун карздордан оладиган тўлови эканлиги ҳамда фоиз миқдори банк томонидан ўрнатилиши ҳам кўрсатилган[4].

Классик назарияда фоиз ставкаси ва унинг меъёри ҳақида Ж.Кейнс: "Фоиз меъёри бозорда капиталдан фойдаланганлик учун тўланадиган баҳо сифатида аниқланади" деган. [5] Америкалик иқтисодчи И.Фишер фоиз ставкасига қуйидагича таъриф беради: "...биз фоизнинг меъёрини фоиз мукофати сифатида аниқлаймиз, у пулда ифодаланган бўлиб бир йилдан сўнг тўланиши керак".[6] Тижорат банкларида кредит баҳосини асосланган ва оқилона тартиба ўрнатилиши ҳамда унинг даражаси талаб ва таклиф асосида шаклланишини таъкидлаб ўтади.[7]

Кредит фоизи ҳақида Ш.З.Абдуллаева "кредит баҳосини белгилашда кредит маблағларини баҳоси ва кредит амалиётлари хизматининг қиймати асосий мезон бўлиб хизмат қиласи" [8] деган фикрни келтириб ўтади.

Б.Т.Бердияров бу хусусда қуйидаги фикрларни қайд этган: "...берилган кредитлар учун олинган фоизлар кредитлар бўйича даромад хисобланади ва фоиз ставкаси кредитнинг даромадлилигини аниқлаб беради".[9]

Фоиз тушунчаси ҳақида исломшунос олимларнинг ўз қарашлари бўлиб, ўз навбатида анча тортишувларга сабаб бўлган ва шу бугунги кунгача тортишишлар бўлиб келмоқда.

Фоиз, яъни рибо – луғатда "зиёда" деган маънони англатади. Шариатда эса қарз берувчи карздордан маълум

вақт муқо-билига асл мол устига оладиган қүшимча маблағдир. Рибо, яъни судхўрлик бечораларнинг noctorligидан фойдаланиб, уларнинг меҳнати эвазига бойлик орттиришдан иборатdir. Пайғамбар (саллалоҳу алайҳи вассалам) нинг вафотларидан кейин саҳобалар айрим амалиётларнинг судхўрлик тоифасига тушиши ёки тушмаслиги тўғрисида якуний жавобни айта олмаганлар.

XX аср давомида мусул-монлар судхўрликка нисбатан жорий этилган исломий таъкиқ нуқтаи-назаридан банклар ва бошқа молиявий муассасалар билан қандай шартномалар тузган ҳолда улар билан фаолиятида иштирок этиш мумкинлик масаласини ечиш лозим бўлган. Ушбу маслани ҳал қилиш йўлида XX аср давомида Мисрлик диндорлар Ал-Азҳарнинг ректорлари (Махмуд Шалтут ва бошқалар) судхўрлик масаласи бўйича бир канча баёнотларни беришган. Масалан, машхур мусулмон фикҳшуноси Абдураззоқ Санҳурий муаллифлик қилган ва 1949 йилда қабул қилинган Миср Фуқаролик кодекси муаллифи шариат тарафдори бўлишига қарамасдан, анъанавий карз шартномаларига бағишлиб моддалар киритган. Жумладан, Мисрнинг фуқаролик кодекси бир неча бор мусулмон фикҳшунослар томонидан танқидга учраган. 1985 йилда Миср Олий суди ФКнинг 2.2. 6-моддасининг конституцияйлиги масаласини кўриб чиқсан, унга кўра қарздор тарафидан олинган қарз ўз муддатида қайтарилима, унга белгиланган ставка шаклида жарима кўлланилиши кўрсатилган. Даъвогар сифатида иштирок этган Ал-Азҳарнинг ректори Миср конституциясининг 2-моддасига таянган ҳолда, унда маммлакат қонунчилигини бош манбай – шариат эканлиги айтиб ўтилган. Шунга қарамасдан, Миср ФКнинг 2.2.6-моддаси барибекор қилинмаган.

2002 йилда исломий тадқиқотлар Академияси раҳбари ва Ал-Азҳар шайхи

Муҳаммад Сайид Тантовий раислигидаги машхур фатво янги юз йилликда кўплаб шов-шуввларга сабаб бўлган, унга кўра маблағларни қўйиш ва улар бўйича фоизлар олиш шариат нуқтаи назаридан жоиз деб эълон қилинган. Ушбу фатво “Араб Бэнкинг Корпорейши” директорлар кенгashi раисининг сўрови бўйича, корпорациянинг мижозлар маблағларини жалб этиш ва улар бўйича ўрнатилган муддатларда фоиз тўлаш бўйича амалиёти шариатга мувофиқ келиши нуқтаи-назаридан қабул қилинган. Ушбу фикрлар мусулмонлар дунёсининг турли қисмларида танқидга учраган.[10]

Танқидчилардан Академия аъзолари орасида етарли билимли мутахассилар йўқ дейишган. Масалан, дунёнинг турли нуқталарида жойлашган бир қатор исломий банклар Шариат кузатув кенгашлари аъзоси бўлган покистонлик олим Тақий Усмоний фатво эълон қилинганидан кейин шундай баёнот берди: “Хозирги пайтда Академия шариат бўйича етарли билимга эга фикҳшуносларни ўз ичига олмаган... Айрим номаълум шахслар томонидан баён этилган мазкур чекланган мулоҳазалар юз йиллардан бери уммат риоя этиб келган мавқени рад этиши мумкин эмас” деган[11].

Масаланинг моҳиятига қарайдиган бўлсақ, бунда банк омонати шартномасини музораба шартномасига ўхшатиш танқид остига олинган. Музорабанинг банк омонати шартномасидан фарқ қилувчи асосий жиҳати – капитални бошқарувчи ва инвестор ўртасида хатарни таксимланишидир, шунинг билан бирга банк омонати шартномасида омонатчи ўз капитали билан хатарга дуч келмайди ва аввалдан келишилган фойда олишни кутади.

Бундан бир неча йиллар аввал, Миср Бош муфтийси лавозимида бўлган Тантовий 1989 йилда “Айрим банк

амалиётлари тўғрисида”ги фатвони чоп эттириди. Ушбу қарорни қабул қилиш вақтида муфтий Миср Миллий банки Бошқарувининг раиси, яъни шариат бўйича мутахассис билан эмас, дунёвий банкир билан маслаҳатлашди. Ўзининг юқори лавозимдаги банк менежери ёрдамига мурожаат этиши сабабини у куйидаги изоҳлади: “Анбиё” сурасининг 7-оятини шарҳлар экан, муфтий “аҳл аз-зикр” деганда илмнинг ҳар қандай тармоғидаги ҳар қандай мутахассис тушунилишини хулоса қилди. Шундай қилиб, малакали банкирга мурожаат этиши Тантовийнинг фикрича мантиққа мувофиқ келар эди, чунки банкда бир неча йиллар ишлаган киши банк амалиётларини диний олимга нисбатан яхшироқ тушунади.

Муфтий банк бошқаруви раиси олдига, инвестицион сертификатлар моҳияти ҳамда улар эгалари (сертификат ушловчилар) ва банк ўртасидаги ўзаро муносабатлар механизми моҳиятига тегишли тўртта саволни кўйди. Фатвода сўз юритилган инвестицион сертификатлар (شاҳодат ал-истисмор) ўзида ҳукумат облигацияларини акс эттириб, уларни жойлаштириш Миср банклари томонидан кафолотланган эди. 1989 йилнинг апрелида Миср Миллий банки 4 млрд. миср фунти миқдоридаги сертификатларни муомалага чиқарди.

Менежернинг жавобини олган Тантовий ўзидан аввалгиларнинг хулосалари билан ўз мавқеини мустаҳкамлашга қарор қилди. Юқорида айтиб ўтилганидек, бутун XX аср давомида мисрлик илоҳиётчилар бир неча бор рибо муаммосини муҳокама этган эдилар. Инвестицион сертифи-катлар тўғрисидаги масала ҳам уларнинг эътиборидан четда қолмади. Тўрт сунний мазҳаб вакиллари - мусулмон фикҳ-шуносларидан иборат кўмитанинг 1976 йилги йиғилишида кўпчилик овоз билан инвестицион

сертификатлар шариат нуқтаи-назаридан қонуний деб эътироф этилди. Бундан ташқари, Тантовий Ал-Азҳар Бош шайхи (1958-1963) Маҳмуд Шалтутнинг қарашлари ва далилларига таянди, у фатволардан бирида Миср Жамғарма фонди томонидан сертификатлар бўйича битимларда фоиз тўланишини жоиз деб эътироф этган эди. Шалтут жалб этилган маблағлар фонднинг омонатчилар олдидаги қарзи эмас деб хисоблади. Худди шу тарзда Тантовий ҳам инвестицион сертификатларнинг ижтимоий мавқеи муҳимлигини таъкидлаган ҳолда, уларни қарз сифатида эмас, балки омонат сифатида баҳолади. 1990 йилги таҳрирдаги Тантовий-нинг фатвосида сертификат эгалари давлатнинг муҳим, ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларини ривожлантириш учун ёрдам беришлари қайд этилган эди. Лекин ўз далилларининг бекарорлигини тушунган муфтий Миллий банкка сертификатлар билан амалиётлarda ишлатиладиган атамашуносликни ўзгартиришни таклиф этди. Масалан у банкни, кўпчиликнинг назарida фоиз тушунчасини ифодалайдиган “фойда” (арабча – манфаат, қизиқиш) сўзини бетарафроқ “рибх истисморий” (инвестицион фойда) атамаси билан алмаштиришга чакирди.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада вербал шарҳлаш, тизимлаштириш ва таснифлаш, илмий абстракциялаш каби тадқиқот усуслари кўлланилган. Шунингдек, илмий мақолада келтирилган статистик маълумотларни тўплаш, уларни тизимлаштириш ва шарҳлашда Жаҳон банки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси президенти хузуридаги Статистика агентлиги маълумотларидан фойдаланилди.

Натижә ва мухокама

Банк ва мижоз ўртасида тузилган шартномаларга мижоз-ларнинг эътиборсизлик билан қараши натижасида мижозлар молиявий фаолияти ёмонлашишига сабаб бўлмоқда. Аҳолининг кредитга бўлган талаби юкори-лигича қолаётганлиги, банкларга рақобат мухитини яратиб берадиган кредит ташкилотларининг секин бозорни эгаллаётганлиги банк манфаатига кўпроқ хизмат қиласидан ўзгармас шартномаларнинг мавжудлигига сабаб бўлмоқда. Мисол учун банк мижозларига ойма-ой фоизларни белгиланган санадан кечиккан кундан бошлаб 1 баробар ёки 1,5 баробар фоиз ҳисобланishi ҳамда пеняларнинг ҳам мавжудлиги мижозларнинг молиявий фаоли-ятига сезиларли таъсир қилмоқда. Бундан ташқари, мижозларнинг ўз вақтида график асосида фоиз ва асосий қарзларни тўлаолмаслик ҳолати мижознинг кредит тарихига салбий таъсир кўрсатиб, кейинги 3-4 йил ичida кредит олишида муаммоларга дуч келарди. Ҳозирда Марказий банк имконияти орқали тижорат банклардан мижознинг молиявий ҳолати яхшиланганлиги хусусида хат чиқариш орқали ушбу тарихини тўғирлаш орқали кредит олиш мумкинлиги ижобий янгиликдир. Бизнинг фикримизча, ушбу ҳолатни ҳам автоматлаштириш орқали илгари кредит ва фоизларни ёпишда муаммоси бўлган мижозларга янада қуайликлар яратилиб бир маротаба яна марказий банкга хат қилмасдан кредит берилишига рұксат бериладиган қилиш зарур. Зоро, ушбу мижоз бундан кейин банк фоиз ва кредитини ўз вақтида тўлашга ўтадиган бўлиши учун.

Биргина, доимий даромадга эга бўлмаган аҳоли тадбиркорлигини ривожлантириш учун берилаётган кредитларни ҳам 3-5-7 йилга берилган бўлишига қарамасдан ҳар ойнинг белгиланган

санасида фоиз ва асосий қарзларни тўлаши шартлиги шартномаларда белгиланиши, ўз вақтида тўланмаган қарз учун 1 ёки 1,5 баробар ҳисобланган ҳолда фоизларни ундирилиши янги тадбиркорликни бошлаганларни молиявий жиҳатдан қийнаб кўймоқда. Бунинг натижасида, банкларда NPL ҳам ортиб кетмоқда. Бундан ташқари, 3 ойдан ошган кредитларни судга берилиши натижасида уларга 5 % давлат божи ва 4 % ижро йигимларини кўлланиши ҳам молиявий ҳолатни оғирлаштириш билан бирга тадбиркорни бирдан банкрот ҳолатга олиб келмоқда. Тадбиркорларни қўллаб-куватлаш фондидан тадбиркорларнинг соҳасига қараб тўланаётган фоизнинг 75 %гача қоплаб бериш кўрсатилган[12]. Пандемия даврида кредитлар муддати узайтирилган бўлишига қарамасдан фондга банк ходими ўз вақтида хат чиқармаганлиги сабабли ҳам ушбу фоизларни маълум муддат ўтгач тадбиркор тўлашга мажбур бўлган. Банк мижози молиявий кийинчиликларга учраган вақтда банкга биргина онлайн тарзда мурожаат орқали кредитни 3 ой га ёки 6 ойгача кредитнинг муддатини чўзиш имкониятларини бериш керак. Шунингдек, муддати чўзилган кредитнинг фонддан олинган субсидияси бўйича маблағ учун фондга алоқа хатини берилмаслиги оқибатида келтирилган зарар банк томонидан қоплаб берилиши керак. Шундай мөъёрий хужжат киритилган тақдирда банкларнинг тадбиркорларнинг молиявий ҳолати ёмонлашишига маъсулияти оширилган бўлади.

Банк ва кредит олувчи юридик шахс билан тузилган кредит шартномасининг ҳисоб-китоблар бўлимида қарз олувчи томонидан кредит ва фоизларни қоплаш учун амалга оширилган тўловлар куйидаги навбатда кредитни сўндиришига йўналтирилади: (нустойка, муддати ўтган

кредит фоизи, муддати ўтган кредит фоизи бўйича асосий қарз, муддатли кредит фоизи ва муддатли кредит бўйича асосий қарз ундирилади деб кўрсатилган.

Бундан ташқари, шартноманинг “Томонларнинг хукуклари” бўлимида мижознинг молиявий ҳолати ёмонлашса ёрдам бериш ўрнига кредитор ундирувни кредит таъминотига қаратиши ҳақида қарз олувчига неча кун олдиндан хабар бериши лозим кун олдин хабардор қиласи дейилган. Бундан ташқари, мазкур Шартнома бўйича Кредитор ўзининг талабларини қаноатлантириш учун зарур бўлган тегишли пул маблағларини Ўзбекистон Рес-публикаси Фуқаролик кодексининг 783-моддасига мувофиқ Қарз олувчининг барча ҳисоб-варагларидан унинг топширифисиз сўзсиз (акцептсиз) тартибда тўлов талабномаси ёки мемориал ордер орқали ундириш. Бунда мавжуд маблаг юқорида қайд этилган тарбида яъни, нустойка, муддати ўтган кредит фоизи, муддати ўтган кредит фоизи бўйича асосий қарз, муддатли кредит фоизи ва муддатли кредит бўйича асосий қарз ундирилади сўндирилади. Шу сабабли, шартномани шу бандларини кўриб чиқиш керак бўлади. Сабаби, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев доим фаолияти суст, молиявий ахволи ёмонлашган тадбиркорларга ёрдам бериш кераклигини бир неча маротаба айтиб ўтилган бўлсада, асл сабаб фоизларга кўshima ҳисобланадиган фоизу пеняларда эканлигига ҳеч ким аҳамият қаратмаяпти. Ҳолбуки, ҳар бир молиявий ҳолати оғирлашган тадбиркор билан суҳбатлашилганда бу ҳақда тўхталиб ўтади. Шу сабабли, мижознинг молиявий ҳолати ёмонлашган вактда ундан ундирилган маблағни кредитнинг асосий танини (қисмини) ёпишга йўналтириб фоизни кредитнинг 10 фоизлари қолганда ёпишга йўналтириш мақсадга мувофиқ бўлган бўларди.

Бугунги кунда мижозга фоизларни кечикиб тўлаганлик учун шартномада белгиланган 1 ёки 1,5 баробар қўшимча фоиз ҳисоблаш кредитнинг асосий қисмининг 50 %дан ўтмаслиги кераклиги белгиланган бўлишига қарамасдан, банкларда фоиз ҳисоблаш 50%га етганда тўхтатиш автоматлаштирилган тизимга ўтмаган.

Бундан ташқари, таҳлил-ларимиз жараёнида биргина компанияга тегишли 27 та ташкилотларнинг бир ойда кредит фоизлари ва асосий қарзини кечиктириб тўлаш эвазига компания 4 млрд.сўмдан ортиқ зарап кўраётганлигини маълум бўлганлиги масалага илмий жиҳатдан ёндошиш кераклигини тақоза қилди деб ўйлаймиз. Яъни, юқори фоиз кўллаш ёки пеняни бекор қилиш ҳамда бирор-бир енгиллаштирувчи таклифлар ишлаб чиқиш орқали мамлакат иқтисодиётини янада кўтариш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Хулоса

Умумий хулоса сифатида, кредит суммалари ва фоизларни қайташи тўғрисидаги даъво қаноатлантирилганда бир вактнинг ўзида кредит шартномасида назарда тутилган ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган неустойка ҳам ундирилиши мумкин, агар уни ундириш талаб қилинган бўлса. Шунингдек, кредит шартномасида тарафлар томонидан кредитни қайташини кечиктирганлик (кредит мажбуриятини бузганлик) учун юқори фоиз тури сифатида белгиланган жавобгарлик узлуксиз жорий санкция ҳисобланади. Агар даъвогар томонидан ФКнинг 327-моддасига асосан фоизларни ундириш ва айнан шу қонунбузилиши учун “неустойка” ундириш ҳақида талаблар билдирилган бўлса, суд ўз хошишига кўра фуқаролик-хукуқий жавобгарлик чораларидан бирини кўллаши ва талабни

ёки фоизлар ундириш қисми бўйича, ёхуд неустойка ундириш қисми бўйича қаноатлантириши мумкин дейилган.

Шу ерда судга ваколат берилган ё фоиз ёки пеняни ундириш. Менинг фикрим суд мижознинг молиявий холатига оғирлаштирадиган қарор қабул қилмаслик керак. Шунингдек, судьяга ё уни ёки бу вариант қўллашни тақдим қилмаслик керак, акс ҳолда коррупцияга замин яратилган бўлади. Қонунчилик талаби катъий ва аник бўлиши керак деб ҳисоблаймиз.

Чунончи, кредит шартномаси бўйича юкори фоиз ҳисобланадиган бўлса, пеняя ҳисоблашни тўхтатиш керак. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида бу ҳолат тартибга солинмаганини ҳам эслатиб ўтишимиз жоиз.

Банклар барча ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кредитларининг жозибадорлигини реклама қилишади, бироқ, ахолига банк кредитларини олиб ўз вақтида тўламаган тақдирда шартномларида қўлланиладиган санкциялари бўйича маълумотлар берилмайди. Агар мижозда банклардаги кредитлар ва уларни ўз вақтида қайтармаслик ёки ҳар ойда белгиланган санадан кечикиб тўланган ҳар бир кун учун тўланадиган юкори фоизларни (санкцияларини) таҳлил килишга шароитлар яратиб берилса, улар ўз навбатида келажакда унга молиявий санкциялари камроқ бўлган бандан кредит олишга интилади. Шунингдек. банклар ҳам шунга қараган ҳолда хизматларини янада яхшироқ шаклларини тақдим қила бошлашади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” қонун, 5.11.2019 йил №580-сон.
2. Платон: Государство. Переводчик Егунов А.Н.; Изд.: АСТ, 2022 г. – 448 с.
3. Аристотель: Политика. Переводчик Жебелев С.А.; Изд.: АСТ, 2022 г., 28 с.
4. Борисов, А. Б. Большой экономический словарь / А.Б. Борисов; сост. А.Б. Борисов. – Изд. 2-е, перераб. и доп. – Москва : Книжный мир, 2006. – 543 с.
5. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег / Пер. с англ. под ред. А.Г. Милейковского и И.М. Осадчей. – М.: Прогресс, 1978. – с. 34
6. Fisher I. Elementary principles of Economics – New – York. 1923/ - 370 р
7. Тавасиев, А.М. Банковское дело: учебник для вузов / А.М. Тавасиев. - 3-е изд., перераб. и доп. - Москва: Издательство Юрайт, 2021. - 534 с.
8. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банклари кредит портфелини диверсификациялаш: Иқт. фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 2000. – 36 б.
9. Бердияров Б.Т. Тижорат банклари активларининг даромадлилиги: Иқт. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – 176.
10. “Ислом иқтисодий модели ва замон”. Ренат Беккин. Таржимон Ботирхўжа Жўраев. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2019 йил 5 февралдаги 586-хulosаси асосида. https://azon.uz/content/views/misr-shayhlari-foizni-joiz-deganmi#_ftn1.
11. Mufti Taqi Usmani. Al-Azhar Fatwa Declaring Interest Permissible <https://islamqa.org/hanafi/qibla-hanafi/36007/al-azhar-fatwa-declaring-interest-permissible-2/>
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаш давлат жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фаромони, 09.06.2022 йил ПФ-150-сон.

УЎТ 336.225.657

Shirinov Sabir Erkinovich,
Toshkent moliya instituti professor, i.f.n.

**DAVLAT BUDJETINING SOLIQLI DAROMADLARINI PROGNOZ QILISH
JARAYONI USULIDA TUZILGAN EKONOMETRIK MODELLARNI
QO'LLASH USLUBIYATI**

Ширинов Сабир Эркинович,
к.э.н., профессор Ташкентский
финансовый институт

**МЕТОДОЛОГИЯ ПРИМЕНЕНИЯ ЭКОНОМЕТРИЧЕСКИХ
МОДЕЛЕЙ, ПОСТРОЕННЫХ МЕТОДОМ ARIMA, К ПРОЦЕССУ
ПРОГНОЗИРОВАНИЯ НАЛОГОВЫХ ДОХОДОВ ГОСУДАРСТВЕННОГО
БЮДЖЕТА**

Shirinov Sabir Erkinovich,
*candidate of economic sciences, professor of
Tashkent institute of finance*

**METHODOLOGY OF APPLICATION OF ECONOMETRIC MODELS BUILT
BY THE ARIMA METHOD TO THE PROCESS OF FORECASTING TAX
REVENUES OF THE STATE BUDGET**

Annotatsiya. Maqolada prognozning ARIMA (Auto-regressive Integrated moving Average) usulidan davlat budjetining soliqli daromadlarini prognoz qilishda qo'llash uslubiyati yoritilgan. Unda, ARIMA usulining o'ziga xos xususiyatlari, prognoz qilishda qo'llash shartlari bayon qilingan. ARIMA (Auto-regressive Integrated moving Average) usuli asosida ekonometrik model turlarini ishlab chiqish va davlat budjetining soliqli daromadlarini prognoz qilishda foydalanish taklif etilgan.

Tayanch so'zlar: ARIMA metodi, noregression model, bashorat qilingan qiymat, "oq shovqin", avtoregressiv model, vaqt qatorlari.

Аннотация. В статье представлена методика применения метода ARIMA (Auto-regressive Integrated moving Average) в прогнозировании налоговых доходов государственного бюджета. В ней отражены отличительные особенности и условия применения метода ARIMA (Auto-regressive Integrated moving Average). Автор предлагает разработать на основе метода ARIMA эконометрические модели для прогнозирования налоговых доходов государственного бюджета.

Ключевые слова: метод ARIMA, нерегрессонный model, «белый шум», авторегрессивный model, временный ряд.

Annotation. The article presents a methodology for applying the ARIMA (Auto-regressive Integrated moving Average) method in forecasting tax revenues of the state budget. It reflects the distinctive features and conditions for using the ARIMA (Auto-regressive Integrated moving Average) method. The author proposes to develop econometric models based on the ARIMA method for forecasting tax revenues of the state budget.

Keywords: ARIMA method, non-regression model, white noise, autoregressive model, time series..

Kirish

Jahon prognostika amaliyotida juda ko‘p usullar mavjud. Har bir usul o‘zga xos mexanizm va qo‘llash uslubiyatiga ega. Umumbashar tan olgan usullar orasi sohasida ARIMA (Auto-regressive Integrated moving Average) universal usul hisoblanadi. Mazkur usul asosida tuziladigan ekonometrik modellerning o‘ziga xos jihat shundan iboratki, model AR(Auto-regressive) va integratsiyalashgan MA(moving Average) modellari birikmasidan tashkil topgan. Davlat budgetining soliqli daromadlarini prognoz qilishda ushbu usuldan foydalanishni taklif qilamiz. Shu o‘rinda aytish joizki, ARIMA usulida davlat budgetining soliqli daromadlarini prognoz qilish modellarini tuzish metodologiyasi o‘ziga xos murakkablikka ega.

Mavzuga oid adabiyotlar sharhi

Y.I.Kadochnikovaning fikricha, “ARIMA modelida iqtisodiy vaqt qatorlari odatda nostatsionar bo‘ladi. Nostatsionarlik $f(t)$ notasodifiy tarkibiy elementning mavjudligi bilan izohlanadi”[1]. Rene van der Krukening ta’kidlashicha, “ARIMA modeli, bir tomondan ARMA modeliga yaqin bo‘lsa, ikkinchi tomondan SARMA modeling alohida ko‘rinishi hisoblanadi”[2]. E.Y.Tixonovning tushuntirishicha ARIMA modeli yetarli darajada keng spektordagi vaqt qatorini o‘z ichiga oladi, uni kichik

darajada modifikatsiya qilish orqali mavsumiy vaqt qatorlarni juda aniqlida tasvirlash mumkin”[3]. Y.A. Kryukov, D.V. Chernyaginlarning tushuntirishicha, “ARIMA modeli – bu, prognozning eng ommaviylyashgan usuli hisoblanadi, uning yordamida nostatsionar xususiyatga ega bo‘lgan parametrlarga baho berish mumkin” [4] .

Tadqiqot metodologiyasi

ARIMA(p,d,q) modeli vaqt qatorini prognoz qiluvchi modellar orasida eng umumiysi sanaladi. Nochiziq bog‘lanishga ega bo‘lgan vaqt qatori differensiatsiyalash orqali nostatsionarlik holati statsionarlik holatiga transformatsiya qilinadi. Transformatsiya qilish natijasida vaqt qatorining xususiyatlari butun davr uchun o‘zgarmas(konstanta)ga ega bo‘ladi. Vaqt qatorining dispersiyasi o‘rtacha atrofida tebranuvchi o‘zgarmas amplitudaga ega bo‘ladi. Amaliyotda, ARIMA(p,d,q) modeli “oq shovqin”ni signaldan filtrlovchi vosita sifatida o‘zini namoyon qiladi. Filtrlashdan keyin vaqt qatorida mavjud bo‘lgan signal kelajakda prognoz uchun ekstropolatsiya qilinadi.

Natija va muhokama

ARIMA(p,d,q) modeling formulasi statsionar vaqt qatori uchun chiziqli(regression) toifaga ega bo‘ladi.

Unda tushuntiruvchi o‘zgaruvchi bog‘liq o‘zgaruvchining “Lag”laridan yoki prognoz “Xato”sining “Lag”laridan tashkil topadi.

Soliq tushumlaridan tashkil topgan statsionar vaqt qatori uchun tuziluvchi, chiziqli(regression) toifaga bo‘lgan ARIMA(p,d,q) modeli quyidagi ko‘rinishga ega bo‘ladi: $Y_t = \alpha + \beta_1 Y_{t-1} + \dots + \beta_p Y_{t-p} + \epsilon_t$

Agar tushuntiruvchi Y ning Laglaridan tashkil topsa, tuzilgan model “toza avtoregressiv” deb ataladi. Masalan, birinchi darajali avtoregressiv (AR(1)) modeli $Y_t = \alpha + \beta Y_{t-1} + \epsilon_t$

Agar tushuntiruvchi Y ning Lag($Y, 1$) belgilanadi. Agar modelda tushuntiruvchi o‘zgaruvchi sifatida xatoning Lagi belgilansa, ARIMA(p,d,q) noregression model hisoblanadi. Chunki, vaqt qatoridagi oxirgi davr uchun xatoni mustaqil o‘zgaruvchi sifatida ko‘rsatish imkoniyati mavjud emas, xatolar har bir davr uchun, ma’lumotlarga model qo‘llanilgandan keyin aniqlanadi. Bir so‘z bilan aytganimizda, tushuntiruvchi o‘zgaruvchi koeffitsiyentlarning to‘g‘ri chiziqqli funksiyasi hisoblanmaydi. Shunday qilib, ARIMA(p,d,q) modelida xato laglari tenglamalar tizimini tatbiq qilmagan holda, nochizqli optimallashtiruvchi usul (“hill-climbing”) asosida baholanadi.

Prognoz qilish tenglamasida standartlashgan vaqt qatorining Laglari “avtoregressiv (autoregressiv)” tushuncha, xatolar lagi “o‘rtachani siljutish(moving average)”, vaqt qatorini statsionar holatiga keltirish uchun amalga oshiriluvchi ayirish “integratsiyalash(integrated)” deb ataladi. Shu o‘rinda ta’kidlash joizki, avtoregressiv model, tasodify qadam, eksponensial sillqlash modellari ARIMA(p,d,q) modelining alohida ko‘rinishi deb xulosa qilishimiz mumkin.

Nomavsumiy ARIMA(p,d,q) modelida:

p – avtoregressiv laglarning soni;

d – statsionarlik holatiga transformatsiya qilish uchun amalga oshiriluvchi nomavsumiy ayirishlar soni;

q – bashorat qilish tenglamasidagi prognoz xatosining Laglari soni.

Soliq tushumlarini prognoz qilish tanglamasi quyidagicha tutiladi. Oldin, y ni $Y_t = \mu + G_1 Y_{t-1} + \dots + G_p Y_{t-p} + J_t$

Bunda,

$$\text{agar } d = 0: y_t = Y_t;$$

$$\text{agar } d = 1: y_t = Y_t - Y_{t-1};$$

$$\text{agar } d = 2: y_t = (Y_t - Y_{t-1}) - (Y_{t-1} - Y_{t-2}) = Y_t - 2Y_{t-1} + Y_{t-2}.$$

Yuqoridaqilarni inobatga olib, soliq tushumlarini prognoz qilish uchun quyidagi modelni tuzamiz: $y_t = \mu + G_1 y_{t-1} + \dots + G_p y_{t-p} + J_t - \alpha_1 J_{t-1} - \dots - \alpha_q J_{t-q}$

Bu yerda $\alpha_1, \dots, \alpha_q$ “-“ ishora bilan aniqlanishi lozim (Box va Jenkuns).

Y uchun mos keluvchi ARIMA(p,d,q) aniqlashda, dastlab, vaqt qatorini statsionar holatga keltiruvchi ayirish darajasini (d) aniqlashdan boshlaymiz va mavsumiylik belgilarni bartaraf qilamiz. Agar ayirish qatorini o‘zarmas holatiga erishsak, shu bosqichda d ni qayta ishlash jarayonini to‘xtatamiz. Shundan so‘n, “tasodify qadam” va “tasodify trend” modellarini d ga moslashtiramiz. Moslashtirilgandan so‘ng ham, statsionarlashtirilgan vaqt qatori avtokorrelatsiyalashgan xatoga ega bo‘lishi mumkin. Shundan so‘ng, ishlab chiqiluvchi ARIMA(p,d,q) modeliga AR ning $p \geq 1$ oralig‘ida va MA ning $q \geq 1$ oralig‘ida tegishli Laglarini kiritamiz.

ARIMA(1,0,0) = birinchi darajali avtoregressiv model(first order autoregressive model soliq tushumlari qiymatlaridan tuzilgan vaqt qatori statsionar va avtokorrelatsiyalashgan shartlarda mazkur modeldan foydalanishni taklif qilamiz. Soliq

tushumlarini o'tgan davrdagi qiymati va o'zgarmas miqdor asosida prognoz qilinadi. Prognoz modeli quyida keltirilgan formula ko'rinishida bo'ladi:

$$\hat{Y}_v = \mu + G_1 Y_{v-1};$$

\hat{Y}_v - soliq tushumlarini prognoz natijasi;

μ - o'zgarmas miqdor (konstanta);

G_1 - koeffisent;

Y_{v-1} - soliq tushumining o'tgan dardagi qiymati(1-Lag).

Modelda Y bir Lag bo'yicha o'zining qiymatiga regressiya qilinadi. Bir so'z bilan aytganda, model «ARIMA(1,0,0)+constant» ko'rinishiga ega bo'ladi. Y ning o'rtachasi nolga teng bo'lganda, constant model tarkibiga kiritilmaydi. Agar G_1 ijobjiy va birdan kichik bo'lsa, Y statsionar hisoblanadi, prognoz qiymat G_1 koefitsiyent miqdoriga tenglashadi. G_1 ning ishorasi salbiy bo'lsa, Y ning prognози o'rtachadan kichik bo'ladi.

Ikkinci darajali avtoregressiv modelda (ARIMA(2,0,0)) soliq tushumlarini prognoz qiluvchi tenglamaning o'ng tomonida $Y_{-(v-2)}$ yoziladi. Koefitsentning ishorasi va miqdoriga qarab, ARIMA(2,0,0) modelining o'rtachasi sinusoida shaklida o'zgaradi. O'rtachaning o'zini bunday ko'rsatishi, ARIMA(p,d,q) modelining tasodifiy qadam deb nomlanuvchi shaklini soliq tushumlarini prognoz qilishda qo'llash taklif qilinadi.

“Tasodifiy qadam (random walk)” ko'rinishidagi ARIMA modeli ARIMA(0,1,0) ko'rinishida tuziladi. Agar soliq tushumlari qiymatidan tuzilgan Y vaqt qatori nostatsionar bo'lsa, random walk ko'rinishidagi prognoz modeliga AR(1) ni qo'shishni taklif qilamiz. Bunda, avtoregressiya koefitsiyenti birga teng bo'ladi. Taklif qilinayotgan ARIMA(0,1,0) ko'rinishidagi soliq tushumlarini prognoz qilish modelni quyida keltirilgan tenglama ko'rinishida yozishimiz mumkin:

$$\hat{Y}_v - Y_{v-1} = \mu \text{ yoki } \hat{Y}_v = \mu + Y_{v-1}.$$

Bu yerda,

μ – konstantaning davrma - davr o'zgarishi.

Agar modelda tasodifiy qadamining xatosi avtokorrelatsiyalashgan bo'lsa, soliq tushumlarini prognoz qilish uchun taklif qilinayotgan modelga bog'liq o'zgaruvchining bir lagini qo'shish zarur. Natijada, soliq tushumlarini prognoz qilish uchun Differenced first -order autoregressive (ARIMA(1,1,0)) modeli tuziladi. Formula ko'rinishida uni quyidagicha tuzamiz:

$$\hat{Y}_v - Y_{v-1} = \mu + U_1(Y_{v-1} - Y_{v-2});$$

$$\hat{Y}_v - Y_{v-1} = \mu;$$

$$\hat{Y}_v = \mu + Y_{v-1} + U_1(Y_{v-1} - Y_{v-2}). \quad (3)$$

Ushbu tenglamani (3) o'zgarmasga (constant) ega bo'lgan, bir nomavsumiy ayirmali, birinchi darajali avtoregressiv model (ARIMA(1,1,0)) deb ataymiz.

Soliq tushumlarini prognoz amaliyotiga joriy qilish uchun taklif qilinayotgan ARIMA modelining yana bir ko'rinishi Auto-regressive Integrated moving Average (ARIMA(0,1,1) without constant (simple exponential smoothing) deb nomlanadi. Taklif qilayotgan modelimizni quyidagicha tuzamiz:

$$\hat{Y}_v = \widehat{Y_{v-1}} + \alpha j_{v-1};$$

$\alpha j_{v-1} = Y_{v-1} - \widehat{Y_{v-1}}$ bo'lganligi sababli yuqoridagi modelni quyidagi ko'rinishda qayta yozamiz:

$$\hat{Y}_v = Y_{v-1} - (1 - \alpha)j_{v-1} = Y_{v-1} - \varrho_1 J_{v-1}.$$

Bunda, $1 - \alpha$ va ϱ_1 lar eksponensial sillqlash koefitsiyentlari. ARIMA(1,1,0) (without constant) modelini qo'llagan holda soliq tushumlarini bir lag odinga prognoz qilishda $1 \div (1 - \alpha_i)$ koefitsiyentidan foydalanishni tavsiya qilamiz. ϱ_1 ning qiymati 1 ga yaqinlashgan sari, ARIMA(1,1,0)

(without constant) modeli uzoq muddatli o'rtachani shiljitim singari o'zini tutadi. Agar Q_1 ning qiymati 0 ga yaqinlashsa – random walk without drift modeliga aylanadi.

Yuqorida taklif qilingan ikki modelda tasodifiy qadamdag'i avtokorrelatsiyalashgan xatoni ikki yo'l bilan yechish ko'rsatildi: modelga vaqt qatorining ayirmasidan tashkil topgan lag qiymatlarini kiritish hamda prognoz xatosining lag qiymatlarini kiritish. Shu o'rinda savol tug'iladi: avtokorrelatsiyani tuzatish maqsadida AR yoki MA maqsadga muvofiq? Agar avtokorrelatsiya ijobjiy xususiyatga ega bo'lsa, AR tushunchasidan, agar avtokorrelatsiya salbiy bo'lsa – MA tushunchasidan foydalanish maqsadga muvofiq.

Soliq tushumlarini prognoz qilishda foydalanish uchun taklif qilinayotgan navbatdagi model – ARIMA(1,1,0) (with constant) deb ataladi. Uni quyida keltirilgan formula ko'rinishida tuzamiz: $\hat{Y}_v = \mu + Y_{v-1} - Q_1 J_{v-1}$. Tuzilgan modelning tarkibiga e'tibor qaratadigan bo'lsak, mazkur model tarkibiga μ (constant) kiritildi.

ARIMA(0,2,1) yoki ARIMA(0,2,2) without constant (Linear exponential smoothing) modelini tuzishda MA tushunchasi bilan bog'langan ikkita nomavsumiy ayirmadan foydalanamiz. T vaqt davrida Y ning ikkinchi ayirmasi quyidagi formula asosida aniqlanadi: $(Y_v - Y_{v-1}) - (Y_{v-1} - Y_{v-2}) = Y_v - 2Y_{v-1} + Y_{v-2}$. Yuqoridagilarga asoslanib, ARIMA(0,2,2) modelini tuzamiz.

$$\hat{Y}_v - 2Y_{v-1} + Y_{v-2} = -Q_1 J_{v-1} - Q_2 J_{v-2}$$

yoki

$$\hat{Y}_v = 2Y_{v-1} - Y_{v-2} - Q_1 J_{v-1} - Q_2 J_{v-2}.$$

Bunda, Q_1 , Q_2 lar MA(1) va MA(2) tushunchalarning koeffitsiyentlari.

ARIMA(1,1,2) (without constant) modeli vaqt qatoridagi trendni ekstrapolatsiya qiladi. Faqt p va q larning miqdori 1 dan katta bo'lmagan holatlarda modeldan soliq tushumlarini prognoz qilishda

tavsija qilinadi. Mazkur modelni formula ko'rinishida quyidagicha tuzamiz:

$$\hat{Y}_v = Y_{v-1} + U_1(Y_{v-1} - Y_{v-2}) - Q_1 J_{v-1} - Q_2 J_{v-2}.$$

Davlat budgetining soliqli daromadlarini prognoz qilishda AR, MA, ARMA yoki ARIMA modelidan foydalanishimiz mumkin. Ammo, qaysi modelni tanlash, ko'p jihatidan vaqt qatorining tahlil natijalariga bog'liq.

Soliq tushumlaridan tuzilgan vaqt qatorini tahlil qilishda Autocorrelation Function(ACF) hamda Partial Autocorrelation Function(PACF) tarkibi, "Lag" lar o'rtasidagi avtokorrelatsion bog'lanish tavsifi o'rganiladi. Tahlil natijasida AR, MA, ARMA yoki ARIMA modelini davlat budgetining soliqli daromadlarini prognoz qilish tanlash qarori qabul qilinishi lozim.

Autocorrelation Function(ACF) tahlilini amalga oshirishda ST_v soliq tushumlari qiymatlaridan tuzilgan vaqt qatorining v davrdagi bog'liq o'zgaruvchisi, deb qabul qilamiz. Bunda ACF yordamida $z=1,2,3$ va hokazolar uchun ST_v va Y_{v-z} o'rtasidagi avtokorrelatsiya koeffitsiyentlarini hisoblaymiz.

Soliq tushumlari qiymatlaridan tuzilgan vaqt qatorlari o'rtasidagi ACF bog'lanishni quyida keltirilgan formula asosida hisoblashni tavsija qilamiz:

$$ACF = \frac{\text{Covariance}(ST_v, ST_{v-z})}{\text{St.D.}(ST_v)X \text{St.D.}(ST_{v-z})} = \frac{\text{Covariance}(ST_v, ST_{v-z})}{\text{variance}(ST_v)} \quad (5)$$

Bunda,

$\text{Covariance}(ST_v, ST_{v-z})$ - soliq tushumlari to'g'risidagi emperik ma'lumotlarning kovriatsiyasi;

$\text{St.D.}(ST_v)X \text{St.D.}(ST_{v-z})$ – soliq tushumlari to'g'risidagi emperik ma'lumotlarning standart chetlanishi;

$\text{Variance}(ST_v)$ – soliq tushumlari to'g'risidagi emperik ma'lumotlarning dispersiyasi.

Partial Autocorrelation Function (PACF) ST_v va ST_{v-z} o'rtasidagi, ST_{v-z+1} , ... ST_v ga nisbatan shartli avtokorrelatsiyani aniqlashga xizmat qiladi.

Partial Autocorrelation Function (PACF)
 ST_v va ST_{v-z} o'rtasidagi, ST_{v-z+1} , ... ST_v ga
 nisbatan shartli avtokorrelatsiyani aniqlashga
 xizmat qiladi.

PACF mexanizmini o'rganish natijasida
 quyidagi xulosaga kelindi.

Birinchi tartibli (1-Lag) PACF
 birinchi tartibli(1-Lag) avtokorrelatsiya
 koefsiyentiga teng.

Ikkinci tartibli (2 – Lag) PACFni
 hisoblashda quyidagi formuladan foydalanish
 taklif qilinadi:

$$\frac{Covariance(ST_1, ST_{v-2})I(ST_{v-1})}{\sqrt{Variance(ST_v)IST_{v-1}}Variance(ST_{v-2}IST_{v-1})}; \quad (6)$$

Uchinchi tartibli (3-Lag) PACFni
 hisoblashda esa quyidagi formuladan
 foydalanish tavsija qilinadi:

$$\frac{Covariance(ST_1, ST_{v-3})I(ST_{v-1})}{\sqrt{Variance(ST_v)IST_{v-1}, ST_{v-2}}Variance(ST_{v-3}IST_{v-1}, ST_{v-2})}; \quad (7)$$

Xulosा

ARIMA(p,d,q) usuli bugungi kunda
 jahon prognostika sohasida keng miqiyosda
 qo'llanilayotgan usullardan biri hisoblanadi.

ARIMA(p,d,q) usuli AR va
 integratsiyalashgan MA usullari
 kombinatsiyasidan tashkil topgan.

ARIMA(p,d,q) usuli vaqt qatorida
 nostaatsionar holatlar mavjud bo'lganda,
 prognoz jarayonida qo'llaniladi.

Davlat budgetining soliqli daromadlarini
 prognoz qilishda ARIMA(p,d,q) usuli asosida
 ishlab chiqilgan ekonometrik modellardan
 foydalanishni taklif qilamiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Кадочникова Е. И. Эконометрика. Конспект лекций / Е. И. Кадочникова; Каз. федер. ун-т. – Казань, 2013. – 106 с.(81 с.)
2. A General Spatial ARMA Model: Theory and Application. Rene van der Kruk. Tinbergen Institute and Vrije Universiteit Amsterdam, department of Spatial Economics. wetlands@renevdruk.com
3. Э.Е. Тихонов. Методы прогнозирования в условиях рынка: учебное пособие. - Невинномысск, 2006. - 221 с.(49 с.).
4. ARIMA – модель прогнозирования значений трафика. Ю.А. Крюков, Д.В. Чернягин. http://www.isa.ru/jitcs/images/documents/2011-02/41_49.pdf

УЎТ 330.338(33)

**Шадманов Хайрулла Насруллаевич,
Тошкент молия институти доц.б.**

ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА СУҒУРТА ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

**Шадманов Хайрулла Насруллаевич,
И.о. доц. Ташкентского финансового института**

ПРОБЛЕМЫ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ СТРАХОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

**Khairulla Shadmanov Nasrullaevich,
As.prof, Tashkent institute of finance**

PROBLEMS OF INNOVATIVE DEVELOPMENT OF THE INSURANCE SYSTEM IN THE CONDITIONS OF DIGITAL ECONOMY

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон суғурта бозорининг асосий кўрсаткичларини таҳлил қилишида молиявий хизматлар бозорининг уибу сегментида жисмоний шахслар ўртасида тадбиркорлик фаолигини ошириши, суғурта тўловларининг ўсиши, суғурта компаниялари капиталлашув даражасининг ошиши ва суғурта компаниялари фаолиятига давлат томонидан назоратни кучайтириши масалалари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: суғурта, суғурта бозори, инновацион суғурта бозори, суғурта бозорини рақамлашириши, индивидуал суғурта.

Аннотация. В статье рассматривается рынок финансовых услуг при анализе основных показателей страхового рынка Узбекистана. Также в данном сегменте рассматривались вопросы повышения деловой активности среди физических лиц, увеличения страховых премий, повышения уровня капитализации страховых компаний и усиления государственного контроля за деятельностью страховых компаний.

Ключевые слова: страхование, страховой рынок, инновационный страховой рынок, цифровизация страхового рынка, индивидуальное страхование.

Annotation. The article examines the financial services market in the analysis of key indicators of the insurance market of Uzbekistan. Also in this segment, the issues of increasing business activity among individuals, increasing insurance premiums, increasing the level of capitalization of insurance companies and strengthening state control over the activities of insurance companies were considered.

Keywords: insurance, insurance market, innovative insurance market, insurance market digitization, individual insurance.

Кириш

Ўзбекистон иқтисодиётининг хозирги ривожланиш босқичи барча соҳаларда жадал барқарорлиги билан ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Бу борада бошқа соҳалар сингари суғурта бозорини ҳам инновацион тарзда ривожлантириш, рақамлаштириш ишларини жадал амалга ошириш ва тарқатиш масаласини тақозо этмоқда.

Таъкидлаш керакки, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида: “мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан, 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш” белгилаб берилган [1]. Демак бу борада, хорижий инвестицияларни жалб қилишда замонавий рақамлашган суғурта механизмини такомиллаштиришни талаб этади. Хозирги вақтда инновация ва рақамлаштириш суғурта бозорини ривожлантириш учун зарур шартга айланиб бормоқда, шунинг учун суғурта бизнесини рақамлаштириш орқали инновацион ривожланиш босқичига олиб чиқиши шарт қилиб қўймоқда. Албатта, суғурта ташкилотлари учун янгиликлар бошқа фаолият турларига нисбатан анча муҳимроқ, бу суғурта хизмати таркибидаги ўзига хос хусусиятлар, суғурталовчилар фаолиятининг динамик равишда ўзгариб турувчи шароитлари ва суғурта хизматларини тарқатиш муҳитининг динамикаси билан боғлиқ.

Бу суғурта фаолияти кўламини кенгайтиришга инновацион йўналишлар тобора кўпроқ ҳисса қўшмоқда, бунинг натижасида суғурта фаолиятининг барча соҳаларида инновацион ёндашувлардан самаралироқ фойдаланиш тенденцияси кузатилмоқда, бу эса инновацион

суғурта маҳсулотларига жозибадорлик ва талабни ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратади ва бу, ўз навбатида, суғурта ташкилотларининг молиявий кўрсаткичларини яхшилайди.

Мавзуга оид адабиётлар шархи

Илмий ва бир қатор иқтисодий адабиётларда суғурта ва суғурта бозорининг ижтимоий-иктисодий моҳиятини категория сифатида ёритища турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 ноябрда қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг З-моддасида “Суғурта – муайян воеа(ҳодиса) юз берганда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, товоңлар ва бошқа тўловлар тўлаш учун мақсадли пул жамғармаларини ташкил этиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган, жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини химоя қилишга доир муносабатлар”, деб таъриф берилган [2].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан ҳам суғурта ва суғурта фаолиятига доир илмий-назарий қарашлар қиёсий таҳлил қилинган ҳамда ривожланган мамлакатлар суғурта фаолияти билан боғлиқ назарий қарашлар ва ёндашувлар тадқиқ этилган [3].

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида суғурта тизимини ривожлантиришнинг илмий-назарий асосларини вербал шарҳлаш, статистик кузатув, индукция ва дедеукция, илмий абстракциялаш каби усуллардан фойдаланилган.

Натижа ва мухокама

Суғурта бозори ривожланишининг истиқболларини баҳолаш унинг кучли ва

зайф жиҳатлари, имкониятлари ва таҳдидларини аниқлашни талаб қилади.

Қуйида кўрсатилган сұғурта бозорининг кучли жиҳатларидан баъзиларини кўриб чиқамиз. 1-жадвалдан кўриниб турибдики, сұғурта бозорининг кучли жиҳатлари, булар: сұғуртанинг мажбурий турларини киритиш, минтақаларда бўлимларни кескин ривожлантириш, сотиш оғисларини очиш ва заарларни тартибга солиш, агентлик тармоқларини шакллантириш ҳисобига индивидуал сұғурта бизнесининг амалда шаклланиб бўлган инфратузилмаси ҳисобланади. Лекин институционал жиҳатидан сұғурта тизимини самарали деб тан олиниши мумкин эмас, унда ривожланишда номуво-фикалларнинг мавжудлиги (автосуғуртанинг устуворлиги), сұғуртага бўлган ишончнинг пастлигини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

I-жадвал
Сұғурта бозорининг SWOT таҳлили матриаси

Strengths (кучли жиҳатлари)	Weaknesses (зайф жиҳатлари)
Индивидуал сұғуртанинг амалда шаклланган инфратузилмаси мавжудлиги	Сұғурта бозорининг капиталлашув даражасининг пастлиги
Йирик бизнесни корпоратив сұғурталаш тизимининг йўлга қўйилганлиги ва унинг юқори даромадлилиги	Мижозларга қаратилганлик даражасининг ривожланган давлатларга нисбатан камлиги
Кредит ташкилотлари ва банклар билан ҳамкорлик муносабатларининг йўлга қўйилганлиги	Юқори аквизицион харажатларнинг мавжудлиги

Сұғурта бизнесининг консолидациялашуви ва қайта ташкил этилиши	Сұғурта ташкилотларига аҳоли томонидан ишончлилик даражасининг пастлиги
Жаҳон молиявий инқирозининг сабоклари	Ходимлар малакаси даражасининг етарли эмаслиги
Opportunities (имкониятлар)	Threats (таҳдидлар)
Сұғурта тизимининг ялпи ички маҳсулотдаги улушкини ошириш	Жаҳон молия бозорларида барқарорлик йўклиги
Сұғурта бозорини ривожлантиришда давлат иштирокини кучайтириш	Сұғурта компаниялари устидан назоратнинг паст самардорлиги, ва сұғурта воситачилари устидан назоратнинг йўклиги
Сұғурта бозори устидан назорат тизимини ислоҳ этиш	Демпинг
Айрим сұғурталовчиларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш	Фирибгарлик ва «мақбуллашибтириш» схемаларини ўзgartариш

Микродаражада ёки айрим сұғурта компаниялари даражасида ривожланишининг стратегик режаларини қайта кўриб чиқиши, сұғурта тизимининг субъектлари амалиётига рискларни бошқаришнинг жорий этилиши қайд этилади.

Сұғурта бозори воситачилек вазифасини ҳам бажаради. Чунки айнан унга ўзига хос вазифа юқлатилади – мижозни сұғурта маҳсулотини сотиб олишга кўндириш. Хорижда деярли ҳар бир эҳтимолий обьект сұғурталанган ва унга нисбатан сұғурта статистикаси

йиғилган. Бу эса рискларни аникрок баҳолашга имкон беради Ўзбекистонда ҳар бир обьект бўйича статистиканинг йўқлиги муаммоси мавжуд, аслида обьект ҳар гал янгидан суғурталанади, бозорда пролонгация даражаси ҳам паст. Лекин инновацион иқтисодиёт шароитида агентлик сиёсати ва умуман, суғурта маҳсулотларини сотиш сиёсатини қайта кўриб чиқиши зарурати юзага келган.

Охиригина йилларда суғурта бозорида кэптив суғурта ташкилотлари сони қўпайиб бормоқда. Йирик молиявий гурухлар ўз суғурта ташкилотларини очмоқдалар ва бу даромад олиб келмоқда.

Шуни қайд этиш лозимки, банк суғуртанинг энг жозибадор сегментлари (карздорларнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш, карздорларни ишини йўқотишдан суғурталаш, юридик шахсларнинг гаров мулки, банкларнинг таваккалчиликларини суғурталаш) кэптив суғурталовчиларга – энг йирик банкларнинг шўъба компанияларига киради.

Умуман, бозор инфратузилмавий сервис ривожланишига имкон бериш лозим. Бунда барча суғурталовчилар учун фирибгарликка қарши курашиш, полислар ва заарларни хисобга олиш, хисобтони тайёрлаш, умумий ахборот базасини яратиш энг зарур бўлиб кўринади. Бу бозорда андеррайтинг сифатини ошириш учун зарурий статистик маълумотларнинг йиғилишига кўмаклашади, бу эса астасекин бозорнинг ривожланиши имконини беради.

Суғурта бозорининг молиявий иқтисодий салоҳиятини шакллантиришда иқтисодиётнинг ресурс салоҳияти етакчи ўрин тутишига қарамай, институционал ўзгаришлар нафақат унинг шаклланнишига, балки унинг амалга ошишига ҳам катта аҳамиятли таъсир кўрсатади. Бу ўзгаришлар ривожланиш учун янги имкониятларни очиши, мавжуд имкониятларни ошириши, лекин шу билан бирга, таҳдидларга олиб

келиши ва шунга мувофиқ ҳолда суғурта бозорини модернизациялаш жараёнини мураккаблаштириши, унинг истиқболли йўналишларини ривожланишига тўсиқ бўлишини қайд этиш лозим.

Суғурта компаниялари капиталлашув даражасининг пастлиги суғурта компаниясининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу муаммони ҳал этишнинг бир йўли хорижий суғурта компанияларининг ички бозорга киришини тартибга солишдан иборат.

Хорижий компанияларнинг мавжудлиги суғурта бозорини ривожлантиришга катта таъсир кўрсатади ва биринчи навбатда, капитални жалб қиласиди. Масалан, Польшада суғурта бозори умумий активларининг 48 фоизи ва капиталнинг 73,5 фоизи хорижий инвесторлар томонидан бошқарилади. Польша ҳозирги босқичда Шаркий ва Марказий Европа мамлакатлари суғурта бозорининг етакчиларидан биридир. Хориж инвесторлар фаолиятини миллий суғурта бозорида янада ривожлантириш мамлакатда оқилона сиёсат ва тартибга солувчи дастаклар билан амалга оширилади.

Ўзбекистон суғурта бозори ривожланишининг мақсади жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий манфаатларини суғурта ҳимоялаш даражасини ошириш, ҳалқаро тажрибани хисобга олган ҳолда, суғурта хизматлари бозорининг самарали фаолият юритишни таъминлаш хисобига инвестицион ресурсларни миллий иқтисодиётга жалб қилишнинг самарали бозор механизмларини шакллантиришади. Лекин миллий суғурта бозори ривожланишини бошқаришда замонавий технологияларнинг йўқлиги иқтисодиётнинг ушбу секторида давлатнинг стратегик мақсадлари бажарилишини мураккаблаштиради.

Ўтказилган таҳлил сұғурта муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш сиёсатининг қуйидаги асосий концептуал қоидаларини ажратиб күрсатиш имконини беради:

- миллий иқтисодиёттинг ривожланишида сұғурта бозорини стратегик бошқаришга мақсадли ёндашув;
- сұғурта бозори ривожланишининг стратегик режалари билан ўзаро боғлиқ ҳолда қысқа муддатли режалаштиришнинг құлланиши;
- миллий сұғурта тизимининг ривожланишида минтақавий номутаносибликларни камайтириш;
- бошқарув технологияларининг құлланиши;
- сұғурта муносабатлари соҳасида юз берадиган ўзгаришларга мувофиқ ҳолда сұғурта муносабатларини тартибга солишининг ҳуқуқи базасини такомиллаштириш.

Хулоса

Сұғурта компаниялари активларининг ортиши сабабли сұғурталовчиларнинг институционал инвесторлар сифатида фаол жалб қилиниши тараққиёттинг

ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Агар давлат томонидан сұғурталовчиларнинг инвестицион иштироки масалаларини ҳуқуқий тартибга солишининг самарали сиёсати ўтказилса, бунинг оқибатида сұғурта компанияларининг инвестициялар бозорида воситачилар сифатида фаоллигининг ортиши юз беради. Бу жиҳатдан ўз табиатига құра узоқ муддатлы инвестицияларнинг манбаи бүлгап сұғуртанинг узоқ муддатлы турларининг ривожланиши ижобий ҳолат ҳисобланади.

Сұғурта муносабатларини тартибга сошлиш даражасида сұғурта муносабатларини ўзини ўзи тартибга солиш жараёнларининг ривожланиши, иқтисодий-хуқукий ва назорат усулларининг мувозанатланган құлланиши миллий сұғурталаш тизимининг ривожланишига күмаклашиш имконини беради. Шундай килиб, миллий сұғурталаш тизимининг муваффакиятли ривожланишининг асосий омили унинг муҳим қисми бүлгап замонавий бозор инфратузилмасининг шаклланиши ҳисобланади. Шу жиҳатдан, сұғурта компанияси бизнес жараёнларининг молиявий инженерингини ўтказиши муҳим бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мұлжалланган Яңи Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тұғрисида”ги ПФ-60сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестицион фаолияти тұғрисида”ги ЎРҚ-598-сон Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 ноябрда қабул қилинган “Сұғурта фаолияти тұғрисида”ги Қонуни.
4. Цыганов А.А. Современные механизмы регулирования рынка страховых услуг. / А.А. Цыганов, Е.И. Васильев. – М.: РАГС при Президенте РФ, 2004. – 265 с.
5. Чернова Г.В. Основы экономики страховой организации по рисковым видам страхования. / Г.В. Чернова. – С.Пб., Питер, –2005. - 240 с.
6. Шахов В.В. Страхование: Учебник для вузов. – М. ЮНИТИ, 2001. – 311 б.
7. Шеннаев Х.М. “Ўзбекистон Республикасида сұғурта фаолиятини ривожлантириш йўналишлари”. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган Диссертация Т.: -2021 й. 33-б.

УЎТ

Ишонқулов Низамжон Файзуллаевич,
Тошкент Кимё ҳалқаро университети доценти,
иқтисодиёт фанлари номзоди,
e-mail: n.ishankulov@kiut.uz

КЎЧМАС МУЛКНИНГ БОЗОР ҚИЙМАТИНИ ХАРАЖАТЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БАҲОЛАШ

Ишанқулов Низамжон Файзуллаевич,
кандидат экономических наук, доцент кафедры
«Банковское дело и бухгалтерский учет» Ташкентского
международного университета Кимё
e-mail: n.ishankulov@kiut.uz

ОЦЕНКА РЫНОЧНОЙ СТОИМОСТИ НЕДВИЖИМОСТИ НА ОСНОВЕ ЗАТРАТНОГО ПОДХОДА

Ishankulov Nizamjon Faizullaevich,
Candidate of Economic Sciences, Associate Professor of the
Department of Banking and Accounting, Kimyo
International University In Tashkent,
e-mail: n.ishankulov@kiut.uz

ASSESSMENT OF THE MARKET VALUE OF REAL ESTATE ON THE BASIS OF THE COST APPROACH

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда кўчмас мулкнинг бозор қийматини харажатли ёндашув асосида баҳолаш ҳамда кўчмас мулк бозорида алоҳида турар-жой мажсумалари нархининг ўзгариши ва унинг ижара нархларига таъсири, кўчмас мулкни баҳолаш ташкилотларининг фаолият диверсификацияси акс эттирилган. Шунингдек, кўчмас мулкнинг бозор қийматини харажатли ёндашув асосида нархлашнинг ресурс усули ва базавий индекс усулини қўлланилиши, фуқароларга уй-жой бинолари учун ҳақ тўлаши шаклида товон пулни тўлаш учун турар-жой кўчмас мулкини ҳамда суд мақсадида баҳоланаётган кўчмас мулк объектини баҳолаш услубиёти ёритилган.

Таянч сўзлар: кўчмас мулк, баҳолаш, бозор, бозор қиймати, харажатли ёндашув, уй-жой бинолари учун ҳақ тўлаш, суд мақсадида баҳоланаётган кўчмас мулк, нархлашнинг ресурс усули, нархлашнинг базавий индекс усулни, баҳоловчи ташкилотлар.

Аннотация. В статье отражена оценка рыночной стоимости недвижимости в Узбекистане на основе затратного подхода, изменение цены отдельных жилых комплексов

на рынке недвижимости и ее влияние на арендные цены, а также диверсификация деятельности по оценке недвижимости. Также, ресурсный метод и базисно-индексный метод определения рыночной стоимости недвижимого имущества на основе затратного подхода, метод оценки жилой недвижимости для выплаты компенсации гражданам в виде платы за жилые дома, реальный объект недвижимости, оцениваемый для целей суда, разъясняются.

Ключевые слова: недвижимость, оценка, рынок, рыночная стоимость, затратный подход, плата за жилые дома, недвижимое имущество, оцениваемое в судебных целях, ресурсный метод ценообразования, базисно-индексный метод ценообразования, оценочные организации.

Annotation. *The article reflects the assessment of the market value of real estate in Uzbekistan based on the cost approach, the change in the price of individual residential complexes in the real estate market and its impact on rental prices, as well as the diversification of real estate valuation activities. Also, the resource method and the basic-index method for determining the market value of real estate based on the cost approach, the method of evaluating residential property for paying compensation to citizens in the form of payments for residential buildings, the real property valued for the purposes of the court, are explained*

Key words: real estate, appraisal, market, market value, cost approach, payment for residential buildings, real estate appraised for judicial purposes, resource pricing method, basic-index pricing method, appraisal organizations.

Кириш

Жаҳонда бозор иқтисодиётига ўтган ва ушбу иқтисодий тизимга тўлиқ ўтиш жараёнида бўлган давлатлардаги иқтисодий муносабатлар ривожланишида капитал борзорининг муҳим сегментларидан ҳисобланган кўчмас мулк бозори муҳим ўринга эга. Сабаби, бозор иқтисодиёти мулкчиликнинг турли шаклларига асосланиши билан кўчмас мулк бозори билан чамбарчас боғлиқdir. Шу сабабли, кўчмас мулк бозорининг аҳамияти салмоқли ҳисобланади.

Исталган турдаги баҳолаш обьектининг бозор қиймати ҳамда нобозор қиймат турлари сифатидаги қийматини аниқлаш мақсадида баҳоловчи бир ёки ундан ортиқ баҳолаш ёндашувларини қўллаши лозим. Баҳолаш ёндашуви деганда кенг тарқалган, умумқабул қилинган таҳлилий услубиёт тушунилади.

Мавзуга оид адабиётлар шархи

Баҳолаш фаолиятининг илмий-назарий жиҳатларини тадқиқот этиш, шу жумладан, кўчмас мулкнинг қийматини харажатли ёндашув асосида баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари қатор хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар, амалиётчи мутахассислар томонидан ўрганилган ва тадқиқ этилган.

Хусусан, Баҳолаш фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштиришнинг асосий шаклларидан бири ҳисобланган, баҳолаш стандартлари ўзаро боғлиқ норма ва қоидалар мажмуидан иборат бўлиб, улар ўзида баҳолаш тушунчалари ва принципларини, баҳолаш фаолиятида қўлланиладиган атамалар ва таърифларни, қиймат турларига қўйиладиган талабларни, бошланғич ахборотга қўйиладиган талабларни, баҳолаш ўтказиш тартибини, баҳолаш усусларини қўлланиш хусусиятлари, баҳолаш

натижаларини расмийлаштиришга кўйиладиган талабларни, бошқа талабларни акс эттиради. [1]

Мамлакатларда кўчмас мулк бозорининг ривожланиш даражасини ва унинг ўзгариш динамикасини ҳисобга олган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, мазкур масалани маъмурий тартибга солиш, хусусан, давлат томонидан қўллаб-кувватлаш чоралари муҳим рол йўнайди. Демак, ҳар бир мамлакатда кўчмас мулк бозорини, шу жумладан, уй-жой секторини ривожлантиришда ўёки бу даражада давлат томонидан қўллаб-кувватланиши кутилмоқда. Шу билан бирга, давлат томонидан қўллаб-кувватлашнинг фаоллик даражаси мамлакатларга қараб ҳар хил бўлиб, бу кейинчалик ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда уй-жой тизимини шакллантиришда фарқларнинг мавжудлигини келтириб чиқаради. [2]

Америкалик иқтисодчилар J.Fridman ҳамда N.Orduey томонидан ёзилган “Даромад келтирувчи кўчмас мулкни таҳлил қилиш ва баҳолаш” номли қўлланмасида муаллифлар кўчмас мулк бозорини кўчмас мулкни яратиш, узатиш, фаолият юритиш ва молиялаштиришини таъминлайдиган бозор механизмларининг ўзаро боғланган тизими сифатида тушуниради [3].

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисботнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш деганда мукаммал текширув, тадқикот, пухта изланиш тушунилиб, объектнинг хусусияти, камчилиги, дефектлари, устунликлари ва хислатлари, шунингдек, уларни камчиликларни бартараф этиш йўллари, хусусиятларини янада яхшилаш ва мулкдорларни қизиқтириш йўлларини ишлаб чиқишдан иборат, булар асосида профессионал натижаларни расмийлаштириш киради [4].

Тадқикот методологияси

Мақолада илмий абстракциялаш, қиёслаш усули, эксперт баҳолаш, корреляция-регрессия таҳлили усули, иқтисодий кузатиш, индекс, динамик таҳлил ва чизиқли боғланишлар усулларидан фойдаланилган.

Натижа ва муҳокама

Бозор қийматини аниқлашда баҳоловчи тегишли бозор маълумотлари асосида ўрнини босиш тамойилига амал қилган ҳолда, бир ёки ундан ортиқ қуйида санаб ўтилган баҳолаш ёндашувларидан фойдаланиши мумкин.

Харажатлар ёндашуви - баҳолаш обьектини унинг эскиришини ҳисобга олган ҳолда тиклаш ёки ўрнини босиш учун зарур бўлган харажатларни аниқлашга асосланган баҳолаш обьектиning қийматини баҳолаш услублари йиғиндиси. Ушбу мол-мулкнинг ўринбосари сифатида асл маҳсулот нусхаси ҳисобланадиган ёки тенг фойдалиликни таъминлай оладиган бошқа мол-мулкни яратиш мумкинлиги кўзда тутилади.

Ушбу ёндашув қуйидаги кетма-кетлика амалга оширилади:

- Лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича бинолар ва иншоотларнинг тиклаш қийматини баҳолаш;
- Идентификация қилинган турдаги амортизация ҳисоблаш;
- Ердан фойдаланиш хукуқларининг бозор баҳосини баҳолаш;
- Амортизация қилинадиган захира қийматини тузиш йўли билан баҳоланаидиган мол-мулкнинг якуний қийматини ҳисоблаш, кейинчалик ердан фойдаланиш хукуқларининг қийматини қўшиш.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича бинолар ва иншоотларнинг тиклаш қийматини баҳолаш.

Бинонинг тиклаш қийматини баҳолашда кайта тиклаш ёки такомил-

лаштириш харажатлари қурилишга бевосита боғлик бўлган бевосита харажатлар суммаси ва қурилиш-монтаж ишларига киритилмаган яхшиланишларни куриш билан боғлик билвосита харажатлар суммаси сифатида тавсифланади.

Яхшиланишларни тиклаш ёки алмаштириш харажатларини ҳисоблаш учун куйидаги усувлардан бири кўлланилади:

- киёсий бирлик усули;
- қисмларга ажратиш усули;
- иккита асосий навига эга бўлган бирлаштирилган нархлаш усули - манба усули ва асосий индекс усули;
- аналог усули.

Харажат ёндошувида ресурс усули ва базавий индекс усули бўлган иккита асосий турга эга бўлган бирлик - нархлаш усули кўлланилди.

Тадбиркорнинг даромади прогноз баҳоларга киритилган, шунинг учун тадбиркорнинг фойдаси ҳисобланмаган.

Харажатли ёндашувда лойиҳа-смета хужжатларидан фойдаланилди. Алмаштириш қиймати лойиҳа-смета хужжатларига мувофиқ турар-жой биноси объекти учун шартнома асосида жорий нархларда ҳисоб-китоб қилиш асосида аниқланди. “PROYEKT DOMINANTE” МЧЖ томонидан 2022 йил февраль ҳолатига кўра ишлаб чиқилган.

Баҳоловчининг фикрига кўра, таҳлил давомида йигилган ва ишлатилган манба маълумотлари, ахборот, фикр ва нуқтаи назар ишончли манбалардан олинган ва тўғри.

Баҳоловчи, унинг профессионал даражасига мувофиқ, ишончсиз ахборотни аниқлай олган ҳоллар бундан мустасно, нотўғри маълумотлар мавжуд бўлган хужжатлар ва маълумотлар асосида тузилган хулосалар учун жавобгар бўлмайди.

“PROYEKT DOMINANTE” МЧЖ томонидан 2022 йил январь ҳолатига

кўра тайёрланган Буюртмачи томонидан тақдим этилган лойиҳа олдиндан лойиҳа ва шаҳарсозлик хужжатларини (ШНК 1F03, 06-09) давлат экспертизасини ўтказиш бўйича мавжуд қоидалар билан экспертизадан ўтказилди. Экспертиза хуносасига асосан смета хужжатларини экспертизаси тўғрисида (нусхаси)ги лойиҳа-смета хужжатлари бўйича бинолар ва иншоотларнинг тиклаш қиймати - 2 780 110 460,00 сўм. [8]

Идентификация килинган турдаги амортизация ҳисоблаш (Мол-мулкнинг амортизацияси).

Амортизацияни эскириш услугига кўра амортизацияни ҳисоблаш (коммутацияли йигиладиган амортизация) кўчмас мулк қийматига таъсир этувчи омилларга қараб, амортизация жисмоний, функционал ва ташки (иктисодий)га бўлинади.

Жисмоний бузилиш қуйидаги усувлар билан белгиланади:

- бутун обьект учун (техник ҳолатни ўрганиш усули, бозор танлов усули, иктисодий ўшдаги услуг);
- узоқ умр ва компонентларга қисқа муддатларга эга бўлган қисмлар учун алоҳида-алоҳида ҳисоблаш (експерт услуги, меъёрий услуг).

Жисмоний эскириш техник ҳолатни таҳлил қилиш услугига асосланган ҳолда аниқланади. Бутун обьектнинг жисмоний эскириши «биноларнинг (иншоотларнинг) жисмоний ва функционал эскиришини аниқлаш усули» (ГККИНП-18-037-00 2000) ёрдамида тадқиқот натижалари билан аниқланди.

Олинган натижани янада аниқроқ тушуниш учун баҳоловчи ҳар бир таркибий элементнинг техник ҳолатини баҳолаш асосида элемент усулдан фойдаланади, сўнгра бинонинг элементларнинг оқилона ўлчангандай қийматлари йигиндиси сифатида бутун бинонинг жисмоний эскиришини ҳисоблаб чиқади.

$$\Phi_{жис} = \kappa \sum \Phi_k \Lambda_{kx} 100\%, \quad [8]$$

Φ_k – ҳар бир конструктив элементнинг жисмоний эскириши;

Λ_k – бинонинг умумий қийматидаги ҳар бир элементнинг нисбати ва алмаштириш харажатларининг умумий кўрсаткичлари бўйича ёки уларнинг ҳисоблаб чиқилган қийматлари бўйича олиниши керак.

Функционал амортизация - бу конструктив ва режалаштириш қарорлари, қурилиш меъёрлари, дизайн сифати ва моддий ишлаб чиқариш ўртасидаги мос келмаслик билан боғлиқ бўлган мол-мулк қийматининг эскириши. «Қоидалар»га мувофиқ, функционал эскиришларни баҳолаш амалга оширилмайди.

Ташқи амортизация - мол-мулк қийматининг ташқи маконнинг баҳолаш обьектига нисбатан салбий таъсири оқибатида, хусусан: жойлашуви, бозор ҳолати, кўчмас мулқдан муайян фойдаланишга қўйиладиган қулайликлар, атроф-мухит инфратузилмасидаги ўзгаришлар ва солиққа тортиш соҳасидаги қонун хужжатлари билан боғлиқ бўлган салбий таъсири оқибатида мулкнинг қийматининг пасайиши. Баҳолаш обьекти ва унинг атроф-мухитини таҳлил қилиш давомида ташқи эскириш белгилари аниқланмади.

Янгилаш, таъмирлаш билан фақат айrim эскириш белгиларини бартараф этиш мумкин. Бундан ташқари биноларда алоҳида қурилиш элементларининг жисмоний эскириши функционал эскириб қолишга олиб келади, масалан, стандарт деворлардан ортиқ бўлган деворларда ишқаланиш бинонинг функционал ишлатилишини сезиларли даражада чеклайди (у ишлаб чиқариш учун ишлатилиши мумкин, лекин офис ёки болалар муассасаси учун эмас). Қурилиш тугагунига қадар янги бинолар функционал эскириши мумкин

(сифатсиз қурилиш, лойиҳанинг сифати ёмон ва ҳоказо). Бинолардаги ҳар қандай турдаги амортизация мустақил бўлиши ёки мустақил равишда ривожланиши мумкин, шунинг учун бинонинг қолдик қийматини аниқлаш учун барча омиллар бўйича амортизация қийматлари алоҳида ҳисоблаб чиқилади, кейин бу қиймат (жами амортизация) тиклаш қийматидан чиқарилади.

Юқорида таъкидлаган тадқиқотларимизни қуйидаги амалий мисолда: яъни, суд мақсадида баҳоланаётган кўчмас мулк обьекти ҳисобланган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бодомзор кўчаси манзилидаги 88-алоҳида тураг жой хонадони мисолида кўриб чиқамиз.

Баҳолаш обьектидан энг яхши ва самарали фойдаланишнинг таҳлили.

Фуқароларга уй-жой бинолари учун ҳақ тўлаш шаклида товон пулини тўлаш учун тураг-жой кўчмас мулкини баҳолаш тураг жой фондига тегишли шаҳарлар шу муносабат билан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бодомзор кўчаси, 5-й манзилида жойлашган якка тартибдаги уй-жойнинг бозор қийматини баҳолашда энг яхши ва самарали фойдаланишнинг таҳлили уй-жой шаклида жорий фойдаланиш ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда юқорида кўрсатилган манзилда жойлашган суд мақсадида баҳоланаётган кўчмас мулк обьекти жойлашган худудда таркибий ўзгаришлар режалаштирилаётгани сабабли, у ердаги айrim қизил худудларда жойлашган алоҳида тураг жойларининг бузилиши кузда тутилган ва бизнинг баҳолаш обьектимиз ушбу қизил худудга кириб қолгани сабабли баҳолаш обьекти бузилиши режалаштирилмоқда. Баҳолаш обьекти жойлашган худудда табиий газ, электр таминоти, марказий сув таъминоти ва канализация мавжуд.

Баҳолаш объектини харажатли ёндашувда баҳолаш учун баҳоловчи баҳолаш объектини литерларга ажратиб Ўзбекистон Республикасининг шаҳар ва шаҳар жойларида, шунингдек, қишлоқ жойларида якка тартибда курилган биноларнинг мустаҳкамланган алмаштириш қиймати кўрсаткичлари тўплами орқали уларга тегишли вазн берилиб ва ундан сўнг мустақил баҳоловчи баҳолаш объектини кўздан кечириш чоғида кузатган камчиликларни инобатга олган ҳолда ва ўзининг тажрибасидан келиб чиқкан ҳолда эскириш хисоблаб ҳар бир литер бўйича алоҳида қийматларни аниқлайди. Ушбу жараённи қуида кўриш мумкин.

I-жадвал

Баҳолаш объекти тураг жой мажмуидаги бино-иншоотлар рўйхати¹

№	Номлари	Литер	Қават-лилиги	Узунлиги, м	Эни, м	Майдони, м ²	Баландлиги, м	Ҳажми, м ³
1	Бир қаватли яшаш уйи	0001 А	1	Мураккаб формула	0	149,41	3,65	545,35
2	Биринчи қават яшаш уйи	0001 А1	1	Мураккаб формула	0	149,47	3,65	545,57
3	Иккинчи қават яшаш уйи	0001 А3	2	13	7,2	93,6	2,8	262,08
4	Ертўла	0001 А4	1	Мураккаб формула	0	148,9	3	446,7
5	Ертўла	0001 А5	1	Мураккаб формула	0	163,97	2,9	475,51
6	Бир қаватли яшаш уйи	0002 Б	1	5,05	4	20,2	3,1	62,62
7	Бостирма	0001 А2	1	Мураккаб формула	0	64,60	3,5	0
8	Ошхона ва ҳаммом	0003 В	1	7,8	4,00	31,20	4	124,8
9	Ховуз	0004 Г	1	11,4	4,3	49,02	1,7	83,33
10	Дарвоза	0006 а	1	3	3	9	0	0
11	Дарвоза	0007 б	1	2,9	3	8,7	0	0
12	Девор	0008 в	1	44,3	0	0	3	0

Баҳолаш объектининг бино-иншоотларининг умумий майдони 559,08 бундан яшаш майдони 291,29, қурилиш ости майдони эса 171,34 м² ни ташкил этади.

Баҳолаш объектининг таркибидаги биноларнинг қаватлилиги 1 ва 2 ташкил этади, баланлиги эса 2 дан 3,45 метрга тенг.

Баҳолаш объектининг худудида жами бўлиб 12 литер мавжуд бўлиб уларнинг ҳар бирининг қурилишида алоҳида материаллардан фойдаланилган.

¹ Баҳоловчи ташкилотнинг хисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

2-жадвал

Баҳолаш объекти турар жой мажмуи (Бир қаватли яшаш уйи 0001 А литер, Биринчи қават яшаш уйи 0001 А1 литер, Иккинчи қават яшаш уйи 0001 А3 литер²)

№	Конструктив элементлар номи	Конструктив элементлар таснифи	Техник ҳолати	Оғирлик % да	Тузатишлир %да	Оғирлик тузатишилардан сўнг % да	Эскириш %	Ўртacha эскириши миқдори %да
1	Пойдевор	Бетон	Яхши	16		16	5	0,8
2	Девор	Пишган ғишт	Яхши	18		18	10	1,8
3	Ёпиш қопламаси	Ёғоч	Яхши	7		7	10	0,7
4	Том	Профнастил	Яхши	5		5	20	1
3	Пол	Таркет	Яхши	11		11	10	1,1
6	Ойна ва эшик	Алюминли Акфа ромлари	Яхши	8		8	10	0,8
7	Пардозлаш ишлари	Ички деворлар бўёк, шип гипскардон	Яхши	14		14	10	1,4
8	Ички техник ва электр ишлар	Электр ва суд таъминоти	Яхши	16		16	5	0,8
9	Қолган ишлар	Тошли пол, зина	Яхши	5		5	10	0,5
10	Жисмоний эскириш			100	0	100		8,9

Литер 0001А, Литер 0001А1 ва Литер 0001А3 ларнинг техник ҳолатига мустақил баҳоловчининг малакасидан келиб чиқкан ҳолда қуидаги эскиришлар белгиланган: жумладан, пойдевор ва ички техник ва электр ишларига 5% эскириш берилди, бунинг сабаби, баҳоловчи баҳолаш объектини кўздан кечириш чоғида ушбу элементларда ҳеч қандай емирилиш, ёриқлар ва синик жойлар кузатилмаган, ҳолати нисбатан янгилиги кузатилган. Девор, ёпиш қопламаси, пол, ойна ва эшик, пардозлаш ишлари ва қолган ишларда об-ҳавонинг иссиқ - совуқлиги ва ёғингарчилик, шунингдек, инсон омили таъсирида емирилиш кузатилган. Шу боис, мустақил баҳоловчи томонидан 10% эскириш белгиланди. Бинонинг том қисмига келсак, том қисмida об-ҳавонинг таъсирида емирилиш, занглаш ва ёриқлар аниқланган. Шуларни инобатта олган ҳолда, баҳоловчи томонидан 20% эскириш белгиланди.

3-жадвал

Ертўла (Ертўла 0001 А4 ва Ертўла 0001 А5 литер)³

№	Конструктив элементлар номи	Конструктив элементлар таснифи	Техник ҳолати	Оғирлик % да	Тузатишлир %да	Оғирлик тузатишилардан сўнг % да	Эскириш %	Ўртacha эскириши миқдори %да
1	Ертўла	Бетон	Яхши	100		100	10	10
5	Жисмоний эскириш			100	0	100		10

² Баҳоловчи ташкилотнинг хисботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

³ Баҳоловчи ташкилотнинг хисботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Литер 0001А4 ва Литер 0001А5 обьектларининг ҳолатига нисбатан 10% эскириш берилди, бунинг сабаби, баҳоловчи обьектни кўздан кечириш чоғида тузланиш ва ёриқларни кузатган.

Литер 0002Б техник ҳолати, жумладан пойдевор ва ички техник ва электр ишларига 5% эскириш берилди, бунинг сабаби, баҳоловчи баҳолаш обьектини кўздан кечириш чоғида ушбу элементларда ҳеч қандай емирилиш, ёриқлар ва синик жойлар кузатилмаган, ҳолати нисбатан янгилигини кузатилган. Девор, ёпиш қопламаси, пол, ойна ва эшик, пардозлаш ишлари ва қолган ишларда об-ҳавонинг иссиқ совуқлиги ва ёғингарчилик, шунингдек, инсон омили таъсирида емирилиш кузатилган, шу боис, мустақил баҳоловчи томонидан 10% эскириш белгиланди. Бинонинг том қисмига тўхтальсак, том қисмida об-ҳавонинг таъсирида емирилиш, занглаш ва ёриқлар аниқланган, шуларни инобатга олган ҳолда баҳоловчи томонидан 20% эскириш белгиланди (4-жадвал).

4-жадвал

Бир қаватли яшаш уйи 0002 Б⁴

№	Конструктив элементлар номи	Конструктив элементлар таснифи	Техник ҳолати	Оғирлик % да	Тузатишлар %да	Оғирлик тузатишлардан сўнг %да	Эскириш %	Ўртча эскириш миқдори %да
1	Пойдевор	Бетон	Яхши	16		16	5	0,8
2	Девор	Пишган гишт	Яхши	18		18	10	1,8
3	Ёпиш қопламасми	Ёғоч	Яхши	7		7	10	0,7
4	Том	Профнастил	Яхши	5		5	20	1
5	Пол	Таркет	Яхши	11		11	10	1,1
6	Ойна ва эшик	Алюминибли Акфа ромлари	Яхши	8		8	10	0,8
7	Пардозлаш ишлари	Ички деворлар бўёқ, шип гипскардон	Яхши	14		14	10	1,4
8	Ички техкин ва электр ишлар	Электр ва суд таъминоти	Яхши	16		16	5	0,8
9	Қолган ишлар	Тошли пол, зина	Яхши	5		5	10	0,5
10	Жисмоний эскириш			100	0	100		8,9

Литер 0001А2 техник ҳолати жумладан пойдеворга 5% эскириш берилди, бунинг сабаби, баҳоловчи баҳолаш обьектини кўздан кечириш чоғида ушбу элементда ҳеч қандай емирилиш, ёриқлар ва синик жойлар кузатилмаган, ҳолати нисбатан янгилигини кузатилган.

⁴ Баҳоловчи ташкилотнинг хисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

5-жадвал

Бостирма 0001A2 литер⁵

№	Конструктив элементлар номи	Конструктив элементлар таснифи	Техник ҳолати	Оғирлик % да	Тузатишлир %да	Оғирлик тузатишилардан сүнг %да	Эскириш %	Үртача эскириш микдори %да
1	Пойдевор	Бетон	Яхши	7		7	5	0,35
2	Устунлар	Пишкан ғишт	Яхши	8		8	10	0,8
3	Том	Темир	Яхши	75		75	10	7,5
4	Пол	Брускатка	Яхши	5		5	20	1
5	Электр ишлари	Бор	Яхши	-		0	0	0
6	Қолган ишлар	Брускатка	Яхши	5		5	20	1
7	Жисмоний эскириши			100	0	100		10,65

Устунлар, томда об-ҳавонинг иссиқ совуқлиги ва ёғимгарчилик омили таъсирида емирилиш кузатилган, шу боис, мустақил баҳоловчи томонидан 10% эскириш белгиланди. Бостирманинг пол қисмига келсак, об-ҳавонинг таъсирида пол юзасида ёриқ, емирилиш, ранг ўчиши аниқланган ва шуларни инобатга олган ҳолда баҳоловчи томонидан 20% эскириш белгиланди.

6-жадвал

Ошхона ва ҳаммом 0003B литер⁶

№	Конструктив элементлар номи	Конструктив элементлар таснифи	Техник ҳолати	Оғирлик % да	Тузатишлир %да	Оғирлик тузатишилардан сүнг %да	Эскириш %	Үртача эскириш микдори %да
1	Пойдевор	Бетон	Яхши	6		6	5	0,3
2	Девор	Пишган ғишт	Яхши	48		48	10	4,8
3	Устунлар	Ёғоч	Яхши	2		2	10	0,2
4	Ёпиш копламасми	Ёғоч	Яхши	6		6	15	0,9
5	Том	Профнастил	Яхши	3		3	15	0,45
6	Пол	Керамикплитка	Яхши	4		4	10	0,4
7	Ойна ва эшик	Алюминиلى Акфа ромлари	Яхши	5		5	10	0,5
8	Пардозлаш ишлари	Ички деворлар бўёқ, шин гипскардон	Яхши	8		8	10	0,8
9	Ички техкин ва электр ишлар	Электр ва суд таъминоти	Яхши	5		5	10	0,5
10	Қолган ишлар	Тошли пол, зина	Яхши	13		13	15	1,95
11	Жисмоний эскириши			100	0	100		10,8

⁵ Баҳоловчи ташкилотнинг хисботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.⁶ Баҳоловчи ташкилотнинг хисботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Литер 0003В техник ҳолатига, жумладан, пойдеворга 5% эскириш берилди. Бунинг сабаби, баҳоловчи баҳолаш объектини кўздан кечириш чоғида ушбу элементларда ҳеч қандай емирилиш, ёриқлар ва синик жойлар кузатилмаган, ҳолати нисбатан янгилигини кузатилган. Девор, устунлар, пол, ойна ва эшик, пардозлаш ишлари ва ички техник ва электришларида об-ҳавонинг иссик совуқлиги ва ёғингарчилик, шунингдек, инсон омили таъсирида емирилиш, ранг ўчиши, синик ва ёриқлар кузатилган шу боис мустакил баҳоловчи томонидан 10% эскириш белгиланди. Бинонинг ёпиш қопламаси, том ва қолган ишларига тўхталсак об-ҳавонинг таъсирида емирилиш, занглаш, букилган ва ёриклар аниқланган шуларни инобатга олган ҳолда баҳоловчи томонидан 15% эскириш белгиланди.

7-жадвал

Ховуз 0004Г литер⁷

№	Конструктив элементлар номи	Конструктив элементлар таснифи	Техник ҳолати	Оғирлик %да	Тузатишлар %да	Оғирлик тузатишлардан сўнг %да	Эскириш %	Ўртacha эскириш миқдори %да
1	Ховуз	Темир бетон	Яхши	100		100	15	15
2	Жисмоний эскириш			100	0	100		15

Литер 0004Г ховузнинг ҳолатига нисбатан 15% эскириш берилди, бунинг сабаби, баҳоловчи объектни кўздан кечириш чоғида ҳовузнинг керамик қопларини айрим жойларида кўчишлар кузатилган, шу боис мустакил баҳоловчи томонидан 15% эскириш белгиланди.

8-жадвал

Дарвоза ва девор (Дарвоза 0006а литер, Дарвоза 0007б литер, Девор 0008в литер)⁸

№	Конструктив элементлар номи	Конструктив элементлар таснифи	Техник ҳолати	Оғирлик % да	Тузатишлар%да	Оғирлик тузатишлардан сўнг %да	Эскириш%	Ўртacha эскириш миқдори %да
1	Дарвоза	Темир ғишт устунлик	Яхши	100		100	15	15
2	Девор	пишган ғишт	Яхши	100		100	15	15
	Жисмоний эскириш			100	0	100		15

Литер 0006а ва Литер 0008в литерларнинг ҳолатига нисбатан 15% эскириш берилди. Бунинг сабаби, баҳоловчи объектни кўздан кечириш чоғида дарвозанинг темир элементида пачоқ ва занглашган жойларни кузатган, деворнинг пойдеворида эса ёриқ, кўчиш ва тузланиш ҳолатларини кузатган ва шу боис мустакил баҳоловчи томонидан 15% эскириш белгиланди.

⁷ Баҳоловчи ташкилотнинг хисботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.⁸ Баҳоловчи ташкилотнинг хисботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Қуидада турар-жой мажмуининг бино ва ишоотларининг қиймати аниқланганидан сўнг (9-жадвал), ушбу турар-жой мажмусини хужжатлар бўйича эгаллааб турган ёки бино-иншоотлар тагида турган ер участкаларининг қиймати аниқланади.

Баҳоланаётган обьектининг ер майдони 312 m^2 ташкил этади.

Ер участкасига бўлган мулк хукуки, энг самарали фойдаланишни назарда тутган ҳолда (такомиллаштирилмасдан) қуидаги усуслардан бири билан ҳисобланади:

- сотувларнинг қиёсий таҳлили усули;
- тарқатиш усули;
- танлаш усули;
- ер ижарасини капитализация қилиш усули;
- ер қолдиги усули;
- ердан мақсадли фойдаланиш усули.

Ушбу ҳисоботда сотувларнинг қиёсий таҳлили услубидан фойдаланади.

Ер хукуки қийматини ҳисоблаш сотувларнинг қиёсий таҳлили усули билан амалга оширилди.

Ушбу усул бўйича ер ижараси хукуки қийматини ҳисоблаш обьектни ўхшаш обьектларни танлаш, солиштирма элементларни идентификациялаш, обьект-аналогдан баҳолашнинг дифференциясини ҳисобга олиш, бу фарқлар учун ҳисоб-китобларни тузиш ва шу жумладан уларни ўхшаш обьектларнинг сотиш баҳосини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Ушбу баҳолаш обьекти лойиҳа-смета асосида баҳоланган бўлиб, у қуидагича амалга оширилади:⁹

9-жадвал

Харажатли ёндашув асосида ҳисоблаш Яшаш уйининг маизили: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Бодомзор кўчаси, 88-йй		
Объект яшаш уйи		
Кисқача техник тавсиф		
Литер	Яшаш уйи 1-чи қават	0001 А
Қаватлилиги	<i>Икки қават</i>	
Майдон	<i>126,24 кв.м</i>	
Баландлиги	<i>3,45 м</i>	
Ҳажми	<i>435,53 куб.м</i>	
Конструктив элементлар номи	Конструктив элементлар таснифи	Холати
Фундаментлар	<i>Бетон</i>	<i>Яхии</i>
Девор ва устунлар	<i>Пишган гишт</i>	<i>Яхии</i>
Ёпиш қопламасми	<i>Taxta</i>	<i>Яхии</i>
Том	<i>Профнастил</i>	<i>Яхии</i>
Поллар	<i>Таркем</i>	<i>Яхии</i>
Эшик ва ромлар	<i>Пластмаслик профил Акфа ва МДФ</i>	<i>Яхии</i>
Пасрдоzlаш ишлари	<i>Гипс, бўёқ, ички деворлар обой, шифт гипсокартон</i>	<i>Яхии</i>
Ички санитария ва электр курилмалари	<i>Электр ва сув таъминоти</i>	<i>Яхии</i>
Қолган ишлар	<i>Зина поя ва брүсчатка</i>	<i>Яхии</i>
Литер	Яшаш уйи 2-чи қават	0001 A1
Қаватлилиги	<i>Иккиқават</i>	
Майдон	<i>165,05 кв.м</i>	
Баландлиги	<i>3,45 м</i>	
Ҳажми	<i>569,42 куб.м</i>	
Конструктив элементлар номи	Конструктив элементлар таснифи	Холати
Фундаментлар	<i>Бетон</i>	<i>Яхии</i>
Девор ва устунлар	<i>Пишган гишт</i>	<i>Яхии</i>
Ёпиш қопламасми	<i>Taxta</i>	<i>Яхии</i>
Том	<i>Профнастил</i>	<i>Яхии</i>

⁹ Баҳоловчи ташкилотнинг ҳисботи маълумотлари асосида тайёрланди.

Поллар	Таркет	Яхши			
Эшик ва ойналар	Пластмаслик профил Акфа ва МДФ	Яхши	Конструктив элементлар номи	Конструктив элементлар таснифи	Холати
Пардозлаш ишлари	Гипс, бўёк, ички деворлар обой, шифт гипсокартон	Яхши	Фундаментлар	Бетон	Яхши
Ички-санитария ва электр курилмалари	Электр ва сув таъминоти	Яхши	Том	Темир	Яхши
Қолган ишлар	Зина поя ва брускатка	Яхши	Пол	Керамик кафел	Яхши
Литер	Ер тўла	0001 А2	Электр ишлари	Мавжуд	Яхши
Қаватлилиги		Ертула	Қолган ишлар	Брускатка	Яхши
Майдон		127,29 кв.м	Литер	Девор	0003 в
Баландлиги		2,00 м	Узунлиги		Л қ32,40
Ҳажми		254,58 куб.м	Баландлиги		2,50 м
Конструктив элементлар номи	Конструктив элементлар таснифи	Холати	Конструктив элементлар номи	Конструктив элементлар таснифи	Холати
Фундаментлар	Бетон	Яхши	Девор	Пишган гишт (Ташки ишлов ва декаратив безаклар)	Яхши
Деворлар	Бетон, пишган гишт	Яхши	Литер	Дарвоза	0004 у
Пардозлаш ишлари	Бўёк, ички деворлар обой, шифт гипсокартон	Яхши	Погонометр		9,00 кв.м
Поллар	Бетон, тахта ва керамик кафел	Яхши	Баландлиги		3,00 м
Эшик ва ромлар	Пластмаслик профил Акфа ва МДФ	Яхши	Конструктив элементлар номи	Конструктив элементлар таснифи	Холати
Литер	Айвон	0001 Б	Давоза	Темир ва гиштлик устунлар	Яхши
Қаватлилиги		Бирқават	Коэффициентлар хисоби		
Майдон		5,85 кв.м	Юнусобод тумани манзили бўйича якка тартибдаги ўй-жой қурилиши объектини куриш учун жорий нархларда амалга оширилган қурилиш-монтаж ишлари қийматини хисоб-китоб килиш. Бодомзор, 88-й.	2 780 110 460,00 сўм	
Баландлиги		3,45 м	Башоратли № 0902-18 F 5292454 Тайёрланган: ООО «ПРОЕКТ ДОМИНАНТЕ» 2019 йил феврал холатига кўра.		
Ҳажми		20,18 куб.м	Баҳолаш санасига тиклаш қиймати		
Конструктив элементлар номи	Конструктив элементлар таснифи	Холати	Жисмоний эскириш хисоби	2 780 110 460,00 сўм	
Фундаментлар	Бетон	Яхши	Жисмоний эскириш, %	0,0	Умумий эскириш, %
Деворлар	Пишган гишт	Яхши	Ташки эскириш, %	0,0	Умумий эскириш, сўм
Поллар	Керамик кафел	Яхши	Жисмоний эскириш хисоби		
Эшик ва ромлар	Taxta	Яхши	Жисмоний эскириш, %	0,0	Умумий эскириш, %
Литер	Хожатхона	0002 В	Ташки эскириш, %	0,0	Умумий эскириш, сўм
Қаватлилиги		Бирқавалти	Жисмоний эскириш хисоби		
Майдон		2,17 кв.м	Жисмоний эскириш, %	0,0	Умумий эскириш, %
Баландлиги		2,70 м	Ташки эскириш, %	0,0	Умумий эскириш, сўм
Ҳажми		5,86 куб.м	Кўпайтириш қиймати		

Хисоб-китобларга кўра, харажатлар ёндашувига биноан бинолар ва иншоотларнинг қиймати **2 363 093 891,00 сўм**.

Натижада, ҳар бир солишириладиган объектнинг сотув баҳоси, аввал баҳолана-диган мол-мулк билан бир хил хусусият-

ларга эга бўлгани каби, кейинчалик ердан фойдаланиш хукукининг нархи аналог объектларнинг мослаштирилган нархларининг ўртача ёки ўртача оғирлиги асосида аниқланади.

Сотувларнинг қиёсий таҳлили усули билан ер участкасига бўлган мулк хукуки қийматини ҳисоблаш учун баҳоловчи:

- ер участкаларини сотиш бўйича маълумотни таҳлили қиласди;
- таққослашнинг элементларини аниқлади, унга кўра баҳоланаётган ер майдони аналоглар билан таққосланади;
- таққослашнинг ҳар бир элементни учун тузатишларни амалга оширади;
- аналогларнинг тузатишлар киритилган қийматларини умумлаштириш асосида мулкий ҳуқуқ қиймати аниқланади.

Қиёсий ёндашув қуидаги босқичларни ўз ичига олади:

- баҳолаш обьекти билан энг кўп мос келадиган ер участкасидан фойдаланиш хукуқларини рўйхатга олиш (таклифлар) ва бозорни тадқиқ қилиш;
- ҳар бир баҳоланаётган обьект бўйича маълумотни тўплаш ва текшириш (таклиф нархига, сотувга ўхшаш обьектлар жойлаштирилган сана, жисмоний хусусиятлар, объектларнинг жойлашиши ва бошқалар);
- ҳар бир обьектни баҳолаш обьекти билан бир неча параметр билан солишириш (жойлашуви, жисмоний хусусиятлари, сотиш шартлари, сотиш санаси ва молиявий воситалардаги фарқлар ва бошқалар);
- ҳар бир солишириладиган обьект учун уларнинг нархини ва улар билан таҳмин қилинган обьект ўртасидаги мавжуд фарқларга мувофиқ листинг нархларини тузатиш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, нархларни тартибга солишининг шаклланган тажрибалари, “солишириш мумкин жуфтлар” усули, регрессив таҳлил ва бошқа усуллар ёрдамида бозор таҳлиллари асосида аниқланади.

– солишириш мумкин бўлган кўчмас мулк объектларининг мослаштирилган баҳоларининг келишилганлиги ва баҳоланадиган мол-мулкнинг қиймат кўрсаткичини, шу жумладан, ер участкаси ва яхшиланишларни аниқлаш бўлиб ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча қиёслаш элементлари қуидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- жой (шаҳар ва йўллардан масофа) ва унинг атрофи;
- мақсадга, рухсат этилган мақсадларга, бошқа шахсларнинг ерга бўлган хукуқларига;
- жисмоний хусусиятлар (ер, майдон, конфигурация, участка чуқурлиги, бурчак жойи, тупроқ тури);
- транспортнинг мавжудлиги;
- инфратузилма (муҳандислик тармоқларининг мавжудлиги ёки якинлиги ва уларга уланиш шартлари, ижтимоий инфратузилма объектлари);
- ер участкалари билан операцияларни молиялаштириш шартлари (ўз ва қарз маблағлари нисбати, қарз маблағларини бериш шартлари);
- ер участкалари билан тузилган битим шартлари (ер участкаси очиқ бозор шаклида очиқ таклиф, сотиб оловчи ва сотувчига боғлиқ бўлган, банкротлик шароитида сотиш ва х.к.);
- ер участкалари баҳосидаги қийматни баҳолаш санасига тенг бўлган битим тузилган санадан бошлаб ўзгариши;
- ишлатиладиган қиймат тури: транзакция ёки таклиф.

Биз томонимиздан олиб борилган тадқиқотларда ер участкасига бўлган мулк хукуқларини баҳолаш учун Юнусобод туманида кўчмас мулкни қуриш учун эркин ер участкаларини эркин сотиш бўйича кўчмас мулк компанияларидан олинган маълумотлар (*иккиламчи бозор, www.olx.uz, www.zor.uz веб-сайтларидан рекламалар*) таҳлил қилинган.

10-жадвал

Ушбу хисоботда баҳо берувчи 5 та таклифни ўзига хос хусусиятларга эга бўлган аналог объектлар деб топди¹⁰

Аналог	1	2	3	4	5
Максад ва Таъриф Жойлашуви	Ер майдони (эркин) Тошкент шахри, Юнусобод тумани, Бодомзор кўчаси	Ер майдони (эркин) Тошкент шахри, Юнусобод тумани, Америка элчихонаси	Ер майдони (эркин) Тошкент шахри, Юнусобод тумани, Муртазайева кўчаси	Ер майдони (эркин) Тошкент шахри, Юнусобод тумани, Бодомзор кўчаси	Ер майдони (эркин) Тошкент шахри, Юнусобод тумани, Уста Ширин кўчаси
Таклиф нархи, \$. Мулк хукуки Молиялаштириш шартлари Савдо шартлари Таклиф санаси Асосий йўлларга яқинлиги, м	90 000 Мулк хукуки бозор Таклиф 19 феврал	89 000 Мулк хукуки бозор Таклиф 19 феврал	150 000 Мулк хукуки бозор Таклиф 19 феврал	220 000 Мулк хукуки бозор Таклиф 19 феврал	350 000 Мулк хукуки бозор Таклиф 19 феврал
Жисмоний таснифи					
Ернинг умумий майдони, кв.м	330,0	350,0	600,0	700,0	1 420,0
Кириш	яхши	яхши	яхши	яхши	яхши
Муҳандислик коммуникациялари	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд
Фойдаланиш	туар жой	туар жой	туар жой	туар жой	туар жой
Ахборот манбаи	www.olx.uz тел	www.olx.uz тел	www.olx.uz тел	www.olx.uz тел	www.olx.uz тел

Шу каби объектларга ижара хукуки қиймати қуйидаги омилларга мувофиқ белгиланди:

- мулк хукуки;
- молиялаштириш шартлари;
- сотиш шартлари;
- сотув санаси (баҳолаш тарихи);
- жойлашуви;
- фойдаланиш;
- ер участкасига кириб бориш;
- муҳандислик коммуникациялари;
- участка майдони;

¹⁰ Баҳоловчи ташкилотнинг хисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

- иктиносидий кўрсаткичлар;
- кўчмас мулк билан боғлиқ бўлмаган қиймат компонентлари.

Барча объект нархига ва тегишли таққослама бирликларнинг баҳосига ўзгартиришлар киритилди. Ўзгишлар пул ёки фоиз миқдори сифатида ифодаланиши мумкин. Ҳар бир ўзгартиришнинг катталиги мавжуд маълумотлар асосида аниқланади.

Куйидаги ўзгишлар кетма-кетлигига одатда риоя қилинади:

- биринчидан, мулкий хукуклар, молиялаштириш шартлари, тўлов шартлари, битим шартлари ва сотилиш муддатлари бўйича тузатиш киритилади;
- аналог объектнинг мослаштирилган нархи бир-бирлик нархига (масалан, майдоннинг бирлигига) олиб келади ва бошқа таққослаш элементлари, масалан, жойлашуви ва жисмоний хусусиятлари ва бошқалар учун ўзгартириллади.

11-жадвал

Тузатилган баҳоси тузатишлар сонини хисобга олган ҳолда ҳисобланган¹¹

Қиёсий ёндашув						
Бозор усули						
Сотувларнинг қиёсий ўзгартиришлар жадвали (таклиф)						
Таққослаш элементлари	Ўлчов бирлиги.	Баҳолаш Объекти	Қиёслаш Объектлари			
			1	2	3	4
Таклиф нархи	\$		90 000	89 000	150 000	220 000
Умумий майдов	м ²	312,0	330,0	350,0	600,0	700,0
Фойдали майдон	м ²					
Қиёслаш бирлиги						
Таклиф нархи	\$		90 000	89 000	150 000	220 000
1 м ² учун нарх	\$Fm ²		272,7	254,3	250,0	314,3
Тузатишишлар	(Барча ўзгишлар мос келадиган Объектларнинг баҳоланаётган ер майдонига)					
Мулкчилик		умрбод мерос	умрбод мерос	умрбод мерос	умрбод мерос	умрбод мерос
Тузатиш	%		0%	0%	0%	0%
Тузатилган нарх	\$Fm ²		272,7	254,3	250,0	314,3
Молиялаштириш шартлари		Бозор	Бозор	Бозор	Бозор	Бозор
Тузатиш	%		0%	0%	0%	0%
Тузатилган нарх	\$Fm ²		272,7	254,3	250,0	314,3
Сотиш шарти			Таклиф	Таклиф	Таклиф	Таклиф
Тузатиш	%		-10%	-10%	-10%	-10%
Тузатилган нарх	\$Fm ²		245,5	228,9	225,0	282,9
Сотиш санаси (баҳолаш санаси)		19 март	19 март	19 март	19 март	19 март
Тузатиш	%		0%	0%	0%	0%
Тузатилган нарх	\$Fm ²		245,5	228,9	225,0	282,9
Жойлашуви		Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Бодомзор кўчаси	Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Бодомзор кўчаси	Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Америка элчихонаси	Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Муртазайева кўчаси	Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Бодомзор кўчаси
Жисмоний хусусиятлар						

¹¹ Баҳоловчи ташкилотнинг хисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Фойдаланиш		туар жой	туар жой	туар жой	туар жой	туар жой	туар жой
Тузатиш	%		0%	0%	0%	0%	0%
Тузатилган нарх	\$Fm ²		245,5	228,9	225,0	282,9	222,8
Кириш		Яхши	Яхши	Яхши	Яхши	Яхши	Яхши
Тузатиш	%		0%	0%	0%	0%	0%
Тузатилган нарх	\$Fm ²		245,5	228,9	225,0	282,9	222,8
Мухандислик коммуникациялари		мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд
Тузатиш	%		0%	0%	0%	0%	0%
Тузатилган нарх	\$Fm ²		245,5	228,9	225,0	282,9	222,8
Ер майдони		312,0	330,0	350,0	600,0	700,0	1 420,0
Тузатиш	%		0%	0%	-2%	-3%	-5%
Тузатилган нарх	\$Fm ²		245,5	228,9	220,5	274,4	211,7
Иқтисодий тавсифлар							
Тузатиш	%		0%	0%	0%	0%	0%
Тузатилган нарх	\$Fm ²		245,5	228,9	220,5	274,4	211,7
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлмаган кийматининг таркибий қисмлари		мавжуд эмас	мавжуд эмас	мавжуд эмас	мавжуд эмас	мавжуд эмас	мавжуд эмас
Тузатиш	%		0%	0%	0%	0%	0%
Тузатилган нарх	\$Fm ²	0,0	245,5	228,9	220,5	274,4	211,7
Натижалар:		0,0					
Умумий аниқ тузатиш	\$Fm ²	0,0	(27,3)	(25,4)	(29,5)	(39,9)	(34,8)
Оғирлик омил	%	1,0	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2
Ўртacha оғирлик	\$Fm ²			236,17			
Баҳолаш Объектининг киймати	Cўм				617 170 000		
Ўртacha оғирлик	\$Fm ²	236,17					
Ўртacha ифода	\$Fm ²	236,17					
Даража функцияси бўйича	\$Fm ²	0,00					
Баҳолаш Объектининг киймати							
Ўртacha оғирлик бўйича	\$	73 700,0					
Ўртacha ифода бўйича	\$	73 700,0					
Даража функцияси бўйича	\$	0,0		1 гек. у-н	Юзлик у-н		
Баҳолаш объектининг киймати		\$73 700		\$2 362 179,5	\$23 621,8		
		617 170 000 сўм		19 781 089 744 сўм	197 810 987 сўм		

Тузатишни асослаш.

Савдога тузатиш. Баҳоловчининг сотувга қўйилган, аммо ҳали сотилмайдиган обьектларни ҳисобга олганлиги сабабли сотиш вактидаги ўзгартириш қўлланилмади. Бироқ, бу ҳолда тасдиқлаш учун ўзгартиришни қўллаш керак, чунки олди-сотди битими бўйича сотувчи одатда эълон қилинган нархга чегирма таклиф қиласди.

Ушбу тузатиш кўчмас мулкни сотишда ихтисослашган риелторлар ва брокерлар билан музокаралар орқали аниқланади.

Шунинг учун, бу пастга мослашув барча аналоглар учун -10% нисбатида қабул қилинади.

Жойлашувга тузатиш. Жойлашувга тузатиш киритилмади, чунки аналоглар баҳолаш обьекти билан бир хил худудда жойлашган. Ушбу тузатиш кўчмас мулкни сотишда ихтисослашган реалторлар ва брокерлар билан музокаралар натижасида аниқланади.

Ер майдонига тузатиш. Маълумки, ер майдони қанчалик катта бўлса, юз квадрат метр (m^2) нархлари арzonроқдир. 3-, 4- ва 5-сонли аналоглар ер участкалари майдони баҳоланаётган обьектнинг ер майдонидан каттароқ бўлганлиги сабабли, 3-, 4- ва 5-сонли аналоглар бўйича пасайтирувчи тузатиш киритилди (-2%, -3%, -5%).

Баҳолаш обьекти ерларидан фойдаланиш хуқукининг бозор қиймати - 617 170 000 сўм.

Шундай қилиб, ер участкасига ижара хуқукининг бозор қийматини ўз ичига олган ягона мулкнинг бозор қиймати қуидагилар ҳисобланади:

$$\begin{aligned} 617\,170\,000 \text{ сўм} + 2\,363\,093\,891,00 \text{ сўм} \\ = 2\,980\,263\,891 \text{ сўм} \end{aligned}$$

Биз томонимиздан олиб борилган илмий-тадқикот тахлиллари натижаларига кўра, харажатли ёндашув асосида

ҳисобланган баҳолаш обьектининг қиймати баҳолаш санаси ҳолатига 2 980 263 891 сўмни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса

Кўчмас мулкни турли мақсадларда баҳолаш бугунги кунда мулкнинг ҳақиқий бозор қийматини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, мулкни соликка тортиш, ипотека учун гаров таъминоти сифатида белгилаш, хусусийлаштириш, фуқароларга уй-жой бинолари учун ҳақ тўлаш шаклида товон пулини тўлаш ҳамда суд мақсадида баҳоланаётган кўчмас мулк обьектини баҳолаш каби мақсадларда кўчмас мулкнинг ҳақиқий қийматини аниқлаш ушбу мулкнинг бозордаги қийматини келтириб чиқаришга имконият беради.

Юкоридаги мулоҳазалардан келиб чиқкан ҳолда, кўчмас мулкнинг бозор қийматини харажатли ёндашув асосида баҳолашнинг амалдаги моделлари таҳлили бўйича қуидаги илмий-назарий хулоса ва тавсиялар шакллантирилди:

биринчидан, техник ва хуқуқий экспертизанинг асосий жиҳатлари аниқланди ва уларнинг баҳолаш ҳисботини экспертизадан ўтказишдаги ўрни илмий ва амалий жиҳатдан асосланди;

иккинчидан, кўчмас мулкни баҳолаш ҳисботини экспертизадан ўтказишда қонун талабларига мослигини белгилашнинг тавсия этилган мезонлари ҳисбототда бажарилганлиги ҳолатини баҳолаш ва эксперт хуносасида акс эттириш лозимлиги таклиф этилди;

учинчидан, баҳолаш хизматлари бозорини тартибга солиш ва улардаги профессионал иштирокчилар фаолиятини назорат қилиб борища давлатнинг ролини ниҳоятда камайтириш бўйича амалий тавсиялар берилди;

тўртинчидан, кўчмас мулк бозорининг тузилишини тавсифлашда учта асосий ёндашувдан яъни, институционал ёндашув, объект тури бўйича ёндашув ва репродуктив ёндашувдан фойдаланиш тавсия этилди;

бешинчидан, Ўзбекистонда кўчмас мулкнинг бозор қийматини харажатли ёндашув асосида баҳолаш ҳамда кўчмас

мулк бозорида алоҳида туаржой мажмуалари нархининг ўзгариши ва унинг ижара нархларига таъсирини баҳолашнинг методологиясини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар берилди ҳамда ер хукуки қийматини ҳисоблаш сотувларнинг қиёсий таҳлили усули орқали амалга оширилиши таклиф этилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни. 9-модда. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 208-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 110-модда; 2009 й., 15-сон, 178-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда)
2. Tsertseil J.S., Kookueva V.V. Problems of property market development in Russia in the modern context // Espacios. 2017. Т. 38. № 47. p. 41.
3. Фридман, Дж. Анализ и оценка приносящей доход недвижимости. М; 1995. 189 с.
4. Ш.А.Исамухамедова, В.У.Ёдгоров. Кўчмас мулкни бошқариш ва унинг экспертизаси. Ўқув кўлланма. Тошкент. 2011 йил, 318 б.
5. Д.Султонов. Кўчмас мулкни қайта баҳолаш. <https://review.uz/oz/post/pereocenivayaneqvijimost>
6. В.Евстафьев. Оценка бизнеса. Схемы и таблицы: Учебное пособие. – СПб.: Питер, 2007., 240 стр.;
7. Б.Ходиев, Б.Беркинов, А.Кравченко. Бизнес қийматини баҳолаш. Ўқув кўлланма. – Т.: «Иқтисод-молия», 2007., 256 б.
8. “PROYEKT DOMINANTE” МЧЖ маълумотлари.

УО‘Т 239.09.330

Hoshimov Jahongir Ravshanbek o‘g‘li,
Toshkent moliya instituti, “Baholash ishi va investitsiyalar” kafedrasi dotsenti v.b. PhD

TO‘G‘RIDAN TO‘G‘RI XORIJYIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISHDA SINGAPUR TAJRIBASI

Хошимов Жаҳонгир Равшанбек ўғли,
*Ташкентский финансовый институт, в.б. доцент PhD
кафедры «Оценочное дело и инвестиции»*

ОПЫТ СИНГАПУРА В ПРИВЛЕЧЕНИИ ПРЯМЫХ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ

Khoshimov Jakhongir Ravshanbek ugli,
*Tashkent institute of finance, Associate Professor PhD
the Department “Appraisal and Investments”*

SINGAPORE’S EXPERIENCE IN ATTRACTING FOREIGN DIRECT INVESTMENT

Annotation. Maqolada iqtisodiyotga to‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalg qilishda Singapur davlatining tajribasi o‘rganilgan. Shuningdek, O‘zbekiston sharoitida foydalananish imkoniyatlari tadqiq qilingan. Iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarni jalg qilish tizimini takomillashtirishga doir ilmiy taklif va amaliy tavsiyalar shakllantirilgan.

Tayanch so‘zlar: xorijiy investitsiyalar, to‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar, investitsion muhit jozibadorligi, Doing business indeksi, global raqobatbardoshlik indeksi.

Аннотация. В статье рассматривается опыт Сингапура по привлечению прямых иностранных инвестиций в экономику. Также были изучены возможности использования в условиях Узбекистана. Сформулированы научное предложение и практические рекомендации по совершенствованию системы привлечения иностранных инвестиций в экономику.

Ключевые слова: иностранные инвестиции, прямые иностранные инвестиции, привлекательность инвестиционного климата, индекс ведения бизнеса, индекс глобальной конкурентоспособности.

Annotation. The article examines the experience of Singapore in attracting foreign direct investment to the economy. Also, the possibilities of use in the conditions of Uzbekistan were studied. A scientific proposal and practical recommendations for improving the system of attracting foreign investments to the economy have been formulated.

Keywords: foreign investments, foreign direct investments, investment climate attractiveness, Doing business index, Global competitiveness index.

Kirish

Singapurda to‘plangan boy tajribalar, amalga oshirilgan islohotlar, qabul qilingan qarorlar va chora-tadbirlarning tub mohiyatini o‘rganish, yutuq va kamchiliklarini ilmiy jihatdan tanqidiy tahlil qilish milliy iqtisodiyotimizning taraqqiyoti uchun har tomonlama dastak vazifasini o‘taydi. Binobarin, xalqaro maydonda mavjud bo‘lgan boy tajribalar, zamonaviy tendensiyalar yildan yilga takomillashib, o‘zgarib bormoqda. Xususan, investitsiyalarni jalg etish, ularni eksport va import qilish, investorlarning manfaatlarini himoya qilish, investitsion faollik va raqobatbardoshlikni oshirish bilan bog‘liq masalalar shular jumlasiga kiradi.

Jahonda xorijiy kapitalni jalg etish bo‘yicha mamlakatlararo keskin kurash ketmoqda. Xorijiy investitsiyalar hajmi, uning sifati va qulay shartlardan foydalanish borasida rivojlangan mamlakatlarda yildan-yilga investitsion muhit jozibadorligini ta‘minlashga xizmat qiladigan innovatsion instrumentlarning turli ko‘rinishlari yaratib kelinmoqda. Shu maqsaddan kelib chiqib biz Singapur davlatining tajribasini ham tahlil qilamiz va O‘zbekiston sharoitida foydalanish istiqbollari bo‘yicha mulohazalar bayon etamiz.

Mavzuga oid adabiyotlar sharhi

O‘z navbatida, investitsiyalar chetdan jalg qilinganda to‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar nomini oladi. To‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarning mazmun-mohiyati hamon turli iqtisodiy adabiyotlarda turlicha talqin qilinayotganini ta‘kidlab o‘tmox lozim. Buni quyida keltirilganlar to‘liq tasdiqlaydi:

G. Galeyeva va E. Kadeyeva – to‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalg qilishning asosiy omillari bozorlar va resurslarga kirishdir. Chet el kapitalining faqat ayrim mintaqalarda va ayrim tarmoqlarda

konsentratsiyasi boshqa mintaqalar iqtisodiyotining rivojlanishini cheklaydi, birinchi navbatda, sanoati rivojlanmagan mintaqalar iqtisodiyotiga ta’sir qiladi [1].

A. Vaxobov – to‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar investorga iqtisodiy faoliyati ustidan ta’sirchan nazorat etish imkonini beradigan investorning uzoq muddatli, firmaning kamida 10 foizi ulushiga yoki aksiyadorlar kapitaliga egalik qilishiga imkon beradigan investitsiyalardir [2].

N.Oblomurodov ilmiy tadqiqot izlanishlarida to‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalg etish tizimini takomillashtirishning makroiqtisodiy omillari o‘rganilgan bo‘lib, investitsiyalarni jalg etish tizimini takomillashtirishda investitsion jozibadorlik va investitsion faollikning o‘rni yuqori darajada o‘rin egallashi qayd etiladi [3].

B.Mamatov, D.Xo‘jamqulov, O.Nurbekovlar tadqiqotlarida to‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarning milliy iqtisodiyot rivojidagi ahamiyatiga e’tibor qaratishadi, xususan, bu turdagи investitsiyalar ishlab chiqarish kapitalini to‘g‘ridan to‘g‘ri tovar va xizmatlar ishlab chiqarishga yo‘naltirilishini hamda firma yoki korxona aksiyalarining nazorat paketini sotib olish, ishlab chiqarish quvvatlarini qurish, qo‘shma korxonalarini barpo etish va h.k.lar orqali kiritilishini keltirishadi [4].

A. Bekmurodov fikricha, to‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar investorga korxonani nazorat qilish huquqini beruvchi kapitalni to‘g‘ridan to‘g‘ri eksport qilish va shu bilan karxona asosiy bosh kompaniyasining xorijiy sho‘ba korxonasiiga aylanadi [5].

A. Azizov to‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar atamasini, avvalo, xo‘jalik faoliyati ustidan qisman yoki to‘liq nazoratni ta‘minlash orqali xorijiy korxonaga investitsiya sifatida tushunish kerakligini ta‘kidlaydi [6].

A. Sotvoldiyev – to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalar hududlarni barqaror rivojlantirishda muhim omil bo‘lib, u kengaytirilgan takror ishlab chiqarish asosini tashkil etgan holda, hududda yetarli investitsiyalarning sarflanishi, ishlab chiqarishning jadal rivojlanishi uchun shartsharoit yaratadi [7].

To‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar tushunchasiga alohida e’tibor berildi. O‘zbekiston Respublikasining «Investitsiya va investitsiya faoliyati to‘g‘risida»gi qonuniga ko‘ra, to‘g‘ridan to‘g‘ri chet el investitsiyalari – chet ellik investorning hukumat kafolatlarisiz, tavakkalchilik sharoitlarida o‘z mablag‘lari yoki qarz mablag‘lari hisobidan investitsiyalari deb ta’rif berilgan [8].

Tadqiqot metodologiyasi

Maqolada iqtisodiy jarayonlarini o‘rganishning ilmiy usullari, umumlashtirish, guruhlashtirish, tahlilning mantiqiy va taqqoslama usullari, induksiya, deduksiya, abstrakt-mantiqiy fikrlash, qiyosiy tahlil va boshqa usullardan keng foydalanilgan.

Natija va muhokama

Rivojlanish darajasi bo‘yicha yuqori ko‘rsatkichlarni namoyon etgan, o‘zining boy tajribasi va intellektual salohiyatining yuksakligi bo‘yicha dunyo mamlakatlari ichida yuqori o‘rnlarda turadigan, aholisi soni unchalik ham katta bo‘lgan, ammo kompyuter dasturlarini yaratish, telekommunikatsiya sohasida salmoqli nufuzga ega bo‘lgan, Jahon banki tomonidan e‘lon qilingan hisobotlarda jon boshiga YIM ishlab chiqarish bo‘yicha 3-o‘rinda turgan, «Osiyo yo‘lbarslari», deb nom olganlardan biri bo‘lmish Singapur davlatida ham to‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish bo‘yicha boy tajriba to‘plangan.

1959–1990-yillarda Li Kuan Yu boshchiligida Singapurda mamlakatni modernizatsiyalash borasida katta islohotlar amalga oshirildi. Buning natijasida, Singapur Janubiy-Sharqiy Osiyoda texnogen sivilizatsiya yasagan va dunyoning moliyaviy va savdo markaziga aylangan davlat sifatida tanildi. Shuning uchun ham ushbu mo‘jiza davlatning iqtisodiy yuksalishi sabablari nimalardan iborat ekanligini bilishga qiziquvchilar soni bugungi kunda ortib bormoqda.

Singapur davlatining rivojlanish yo‘li, qo‘lga kiritgan «iqtisodiy mo‘jizasi» bilan shug‘ullanigan barcha olimlarning fikri bir muhim nuqtaga borib taqaladi. U ham bo‘lsa, Singapurda qulay investitsiya muhitining yaratilganligi. Aynan ushbu holat tufayli investorlar tomonidan bu yangi davlatga ko‘plab loyihalar kiritish amalga oshdi, YIM hajmi yildan yilga keskin ortib bordi. Bugungi kunda ham investorlar tomonidan Singapur davlatiga hech ikkilansmasdan kapital mablag‘lar yo‘naltirib kelinmoqda. U yerdagi investitsion muhit jozibadorligi donor mamlakatlarning doimiy qiziqishiga sabab bo‘lmoqda.

Jahon banking klassifikatsiyasiga ko‘ra, Singapur davlati eng yuqori daromadga ega bo‘lgan davlatlar qatoriga kiradi [9]. Jahon banki ma’lumotlariga ko‘ra, jon boshiga to‘g‘ri keladigan daromad bo‘yicha Singapur jahonda uchinchi o‘rinda turadi. Shuningdek, investitsion iqlimga ta’sir ko‘rsatadigan yana bitta muhim ko‘rsatkich – inflatsiya darajasidir. Inflatsiya darajasi qanchalik past bo‘lsa, investitsion jozibadorlik ham shunchalik darajada yuqori-bo‘ladi. 2005-yilda Singapurda inflatsiya darajasi 0,5 foizni, 2021-yilga kelib esa 0,9 foizni tashkil etgan [10].

1-rasm ma’lumotlarni tahlil qiladigan bo‘lsak, 2020-yil uchun Singapurda to‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar oqimi 74,75 milliard AQSH dollarini tashkil

etdi, bu 2019-yilga nisbatan 32,95 foizga kamaygan. 2019-yilda Singapur to‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar miqdori 111,48 milliard AQSH dollarni tashkil etdi, bu 2018-yilga nisbatan 37,32 foizga ko‘p. 2018-yil uchun Singapur to‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar 81,18 milliard AQSH dollarni tashkil etdi, bu 2017-yilga nisbatan 18,17 foizga kamaydi. 2017-yilda Singapur to‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar 99,21 milliard AQSH dollarini tashkil etdi, bu 2016 yilga nisbatan 51,78 foizga ko‘pligini ko‘rishimiz mumkin (1-rasm).

AQSHdan Singapurga jalb to‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar oqimi 244 milliard AQSH dollaridan oshdi. Bugungi kunda, Singapurdagi barcha to‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar hajmining 20 foiz dan ortig‘i AQSH kompaniyalari hissasiga to‘g‘ri kelmoqda.


Geografik joylashuvi sabab, Singapur Janubiy-Sharqiy Osiyoda yuqori nufuzga ega bo‘lgan savdo hamkorি hisoblanadi. Singapur jahon reytingida import va eksport operatsiyalarini amalga oshirish bo‘yicha kuchli 20 talik davlatlar qatoriga kirishga ulgurgan. 2022-yilda xalqaro savdo aylanmasi

1,4 trillion AQSH dollarini, shunda eksport hajmi – 710 milliard, import hajmi – 43,4 milliard AQSH dollarini tashkil etgan.

Eksport tarkibida eng katta ulushni mashina va transport jihozlari tashkil etadi (60,1%). Eksportning asosiy iste’molchilar Xitoy (18%), Malayziya (17%), Gonkong (14%) va Indoneziya (11%) davlatlari hisoblanadi.

Xalqaro savdoni amalga oshirish, eksport va import operatsiyalarining hajmi, unda davlatning ishtirokini tahlil qilish va baholash bo‘yicha Butun jahon iqtisodiy forumining tavsiyasiga ko‘ra davlatning xalqaro savdodagi ishtiroki va aloqadorligini aniqlaydigan indeks (The Global Enabling Trade Index) bo‘yicha har yili jahon reytingi ko‘rsatkichlari e’lon qilinadi. Ushbu indeks orqali davlatlarning xalqaro savdoni amalga oshirish borasida yaratib bergen sharoiti, olib borayotgan iqtisodiy siyosati, tovar va xizmatlarni nest-nobudsiz iste’molchilarga yetkazib berish va bojxona imtiyozлari darajasiga baho berish mumkin.

Tashqi savdoni amalga oshirishda Singapur o‘ziga xos alohida o‘rin tutadi. «Xalqaro savdoda davlatning ishtiroki



1-rasm. 2000–2020-yillarda Singapurga jalb qilingan to‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar oqimi mlrd. AQSH dollarida YaIMga nisbatani foizda [11]

indeksi» (The Global Enabling Trade Index) bo'yicha Singapur 2019 – 2020-yillarda reytingda birinchi o'rinni egallagan. Ushbu indeks to'rtta asosiy ko'rsatkichlardan, ya'ni ichki bozorga kirish uchun imkoniyat; chegarada (bojxona) amalga oshirilayotgan ma'muriy boshqaruv; ishbilarmonlik muhiti; transport kommunikatsiyasining holatlaridan tarkib topgan.

Ishbilarmonlik muhitining yuqori ekanligiga Singapurning jahon kapital bozoridagi ishtiroki orqali ham baho berish mumkin. Singapur Janubiy-Sharqiy Osiyoda TTXI qabul qiluvchi asosiy davlatlardan biri hisoblanadi (57%). 2022-yilda kirib kelgan TTXI hajmi 2 trillion. AQSH dollarini tashkil etib, bu 2000-yilga nisbatan 7 barobarga ko'p demakdir. Investitsiyalarning kirib kelishi ko'proq moliyaviy xizmatlar va sug'urta, qayta ishslash sanoati, ulgurji va chakana savdoga to'g'ri keladi.

Jahon banki guruhi va Xalqaro moliya korporatsiyasi tomonidan e'lon qilinib kelinayotgan Doing Business indeksida 10 yildan buyon Singapur 1-o'rinni egallab kelmoqda. Olib borilgan izlanishlar va o'tkazilgan so'rovnama natijalariga ko'ra, Singapurda biznesni ochish va uni yuritish bo'yicha yaratilgan sharoitlar va yuqori natijaga erishishda davlat siyosiy tizimining barqarorligi, samarali iqtisodiy siyosat, yuqori investitsion imkoniyatning mavjudligi va infrastrukturaning rivojlanganligi ta'sir ko'rsatgan.

Ya'na bir muhim ko'rsatkich bo'lmish – mamlakatlarning iqtisodiy mustaqillik indeksi bo'yicha ham Singapur yuqori natijalarni qo'lga kiritgan. Mazkur agregatlashgan indeks 10 ta ko'rsatkich asosida chiqariladi. Bular: moliyaviy mustaqillik, investitsiyaviy mustaqillik, savdo mustaqilligi, monetar mustaqillik, mehnat mustaqilligi, tarbirkorlik mustaqilligi, hukumatning ishtiroki, fiskal mustaqillik, korrupsiyaga qarshi mustaqillik, mulk daxlsizligi kabilardir.

Ushbu ko'rsatkichlar 0 dan 10 ballgacha baholanib, uning o'rtachasi chiqariladi. Shularni hisobga olib, iqtisodiy mustaqillik indeksi bo'yicha dunyo mamlakatlari 5 guruhga bo'linadi. Birinchi guruhga 80 balldan yuqori ball to'plagan davlatlar kiritiladi. 2021-yilda mazkur guruhda beshta eng yuqori natijaga erishgan davlatlar: Gonkong (89,6), Singapur (89,4), Yangi Zelandiya (82,1), Avstraliya (81,4), Shveysariya (80,5) qayd etilgan.

Yuqorida qayd etilgan tajribalarni o'rganish asnosida aniq bo'ldiki, Singapur tajribasini O'zbekiston sharoitida tatbiq etish, ulardan foydalanish kelajakda mamlakatning bundan-da yuqori sur'atlarda rivojlanishini, aholining daromad manbayi ko'payishini ta'minlashga xizmat qiladi. Shuningdek, xalqaro tashkilotlar tomonidan o'tkaziladigan so'rovnomalarda faol ishtirok etish, jahon mamlakatlarining investitsion jozibadorligini ko'rsatadigan reytinglarning barchasida O'zbekistonning ham ishtirokini ta'minlash bo'yicha ishlarni amalga oshirish kelajakda investorlarning investitsiyalarni kiritish bo'yicha qarorlariga ijobjiy ta'sir ko'rsatadi.

Xulosa

Xulosa qilib aytishimiz mumkinki, to'g'ridan to'g'ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish bo'yicha Singapurning muvaffaqiyatli tajribasi xorijiy investitsiyalarni jalb qilish darajasi mamlakatdagi siyosiy barqarorlik, qulay geografik joylashuv, qulay investitsiya muhiti, biznes yurutish uchun qulayliklar (soliq, bojxona imtiyozlari) ishchi kuchining salohiyati kabi ko'plab muhim omillarga bog'liqligini ko'rsatmoqda.

To'g'ridan to'g'ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish bo'yicha quyidagicha taklif va tavsiyalarni keltirish mumkin:

- hududlar imkoniyatlaridan kelib chiqib imtiyoz summasidan kamroq to'g'ridan to'g'ri xorijiy investitsiya kiritilsa

ham ularga “soliq ta’tillari”ni, shuningdek, elektr energiyasi, suv, gaz, transport xizmati ta’minoti narxlarini pasaytirgan holda berish;

– investorlarning qo‘yilmalarini davlat tomonidan sug‘ortalash, hududlarda to‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalg qilishning mavjud shart-sharoitlari va imkoniyatlarini baholashga yo‘naltirilgan dasturiy platformalarni shakllatirish;

– iqtisodiyotni rivojlantirish uchun to‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar jalg

qilish hajmini ko‘paytirishimiz uchun biz xorijiy mamlakatlarda faoliyat yuritayotgan elchixonasi va davlat konsullik xizmati xodimlarini keng jalg etish orqali erishishimiz mumkin;

– investitsiya muhitini yaxshilash va to‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalg etishni rag‘batlantirish masalalariga taalluqli yangi qonun, farmon va qarorlar ishlab chiqishda “global indekslar talablariga muvofiqlik zarurati” prinsipini joriy etish.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. G.M.Galeeva and E.N.Kadeeva. Problems of attracting foreign direct investment into the regional economy.// Journal of Physics: Conference Series, 1730(2021) 012118, 2020. – P. 8.
2. A.V.Vaxobov. (2010) Xorijiy investitsiyalar. – Toshkent: Moliya, 2010. – T. – O‘quv qo‘llanma.
3. Oblomurodov N.N. To‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalg qilishning nazariy asoslari va ustuvor yo‘nalishlari. Monografiya. – T.: Fan va texnologiya, 2009, -108 b.
4. Mamatov B.S., Xo‘jamqulov D.Y., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. T.: Iqtisod-Moliya, 2014. 94-bet. 608-bet.
5. A.Sh.Bekmurodov. Xorijiy investitsiyalar. – Toshkent: Iqtisodiyot. – T. – O‘quv qo‘llanma.
6. A.S.Azizov. (2021) To‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar jalg qilishda moliyaviy-iqtisodiy va mamlakat xatarlarini kamaytirish. Iqt. fan. bo‘y. fals. dokt. (PhD) diss. Avtoref. – Toshkent: 2021. – 11 b.
7. A.B. Sotvoldiyev. (2019) Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalar ko‘lamini oshirish yo‘llari (Andijon viloyati misolida) Iqt. fan. bo‘y. fals. dokt. (PhD) diss. Avtoref. – Toshkent: 2019. 10-b.
8. Qonun (2019). O‘zbekiston Respublikasining 2019-yil 25-dekabrdagi «Investitsiya va investitsiya faoliyati to‘g‘risida» gi O‘RQ-598-son Qonuni, 3-modda.
9. Lee, K.Y. From Third World to First: The Singapore Story 1965-2000. Singapore: Singapore Press Holdings, 2000.
10. <https://www.reuters.com/world/asia-pacific/singapore-nov-core-inflation-rises-by-16-stays-near-three-year-high-2021-12-23/>
11. <https://www.macrotrends.net/countries/SGP/singapore/foreign-direct-investment> statistik ma’lumotlar asosida muallif tomonidan tuzilgan.

УДК 338.583

Нигора Яркиновна Исмаилова,
Ташкентский финансовый институт, соискатель

АНАЛИЗ И АУДИТ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ АО «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

Nigora Yarkinovna Ismailova,
Toshkent moliya instituti mustaqil izlanuvchisi

“О‘ ZBEKISTON TEMIR YO ‘LLARI”AJ INVESTITSIYA FAOLIYATINI TAHLILI VA AUDITI

Nigora Yarkinovna Ismailova,
Tashkent Financial Institute independent researcher

ANALYSIS AND AUDIT OF INVESTMENT ACTIVITIES OF UZBEKISTAN TEMIR YULLARI JSC

Аннотация. На современном этапе развития железнодорожной компании весьма актуальным вопросом является обеспечение эффективности инвестиционной деятельности и возникает необходимость проведения их постоянного мониторинга и анализа, в том числе и аудита. В статье рассматривается значение инвестиций АО «Ўзбекистон темир йўллари», состояние подвижного состава, динамика основных объемных показателей перевозочной и инвестиционной деятельности, проведён сопоставительный анализ темпов их роста и индекса роста ВВП Республики Узбекистан. Предлагаются мероприятия по повышению эффективности проведения аудита инвестиций АО «Ўзбекистон темир йўллари».

Ключевые слова: инвестиции, аудит, эффективность, перевозочная деятельность, железнодорожный транспорт, АО «Ўзбекистон темир йўллари».

Annotatsiya. Temiryo'l kompaniyasi rivojlanishining hozirgi bosqichida investitsiya faoliyati samaradorligini ta'minlash juda dolzarb masala bo'lib, ularni doimiy monitoring qilish va tahlil qilish, shu jumladan audit o'tkazish zarurati tug'iladi. Maqolada «O'zbekiston temiryo 'llari» AJ investitsiyalarining ahamiyati, harakatlanuvchi tarkibning holati, transport va investitsiya faoliyatining asosiy hajm ko'rsatkichlari dinamikasi ko'rib chiqiladi, ularning o'sish sur'atlari va O'zbekiston Respublikasi YIM o'sish indeksi qiyosiy tahlil qilingan. “O'zbekiston temiryo 'llari” AJ investitsiyalari auditini o'tkazish samaradorligini oshirish chora-tadbirlari taklif etiladi.

Tayanch so'zlar: investitsiyalar; audit, samaradorlik, transport faoliyati, temiryo'l transporti, “O'zbekiston temiryo 'llari” AJ.

Annotation. At the present stage of development of the railway company, it is necessary to ensure the effectiveness of investment activities. At the same time there is a need for their constant monitoring and analysis. The article considers the value of investments of JSC «UZBEK RAILWAYS», the condition of rolling stock, the dynamics of the main volume indicators of transportation and investment activities, a comparative analysis of their growth rates and the GDP growth index of the Republic of Uzbekistan is carried out. Measures are proposed for the investment attractiveness of JSC «UZBEK RAIL WAYS».

Keywords: investments, investment and transportation activities, railway transport, JSC “UZBEK RAILWAYS”.

Введение

Последнее десятилетие АО «Ўзбекистон темир йўллари» осуществляет свою основную перевозочную деятельность в условиях повышения внутренней конкуренции и возрастающего давления других видов транспорта. С целью роста спроса на услуги в компании возрастающими темпами развиваются инфраструктурные мощности и обновляются основные фонды. Развёрнутая протяженность железных дорог в Республике Узбекистан на начало 2023 года составляет величину 7395,1 км, в том числе электрифицированные станционные пути - 3528,1 км или более 47,7% [1].

Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев отметил высокую значимость компании в экономике страны «Тот факт, что на сегодняшний день в стране железнодорожным транспортом перевозится свыше 60 процентов грузов и более 75 процентов пассажиров, свидетельствует о том, какую важную роль играет данная сфера в развитии экономики [5].

Важность этого вопроса была обусловлена тенденцией к оптимизации расходов на перевозочную деятельность железнодорожной компании в рамках стратегии развития АО ”Ўзбекистон темир йўллари « до 2030 года.

Бизнес-планом на 2023 год определены основные параметры развития отрасли,

предусмотренные Указом Президента Республики Узбекистан от 04.03.2015 № УП-4707 “О мерах по обеспечению структурных изменений, модернизации и диверсификации производства на 2022-2026 годы” [5].

Для экономики любого государства ускоренное развитие транспортного комплекса является оптимальным источником долгосрочного устойчивого роста и средством обеспечения мобильности населения и социальной мобильности. В целом, для макроэкономического показателя валового внутреннего продукта (ВВП) и промышленных корпораций ускорение развития транспорта является надежным механизмом снижения себестоимости оказываемых услуг и расширения экспортной составляющей бизнеса. Именно поэтому наилучшим способом модернизации железнодорожного транспорта в современных условиях должен стать переход на инновационный путь развития и успешная реализация ключевых бизнес-задач. Ответственность за их решение лежит на эффективной системе корпоративного управления и внутреннего аудита.

Оптимально сформированная и реализуемая транспортная политика, а также стратегия развития АО «Ўзбекистон темир йўллари», разработанная с учетом потребностей государства и потребителей, согласно ранее подписаным международным соглашениям в

сфере железнодорожного транспорта, ориентированная на привлечение инвестиций в данную отрасль и соответственно в экономику государства, непосредственно выполняет одну из основополагающих ролей при обеспечении устойчивой социально-экономической политики государства на перспективу.

Обзор литературы

В условиях рыночной экономики и договорных отношений существует риск неправомерного и необоснованного увеличения стоимости строительства и как следствие – недостоверное отражение в учете стоимости введенных в эксплуатацию основных средств.

Вопросы аудита эффективности инвестиций способствуют определению соответствия инвестиционных проектов требованиям экономичности, эффективности и результативности. Известные экономисты Шеремет В.В., Павлюченко В.М.[5], Е.И. Иванова, М.В. Мельник, В.И. Шлейников, С.И. Гайдаржи [7] придавали особое значение аудиту эффективности инвестиций. В частности по мнению Шеремет В.В. "...инвестиционный проект определяется как некая идея и обоснование целесообразности вложения денежных средств в тот или иной объект основных средств". Павлюченко В.М. даёт следующее определение: "аудит эффективности – это вид аудиторской деятельности, направленный на выражение мнения аудитора об экономичности использования ресурсов, продуктивности и результативности финансово-хозяйственных процессов, процессов управления и программ в государственном и частном секторах".

По нашему мнению, главной характеристикой аудита эффективности инвестиций на транспорте является правильность учёта стоимости основно-

го средства, которая напрямую влияет на достоверность финансовой отчетности и финансовый результат предприятия, в части формирования активов, рентабельности, налога на прибыль, имущества и др. В связи с этим проводится проверка на соответствие требованиям бухгалтерского и налогового законодательства. Так, известный специалист в области анализа железнодорожных перевозок В.Ф. Данилин высказывает свое мнение относительно анализа транспортной деятельности: "Анализ начинается с изучения объема, динамики и структуры основных ресурсов. Для характеристики возраста ресурсов и их амортизации ресурсы делятся в соответствии с их жизненным циклом эксплуатации" [5].

Анализ и результаты

На железнодорожном транспорте более 80% всех инвестиционных ресурсов представляют собой капитальные вложения (основные средства). В перечне основных задач проведения эффективной инвестиционной деятельности АО «Узбекистон темир йуллари» определены:

- создание единой железнодорожной транспортной сети;
- продолжение электрификации основных участков железных дорог;
- развитие инфраструктуры железнодорожного транспорта, включающее модернизацию железнодорожных путей, а также переход на оптико-волоконную систему телекоммуникаций;
- развитие собственной ремонтной базы подвижного состава;
- восстановление и обновление подвижного состава;
- поиск альтернативных транспортных коридоров, обеспечивающих выход на мировой рынок и повышение экспортного потенциала республики [8].

В таблице 1 показаны основные макроэкономические и объёмные показатели основной деятельности АО «Ўзбекистон темир йўллари» в 2019-2022 гг.

Как показывают данные, рассчитанные в таблице 1, темп роста ВВП и промышленного производства гораздо выше темпов роста вложений (инвестиций). Наблюдается снижение инвестиционной активности АО «Ўзбекистон темир йўллари», связанной с последствиями пандемии, снижением зарубежных инвестиций, необходимостью выполнения кредитных инвестиционных обязательств.

Таблица 1
Макроэкономические показатели и основные объёмные показатели АО «ЎТЙ»¹

Показатель	2019 г.	2020 г.	2021 г.	2022 г.	Прогноз на 2023 г.
Индекс роста ВВП,%	105,5	101,6	107,4	105,7	105,0
Индекс роста промышленного производства,%	108,4	100,7	98,8	105,4	105,2
Грузооборот железнодорожного транспорта, млн. тн-км	17411,5	17777,1	24551,2	22965,4	25480,2
Темп роста,%	102,7	100,2	100,7	100,13	100,15
Пассажирооборот, млн пасс-км	4385,2	1794,9	3130,1	3120,5	3758,3
Темп роста,%	101,3	40,9	174,7	99,7	109,4
Объем инвестиций, млн долл.	648,3	625,08	575,2	479,3	469,03
Темп роста, %	79,1	96,4	92,2	83,5	97,9

Таблица 2
Инвестиционные проекты АО «Ўзбекистон темир йўллари» на 2023 г.*

Источник	Фактически освоено в 2022 году		Прогноз на 2023 год		Отклонение	
	Сумма, млн.дол	Удельный вес, %	Сумма, млн.дол	Удельный вес, %	+,-	%
1. Собственные средства АО «ЎТЙ»	299,3	62,45	300,8	64,14	1,5	0,50
2. Средств ФРР Республики Узбекистан	45	9,39	101,1	21,56	56,1	124,67
3. Освоение иностранных инвестиций	116	24,20	44,8	9,55	-71,2	-61,38
4. Кредиты коммерческих банков	19	3,96	22,3	4,75	3,3	17,37
Общая сумма	479,3	100,00	469	100,00	-10,3	-2,15

*Расчёты автора по данным официального сайта АО «Ўзбекистон темир йўллари» www.railway.uz

¹ Финансовая и статистическая отчётность АО «ЎТЙ» за 2019-2022 гг., бизнес-план 2023 г. <http://railway.uz/>

В таблице 2 приведена статистическая информация по источникам инвестиционных проектов АО «Ўзбекистон темир йўллари» на 2023 год (таблица 1).

В 2023 году в соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан от 28 декабря 2022 года №ПП-459 «О мерах по реализации Инвестиционной программы Республики Узбекистан на

2023–2025 годы по АО «Ўзбекистон темир йўллари» предусмотрена реализация инвестиционных проектов на общую сумму 1461,7 млн.дол., из которых 256,7 млн.дол прямые иностранные инвестиции [1,2]. Из общей суммы инвестиционных вложений на 2023 год приходится 300,8 млн.дол. По данным, приведенным в таблице видно, что наибольшая доля

Таблица 3

Динамика ключевых показателей эффективности деятельности АО «Ўзбекистон темир йўллари»

Ключевые показатели эффективности	2020 год	2021 год	2022 год	Темп роста 2022 год, %	
				к 2020 году	к 2021 году
1.Выручка компании, млрд сум	2392,18	2759,68	2807,95	117,38%	101,75%
2.EBITDA, млрд сум	625,1	565,84	539,03	86,23%	95,26%
3.Рентабельность по EBITDA, % (строка 1/ строка 2)	26,1	20,5	19,2	86,10%	93,66%

Таблица 4.

Возрастной состав инвентарного подвижного состава АО «Ўзбекистон темир йўллари» (на 1/01/2023 года)

Тип	до 10 лет	от 10 до 20	от 20 до 30	Более 30 лет	Всего
Электровозы	76	12	31	35	154
Тепловозы	-	10	-	113	123
Маневровые	-	-	-	199	199
Всего локомотивов	76	22	31	347	476

инвестиционных средств 64,14% в 2023 году это собственные средства железнодорожной компании, в абсолютном измерении составляет 300,8 млн.дол. Соответственно доля иностранных инвестиций прогнозируется в размере 44,8 млн. дол. или 9,55% и по сравнению с 2021 годом снижение составило 71,2 млн.дол. [3,4].

Рассмотрим динамику основных финансовых показателей эффективности деятельности АО «Ўзбекистон темир йўллари» на основе КПЭ в период с 2020 по 2022 годы (таблица 3).

Выручка АО «Ўзбекистон темир йўллари» в период с 2020 по 2022 годы имеет тенденцию небольшого роста. Это свидетельствует о том, что железнодорожная компания работает с прибылью, но впоследствии прибыль направляется на возмещение операционных расходов, налога на прибыль и прочие расходы. EBITDA и рентабельность по EBITDA за этот же период снизились соответственно по сравнению с 2022 годом в 2020 году на 13,77% и 4,74% соответственно. Можно сделать вывод,

что АО «Ўзбекистон темир йўллари» справляется со своей долговой нагрузкой.

На АО «Ўзбекистон темир йўллари» необходимость инвестиций в подвижной состав можно видеть по данным таблицы 4, где представлены данные возрастного состава эксплуатационного парка компании. По состоянию на начало 2023 года эксплуатационный парк локомотивов составил 476 локомотивов, вагонов – 23,5 тыс. единиц, междугородных вагонов - 549 единиц [8].

Из таблицы 4 видно, что из 476 локомотивов срок эксплуатации 347 локомотивов (72,9%) составляет более 30 лет. За последние 10 лет средний возраст локомотивов увеличился с 22 до 26 лет, что свидетельствует о необходимости обновления подвижного состава.

На рисунке 1 представлен SWOT-анализ текущего состояния АО «Ўзбекистон темир йўллари».



Рис. 1. SWOT-анализ АО “Ўзбекистон темир йўллари” [7]

Как видим по данным, представленным на рисунке 1, с целью анализа стратегии развития компании выделены сильные и слабые стороны АО “Ўзбекистон темир йўллари”, а также возможности и угрозы в зависимости от эффекта и вида результата от его реализации (рис.). Подобный анализ позволяет выявить тенденции развития компании в целом [2].

Результаты

В АО “Ўзбекистон темир йўллари” оценка инвестиционных вложений по нашему мнению является прерогативой службы внутреннего аудита. Предлагаемая нами модель оценки роли внутреннего аудита в инвестиционной деятельности АО «Ўзбекистон темир йўллари» приведена на рисунке 2. Модель включает три компонента: оценка текущего состояния инвестиций, повышение эффективности и оценка перспектив.



Рис.2. Иерархия роли внутреннего аудита инвестиций в АО «Ўзбекистон темир йўллари»

Основной грузооборот компании сосредоточен внутри страны, что является одним из основных факторов повышения прибыльности компании. Однако увеличение конкуренции и потеря позиций перед другими видами транспорта (авиа, автомобильный) отрицательно влияет на финансовые результаты АО «Ўзбекистон темир йўллари».

Выводы

Проведённый анализ инвестиционной деятельности АО «Ўзбекистон темир йўллари» и свот-анализ показал необходимость активизации инвестиционной деятельности компаний в части обновления подвижного состава (локомотивов и вагонов).

Выявлена необходимость проведения службой внутреннего аудита эффективности капитальных вложений (инвестиций). Нами разработана модель оценки роли внутреннего аудита в инвестиционной деятельности АО «Ўзбекистон темир йўллари». Все вышеизложенное, по нашему мнению, будет способствовать:

- повышению ответственности высшего менеджмента в распределении ресурсов и инвестиционных вложений;
- улучшению качества транспортного обслуживания, расширение сервисных услуг;
- формированию корпоративных стратегий улучшения показателей деятельности компаний;
- созданию условий для привлечения инвестиций в сферу железнодорожного транспорта и роста объемов транзитных грузовых перевозок.

ЛИТЕРАТУРА

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 28.01.2022-yildagi PF-60-sonli “2022 — 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”. – Toshkent, 2022.
2. Постановление Президента Республики Узбекистан от 28 декабря 2022 года №ПП-459 «О мерах по реализации Инвестиционной программы Республики Узбекистан на 2023–2025 годы. - Ташкент, 2023.
3. S. M. Sultanova, A.B. Djumanova, N.U. Babaxanova. “Temiryo‘l transportida moliyaviy va boshqaruv tahlili”. O‘quv qo’llanma. –Toshkent, 2019-y. 202-b.
4. S. M. Sultanova. Raqamli iqtisodiyotda buxgalteriya hisobi. Monografiya. – Toshkent, «Transport», 2022. 116-b.
5. Данилин В.Ф. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятий железнодорожного транспорта: Учебник для вузов ж.д. трансп. - М.: Маршрут, 2016.- 415 с.
6. Управление инвестициями: В 2-х т. Т.1 / В.В. Шеремет, В.М. Павлюченко, В.Д. Шапиро и др. – М.: Высшая школа, 1998. – стр. 81
7. Аудит эффективности в рыночной экономике: учебное пособие/ Е.И. Иванова, М.В. Мельник, В.И. Шлейников; под ред. С.И. Гайдаржи. — М.: КНОРУС, 2019. – 328 с.
8. “Uzbekistan Railways” JSC veb-site. <http://railway.uz/>.

УЎТ 334.75

Собиржонов Санжар Собиржонович,
Тошкент молия институти “Менежмент ва маркетинг”
кафедраси доценти., PhD.
Email: sanjarsobirjon@gmail.com

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШДА РАҶАМЛИ МАРКЕТИНГДАН ФОЙДАЛАНИШГА ОИД НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

Собиржонов Санжар Собиржонович,
Ташкентский финансовый институт доцент
кафедры «Менеджмент и маркетинг», PhD.
Email: sanjarsobirjon@gmail.com

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ НА ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЦИФРОВОГО МАРКЕТИНГА В УПРАВЛЕНИИ БИЗНЕСОМ

Sobirjonov Sanjar Sobirjonovich,
Tashkent Financial Institute associate professor
of the department “Management and Marketing”, PhD
Email: sanjarsobirjon@gmail.com

THEORETICAL VIEWS ON THE USE OF DIGITAL MARKETING IN BUSINESS MANAGEMENT

Аннотация. Мақолада тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришида рақамли маркетингдан фойдаланишига оид олимларнинг назарий қарашлари, хусусан, маҳсулот ёки брендларни электрон воситалар орқали реклама қилиш, рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали маркетинг мақсадларига эришиши, ишлаб чиқарииш ва хизматлар бозорида рақамли маркетинг стратегияларидан фойдаланиши каби масалалар муҳокама этилган.

Таянч сўзлар: маркетинг концепцияси, тадбиркорлик, рақамли маркетинг, интернет-маркетинг, трансформация, маркетинг технологиилари, АКТ хизматлари, веб-маркетинг, контент маркетинг, Web 1.0, Web 2.0, Web 3.0, Web 4.0.

Аннотация. The article discusses the theoretical views of scientists on the use of digital marketing in managing the activities of business entities, in particular, issues such as advertising products or brands through electronic means, achieving marketing goals through the use of digital technologies, and using digital marketing strategies in the production and services market.

Ключевые слова: концепция маркетинга, предпринимательство, цифровой маркетинг, интернет-маркетинг, трансформация, маркетинговые технологии, услуги ИКТ, веб-маркетинг, контент-маркетинг, Web 1.0, Web 2.0, Web 3.0, Web 4.0.

Annotation. The article discusses the theoretical views of scientists regarding the use of digital marketing in managing the activities of business entities, in particular, issues such as advertising products or brands through electronic means (mass media, social networks, achieving marketing goals through the use of digital technologies, using digital marketing strategies in the production and services market done.

Keywords: marketing concept, entrepreneurship, digital marketing, internet marketing, transformation, marketing technology, ICT services, web marketing, content marketing, Web 1.0, Web 2.0, Web 3.0, Web 4.0.

Кириш

Глобал дунёда ижтимоий ҳётнинг ҳар бир соҳасига ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши натижасида рақамли иқтисодиётнинг роли йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу борада юртбошимиз Ш.Мирзиёевнинг “Рақамлаштириш иқтисодиёт тармоқларида тежамкорлик ва самарадорликни таъминлайди” шунингдек, “...янги истиқболларни очиш мақсадида энди “қўл бошқаруви”дан – аниқ натижага ишлайдиган тизимили бошқарувга ўтиш вақти келди”, дея таъкидлашлари ҳам бежиз эмас. Маълумки, рақамли иқтисодиётда виртуал мухитнинг яратилиши баробарида компьютер, интернет технологияларига асосланган электрон бизнес ва электрон тижорат билан боғлиқ иқтисодий фаолият ҳамда шу фаолият натижасида ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган рақамли товарлар ва хизматлар йифиндиси хисобланади. Ўз-ўзидан равшанки, рақамли иқтисодиётнинг изчил ривожланишининг биринчи ва энг муҳим омили – замонавий АКТ-инфратузилмасини яратиш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ахборот технологияларининг ривожлантирилиши фақатгина “рақамли иқтисодиёт”нингтина эмас, балки таълимнинг барча босқичлари,

маданият, тиббиёт, туризм, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўялиги ва бошқа соҳаларнинг порлоқ истиқболи учун ҳам замин ҳозирлайди.

Мавзуга оид адабиётлар шархи

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришда рақамли маркетингдан фойдаланишга оид назарий қарашлар бўйича кўплаб хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимлар илмий тадқикотлар олиб борганлар. Жумладан, Н.И.Архипова ва М.Т.Гуриевалар “рақамли маркетингни кенг маънода ҳар қандай электрон курилмадан фойдаланадиган маркетинг” дея ўз изланишларида асос сифатида келтирганлар [3].

Е.Г.Грудистова рақамли маркетингни рақамли технологиялар ёрдамида мижозларни жалб қилиш, ушлаб туриш ва мижозларнинг эҳтиёжларини қондириш учун интерфаол маркетингдир, дея таърифлайди [4].

С.М. Москалёв ҳам шундай фикрни тарғиб қилиб, “рақамли маркетинг аслида маҳсулот ёки брендларни бир ёки бир нечта электрон воситалар (оммавий ахборот воситалари) орқали реклама килишдир”, дея изоҳлайди [5].

Ж.Кестер рақамли маркетингни мақсадли бозорлар билан коммуникация учун интернет ва бошқа электрон

коммуникация шаклларидан фойдаланиш сифатида таърифлаб, рақамли маркетингни интернет-маркетинг коммуникациялари нуқтаи назаридан баҳолаган ҳолда, рақамли маркетингнинг оғлайн маркетингдан фарқи коммуникация воситаларининг мазмунидаги эканлигини таъкидлайди [6].

Д.Чаффеэ эса рақамли маркетингга «рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали маркетинг мақсадларига эришиш» дир, деган қисқагина таърифни беради [7].

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Г.Исмоилова, Р.Мажидов, Э.Нигмановларининг илмиy ишларида тадбиркорлик субъектлар фаолиятида рақамли маркетинг хизматларидан фойдаланиш йўллари ва трансформациялашув масалалари турли журналлар мақолаларида, илмий-услубий ишларда тадқиқ қилинган [10;11;12].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот давомида назарий ва амалий ўрганиш, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез каби услублар ва ёндашувлардан фойдаланилган.

Натижга ва муҳокама

Гувоҳи бўлаётганимиз, ривожланган хорижий давлатлар амалиётида ахборот-технологик платформаларда фаолият кўрсатаётган рақамли иқтисодиёт жадал ривожланмоқда, бу эса, ўз навбатида, ривожланаётган давлатлар олдига шундай платформаларнинг янги моделларини яратиш заруратини тақозо этади. Албатта, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ривожланишига ва унинг жаҳон бозорида рақобатбардошлилигини оширишга бўлган эҳтиёж иқтисодий соҳаларнинг барчасида рақамли ўзгаришларни амалга оширишни долзарб килиб қўймоқда.

Хозирда, XXI асрнинг иқтисодчи таҳлилчилари томонидан мамлакатларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига эришиши ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлашининг мухим жиҳати рақамли иқтисодиёт тизимига ўтишидадир, деган фикрнинг илгари сурилаётганлиги ҳам бежизга эмас. Бундан ташқари, биз, рақамли иқтисодиёт асирида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини юритиш қоидалари ҳам ўзгариб бораётганлигини кузатишимиz мумкин. Яъни ким, анъанавий иқтисодиёт шароитида харидорлар ишлаб чиқарувчи томонидан қандай товар ёки хизматлар таклиф этилса, шунга қаноат килган бўлса, рақамли иқтисодиёт истеъмолчилари эса бозорга ўз хошиш ва талаблари билан кириб бормоқда.

Бу эса ишлаб чиқарувчилар учун қатор муаммолар яратмоқда, айрим тадбиркорлик субъектлари ҳали ҳануз рақамли маркетинг тушунчасини мазмун-моҳиятини англаб ҳам етгани йўқ. Муаллиф ушбу мақолада тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришда рақамли маркетингдан фойдаланишининг назарий асосларини ёритишида, биринчи галда, рақамли маркетинг тушунчаси ҳамда иқтисодий фаолиятда рақамли маркетингдан фойдаланишининг долзарблиги хусусида тўхталиб ўтишни ўринли деб ҳисоблади.

Рақамли маркетинг таърифига турли хил ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар иқтисодчи олимлар назарияларида турли хил тавсифланади ва бу, ўз навбатида, давлатлар мисолида ҳам фарқланади. Маркетинг фаолияти тизимида рақамли маркетингнинг эволюция жараёнини кўриб чиқишдан олдин, ушбу тушунчанинг баъзи асосий таърифларини иқтисодчи олимлар назариялари орқали таҳлил этишни ўринли, деб ҳисоблаймиз.

Хорижий давлатлар олимларининг рақамли маркетингга берган таърифлари юқорида танишганимиз рус олимлари Н.И.Архипова ва М.Т.Гуриевалар, Е.Г.Грудистова С.М.Москалёв, Ж.Кестер, Д.Чаффеэ мулоҳазаларидан бироз фарқ килади. Жумладан, Шаик Жавед Парвез, Х.М.Мойенудин, С.Арун, Р.Анандан ва С.Кумар Жанаҳанлар “рақамли маркетинг – бу интернет орқали маҳсулотлар ёки брендларни реклама қилиш” деб таъриф беришади [8].

Уларнинг фикрлари ҳамда юқорида келтирилган таърифлардан ҳам маълум бўймоқдаки, рақамли маркетинг интернет-маркетинг билан чамбарчас боғлик бўлса-да, рақамли маркетинг – бу интернет-маркетинг ва бошқа реклама каналларини ўз ичига олган кенгрок тушунча ҳисобланади.

МДҲ мамлакатлари олимлари Китова ва Т.П.Данколар ўзларининг илмий тадқиқот ишларида рақамли маркетингни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишган. Хусусан, Голубева ишларида рақамли иқтисодиёт шароитида муносабатлар маркетинг концепциясини ривожлантириш масалалари ўрганилган [9].

Шу билан бир қаторда, мамлакатимиз олимлари ҳам мазкур масалада бир қатор тадқиқотлар олиб боришган бўлиб, уларнинг аксарият қисми IT иши таъсирида маркетинг технологияларининг трансформацияси натижаси рақамли маркетинг ёки интернет, маркетинг шакланишининг асоси деб таъкидлашмоқда. Масалан, Г.Исмаилова рақамлаштириш таъсири остида ривожланиб бораётган информацион-коммуникацион технологиялар бевосита маркетинг имкониятларини янги рақамли босқичга олиб чиқиб, ундаги асосий вазифалар маркетинг тадқиқотларини ҳамда маркетинг стратегияларини

танлашда асос сифатида ҳам кўриб чиқилишини таъкидлайди [10].

Бундан ташқари, Р.Р.Маджидов АҚТ хизматлари бозорида рақамли маркетинг стратегияларидан фойдаланиш масалалари ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш борасида бир қатор тадқиқот натижаларини таклиф этган [11].

Э.Нигманов эса рақамли божхона тизимида хизматларни ривожлантиришинг долзарб масалаларини бошқа соҳавий ва ваколатли органлар билан узвий боғлиқлигини таъминлашга қаратилган ўзаро муносабатлар маркетинги элементларини рақамлаштириш орқали ечиш борасида назарий таклифларни келтириб ўтган [12].

Бундан ташқари, изланишларимиз доирасида, рақамли маркетинг тушунчasi давлатлар мисолида ҳам фарқланиб, Италияда рақамли маркетинг ўринда кўпинча веб-маркетинг, Францияда веб-маркетинг ёки рақамли маркетинг, Буюк Британия, Россия ва бошқа кўплаб мамлакатларда рақамли маркетинг атамаси кўлланилишининг гувоҳи бўлдик. АҚШда эса ҳанузгача рақамли маркетинг атамаси кенг тарқалган.

Умуман олганда, юқоридаги таърифларнинг хилма-хиллиги рақамли маркетингнинг турли жиҳатларини тавсифлаб қолмасдан, рақамли маркетингнинг барча таърифлари замирида ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш деган фикр илгари сурилган ҳамда барча тадқиқотчиларнинг фикрлари унинг асосида айнан интернет-коммуникация ётганига қаратилганлиги маълум бўлмоқда.

Шу ўринда айтишимиз мумкинки, рақамли маркетингни Б. Халлиган ва Д.Шах томонидан олиб кирилган кирувчи маркетинг (Inbound marketing) нуктаи назаридан контент маркетинг, ижтимоий тармоқлардаги маркетинг,

кидирув тизимини оптималлаштириш ва брэндингдан фойдаланган ҳолда истеъмолчиларни маҳсулот ва хизматларга жалб қилиш усули сифатида тавсифлангани эътиборга лойиқ. Яъниким, улар анъанавий чиқувчи маркетингдан («мақсадли аудиторияни топиш») фарқли ўлароқ, бундан буён мавжуд киравчичи фойдаланувчи сўровлари («мақсадли аудитория томонидан топилиш») билан ишлашга жиддий эътибор қаратиш лозим эканлигини таъкидлашган [13].

Эндиликда эса, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқариша рақамли маркетингдан фойдаланишга ўтилишигача бўлган даврда корхона ва ташкилотларнинг маркетинг фаолиятига рақамли маркетингни киритишнинг баъзи асосий босқичларига тўхталиб ўтишини ўринли, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, комп’ютер технологияларининг ва у билан боғлиқ фанларнинг ривожланиши интернет-муҳитдаги комплекс маркетинг элементларини белгиловчи замонавий рақамли маркетингнинг учта асосий тури – маркетинг ва интернет технологияларининг интеграцияси кидирув тизимлари, хусусий интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар кабиларнинг шаклланишига олиб келди.

Шу ўринда, замонавий интернет-маркетингни белгиловчи интернетнинг коммуникация каналларининг шаклланган тузилишига мувофиқ, рақамли маркетинг коммуникациялари ва рақамли маркетинг тадқиқотчилари нуқтаи назаридан Web 3.0 – Web 4.0 ривожланишининг замонавий босқичидаги рақамли маркетинг тавсифлари билан танишиб ўтишини ўринли деб ҳисоблаймиз. Хусусан, маркетингнинг анъанавий тадқиқотчилари “рақамли маркетинг коммуникацияларини реклама, бевосита маркетинг, сотишли рафбатлантириш, жамоатчилик билан

алоқа, шахсий сотишлар билан бир каторда коммуникацияларнинг таркибий қисми”, деб ҳисоблашмоқда [14]. Яна бошқа ҳолларда эса, рақамли маркетинг коммуникацияларини ўзида бошқа таркибий қисмларни бирлаштиришга қодир бўлган алоҳида коммуникация аралашмаси сифатида ажратиб кўрсатишидаи [15]. Яъниким, юкоридаги назарияларни умумлаштирадиган бўлсан, онлайн-компонентни коммуникация аралашмасининг ҳар бир элементига қўшиш мумкин бўлади.

Шунингдек, М.А.Курасова рақамли маркетинг анъанавий маркетингни бир катор усуллар ва воситалар бўйича тўлдириб туриб, уларнинг бир қисми янги, бошқа қисми эса оффлайн-маркетингда аналогларга эга ва бу рақамли маркетинг коммуникацияларини реклама қилишдаги асосий ўзгаришларни ҳосил қиласди, деб таъкидлайди [16].

Яна бир рус олимаси Т.А.Буренина эса “реклама қилиш” элементи ва маркетинг маълумотларини тўплаш жараёнларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, рақамли маркетинг технологияларининг анъанавий маркетинг мажмуасидаги барча элементларига таъсирини кўриб чиқкан [17]. Худди шундай хуносага Л.М.Капустина ва И.Д.Лисунов каби тадқиқотчилар ҳам келишган бўлиб, улар рақамли технологиялар таъсири остида 4Р маркетингнинг класик мажмуасида шаклланган ўзгаришларни ўрганишган [18].

Шу билан бир каторда, рақамли маркетинг коммуникацияларини ўрганувчи тадқиқотчилар уларнинг турли хусусиятлари ва тавсифларини янада аниқлаштиришга уринишган. Хусусан, рақамли маркетинг коммуникацияларини ўрганган А.М.Предеин маркетинг коммуникациялар тизими ривожланишидаги энг муҳим тенденция

демассификация тенденцияси эканлигини исботлашга уринмоқда. Унга кўра, ахборот манбалари ўзининг мақсадли аудиториясини излашда ихтисослашишга мажбур бўлади [19].

Биз ушбу тенденцияни шарҳлар эканмиз, шуну алоҳида таъкидлашимиз жоизки, мақсадли аудиторияни излаш вақтида нафақат ахборот манбалари ихтисослашади, балки аудитория ҳам битта коммуникация канали доирасида турли хусусиятларга эга бўлиши ва коммуникация хабарларига нисбатан турлича жавоб бериши мумкин бўлади.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда А.М.Предеин интернет-коммуникацияларини фирманинг бизнес жараёнларидағи ролини мақсадли аудиториялар билан алоқа сифатида баҳолайди ва шу орқали юқорида кўриб чиқилган интернет-маркетинг позицияларидан 4Р анъанавий маркетинг мажмуасида “реклама қилиш” элементининг устунлиги ҳакидаги қоидани тасдиқлайди [19].

Фикримизча, шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, рақамли маркетинг ривожланишининг замонавий босқичи фақатгина ташкилотнинг мақсадли аудитория билан алоқасини эмас, балки рақамли маркетинг коммуникацияларининг функционаллигини янада кенгрок таърифини ҳам беради.

Хусусан, И.Ю.Окольнишникова эҳтиёж ва истеъмолнинг ўзаро боғлиқлигини интерактив ахборот технологиялари кўринишидаги маркетинг коммуникацияларини таъминлаш рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш қонунияти сифатида кўриб чиқади [20]. Бизнингча, у ҳар бир истеъмолчини персоналлаштиришни, яъни уни кўп сонли оммавий истеъмолчилар орасидан ажратиб олиш, у билан узлуксиз интерактив

алоқани ўрнатиш, ҳар бир мижознинг маълумотлар базасини шакллантиришни таъминлашни назарда тутган.

Айтишимиз мумкинки, ушбу хусусиятни рақамли маркетинг нуқтаи назаридан талқин қилиш, веб-сайт ёки ташкилотнинг бошқа сахифаси фойдаланувчисининг хатти-ҳаракатлари ва истакларининг таҳлилини белгилаб беради, деб тушуниш мақсадга мувофиқ саналади.

Бундан ташқари, Б.Халлиган ва Д.Шахнинг кирувчи маркетинг гоясига мувофиқ, истеъмолчи “коммуникация жараёнига жалб қилинади, бойликни ишлаб чиқаришда ўзини шерик сифатида намоён этади” [21].

Ушбу ўринда “ўзини излаб топишларидан манбаатдор” эканлигини англатиб, рақамли маркетинг коммуникацияларининг оқимини яратади ва улардан истеъмолчилар ўз танловини ташкилот кўзлаганидек амалга оширишади. Яъни у истеъмолчига ўзига керакли бўлган товарлар, хизматларни қидириб топишга ва алоқа ўрнатишга имконият тақдим этади.

Кейинги ўринларда фойдаланувчини ташкилот томонидан яратилаётган турли коммуникация каналларидағи интернет-маркетинг коммуникациялари оқимларига интерактив жалб қилишга бўлган ёндашув, рақамли маркетинг коммуникацияларининг турли жиҳатларини ўргангандаридан тадқиқотчиларнинг ишларида янада ривожланишилди, дея оламиз.

Интернетнинг маркетинг коммуникациялари тизимидағи ролига аниқлик киритган Ю.В.Шурчкованинг фикрига кўра, ташкилотнинг рақамли маркетинг фаолиятининг асосий компонентларидан бири – бу интернет-сайт ҳисобланади. Сайт ўзида фойдаланувчиларнинг сонини

кўпайтирувчи қуроллар ва фойдаланувчини сайтга жалб қилишни мақсад қилмаган воситаларни бирлаштирган ҳолда, маркетинг коммуникацияларининг бутун бир мажмусини амалга ошириш имкониятини тақдим этади [22].

Шу тарзда, рақамли маркетинг коммуникациялари тизимида нафақат коммуникацияни амалга ошириш, балки товарни ташкилотнинг интернет-сайти саҳифаларида намойиш қилиш орқали истеъмолчи билан ўзаро алоқа варианtlарини ҳам режалаштириш фикри ўз исботини топди, деб айта оламиз. Шу билан бирга, истеъмолчи билан боғланиш жараёни ва ўзаро алоқасининг варианtlарини бирлаштирувчи ягона шакли сифатида ташкилот интернет сайтининг устунлиги ҳақида ҳам гапириш ноўрин, чунки ташкилот интернет-сайтсиз ҳам ўз интернет-маркетинг фаолиятини олиб бориши мумкин, масалан, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалардан фойдаланиши орқали. Бунда интернет-маркетинг коммуникацияларини тижорат тишикilotлари самарадорлигининг оддий кўрсаткичларига айланишини таъминловчи таҳлилий мақсаддаги усувлар ажратиб кўрсатилмаганилигига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Шунингдек, юқорида кўрсатилган йўналишлар орасида Е.В. Саприкнанинг интернет-рекламани рақамли маркетинг коммуникацияларининг муҳим таркибий қисми сифатида кўриб чиқсан ёндашуви алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, муаллифнинг таъкидлашича, интернет-реклама ўзида товарни бозорда намойиш қилиш, истеъмолчилар билан икки томонлама мақсадга йўналтирилган алоқа, товар ёки бренднинг ижобий образини яратиш каби хусусиятларини ўзида бирлаштирган. Интернет-реклама ахборотнинг тезкор намоён бўлишини ўз ичига олади ва

анъанавий маркетинг воронкасининг товар ҳақида маълумотга эга бўлишидан уни ҳарид қилишгача жараёнда бир зумда қайта алоқани олиш имкониятини тақдим қилган ҳолда “маркетинг – реклама” босқичлари оқибатларини “қисқартиради” [23].

Фикримизча, «маркетинг-реклама» иерархиясини сиқиши ҳақидаги фикрларга мувофиқ, интернет-рекламанинг ҳар бир турини рақамли маркетинг тури сифатида кўриб чиқиш мумкинлигини таъкидлаш жоиздир. Чунки ҳар қандай реклама каналида қидирув тизими, реклама агрегатори, ижтимоий тармоқ, шахсий интернет сайтлари ва бошқалар мавжуд бўлиб, рақамли маркетинг усулларини, маркетинг компонентини ҳам ўз ичига олади. Яъни маълум мақсадли аудиторияга йўналтирилган реклама компоненти – ихтисослаштирилган интерфейслар орқали мақсадли жараёнда танланган реклама каналининг мақсадли аудиторияси сегментларига киришни таъминлайди.

Бундан ташкири, рақамли маркетингда таргетинг муаммолари тадқиқотчи олимлар томонидан рақамли маркетинг коммуникацияларининг хусусиятларини ўрганишда рақамли коммуникация тушунчасининг таърифини аниқлаштириш нуқтаи назаридан очиб берилган бўлиб, у рақамли коммуникацияни «харидор билан доимий мулоқот қилиш мақсадида рақамли коммуникацион каналлардан фойдаланиш ёрдамида амалга ошириладиган, маркетинг коммуникацияларининг умумий тизимига интеграциялашган, харидорлар билан компаниянинг шахсийлаштирилган ва таргетлаштирилган онлайн ўзаро таъсири сифатида кўриб чиқади [24]. Бу ўринда муаллиф рақамли коммуникация воситаларининг асосий фарқи сифатида интернет коммуникациясининг

«платформалар имконияти» билан чекланишини маълум килади. Демак, юқорида келтирилган фикрни маъкуллаган ҳолда, коммуникацион канал каби ҳар бир онлайн платформа учун ўзаро муносабатларнинг маҳсус коидалари (функционал хусусиятлар) мавжудлигини таъкидлаб ўтишимиз жоиздир. Яъни бизга маълумки, интернет-реклама турлари фойдаланувчилар ўз танловини амалга оширадиган маълумотлар тўпламидан фойдаланиш имкониятини беради.

Шунингдек, Ф. Котлер ва К.Л.Келлер интернетнинг пайдо бўлиши билан интеграциялашган маркетинг коммуникациялари тизими даги ўзгаришларни кўп сонли янги оммавий ахборот воситаларининг шаклланиши ва истеъмолчиларнинг ўзлари олишни истаган тижорат маълумотларини танлаш ва фильтрлаш қобилияти кўринишида қайд этадилар [25].

Е.В. Писарева эса рақамли коммуникацияларни янги интеграциялашган маркетинг парадигмасини ривожлантиришнинг асосий шарти, деб атайди. Демак, муаллиф фикрича, «асосан рақамли маркетинг коммуникацияларига ўтиш билан истеъмолчиларнинг хулқ-атворини рақамлаштириш», «шахсийлаштириш, истеъмолчиларни жалб килиш ва улар билан доимий онлайн мулоқотни ушлаб туришга эътибор»ни шакллантириш мумкин.

Шуни эътироф этиш керакки, Ю.В.Шурчкованинг рақамли маркетингни ташкилотнинг маркетинг фаолияти тизимига рақамли маркетинг коммуникациялари нуқтаи назаридан жорий килишини кўриб чиқиши аҳамиятлидир. Яъниким, муаллиф ушбу жараённинг учта асосий компонентини ажратиб кўрсатади, улар: коммуникацион каналлар ва усусларини танлаш даражасида рақобатчилардан

ажрагиб чиқиш, амалга оширилаётган саъй-харакатларнинг самарадорлигини ўлчаш, ахборот оқимларида мувозанатни ўрнатишидир [26].

Бизнинг фикримизча ҳам, рақамли маркетинг белгиланган босқичлар тўплами эмас, балки интеграцияланган маркетинг нуқтаи назаридан тавсифланиши мумкин бўлган ўзгарувчан жараён бўлиб, коммуникацион каналларнинг ўзаро таъсирини аниқлаш ва барча алоҳида хабарларни муаммосиз бирлаштириш орқали коммуникация дастурларининг равшанлиги, изчиллигини таъминлаш ва максимал таъсирини ошириш учун оптималь комбинацияни топишидир.

Шу билан бир қаторда, В.В.Шлабицнинг ёндашувида анъанавий бизнесда илгари мавжуд бўлган харидни амалга оширгмаган ташриф буюрувчи ташкилотга фақат зарар келтиради, деган фикрга қарама-қарши, ҳар бир веб-сайтга ташриф буюручининг қийматига тегишли интернетдаги маркетинг фаолиятининг муҳим коммуникатив хусусияти таъкидланган. Бундан шуни тушунишимиз лозимки, рақамли маркетингда ҳар бир алоҳида ташриф буюрувчи харидордан кам бўлмаган аҳамиятга эга, чунки у ташкилотнинг бозорда мавжуд бўлган жисмоний нуқталарида келажакдаги оффлайн мижозга айланиши мумкин ёки у маълумот шаклида ёрдам олишни хоҳловчи мавжуд мижоз бўлиши ҳам мумкин.

Мақсадли ташриф буюрувчи веб-сайтнинг ахлоқ омилларига ижобий таъсири кўрсатади, қидирув тизимларида унинг рейтингини оширади ва янги ташриф буюрувчиларни жалб қиласи [27]. И.В.Самойлов томонидан ишлаб чиқилган ушбу ёндашувга кўра, рақамли маркетинг ролини истеъмолчилар билан шахсий ўзаро муносабатлардан интернетнинг ўзгарувчан шароитларига барча турдаги

фаолиятни мувофиқлаштирадиган ташкилотнинг инновацион ва мослашувчан куйи тизимига айлантириш таклиф килинади [28].

Бизнингча, кўриб чиқилган ёндашувлар контекстида рақамли маркетингда алоҳида усул ёки каналдан уларнинг коммуникация канали, интернетдаги ташкилотларнинг мавжуд бўлиш нуқталари ва рақамли маркетинг усуллари ўртасида мувофиқликни ўрнатувчи ўзгарувчан мажмууга ўтиш содир бўлади, деган холосага келиш мумкин.

Рақамли маркетингда таъкидланган мувофиқликни белгилаш учун унинг маркетинг изоҳида интернет-трафик таърифи кўлланилади.

Маълумки, интернет пайдо бўлган даврда «трафик» тушунчаси техник маънога эга бўлиб, маълумотларни узатиш ва қабул қилиш учун тармоқдаги ахборот оқими сифатида таърифланган. Бирок интернет-маркетинг мазкур тушунчага «маркетинг» маъноларини ҳам олиб кирди. Изланишларимиз доирасида, маркетинг фаолияти тизимида рақамли маркетинг ва интернет-маркетинг коммуникацияларини ўрганувчиларнинг ишларидан «трафик» тушунчасининг асосий маъновий моҳиятини аниqlашга ҳаракат қилинди.

Хусусан, Г.С. Кузнецов ва В.В.Курманов трафикни интернетда тарғиб қилиш самарадорлигини таҳлил қилиш ва мақсадли аудиториядан потенциал истеъмолчиларнинг хулқ-атвори қонунийлигини белгилаш доираси қисми сифатида кўриб чиқадилар [29]. Бунда трафик манбалари (потенциал истеъмолчиларнинг веб-сайтга кирадиган коммуникацион каналлар), трафик таркиби (янги/қайтиб келган ташриф буюрувчилар), кириш ва чиқиши саҳифалари (потенциал мижознинг

ташкилот билан контакти ариза шаклида бўладиган саҳифалар, буюртмалар) ва бошқалар), потенциал мақсад қилиб қўйилган аудиториянинг хусусиятлари таъкидланади [30].

Иzlaniшларимиз натижасида интернет-трафик интернетдаги реклама компанияларининг иқтисодий самарадорлигини интеграл баҳоси, комплекс интернет-маркетинг натижаси сифатида кўриб чиқилиб, самарадорликни баҳолашнинг баъзи классик кўрсаткичларининг (сотув ҳажмининг кўпайиши, янги мижозлар сонининг ортиши) умуман веб-сайт трафигини ва веб-сайтнинг интернет саҳифаларига ташриф буюрувчилар турухлари контекстидаги трафик билан боғлиқлиги ўрганилди.

Интернет-трафикнинг барча хусусиятларини тадқиқодий назариялар асосида таҳлил килган ҳолда, интернет-трафик сифати кўрсаткичини мижозлар сонининг веб-сайтга ташриф буюрувчилар сонига нисбати сифатида интернет-трафик конверсиясини ҳисоблаш асосида сотувчига (ташкилот веб-сайтига) олиб келинган умумий ёрдам сифатида белгиланади. Бу борада, тадқиқотчи М.И.Уковов умумий трафик конверсиясини ташки конверсия (коммуникация канали сифатидаги трафик манбасининг характеристикалари) ва ички конверсиянинг (веб-сайтнинг трафикни мижозларга конверсия қилиш хусусияти) умумлашган натижаси деб ҳисоблайди. Шунингдек, Р.Велучамининг ёндашуви М. И. Укововнинг қарашларига маълум даражада мос келади, бунда ахборот оқимининг сифати, яъни веб-сайт трафиги рақамли маркетинг фаолиятининг муваффақиятини белгилайдиган асосий хусусият сифатида кўрсатилади [31].

Ушбу масалани батағсилроқ ўрганадиган бўлсак, рақамли марке-

тингнинг асосий таркибий қисми сифатида трафик алоқадорлиги А.С. Мелехова томонидан лидогенерация ва шериклик маркетинги каби йўналишда кўриб чиқилади [32]. Муаллиф «лид» тушунчасини (инглизча леад – ариза) маҳсулот ёки хизматни сотиб олишда потенциал манфаатдор бўлган истеъмолчининг рақамли маркетинг коммуникацион каналларида рақамли маркетинг усулларидан фойдаланиш натижасида шаклланган коммуникация маълумотлари сифатида белгилайди [33]. Бунда рақамли маркетинг назарияси ва амалиётида етакчилик нафақат коммуникация маълумотлари, балки кенгроқ маънода ташкилотнинг очилиш саҳифаларида фойдаланувчининг мақсадли ҳаракатлари (интернет сайтлари,

ижтимоий тармоқлардаги гурухлар ва бошқалар) эканлигини алоҳида кайд этган [34].

Хуноса

Юкорида таҳлил этилган барча назария ва қарашларни умумлаштирган ҳолда рақамли маркетинг тушунчасига куйидагича муаллифлик тарифини беришни ўринли деб хисоблаймиз. Яъниким, “Рақамли маркетинг – бу маҳсулотлар, хизматлар ва брендларни илгари суриш учун кенг кўламли маркетинг стратегияси ва тактикаси асосида потенциал мижозларни жалб этиш ва уларни доимий истеъмолчи сифатида сақлаш учун рақамли технологиялардан фойдаланишдир”.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 22 сентябрь куни тармоқ ва худудларда рақамли иқтисодиёт ҳамда электрон ҳукуматни жорий килиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. <https://president.uz/uz/lists/view/3848>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 2022 йил 20 декабрь <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
3. Архипова Н.И., Гуриева М.Т. Современные тенденции развитие цифрового маркетинга//Текст научной статьи по специальности “СМИ (медиа) и массовые коммуникации”// Вестник РГГУ. Серия “Экономика. Управления.Право”. (2018), №1(11). С.9-21.
4. Грудистова Е.Г. Цифровой маркетинг в сфере сервиса и туризма как инструмент развития цифровой экономики// Научный результат. Технологии бизнеса и сервиса. – Т. 6, № 1, (2020), с. 45-54.
5. С.М. Москалёв. Внедрение цифрового маркетинга в деятельности отечественных товаропроизводителей// Текст научной статьи по специальности ”Экономика и бизнес”// Известия Санкт-Петербургского государственного аграрного университета(2015).
6. Велла Л., Кестер Ж. Хандбук он Э-маркетинг фор тоуризм дестинатион. – Мадрид: Ворлд Тоур- исм Организатион анд тхе Эуропеан Травел Коммиссион, 2009. – 21 п.
7. Успенский И. В. Интернет-маркетинг. – СПб.: Изд-во СПГУЭиФ, 2003. – С. 28.
8. Хуррамов Ортиқжон Каюмович, “Особенности цифрового маркетинга в сфере туризма” // Текст научной статьи по специальности “Инновационное развитие”- Инновационное развитие: потенциал науки и современного образования. (2020),стр. 118-128.

9. Shaik Javed Parvez, H.M. Moyeenudin, S. Arun, R. Anandan, Senthil Kumar Janahan “Digital marketing in hotel industry”//Article in International Journal of Engineering&Technology. April (2018).
10. Nasruddin, Ellisha Dr.; Ismoilova, Gulnora PhD; Rakhatullaeva, Nargiza Associate Prof.; and Khodjaeva, Shodiyabonu Associate Prof. (2021) “THE ROLE OF INFORMATION TO DEVELOP MARKETING,” International Finance and Accounting: Vol. 2021 : Iss. 6, Article 22.
11. Нигманов Э., Ҳамроев У., Севинов Ж. Рақамли божхона тизимида хизматларни ривожлантиришнинг долзарб масалалари // Ўзбекистон божхона ахборотномаси. №2. -Т., 2020. 3-9-б.
12. Маджидов Р.Р. Ахборот-коммуникация хизматлари бозорида рақамли маркетинг стратегияларидан фойдаланиш // Рақамли иқтисодиёт: Иқтисодий ва замонавий ахборот- ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш кўллаш истиқболлари: www.jmbm.uz VOLUME 1, ISSUE 2 (April) ISSN: 2181-3000, Page 118
13. <http://www.hubspot.com/internet-marketing-company>
14. Котлер Ф., Келлер К. Л. Маркетинг-менеджмент: пер. с англ. – 15-е изд. – СПб.: Питер, 2018. – С. 26; Belch G. E. Advertising and Promotion: An Integrated Marketing Communications Per-spective. – N. Y.: McGraw Hill, 2017. – P. 37–39
15. Pelsmaker P. Marketing Communications: A European Perspective. – Slovenia: Svet Print, 2013. – P. 486–487
16. Курасова М. А. Совершенствование маркетинговой деятельности предприятий на основе внедрения интернет-технологий: автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05. – М., 2005. – С. 11
17. Буренина Т. А. Персонализация маркетинга на базе интернет-технологий: автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05. – М., 2003. – С. 10
18. Капустина Л. М., Мосунов И. Д. Интернет-маркетинг. Теория и практика продвижения бренда в сети: монография. – Екатеринбург: Изд-во Урал. гос. экон. ун-та, 2015. – С. 12–14
19. Предеин А. М. Эффективность маркетинговых коммуникаций в сети интернет: автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05. – Екатеринбург, 2009. – С. 11
20. Окольнишникова И. Ю. Формирование и развитие маркетинговых коммуникаций в условиях индивидуализации потребительского спроса: автореф. дис. ... д-ра экон. наук: 08.00.05. – СПб., 2011. – С. 11–12
21. Окольнишникова И. Ю. Формирование и развитие маркетинговых коммуникаций в условиях индивидуализации потребительского спроса: автореф. дис. ... д-ра экон. наук: 08.00.05. – СПб., 2011. – С. 12
22. Шурчкова Ю. В. Состав и структура комплекса маркетинговых коммуникаций, реализуемых в сети Интернет // Статистика и экономика. – 2011. – № 6. – С. 117
23. Сапрыкина Е. В. Маркетинговые императивы развития интернет рекламы в современном коммуникационном пространстве: автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05. – Ростов н/Д, 2012. – С. 13–14.
24. 1 Совершаева С. В. Оценка результативности диджитал (цифровых) маркетинговых коммуникаций: автореферат дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05. – СПб., 2014. – С. 7.
25. Котлер Ф., Келлер К. Л. Маркетинг менеджмент: пер. с англ. – СПб.: Питер, 2017. – С. 527–528.
26. American Marketing Association. – URL: <https://www.ama.org>.

27. Шлабитц В. В. Маркетинговые интернет технологии повышения клиенториентированности компаний: автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05. – М., 2010. – С. 13–14.
28. Самойлов И. В. Развитие маркетинга промышленных предприятий на основе интернеттехнологий: автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05. – М., 2011. – С. 10.
29. Кузнецов Г. С. Информационно-коммуникационные технологии маркетинга при продвижении услуг в сфере агротуризма: автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05. – М., 2012. – 24 с.
30. Курманов В. В. Формирование интегрированной системы интернет маркетинга в коммерческой организации и способы взаимодействия с целевой аудиторией: автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05. – Орел, 2014. – С. 10.
31. Veluchamy R., Parthiban P., Kasilingam L. Effectiveness of online marketing and its determinants: marketers' perspective // International Journal of Management. – 2020. – Vol. 11, iss. 3. – P. 439–448.
32. Beasley K. Affiliate Marketing: Shopping for the Right Affiliate Program. – Denver: JTW Publishing LLC, 2007. – 140 p.
33. Мелехова А. С. Лидогенерация и лид-скоринг как методы повышения эффективности рекламной кампании // Вестник Российского экономического университета им. Г. В. Плеханова. – 2013. – № 1(55). – С. 75–79
34. Dwivedi Y., Rana N. Alryalat M. Affiliate marketing: An overview and analysis of emerging literature // The Marketing Review. – 2017. – No. 17(1). – P. 33–50.

УЎТ 63(336.11)

Ишниязов Бахром Нормаматович,
Тошкент молия институти
мустақил изланувчиси

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ТАРМОГИНИ ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ВА УЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Ишниязов Бахром Нормаматович,
Ташкентский финансовый институт
независимый исследователь

АНАЛИЗ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ СЕКТОРА И ИХ ФИНАНСИРОВАНИЯ

Ishniyazov Bakhrom Normamatovich,
Tashkent institute of finance
independent researcher

ANALYSIS OF INNOVATIVE PROCESSES OF THE AGRICULTURAL NETWORK AND THEIR FINANCING

Аннотация. Ушибу мақолада, инновацияларни молиялашириш орқали улар фаолиятини янада фаоллашириши бўйича чора-тадбирларнинг йўналиши мамлакатдаги иқтисодий вазиятни барқарорлаширишига, иқтисодиётда изчил таркибий ўзгаришиларни амалга оширишига, корхоналар учун жисдий раҳобатдоши устунликларни ва иқтисодий ўсиши сифатини ошириши учун зарур имкониятларни яратишга ёрдам беради.

Таянч сўзлар: қишлоқ хўжалиги, ер ва сув ресурслари, жаҳон бозори, инновацион ривожланиши, инновацион маҳсулотлар, глобаллашув, раҳамали агро-озиқ-овқат тизими, даромад даражаси, оптималлашириши, интеграция, молиялашириши, тренд тенгламаси, прогноз кўрсаткичи.

Аннотация. В данной статье направление мероприятий на дальнейшую активизацию своей деятельности за счет финансирования инноваций позволит стабилизировать экономическую ситуацию в стране, осуществить последовательные структурные изменения в экономике, создать предприятиям значительные конкурентные преимущества и необходимые возможности для повышения качества экономического роста.

Ключевые слова: сельское хозяйство, земельные и водные ресурсы, мировой рынок, инновационное развитие, инновационные продукты, глобализация, цифровая агропродовольственная система, уровень доходов, оптимизация, интеграция, финансирование, уравнение тренда, прогнозный показатель.

Annotation. In this article, the direction of measures to further activate their activities through the financing of innovations will help stabilize the economic situation in the country, implement consistent structural changes in the economy, create significant competitive advantages for enterprises and the necessary opportunities to increase the quality of economic growth.

Keywords: agriculture, land and water resources, world market, innovative development, innovative products, globalization, digital agro-food system, income level, optimization, integration, financing, trend equation, forecast indicator.

Кириш

Қишлоқ хўжалиги соҳасида инновацион жараёнларни амалга ошириш зарурати, биринчи навбатда иқтисодиётнинг асосий муаммоси – айниқса чекланган ер ва сув ресурсларидан жамиятнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини кондириш учун оқилона фойдаланиш билан боғлиқ. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги соҳасини инновацион ривожлантиришнинг бир хил мухим шарти шундаки, бугунги кунда глобаллашув ва жаҳон бозори шароитларининг тубдан ўзгариши шароитида ракобат кучаймоқда ва айнан инновациялар ракобатнинг энг самарали воситаси ҳисобланади, чунки улар ракобат яратилишига олиб келади. Қишлоқ хўжалигига янги эҳтиёжлар пайдо бўлиши янги ишлаб чиқариш жараёнида, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва самарадорликни ошириш, ўз навбатида, инвестицияларни жалб қилишга таъсир қиласи.

Корхоналарнинг самарадорлиги ва ракобатбардошлиги ўсишининг ҳал қилувчи омили уларнинг инновацион ривожланиш йўлига ўтиши эканлиги исботланган. Янги техник ва технологик ишланмаларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ инновацион фаолиятни амалга ошириш ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига, ишлаб чиқариш таннархининг пасайишига, меҳнат унумдорлигининг ошишига, ишлаб чиқариш рентабеллиги ва

корхоналарнинг бошқа ишлаб чиқариш ва молиявий кўрсаткичларининг ошишига олиб келади.

Тадқиқот методологияси

Илмий изланиш жараёнида аниқ фактлар асосида тадқиқот ўтказишида статистик ва молиявий ҳолат динамикасини акс эттириш, маълумотларни гурухларга ажратиш ҳамда индекс ва норматив усуllibарини ҳисобга олиб уларнинг тузилишини ўрганиш асосида ижтимоий-иқтисодий ҳолатларни таҳлил қилиш, иқтисодий жараёнларни англашни мантиқий хулосалаш, таҳлил ва синтез қилиш, кўрсаткичлар динамикасини таҳлил қилиш, статистик маълумотларни таққослаш каби усул ва услублардан фойдаланилди.

Натижа ва мухокамаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг 30-мақсади: Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали дехқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиши белгиланганлиги, бунинг учун қишлоқ хўжалигига давлат томонидан кўллаб-куватлаш кўлламини кенгайтириш ва янги механизмларини амалга ошириши

алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4549-сон, 2022 йил 27 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштириш ва уларни харид қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-225-сон қарорларини ҳам кўрсатиб ўтиш ўринли ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги сектори учун 2020–2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ракамли агро-озиқовқат тизимиға ўтишни назарда тутувчи 9 та стратегик устувор йўналиш белгилаб берилган.

Аммо, республикада фан, таълим ва ишлаб чиқаришни янада кенгроқ интеграциясини таъминлаш, янги билимларни яратиш ва қўллаш, инновацион технологиялар ва илгор тажрибаларни жорий этиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётганига қарамай, қишлоқ хўжалигини янада жадал ривожлантириш йўлидаги муаммолар, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалигига инновацияларга сарфланган маблағ этишмаслиги ҳисобланади. Масалан, 2020 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қийматининг атиги 0,02 фоизини амалий қишлоқ хўжалиги фанлари ва таълимига сарфлаган бўлса, қишлоқ хўжалиги муваффакиятли бўлган ўрта даромадли мамлакатлар ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қийматининг 1 фоизини қишлоқ хўжалиги фанлари ва

ривожланишига сарфлайдилар, даромад даражаси юқори бўлган мамлакатлар – ўртача 2,5% дан.

Республикамизда жорий этилаётган янгиликларнинг турларини таҳлил килишга киришишдан олдин уларнинг мазмунини очиб беришга қисқача тўхталамиз. Инновациялар уч турга бўлинади: технологик, маркетинг ва ташкилий. Технологик янгиликлар – бу янгилик бўлиб, унинг натижасида янги ёки такомиллашган маҳсулотлар (хизматлар) шаклланади ва бозорга киритилади. Технологик янгилик янги ёки такомиллашган жараённи, ишлаб чиқариш усулини, амалий фаолиятда кўлланиладиган хизматлар кўрсатиш усулини ҳам ўз ичига олади.

Маркетинг янгиликлари товарларни (хизматларни) илгари суриш, тарқатиш ва сотиш, уларни нархлаш, истеъмолчиларни сегментация қилиш ва уларнинг бозордаги хатти-ҳаракатларини ўрганиш, товарларни жойлаштириш ва бошқалар билан боғлик янги ёки такомиллаштирилган маркетинг усуслари ва технологияларини амалга оширишни назарда тутади.

Ташкилий инновацияларга тадбиркорликда, бизнесни юритишида янгиликлар ёки такомиллаштирилган жараёнлар, шунингдек, иш ўринларини яратиш, меҳнат шароитларини оптималлаштириш, ташки иқтисодий алоқаларни ташкил этиш билан боғлик янгиликлар киритилади.


Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар таркиби 2016 йилга нисбатан 2021 йилда деярли 5 баробар ҳажмда кўп асосий капиталга инвестициялар йўналтирилган, мазкур 2021 йилда жамига нисбатан корхона ва ахолининг ўз маблағлари 9386,5 млрд. сўмни, яъни 38,2 фоизни ташкил этмоқда,

қабул қилинган маблағлар 151476,1 млрд. сүмни ташкил этган ҳолда 61,8 фоизни, Республика бюджети маблағлари 21498,2 млрд.сүмни такшил этиган ҳолда фоизда 8,8 фоизни, банкларнинг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари 19545,4 млрд.сўни ташкил этган ҳолда фоизда 8,0 фоизни, хорижий инвестициялар ва кредитлари 10457,3 млрд.сўмни ташкил этган ҳолда жамига нисбатан 42,6 фоизга етганлигини кўриш мумкин.

2016 йилда жами 10 688 245,6 млн. сўмлик ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажмини ташкил этмоқда, 2020 йилда эса жами 31 142 795,9 млн.сўмлик маҳсулотни ташкил этмоқда, бу кўрсаткичдан кўриниб турибдики, вилоятлар кесимида назар ташлайдиган бўлсак, энг юкори кўрсаткич бу тошкент шахри улушкига тўғри келмоқда яъни 13 945 823,1 млн. сўмни ташкил этмоқда, кейинги ўрин бу Андижон вилояти улушкига тўғри келмоқда, яъни 4 469 625,4 млн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқилган, кейинги ўринда Тошкент вилояти 4 247 083,9 млн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқилган, энг кичик ҳажмдаги маҳсулот Хоразм вилоятида ишлаб чиқилган бўлиб, 115 967,1 млн.сўмлик маҳсулот яратилган, бундан хulosса қилиб айтганда, мазкур вилоядта ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажмини ошириш имкониятларини топиш лозим бўлади.

2013–2022 йилларда қишлоқ хўжалигини кўллаб-кувватлаш учун давлат томонидан ажратилган маблағлар тўғрисида маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2013 йил 245 908 млн. сўмни ташкил этган, 2022 йилда 4 168 106 млн.сўм режалаштирилганлигини кўриш мумкин, бошқача айтадиган бўлсак, мазкур йилга нисбатан деярли 17

баробар нисбатни ташкил этмоқда, бу кўрсаткичдан шуни англаш мумкинки, мамлакатимизда мазкур тармоқни молиялаштириш ҳажми йилдан йилга ортиб бораётганлигини кўриш мумкин.



1-расм. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигига ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми бўйича тренд тенгламаси¹.

1-расмдаги маълумотларни таҳлил этадиган бўлсак, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигига ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми 2016 йилда 35 520,3 млн.сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 247 793,6 млн. сўмни ташкил этмоқда, яъни 2016 йилга нисбатан деярли 7 баробар ортганлигини кўриш мумкин, аммо жами инновацион маҳсулотларга нисбатан қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигига ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми деярли 8 фоизни ташкил этмоқда, бу кўрсаткичлардан шуни хulosса қилиш мумкинки, тармоқ хўжаликлирида инновацион жараёнларни янада тезлаштириш ва самарадорлигини янада кенгайтириш лозим бўлади, шу билан бирга, мазкур йиллар ўртасида боғланишлар, яъни тренд мавжуд эканлигини кўриш мумкин. Бу тенглама

¹ Муаллиф томонидан мустакил ишлаб чиқилган.

полином тенглама ҳисобланиб, йиллар кесимидағи күрсаткичлар үзаро боғлиқ бўлиб, унда ишончлилик даражасининг жуда юкори эканлигини кўриш мумкин бўлади. Биз мазкур тенгламадан фойданиб, яъни ишончлилик даражасини юкори эканлигидан фойдаланган холда, келгусидаги истиқболли прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигига ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми бўйича тренд тенгламаси ҳосил қилинган унга кўра йиллар кесимида инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда, шу балан бирга, улар орасида маълум боғлиқликлар мавжуд булиб, у куйидаги тенгламада ўз аксини топган:

$$Y = 7012,7x^2 + 13927x + 7723,2 \\ R^2 = 0,9873$$

2-расмда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигига ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажмининг 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлар мазкур математик модель асосида ишлаб чиқилган ҳамда таҳлил қилинган. Мамлакатимизда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигига ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажмининг 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичи ишлаб чиқилган, унга кўра 2022 йилда 448834,5 млн. сўмлик инновацион маҳсулотлар қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликларида яратилади.



2-расм. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигига ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажмининг 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичи².

2025 йилда 848263,2 млн сўмлик, 2030 йилда 1794485,7 млн.сўмлик маҳсулот яратилади, бу кўрсаткич олдинги йилларга нисбатан бир неча баробар юкори эканлиги кўриш мумкин бўлиб, бунинг асосий сабаби кейинги йилларда мамлакатимизда инновацион фаолиятни ривожланишига алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлаш ўринли бўлади. Бирок қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигига ишлаб чиқаришга ажратилаётган маблағлар ҳажми ортиши билан мазкур тармоқ хўжалигига ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми бу дарадажада юқорилиги кўринмаяпти, яъни бу борада қилиниши лозим галдаги вазифалар мавжуд.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи асосий сабаб – бу молиявий ресурсларнинг етишмаслиги, инновацияларнинг юқори нархи ва юқори иқтисодий хавф. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида юқори иқтисодий таваккалчилик биринчни навбатда, ушбу соҳадаги инновацион жараённинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ, яъни:

² Муаллиф томонидан мустақил ишлаб чиқилган.

* табиий-иқлим шароитига, йўл-транспорт тармоқларига юкори даражада боғлиқлиги, таъминот марказлари ва маҳсулот сотиш бозорларидан узоқлиги ва бошқа омиллар;

* мамлакат ҳудудларидаги табиий-иқлим шароити ва ишлаб чиқаришнинг ихтинослашуви бўйича фарқлар;

* наслчилик ишлари билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалигига инновацияларни ривожлантириш ва фундаментал инновацияларни синовдан ўтказишнинг узоқ жараёни;

* маҳсулотларни қайта ишлаш, ҳайвонларни сақлаш ва боқиши технологиясидаги сезиларли фарқ;

* тирик организмлар (ўсимликлар, ҳайвонлар, микроорганизмлар) ва бошқаларни ўрганиш ва бошқалардан иборат.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, математик усул ёрдамида аниқланган моделга кўра мамлакатимизнинг ЯИМ ҳажмининг

ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар ҳамда ишлар, хизматлар ҳажми ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқчilik хўжаликларида ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми орасидаги боғлиқлик даражаси жуда кучли ва тўғри пропорционал эканлигидан далолат беради. Олинган натижалари бўйича ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар ҳамда ишлар, хизматлар ҳажмининг бир млн сўмлик ортиши мамлакат ЯИМ ҳажмининг 4.9 млн сўм ошишига имкон беради.

Шубҳасиз, инновациларни молиялаштириш орқали улар фаолиятини янада фаоллаштириш бўйича чора-тадбирларнинг йўналиши мамлакатдаги иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришга, иқтисодиётда изчил таркибий ўзгаришларни амалга оширишга, корхоналар учун жиддий рақобатдош устунликларни ва иқтисодий ўсиш сифатини ошириш учун зарур имкониятларни яратишга ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштириш ва уларни харид килиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-225-сон,
2. Б.Б.Беркинов, Р.Х.Ташматов. Ўзбекистонда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари.– Т.: ТДИУ, 2007 23-б.
3. Аллаёров Ш. Қишлоқ ва сув хўжалигини молиялаштириш тизимини такомиллаштиришнинг инновацион концептуал жиҳатлари. // Халқаро молия ва хисоб. Тошкент. 2017. - №10. 118-б.
4. Елмираев С. Корпоратив молия. Ўқув кўлланма. – Т.: “Сано-стандарт”, 2015. 65-б.
5. Сатторов Б.К. Акциядорлик жамиятларида молиявий ресурсларни шакллантиришнинг айrim масалалари. // Иқтисодиёт ва таълим. Тошкент. 2017. - №1. 112-б.

УЎТ 330.13

Яров Акбарали Ибодуллаевич,
Тошкент молия институти мустақил изланувчisi
E-mail: akbaraliyarov07@gmail.com

КЛАСТЕРЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ МУҚОБИЛ ШАКЛЛАРИ

Яров Акбарали Ибодуллаевич,
Соискатель Ташкентского финансового института
E-mail: akbaraliyarov07@gmail.com

АЛЬТЕРНАТИВНЫЕ ФОРМЫ КЛАСТЕРНОГО ФИНАНСИРОВАНИЯ

Yarov Akbarali Ibodullaevich,
Researcher of Tashkent Institute of Financial
E-mail: akbaraliyarov07@gmail.com

ALTERNATIVE FORMS OF CLUSTER FINANCING

Аннотация. Мазкур мақолада кластерлар фаолиятини ташкил этишининг хорижий давлатлар тажрибаси, кластерларни молиялашишишинг анъанавий шакллари ўрганилган. Шу билан бирга, кластерлар фаолиятини молиялашишишинг муқобил шакллари, жумладан, краудфандинг, краудинвестинг, краудлендингнинг назарий асослари, уларни хорижий давлатлар тажрибасида қўлланилиши ўрганилган ва тегишили хуносалар шакллантирилган.

Таянч сўзлар: кластер, кластер ядрои, краудфандинг, краудинвестинг, краудлендинг, инвестиция фаолияти, рақобат, банк кредити, тижорат кредити.

Аннотация. в данной статье изучен опыт зарубежных стран в организации кластерной деятельности, а также традиционные формы кластерного финансирования. При этом изучены альтернативные формы финансирования кластерной деятельности, в том числе теоретические основы краудфандинга, краудинвестинга, краудлендинга, их применение в опыте зарубежных стран и сформированы соответствующие выводы.

Ключевые слова: кластер, ядро кластера, краудфандинг, краудинвестинг, краудлендинг, инвестиционная деятельность, конкуренция, банковский кредит, коммерческий кредит.

Annotation. This article examines the experience of foreign countries in organizing cluster activities, as well as traditional forms of cluster financing. At the same time, alternative forms of financing cluster activities were studied, including the theoretical foundations of crowdfunding, crowd investing, crowd lending, their application in the experience of foreign countries, and appropriate conclusions were drawn.

Keywords: cluster, cluster core, crowdfunding, crowd investing, crowd lending, investment activity, competition, bank loan, commercial loan.

Кириш

Миллий иқтисодиёт тармоқларини кластерлар асосида инновацион ривожлантириш хорижий давлатларда кенг кўлланиладиган жараён бўлиб, уни тизимили, изчил, илмий асосланган чоратадбирлар асосида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ниҳоятда долзарб ҳисобланади.

Кластер – маълум бир соҳадаги қиймат занжирини яратишида иштирок этадиган ўзаро боғланган хўжалик юритувчи субъектларнинг географик концентрацияси бўлиб, бир-бирига алоқадор тармоқларни ва рақобат учун муҳим бўлган бошқа обьектларни ўз ичига олади.

Хорижий давлатлар тажрибасидан маълумки, энг аввал давлат кластерларни кўллаб-кувватлаш ва ривожлантиришга ёрдам берадиган инфратузилма ва институтларни яратади. Кейинчалик эса улар ўзлари мустакил равишда ресурсларни излашнинг турлича янги инновацион усуллари орқали маблағлар жалб этишлари лозим бўлади.

Республикамизда биринчи бор кластер ислоҳоти Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йилда илгари сурилган эди. Давлатимиз раҳбари бозор тамойилларига ўтишда кластер тизими муҳим омилdir, деб таъкидлаганлар.

Шу билан бирга, Президент Шавкат Мирзиёев раислигига 2021 йил 27 октябрь куни қишлоқ хўжалигида кластер тизимини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида келгуси беш йилда ҳосилдорликни камида 2 баробар кўтариш, хом ашёни чукур қайта ишлаш, соҳа экспортини 7 млрд. АҚШ долларига етказиш мақсад қилингани ҳамда мазкур ислоҳотни амалга оширишдаги энг асосий муаммо – кластерларни амалдаги

эскича молиялаштириш тартибини сақланиб қолаётганлиги ва бу эса соҳани ривожлантириш бўйича қўйилган талабларга мутлақо жавоб бермаётганлиги таъкидланган.

Бугунги кунда республикамизда банк сектори ва кластер тизими ўртасидаги муносабатларда кластерларни молиялаштиришнинг энг кенг тарқалган ва оммабоп шакли бўлиб кредитлаш ҳисобланади.

Шу муносабат билан, кластер тизими ислоҳотлари самарадорлигини ошириш ҳамда маълум бир соҳадаги қиймат занжирини яратиш мақсадида зарур бўладиган молиявий ресурслар манбаларини излаб топишни ҳамда кластерларни молиялаштириш механизмларини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Мавзуга оид адабиётлар шархи

О.В.Костенко (2015) тадқиқотларида “айрим хорижий давлатлар тажрибасида кластерларни яратиш билан боғлиқ бир қатор турли тўсиклар учраб туришини” таъкидлайди. Унинг фикрига кўра:

- иқтисодий кластернинг ташкилий тузилмаси билан боғлиқ қийинчиликлар;
- кластерларни молиялаштириш билан боғлиқ қийинчиликлар;
- солик имтиёзлари каби кластерларни яратишни рағбатлантиришга қаратилган механизмларнинг етарли эмаслиги;
- кластерлар фаолияти и самарадорлигини баҳолашнинг умумий қабул қилинганди методологиясининг мавжуд эмаслиги ва бошқалар

Шуни таъкидлаш керакки, зарур инфратузилмани яратиш учун дастлабки давлат маблағлари кластерлар фаолиятини бошлаш учун сезиларли ёрдам бўлади, аммо бу узок муддатларга етарли деб бўлмайди. Бунда республика, вилоят

ва маҳаллий бюджет маблағларидан ташқари операцион фаолиятни, кластер ва кластер иштирокчиларининг истиқболдаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг янги муқобил манбаларини излаш ва жалб этиш зарурлиги келиб чиқади.

А.Н. Водопьянованинг (2015) фикрича, “кластер иштирокчиларининг таркиби аниқ иштирокчилар мажмуи билан чекланмайди”. Кластер аъзолари бир-бири билан ўзаро алоқада бўлиб, кластер аъзолари фаолиятининг қўйидаги таркибий қисмларини амалга оширади: кластер маҳсулотларини ишлаб чиқариш; кластернинг ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш; ишлаб чиқариш ва бу жараёнларга хизмат кўрсатиш; кластер ходимларини ўқитиш ва тадқиқотлар олиб бориш; кластер маҳсулотларини экспорт қилиш; кластер фаолияти, маҳсулотлари ва хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга ошириш ва бошқалар

Кластер аъзоларини кластер ядросига кирадиган ва кирмайдиган иштирокчиларга бўлиш мумкин. Кластер ядросини – кластернинг қиймат занжирини яратишида қатнашувчи асосий ташкилотлар ташкил этади. Кластернинг асосий ядросига кирмаган иштирокчилар кластернинг қиймат занжирига унчалик таъсир қилмайди ва уларнинг кластердан чиқиши, тутатилиши ёки банкрот бўлиши кластернинг кейинги ривожланиши учун хавф тугдирмайди. Кластерлар фаолият турининг ихтисослашуви кластер ядросига кирадиган иштирокчиларга боғлик бўлади.

Кластер ядросига кирувчи иштирокчиларнинг таркиби индивидуалдир. Янги кимёвий бирикмалар билан боғлик бўлган кластер учун маҳсус ихтисослашган университетнинг мавжудлиги зарур,

аммо бошқа кластер учун эмас, чунки у бошқа турли университетлардан керакли тадқиқотларни буюрган ҳолда фаолиятини ташкил этиши мумкин бўлади. Кластер аъзолари бир-бири билан, шунингдек, кластердан ташқаридағи иқтисодий агентлар билан хам ўзаро муносабатда бўлишади. Шуни таъкидлаш лозимки, кластер – маҳсулот, иш ва хизматларнинг ташқи истеъмолчилари ва унинг иштирокчиларисиз фаолият юрита олмайди.

И.В.Измалкованинг (2019) қарашларида “кластер аъзолари ҳамкорликда ёки мустақил лойиҳаларни амалга ошириш имкониятига эга. Кластер аъзоларининг автономлиги уларга бозорда мустақил субъектлар сифатида ҳаракат килиши, шунингдек, кластер интеграцияси натижасида олинган синергик эффектдан фойдаланиш имкониятини беради. Кластер ва кластер ичидаги ракобат инновацияларни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш учун зарур ривожланиш динамикасининг пайдо бўлишига асос бўлади”.

Тадқиқот методологияси

Кластер аъзолари мустақил ҳамда бир-бири билан ўзаро алоқада бўлган ҳолда кластерни ташкил қиласи, шунингдек, кластердан ташқаридағи иқтисодий агентлар билан хам ўзаро алоқада бўлишади.

Кластерларда, кластер аъзоларида, бошқарув компанияси ёки кластернинг ихтисослашган ташкилотларида операцион ва инвестицион фаолиятларини молиялаштиришга турли эҳтиёжлар пайдо бўлади.

Анъанага кўра, юридик шахсларни молиялаштириш манбаларининг уч тури фарқланади: – ўз маблағлари; – қарз маблағлари; – жалб қилинган маблағлар.

Хўжалик юритувчи субъектлар учун ички маблағлари унинг ўз маблағлари манбай, қарз ва жалб қилинган маблағлари эса ташки молиялаштириш манбалари хисобланади. Хар бир кластер иштирокчиси мустақил шахс сифатида фаолият юритади ва ташки молиялаштириш манбаларини жалб қилиш тўғрисида мустақил қарор қабул қилиш хуқуқига эга бўлади. Кластер иштирокчиларининг операцион ва инвестицион фаолиятини молиялаштириш манбалари қўйидагилардан ташкил топади:

I. Кластер аъзосининг ўз маблағлари:

- устав капитали; соф фойда; захира фонdlари; амортизация ва бошқалар.

II. Кластер аъзосининг қарз маблағлари:

- банк кредити; тижорат кредити; қарз қимматли қоғозларини чиқаришдан тушган маблағлар; краудлендинг; краудинвестинг ва бошқалар.

III. Кластер аъзосининг жалб қилинган маблағлари:

- улушли қимматли қоғозларни чиқариш; давлат бюджети (мақсадли дастурлар, иқтисодиётни ривожлантиришнинг маҳаллий дастурлари, тадбиркорликни қўллаб-куватлаш); краудфандинг ва бошқалар.

Кластер бошқарув компаниясининг таъсисчилари операцион ва инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг усуллари юзасидан қарорлар қабул қиласди. Кластер бошқарув компаниясининг операцион ва инвестицион фаолиятини молиялаштириш манбаларининг қўйидаги таснифини ажратиб кўрсатиш мумкин:

I. Кластер бошқарув компаниясининг ўз маблағлари:

- устав капитали; соф фойда; захира фонди; амортизация ва бошқалар.

II. Кластер бошқарув компаниясининг қарз маблағлари:

- банк кредити; тижорат кредити; қарз қимматли қоғозларини эмиссия қилишдан олинган маблағлар ва бошқалар.

III. Кластер бошқарув компаниясининг жалб қилинган маблағлари:

- кластер аъзоларининг даврий бадаллари; улушли қимматли қоғозларни чиқариш; кластерни қўллаб-куватлаш ва ривожлантириш дастурлари учун давлат бюджети; краудфандинг ва бошқалар.

Кластер бошқарув компанияси қимматли қоғозларни чиқариши мумкин, лекин мазкур масалада қонунчиликни эътиборга олиш лозим бўлган айrim чекловлар мавжуд.

Кластер бошқарув компанияси давлат ташаббуси билан ташкил этилган тақдирда, унинг давлат бюджетига қарамлик даражаси мустақил кластерлар ташаббуси билан ташкил этилган компанияларга қараганда юкори бўлади ва унинг функцияларини худудий ривожлантириш институтлари (масалан, тадбиркорликни қўллаб-куватлаш марказлари, кластерни ривожлантириш марказлари) томонидан амалга оширилади.

Кластернинг операцион ва инвестицион фаолиятини молиялаштириш манбаларини аниқлаш зарур хисобланади. Уларга:

I. Кластер аъзолари ва кластер бошқарув компанияси маблағлари:

II. Кластер мақсадлари учун қарз маблағлари:

- банк кредити; тижорат кредити; қарз қимматли қоғозларини чиқаришдан тушган маблағлар; краудлендинг; краудинвестинг ва бошқалар.

III. Кластер максадлари учун жалб қилинган маблағлар:

- кластерни қўллаб-куватлаш ва ривожлантириш дастурлари учун давлат бюджети; улушли қимматли қоғозларни чиқариш; венчур молиялаштириш; краудфандинг ва бошқалар киради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кластерни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш дастурлари доирасида давлат бюджети маблағлари кластернинг операцион ва инвестицион фаолиятини молиялаштиришга, шу жумладан, кластерни бошқариш компаниясини молиялаштиришга йўналтирилиши мумкин.

Натижা ва муҳокама

Кластерни молиялаштиришнинг ташқи манбанини жалб қилиш учун кластер бошқарув компаниясининг иштироки талаб қилинади, шунда у ташкилотлар ёки кластер иштирокчиларидан бири билан ўзаро ҳамкорликда кластер манфаатларини ифодалаши ҳамда тегишли шартномалар тузиши учун зарур бўлади.

Айрим хорижий давлатлар тажрибасида, хусусан, Россияда кластерлаш дастури, АҚШ ёки Европа Иттифоқи давлатларидан кечроқ амалга оширила бошланди. Шу билан бирга, айрим тадқиқотларда хорижий давлатларда кластерларни давлат томонидан молиялаштиришнинг улуши 60 фоизни ташкил этиши аниқланди.

Кластер ва кластер аъзолари ўзларининг операцион ва инвестицион фаолиятини молиялаштириш учун муқобил молиялаштириш манбалари сифатида (“crowd financing”) “краудфандинг”, “краудинвестинг”, “краудлендинг”дан фойдаланишлари мумкин.

“Краудфандинг” – бу турли интернет платформалари орқали ижодий лойихаларни, стартапларни, бизнесни, шунингдек, хайрия тадбирларини қўллаб-қувватлаш мақсадида молиялаштиришнинг оммабоп шакли.

“Краудфандинг”дан фарқли ўлароқ, “краудинвестинг” – жамоавий инвестицияларнинг бир тури бўлиб, унинг

асосий мақсади молиялаштириладиган компаниядан фойданинг бир қисмини ёки акцияларнинг маълум бир қисмини олишдир.

“Краудлендинг” – бу омонатчилар ва қарз олувчиларни текшириш учун кредит ва молиявий воситалардан фойдаланган ҳолда онлайн платформалар орқали жисмоний шахслар томонидан бошқа шахслар ёки компанияларга кредит беришdir.

Кластерлар фаолиятида молиялаштиришнинг муқобил манбалари бугунги кунда тобора долзарб бўлиб бормоқда. Кластерлар фаолиятини муқобил молиялаштириш манбалари анъанавий молиялаштириш манбаларига (банк кредитлари, фонд бозори ва бошқалар) қараганда бир қатор афзалликларга эга. Уларга: бепул реклама билан таъминлаш; талаб даражасини баҳолаш ва рискларни камайтириш; банкларга катта қарамлик бўлмайди, сабаби лойиҳадан манфаатдор шахсларнинг жамоавий маблағлари тўпланади; манфаатдор томонларни, хусусан, жисмоний ва юридик шахсларни, резидентлар ва норезидентларни жалб қилишга имкон беради; туну-кун ишлаш ва манфаатдор томонларни ихтисослаштирилган платформа орқали хабардор қилишнинг юқори тезлиги, шунингдек, банклар, фонд биржалари ва бошқалар фаолиятининг белгиланган муддатидан фарқли равишда, улар ижтимоий тармоқлар орқали бўлажак иштирокчиларни жалб қиласди.

Кластрелар фаолиятини муқобил молиялаштириш манбалари учун қуидаги умумий хусусиятлари мавжуд:

– ўзаро таъсирнинг асосий турлари: Р2Р (жисмоний шахс – жисмоний шахс); Р2В (жисмоний шахс – компания); В2В (компания – компания); рақамли технологиялар ва

махсус платформалардан фойдаланиш; ихтинослашган платформага, махсус хизматларга ҳам комиссия тўлаш зарурати. Бироқ, мавжуд комиссияяг қарамай, молиялаштиришнинг муқобил шакллари анъанавий молиялаштириш манбаларига қараганда “арzon”.

— кўпгина мамлакатлар “краудфандинг” технологияларини тартибга соловчи, ихтинослаштирилган платформалар ва уларнинг иши роқчиларига талабларни белгиловчи қонунларни айрим давлатлар аллақачон қабул қилган ёки қабул қилишни режалаштироқда. Масалан,

АҚШ ва Истроилда “краудфандинг” қонуний равишда тартибга солинади. Россия, шунингдек, рақамли молиявий активларни, рақамли валютани чикарадиган инвестиция платформалари, ахборот тизимларининг ишлашини тартибга соловчи қонун хужжатлари тўпламини қабул қилмоқда ва рақамли иқтисодиётга ургу бериш учун амалдаги қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритмоқда.

Навбатдаги жадвалда кластерлар фаолиятини муқобил молиялаштириш манбаларининг солишишта таҳлили

1-жадвал

Кластерлар фаолиятини муқобил молиялаштириш манбаларининг солишишта таҳлили

Мезонлар	Краудфандинг	Краудинвестинг	Краудлендинг
Мақсад	Инновацион (венчур) лойиҳаларни молиялаштириш	Инновацион (венчур) лойиҳаларни молиялаштириш	Инновацион бўлмаган ташкилот жорий ва инвестицион фаолиятини молиялаштириш
Жалб қилинган маблағларни қайтариш	Йўқ	Ҳа лекин қайтариш кафолатланмаган	Ҳа
Жалб этилган маблағлардан фойдаланганлик учун тўлов	Йўқ	Ҳа, ташкилот фойдасидан келиб чиқиб	Ҳа

1-жадвал маълумотларига кўра, “краудфандинг” ва “краудинвестинг” инновацион (венчур) лойиҳаларни молиялаштириш учун энг мос келувчи шакллар ҳисобланса, “краудлендинг” инновациялар билан боғлиқ бўлмаган жорий ва инвестицион фаолиятни молиялаштириш учун макбулдир. “Краудфандинг” асосида маблағ тақдим этган шахслар фойда олиш ва маблағларини қайтариш мақсадини қўзламайдилар. “Краудинвестинг” инвестор компаниянинг устав капиталида улуш олади, шунингдек, ўз инвестицияларини йўқотиш билан боғлиқ хавфни ўз зиммаларига олади. Инвестор компаниянинг келажакдаги фойдасидан улуш олиши мумкин.

“Краудлендинг” маблағ олувчи тўпланган пул миқдорини тўлиқ қайтариши ва тақдим этилган капитал учун ҳақ тўлаши лозим. Дарҳақиқат, “краудлендинг” кластер ва кластер аъзоси фаолиятини молиялаштиришнинг карз манбай ҳисобланади.

Краудфандинг бугунги кунда дунё мамлакатларида жуда кенг фойдаланилади. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, дунё мамлакатлари ичидаги барча краудфандинг айланмасининг 70,7%и Хитой Ҳалқ Республикасига, 20,0%и АҚШга, 3,4%и Буюк Британияга, 2,7%и Японияга ва бошқа давлатлар хиссасига эса 3,2%и тўғри келади.

2-жадвал Дунё мамлакатларида краудфандинг айланмаси ҳажми

№	Қитъалар номи	АҚШ долларида
1.	Шимолий Америка	17,2 млрд.
2.	Жанубий Америка	85,74 млн.
3.	Евросиё	17,02 млрд.
	– Европа	6,48 млрд.
	– Осиё	10,54 млрд.
4.	Африка	24,16 млн.
5.	Австралия	68,8 млн.

Юкоридаги жадвалда “краудфандинг” айланмасини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, интернет платформалари орқали ижодий лойиҳалар, стартаплар, шунингдек, хайрия тадбирларини кўллаб-куватлаш ошиб бораётганини ҳисобга олиб мазкур молиялаштириш манбалари аҳамияти ҳам кенгайиб боради.


“Краудфандинг” билан бирга навбатдаги расм маълумотларида “краудинвестинг” ва унинг дунё бозоридаги ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилади.

Шу билан бирга, “краудлендинг” асосий кўрсаткичлари маълумотларини келтиришга ҳаракат қиласиз.



1-расм. Дунёда краудинвестинг ҳажми, млн. АҚШ долларида

“Краудинвестинг” дунё бозорида ошиб боришини сўнгги прогноз кўрсаткичларидан ҳам кўриш мумкин.



2-расм. Краудлендинг ва унинг Европа, Хитой ва АҚШ бозорлари учун прогнози, млрд. АҚШ доллари

Сўнгги йилларда турли интернет платформалари орқали молиялаштиришнинг муқобил шакллари ошиб боради. Бу эса келгусида ушбу молиялаштириш манбаларидан фойдаланиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган хатарларни олдини олиш долзарб масалалардан бири бўйлиб қолади.

Хулоса

Хулоса ўрнида, кластерлар фаолиятини ракобатбардошлиги, унинг операцион ва инвестицион фаолиятини молиялаштиришга маблағларни жалб этиш, хусусан “краудфандинг”, “краудинвестинг”, “краудлендинг” каби молиялаштиришнинг муқобил шаклларидан фойдаланиш келгусида яна ҳам ривожланиб боради.

Бу эса келгусида мазкур жараёнларни тартибга солиш ва унинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва доимий такомиллаштириб бориш заруриятини талаб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Агарков А.П. Проектирование и формирование инновационных промышленных кластеров: монография / Агарков А.П., Голов Р.С. Москва: Дашков и К, 2016. 288 с.
2. Водопьянова А.Н. (2015) Проблемы финансовой стабилизации российских предприятий в условиях западных санкций // Science Time. 2015. № 4 (16). С. 122-128
3. Измалкова И. В. (2019) Управление рисками предприятий кластерных структур: диссертация на соискание кандидата экономических наук: 08.00.05. Курск, 2019. 211 с.
4. Костенко О.В. (2015) Кластер как объект управления и социально-экономическая система // Аграрная наука Евро-Северо-Востока. 2015. № 6 (49). С. 75-80.
5. Краудфандинг и краудинвестинг – что это такое простыми словами: виды и особенности + зарубежные и российские краудфандинговые площадки. Текст: электронный // Richpro – финансовый журнал: [сайт]. URL: <https://richpro.ru/stati/kraufdancing-chto-eto-takoe-kraudinvesting-rossijskieploshhadki-crowdfunding.html> (дата обращения: 03.08.2020).
6. Сумкина О.В., Мокина Л.С. Краудлендинг как инструмент альтернативного финансирования: российский опыт // Молодежь и XXI век – 2017: материалы VII Международной молодежной научной конференции, Курск, 21-22 февр. 2017. Курск: УрГЭУ, 2017. Т. 1. С. 292-297.
7. Тегин В., Усманов Б. Краудфандинг как стратегия инвестирования в инновации // Мир транспорта. 2014. № 4 (53). С. 98-106.
8. Узбекова А.С., Плеханова А.Ф., Шибанов Н.А. Риски кластерных образований и их субъектов // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского. Серия: Социальные науки. 2015. № 3 (39). С. 70-76.
9. Шендрикова О.О., Вандышева С.В., Луценко М.С. Промышленный кластер: организационный и управленческий аспекты // Известия Юго-Западного государственного университета. Серия: Экономика. Социология. Менеджмент. 2017. Т. 7. № 3 (24). С. 98-106.
10. Stop Calling It Crowdfunding. Текст: электронный // CrowdFund Insider: [сайт]. URL: <https://www.crowdfundinsider.com/2013/04/14073-crowdinvesting-stop-calling-it-crowdfunding/> (дата обращения: 28.07.2020).

УЎТ 339.1

Шарипов Фарход Гойибович,
Иқтисодиёт фанлари доктор (DSc), доцент

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТАШҚИ САВДОНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БҮЙИЧА
АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИ**

Шарипов Фарход Гойибович
Доктор экономических наук, доцент

**ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРОВОДИМЫХ В УЗБЕКИСТАНЕ РЕФОРМ ПО
РАЗВИТИЮ ВНЕШНЕЙ ТОРГОВЛИ**

Sharipov Farkhod Goyibovich
Doctor of Economics (DSc), Associate professor

**EFFECTIVENESS OF THE REFORMS IMPLEMENTED IN UZBEKISTAN
ON THE DEVELOPMENT OF FOREIGN TRADE**

Аннотация. Уибу илмий мақолада Ўзбекистонда ташқи савдони ривожлантириши бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг асоси бўлган норматив ҳукуқий асослар ўрганилган бўлиб, ташқи савдони ривожлантириши бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараадорлигини аниqlаши мақсадида 2022 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдоси таркиби ва географияси таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: ташқи савдо, экспорт, импорт, экспорт ва импорт категорияси, экспорт ва импорт географияси.

Аннотация. В данной научной статье были изучены проводимые в Узбекистане реформы по развитию внешней торговли, их нормативно-правовые основы, а в целях определения эффективности проводимых реформ по развитию внешней торговли рассмотрены структура и география внешнеэкономической деятельности Узбекистана. проанализирована внешняя торговля в 2022 году.

Ключевые слова: внешняя торговля, экспорт, импорт, категория экспорта и импорта, география экспорта и импорта.

Annotation. In this scientific article, the reforms implemented in Uzbekistan for the development of foreign trade, their main normative and legal bases were studied, and in order to determine the effectiveness of the reforms implemented in the development of foreign trade, the structure and geography of Uzbekistan's foreign trade in 2022 were analyzed.

Keywords: foreign trade, export, import, export and import category, export and import geography.

Кириш

Мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда унинг ялпи ички маҳсулотини кўпайтириш, халқаро даражада рақобатбардошликка эришиш, халқаро меҳнат тақсимотидаги улушини ошириш асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Бу борада мамлакатимизда ҳам чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси” доирасида “Экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва худудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш”[1] ҳам белгиланган эди. Ушбу стратегия натижасида мамлакатда экспорт фаолиятини ва экспортни амалга оширувчи корхоналарни кўллаб-куватлаш сиёсати шаклланди ҳамда “Ҳаракатлар стратегияси” асосида қатор ҳукукий хужжатлар кабул қилинди.

Қабул қилинган ҳукукий хужжатлар натижасида экспортни кўллаб-куватлашга қаратилган иқтисодий, молиявий ва ташкилий механизм шаклланди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт фаолиятини молиявий кўллаб-куватлашни янада кучайтириш тўғрисида”ги Қарори натижасида экспорт билан боғлиқ савдо ва экспортолди операцияларини молиялаштириш учун “Тикланиш ва тараққиёт” жамғармасидан “Экспортни кўллаб-куватлаш” жамғармасига 100 млн. доллар ажратилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 октябрдаги “Экспорт фаолиятини молиявий кўллаб-куватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6091-сон Фармони ва 2021 йил 13 июлдаги “Экспорт фаолиятини

молиявий кўллаб-куватлашни янада кучайтириш тўғрисида”ги ПК-5184-сон қарорига асосан экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортолди молиялаштириш кредитлари учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан Экспортни рағбатлантириш агентлиги хузуридаги Экспортни кўллаб-куватлаш жамғармасига 200 миллион АҚШ доллари ажратилган. 2021 йил 1 октябрдан бошлаб экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан йиллик экспорт ҳажми 20 миллион АҚШ долларидан ошган корхоналарга экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортолди молиялаштириш кредитлари учун тижорат банклари орқали бир марталик молиявий ресурслар 5 миллион АҚШ долларигача миқдорда ҳамда бир йилгacha муддатга тақдим этиш белгилаб қўйилди [2].

2020 йилда мамлакатимизда Экспортни кўллаб-куватлаш жамғармаси ҳамда экспортни олдиндан молиялаштириш вазифаларини бажарувчи – Экспорт-кредит агентлиги ташкил этилди.

Тижорат банкларида молиявий ресурс базасининг этишмаслиги ташқи савдони кредитлаш имкониятларини чекламоқда. Шунинг учун, молиявий тўсиқларнинг мамлакатимиз экспорт салоҳиятига таъсирини юмшатиш мақсадида халқаро молия ташкилотларидан молиявий маблағлар жалб қилинмоқда. Хусусан, ўтган йилнинг сўнгги чорагида пахта хом ашёсини этиштириш харажатларини ва якуний ҳисоб-китобларни молиялаштириш учун “Савдони молиялаштириш халқаро ислом корпорацияси”нинг 100 млн. АҚШ долларигача миқдордаги кредитлари жалб қилинди [3].

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда

республика экспорт ҳажмларини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш асосий мақсадлардан бири сифатида белгилаб кўйилди [4]. Стратегиянинг мақсадларига мувофиқ ҳолда, 7 мингдан зиёд импорт ҳом ашё ва товарларга божхона божлари бекор қилинди, қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 12 фоизга туширилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ти ПФ-60-сон Фармонига мувофиқ, ташки савдони тартибга солиш механизмларини таомиллашибир, маҳаллий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш ва рафбатлантириш чораларини янада кучайтириш орқали юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар экспортини кенгайтириш мақсадида 2023 йил 1 апрелга қадар маҳаллий корхоналар (уларнинг ваколатли вакиллари)га Европа Иттифоқи давлатларига юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни экспорт қилинган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилинганда ташиш харажатларини 70 фоизгача, қўшни давлатларга экспорт қилинган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилинганда ташиш харажатларини 50 фоизгача микдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилиши белгиланди[5].

Мамлакатимизда ташки савдони ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини кўрсаткичларда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Шу жиҳатдан олганда ҳам, илмий мақола мавзуси долзарб ҳисобланади.

Илмий мақоланинг мақсади эса Ўзбекистонда ташки савдони ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини мамлакатнинг экспорт салоҳияти ва географиясини, импорти ва

унинг асосий кўрсаткичларини таҳлил қилишдан иборат.

Мавзуга оид адабиётлар шархи

Ташки иқтисодий алоқалар ҳамда ташки савдони ривожлантиришнинг асосий назариялари шаклланиши XVI–XVII асрларга бориб тақалади. Ташки савдо назарияларининг классик асослари сифатида А.Смит, Д.Рикардо [6], Э.Хекшер [7], Б.Олин[8] ва бошқаларнинг асарлари ҳамда илмий қарашлари ҳисобланади.

А. Смитнинг[9] “Халқлар бойлиги табиати ва сабаблари тадқиқоти” энг асосий тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Ушбу китобда А.Смит иқтисодиётнинг кўпгина таркибий қисмларини ўрганади.

У қишлоқ хўжалигининг ривожланиш эволюцияси давомида бир неча янги қасблар ва соҳалар юзага келишини, овчилик учун ўқ ва камон ясовчига ҳамда аста-секин шу ишнинг устасига айланишини ва у охир-оқибат бошқа атрофдагилардан бу ишни энг яхши қила олишини англашини ҳамда меҳнат тақсимотининг шу тартибда ривожланиши бартерни юзага келтирганини таъкидлайди [10].

А.Смит халқаро савдо ҳам бартерга ўхшаб, ким қайси фаолиятни чукур билса, шу иш билан шуғулланиши унинг мутлак устунлиги бўлишини таъкидлайди.

Савдо, А.Смит фикрига кўра, билвосита ишлаб чиқаришни қўллаб-куватлайди, жамиятда меҳнат ва унинг қийматини оширади [11]. Фермер ишлаб чиқарувчи учун маҳсулот этиштиришини англаса, кўпроқ фойда олиш мақсадида яхшироқ меҳнат қиласди.

1980 йилларнинг бошларида П. Кругман, С Ланкастер ва бошқа иқтисодчилар [12], халқаро миқёсдаги савдо-сотиқнинг классик назарияси

бўйича кўпгина фикрларни таклиф қиласди. Микроиктисодий назариядан яхши маълум бўлган ушбу таъсирнинг моҳияти маълум технология ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш билан самарадорликни ошириш орқали узоқ муддатли ўртacha харажатлар камайтирилади, яъни оммавий ишлаб чиқариш учун маблағлар тақдим этилади.

Ушбу назария муаллифларининг фикрига кўра [13], кўплаб (шу жумладан, саноати ривожланган) мамлакатлар ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари бўйича ўхшаш товарлар билан таъминланади ва бундай шароитларда улар оммавий ишлаб чиқариш тармоқларига ихтисослашув орқали бир-бiri билан савдо қилиши фойдали бўлади. Бу ҳолда, ихтисослашув ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва маҳсулотни арzonроқ нархларда ишлаб чиқаришга имкон беради. Ушбу миқёс самарасини амалга ошириш учун етарлича кенг бозор талаб қилинади. Бунинг учун халқаро савдо муҳим роль ўйнайди ва халқаро савдо жараённада товар ва хизматлар бозори кенгайиб боради. Бошқача қилиб айтадиган бўлсанк, халқаро савдо бизга маълум бир мамлакат бозорига қараганда катта бўлган ягона интеграциялашган бозорни шакллантириш ва истеъмолчиларга арzon нархларда қўшимча маҳсулотларни таклиф қилиш имконини беради.

Маҳаллий олимлардан Н.Сиражиддиновнинг “Внешнеторговая стратегия: импортозамещение или экспортная ориентация?”[14] номли мақоласида “Фикрларнинг тарқалишининг сабабларидан бири, баҳс-мунозараларда иштирокчилар, айниқса импорт ўрнини босадиган сиёsat тарафдорлари, импорт ўрнини босиш ва экспортга йўналтирилганлик стратегияларининг моҳиятини тушунмайдиганлардир. Агар илгари импорт қилинадиган товарларнинг маълум миқдорини, ҳатто уларнинг

кўпчилигини ишлаб чиқариш мамлакат иқтисодиётида йил давомида ривожланган бўлса, бу импорт ўрнини босувчи сиёsat дегани эмас. Шунга ўхшаб, агар мамлакат кўплаб янги маҳсулотни экспорт қила бошласа, бу экспортга йўналтирилган сиёsat юритилишини англатмайди”, деган фикрни илгари суради ҳамда экспортни ривожлантиришда иқтисодиётнинг либераллаштирилганлиги ҳамда ишлаб чиқариш жараёнининг тинимсиз такомиллаштирилиши зарурлигини таъкидлайди.

С.Аъзамнинг “Trade and Environment: Do Spatial Effects Matter?” номли илмий тадқиқотида атроф-муҳитнинг савдо жараёнларига таъсири таҳлил қилинган. Натижада, экологик стандартлар савдо жараёнларига ижобий корреляцияланиши аниқланган [15].

Шунингдек, “Совершенствование качества экспортируемых товаров в международной торговле”[16] номли мақоласида эса юқори технологияли товарлар экспорти хом ашё экспортига нисбатан иқтисодий ўсиш самарадорлигига таъсири кўпроқ эканлиги асослаб берилган.

Тадқиқот методологияси

Ташқи савдо фаолиятини ривожлантиришга доир хорижлик ва маҳаллий олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларни ўрганиш, маълумотларни гурӯхлаш, тизимли таҳлил ва синтез усусларидан фойдаланилди.

Натижа ва муҳокама

Жаҳонда кечётган мураккаб геосиёсий жараён, зиддиятлар, тури инқизозларга қарамай, Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тўлақонли иштирокчиси сифатида ўз миллий манфаатларини илгари суреб

тинчликсевар ташқи сиёсатни самарали амалга ошираётгани, янгиланган Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, жумладан, мамлакатимиз тинчликсевар ташқи сиёсати конституциявий асоси такомиллаштирилмоқда.

Мамлакатда ташқи савдони кўллаб-куvvatлашга қаратилган иқтисодий сиёсат натижасида 2022 йилнинг январь-декабрь ойлари якунлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси \$50,0 млрд.га етиб, 2021 йилнинг шу даврига нисбатан \$7,8 млрд.га ёки 18,6%га ўди.

1-жадвал

Ўзбекистоннинг 2022 йилдаги савдо ҳажми, млрд доллар[17]


Ойлар	Экспорт ҳажми	Импорт ҳажми
Январь-июнь	9,9	14,6
Июль-декабрь	9,4	16,1

Сальдо – 11,4 млрд. яъни ҳисобот даврида – 11 млрд. 390,2 млн. АҚШ доллари қийматида пассив ташқи савдо баланси қайд этилди. Мамлакатнинг ташқи

савдо фаолияти бўйича энг йирик 20 та ҳамкорлари орасида 3 та мамлакат билан савдода ижобий сальдо кузатилмоқда. Афғонистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатлар билан фаол ташқи савдо баланси мавжуд. Қолган 17 мамлакатлар билан ташқи савдо айланмасининг пассив баланси сақланиб қолмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси дунёнинг 204 та йирик давлати билан савдо муносабатлари ўрнатган. Ташқи савдо айланмасининг энг катта ҳажми Россия (18,6%), Хитой (17,8%), Қозоғистон (9,2%), Туркия (6,4%), Жанубий Корея (4,7%), Қирғизистон (2,5%) ва Германия (2,3%) хиссасига тўғри келмоқда [17].

Экспорт бўйича энг йирик савдо ҳамкорлари Россия, Хитой ва Туркия бўлса, импорт бўйича энг йирик ҳамкорлар Хитой, Россия ва Қозоғистондир (2-жадвал). Ўзбекистон экспортининг 24%и Россия, 16%и Хитой ва 15%и Туркия улушига тўғри келади. Мамлакат импортида эса 22% Хитой, 21% Россия ва 11% Қозоғистон улушига тўғри келишини кўриш мумкин (1-расм).

Давлатлар гурӯхлари бўйича ташқи савдонинг энг катта ҳажми МДҲ



1-расм. Ўзбекистоннинг экспорт ва импорт бўйича энг йирик савдо ҳамкорлари[18]

мамлакатларига – \$19,2 млрд., шундан ЕОИИ мамлакатларига – \$17,1 млрд., Европа Иттифоқи мамлакатлари билан товар айирбошлаш \$4,5 млрд. ва бошқа давлатлар билан – \$30,8 млрд.ни ташкил этди.

Экспорт таркибида қимматбаҳо металлар ва тошлар, пахта, минерал ёқилғи, мис ва кийим-кечак асосий улушни ташкил этади. Ушбулар кейинги ўринда саноат маҳсулотлари (4,4 млн. доллар) ва хизматлар (4,1 млн. доллар) экспорти туради.

Импорт таркибида эса машина, ядро реакторлари, транспорт маҳсулотлари, темир ва пўлат, минерал ёқилғи, электр ва электр маҳсулотлари асосий улушни ташкил этса, саноат маҳсулотлари, озиқ-овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари, кимёвий моддалар ҳам импорт позициясидаги биринчи ўнталик маҳсулотлари таркибига киради (3-жадвал).

3-жадвал Экспорт ва импорт категориялари[18]

Экспортнинг асосий категориялари (млрд. доллар)	Импортнинг асосий категориялари (млрд доллар)
Кимматбаҳо металлар ва тошлар – 4,3	Машина, ядро реакторлари – 4,92
Пахта – 1,61	Транспорт маҳсулотлари – 2,65
Минерал ёқилғи – 1,22	Темир ва пўлат – 2,01
Мис – 1,11	Минерал ёқилғи – 1,79
Кийим-кечак – 0,837	Электр ва электр маҳсулотлари – 1,73

Хулоса

Тадқикот натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

– бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси дунёнинг 204 та йирик давлати билан савдо муносабатлари ўрнатиб, ташки мавдо ҳажми ортиб бораётган бўлса ҳам, ташки савдо таркибида импорт улуши экспортга нисбатан юқори;

– бундан ташқари экспорт таркибида хом ашёнинг улуши юқорилигича сақланиб қолмоқда;

– экспортни қўллаб-куватлашга йўналтирилган молиявий дастакларнинг натижаси юқори эмас, шу сабабли ҳам экспорт таркибида қўшилган қўймати юқори маҳсулотларнинг улуши жуда паст.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан қуйидаги тавсифлар шакллантирилди:

– мамлакатнинг хом ашё экспортчиси сифатида жаҳон бозорига кириб бориши табиий ҳол, аммо хом ашё экспортчиси сифатида ракобатлашиши 4-саноат инқилоби даврида мамлакат саноатининг ривожланишига имконият яратмайди. Шу сабаб ҳам, иқтисодиётни трансформациялаш даврида фақатгина экспортни эмас, балки тайёр ва инновацион маҳсулотлар экспортини қўллаб-куватлаш ракобатли устунликка эришиш имконини беради;

– мамлакатда экспортчи корхоналарни қўллаб-куватлашга қаратилган давлат сиёсатини ишлаб чиқишида ва ривожланиб боришида хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб бориши мухим ҳисобланади;

– Ўзбекистон Республикаси Экспорт-импорт банкини ташкил этиш экспортчилар учун қуйидаги имкониятларни яратади: ушбу банк орқали хорижий мамлакатларнинг экспортни қўллаб-куватловчи кредитларини олиш, экспорт кредитларини ва экспорт юкларни суғурталаш, экспортолди молиялаштириш ва бошқалар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. <https://www.lex.uz/acts/3107036>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспортчи корхоналарни рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. https://uz.uz/oz/posts/eksportchi-korxonalarini-ragbatlantirishga-oid-qoshimcha-chora-tadbirlar-togrisida_299643
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги 845-сонли “Савдони молиялаштириш халқаро ислом корпорацияси маблағларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Карори. <https://lex.uz/docs/5841063>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон. <https://lex.uz/docs/5841063>
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг очилиш маросимидағи нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/6221>
6. Рикардо Д.«Начала политической экономии и налогового обложения. Избранное (сборник)».М.:Эксмо, 2007, 70-120 ст.
7. <https://www.livelib.ru/book/1000243438-nachala-politicheskoy-ekonomii-i-nalogovogo-oblozheniya-izbrannoe-sbornik-rikardo-david>
8. Хекшер Э.Ф. Влияние внешней торговли на распределение дохода // Вехи экономической мысли. Т. 6. Международная экономика / А. П. Киреев. — М.: ТЕИС, 2006. — С. 154-173. — ISBN 5-7598-0439-1..
9. Киреев А. Международная экономика. В 2-х ч// Ч. I. Международная микроэкономика: движение товаров и факторов производства. — М.: Международные отношения, 1997. — Т. 1. — С. 171-173. — ISBN 5-7133-0899-5.
10. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. / Вступит. статья и комментарий В. С. Афанасьева. — М.: Издательство социально-экономической литературы, 1962. — 684 с.
11. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. — М.: Эксмо, 2007. — (Серия: Антология экономической мысли) — 960 с. — ISBN 978-5-699-18389-0.
12. Пономарёв О.Б. Адам Смит о торговле. https://elibrary.ru/download/elibrary_20271971_10723397.pdf
13. Блауг М., Ланкастер, Кельвин Дж. // 100 великих экономистов после Кейнса = Great Economists since Keynes: An introduction to the lives & works of one hundred great economists of the past. — СПб.: Экономикс, 2009. — С. 138-140. — 384 с.
14. Сиражиддинов Н. Внешнеторговая стратегия: импортозамещение или экспортная ориентация? <https://www.gazeta.uz/ru/2018/03/24/strategy/>
15. С.Аъзам. Trade and Environment: Do Spatial Effects Matter? <https://EconPapers.repec.org/RePEc:pra:mprapa:73113>
16. С.Аъзам. Совершенствование качества экспортимых товаров в международной торговле. Российский внешнеэкономический вестник №1 – 2018. Ст.66-77.
17. Инфографика: Ўзбекистоннинг 2022 йил январь-декабрь ойларидағи ташки савдоси. 24.01.2023. <https://review.uz/oz/post/infografika-vneshnyaya-torgovlya-uzbekistana-zayanvar-dekabr-2022-goda>
18. <https://tradingeconomics.com/uzbekistan/imports-by-country>

УЎТ 31:339.5(575.1)

Siroj Zarina Rustambekovna,
*Kadrlar malakasini oshirish va
 statistik tadqiqotlar
 instituti stajor tadqiqotchisi (PhD)
zarina_s_r@mail.ru*

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ ҲОЛАТИ ВА ЎЗГАРИШИННИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Сирож Зарина Рустамбековна,
*Стажер-исследователь (PhD) в институте
 повышения квалификации кадров
 и статистических исследований
zarina_s_r@mail.ru*

СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ И ИЗМЕНЕНИЯ ДЕМОГРАФИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

Siroj Zarina Rustambekovna ,
*Research Assistant (PhD) at the Institute
 for Advanced Studies
 and Statistical Research
zarina_s_r@mail.ru*

STATISTICAL ANALYSIS OF STATE AND CHANGES IN DEMOGRAPHIC PROCESSES IN UZBEKISTAN

Аннотация. Уибумаколада Ўзбекистонда демографик жараёнларнинг шаклланиши, ривожланиши босқичлари ва уларга таъсир қилувчи омилларнинг ўзига хос хусусиятлари, буларга оид айрим статистик кўрсаткичлар тизими таҳлил этилиб, юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида уларнинг ўрнига баҳо берилиб, тараққиётнинг жорий ва келгусидаги чора-тадбирларини белгилашда демографик жараёнларнинг таъсири тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: демографик жараёнлар, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар, аҳоли таркиби, меҳнат ресурслари, демографик сиёсат, аҳолининг табиий ўсиши, тугилиши, миграция, вафот этиши.

Аннотация. В данной статье анализируется формирование демографических процессов в Узбекистане, этапы развития и специфические характеристики влияющих на них факторов, система определенных статистических показателей, связанных с ними,

оценивается их место в социально-экономическом развитии нашей страны, а также изучается влияние демографических процессов на определение текущей и будущей меры развития.

Ключевые слова: Демографический процесс, экономический и социальный процесс, состав населения, трудовые ресурсы, демографическая политика, естественный прирост населения, рождаемость, миграция, смертность.

Annotation. This article analyzes the formation of demographic processes in Uzbekistan, the stages of development and the specific characteristics of the factors influencing them, the system of certain statistical indicators associated with them, assesses their place in the socio-economic development of our country, and also studies the impact of demographic processes on determining the current and future measures of development.

Keywords: Demographic process, economic and social process, population composition, labor resources, demographic policy, natural population growth, fertility, migration, mortality.

Кириш

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида макроиктисодий барқарорлик ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва халқаро майдонда иқтисодий салоҳиятни янада яхшилашдан иборат. Аҳолини статистик ўрганишнинг иқтисодий-ижтимоий жиҳатлари жуда кўп бўлиб, иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишида ишчи кучи сифатида қатнашиб, бозорларда истеъмолчи вазифасини бажариши энг муҳим хусусиятлари ҳисобланади.

Шунингдек, иқтисодий жиҳатдан барча макроиктисодий кўрсаткичлар билан узвий боғланганлиги сабаб аҳолининг бандлик муаммосига хукумат даражасида катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу масалани ҳал қилишда мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Таракқиёт стратегиясида “Маҳаллаларда янги институт сифатида жорий қилинган тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш, маҳалла худудида давлат-

хусусий шериклик асосида спорт ва маданий иншоотлар, ижодий клублар, бандликка қўмаклашиш ва ўқитиш марказлари, тадбиркорлик обьектлари каби инфратузилмани яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш” [1] каби вазифалар белгилаб берилган.

Шу нуқтаи назардан, меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаолигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтоҷ шахсларни қасбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш зарур.

Мамлакат демографик салоҳиятининг миқдорий ўзагини инсон ташкил этади ва мазкур омилнинг сифат жиҳатдан такомиллашуви бевосита меҳнат салоҳиятининг шаклланишига сабаб бўлади. Мамлакат ва худудий даражаларда меҳнат салоҳиятининг шаклланиши ва улардан фойдаланиши яхлитdir, чунки уларнинг мақсадли йўналиши бир хил. Лекин улар миқдор, сифат ва сафарбарлик кўрсаткичлари жиҳатдан худудлардаги демографик муҳит, табиий-иқлим шароитлари, иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси ва бошқа омиллар туфайли

бир хил эмас. Бу ҳолат фақат иқтисодий ривожланишни пасайтирибгина қолмай, балки ижтимоий ва сиёсий муаммоларни ҳам келтириб чиқаради.

Демографик салоҳият жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ҳисобланади. Шундай экан, улар бетўхтов яратилиши, шу билан бирга, сифат жиҳатидан анча юқори даражада тақрор юзага чиқарилиши керак. Мамлакатда инсон ресурслари салмоғи, меҳнат салоҳияти қанча юқори, меҳнатга лаёқатли аҳоли сони қанчалик кўп бўлса, тараққиёт янада юксалади. Демографик салоҳиятнинг ҳолати ва ривожланишига таъсир этувчи омиллар таҳлили демографик ривожланишни тартибга солишини ва уни амалга ошириш механизмлари кўйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади: аҳолини оммавий санитария-гигиеник ўқитиши тизимини ташкил этиш; оиласвий врач институтини ривожлантириш; йирик лойиҳалар ва дастурларнинг аҳоли саломатлиги ҳолати ва касалланишига таъсирини аниқлаш учун уларни санологик экспертиза қилиш хизматларини ташкил этиш; нокулай омилларнинг ходимлар саломатлигига таъсирини аниқлаш учун иш ўринларини аттестациядан ўтказиш; яшаш мухитининг оммавий ифлосланган ҳудудларида ялпи экология гигиеник дастурларни ишлаб чиқиши, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари, болалар овқатини витаминлаштириш, дам олиш учун бепул йўлланмаларни тақдим этиш кўринишида ижтимоий-иқтисодий компенсацияларни жорий этиш; яратилаётган иш ўринларининг турғунлик хусусиятига устуворлик бериш. Бунинг учун эса юқори меҳнат сифимига эга бўлган ишлаб чиқариш тармоқлари (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, пахтани қайта ишлаш, енгил саноати, озиқ-овқат саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик) ривожига алоҳида

эътибор қаратиш; кам рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган ишлаб чиқариш корхоналарини реконструкция қилиш ва модернизациялаш ҳисобига уларнинг тўла кувватда ишлашларини таъминлаш; чет эл инвестицияларини жалб этиш йўли билан янги ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарини барпо этиш талаб этилади; кадрлар тайёрлаш ва улардан турли ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда фойдаланишда сифат кўрсаткичлари ўз устуворлигига эга бўлиши лозим.

Ҳар қандай – сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жараёнлар демографик хусусиятлар билан боғлиқ бўлиб, барча давлатлардаги жамият ҳаётига ўз таъсирини кўрсатади. Туғилиш даражасининг тебраниши муайян вактдан кейин таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини шакллантиришда, меҳнат бозорида иш билан бандлиқда, давлатнинг ижтимоий соҳага харажатларида бевосита ўз аксини топади.

Аҳоли сонининг ортиши иқтисодиётда кўшимча ишчи кучи яратишга талабнинг ортишига олиб қелиши билан бирга, маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳам кўшимча талаб ҳажмининг ўсишига олиб келади. Шу икки сабаб туфайли ҳам иқтисодиёт ўзини қайта ривожлантириш хусусиятига эга ҳисобланади.

Шундай қилиб, демографик ўзгаришларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқиб, уни статистик таҳлил қилиш жуда зарур ҳисобланади. Шу боис бу атамага иқтисодий категория сифатида таърифини келтириб ўтамиш. Демография статистикаси деганда – ижтимоий-иқтисодий статистиканинг соҳаларидан бири бўлган аҳоли сони, таркиби, аҳоли ёки унинг гурухларининг жойлашуви ва тақрор барпо бўлиши билан боғлиқ маълумотларни статистик усуслардан фойдаланган ҳолда йиғиш, қайта ишлаш, ифодалаш ва таҳлил

қилиш фаолияти билан шуғулланувчи статистиканинг бир тармоғи назарда тутилади.

Мавзуга оид адабиётлар шархи

БМТ Аҳолишунослик жамғармаси[2], ЮНИСЕФ ва бошқа ташкилотлар ҳисоботларида оила ва унга таъсир этувчи демографик жараёнларга изоҳ, таъриф ҳамда тадқиқ этиш усуслари ёритилган.

Халқаро иқтисодий адабиётларда Борисов В.А. томонидан демографиянинг илмий назарий асослари, аҳоли тўғрисидаги маълумотлар, аҳоли таркиби ва уни ўрганиш усуслари, туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажralишнинг демографик мөҳияти, аҳолининг сон ва сифат хусусиятлари, такрор барпо бўлиш қонуниятлари, оила таркиби, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, аҳоли миграцияси, демографик прогностлашибдириш масалалари ўрганилган[3].

Бандлик, ишсизлик, инфляция, меҳнат бозори муаммолари ва уларни ривожланган бозор иқтисодиёти шароитларида эконометрик моделлашибдиришни фундаментал тадқиқ этишга: Ж.М.Кейнс [4], А.Освальд [5], Х.Розан [6], Ф.Хайек [7], С.Холл [8], К.Янош [9] каби хорижий етакчи иқтисодчи олимларнинг қатор илмий ишлари бағишиланган.

Хорижий адабиётларда олимларнинг тадқиқотларида демографиянинг фан сифатидаги шаклланиши, демографик жараёнларни ўрганиш манбалари тадқиқ этилган[10].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Н.У. Арабов[11] аҳоли умр кўриши давомийлиги даражаси индексига жаҳон мамлакатларида кутилаётган ўртача умр кўриш кўрсаткичи бўлиб, у ёки бу давлатнинг ижтимоий-демографик ривожланишининг энг муҳим мезонларидан биридир, деган таърифини

берган. Мазкур маълумотлар миллий институтлар ва халқаро ташкилотлардан олиниб, БМТ Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаментининг Аҳолишунослик бўлимида жамланади ва қайта ишланади.

Яна бир иқтисодчи олимларимиздан бири Ш.Зокиров[12] ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий қудрати унинг демографик ривожланишига тўғридан-тўғри боғлиқ ҳамда туғилиш ва ўлим кўрсаткичидаги ўзгаришлар ва истиқболда кутиладиган ҳолатлар, никоҳ жараёнлари ва оиласий ажримлар, аҳолининг миграцион ҳаракати, аҳоли ўсиши мамлакатдаги ижтимоий тизимларга таъсир қилади, деган фикрини билдирган.

Демографик жараёнлар устида кўплаб тадқиқотлар ўтказган иқтисодчи олимлардан бири Қ.Х. Абдурахмонов[13] томонидан демографик тенденциялар ва уларнинг меҳнат бозорига таъсири аниқланган. Шунингдек, аҳолининг тўхтовсиз кўпайиб бориши, аҳолининг кексайиш муаммоси ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, ёш гурухлари ўртасидаги муносабатлар ҳамда Ўзбекистондаги демографик тенденциялар тадқиқ этилган.

Демографик хавфсизлик борасида Ҳ.Х. Абдурахманов[14] ўзининг тадқиқотларини олиб бориш мобайнида демографик хавфсизлик борасида Халқаро ҳамкорликдаги демографик сиёсатга катта аҳамият қаратиш зарурлигини таъкидлаган.

Қ.Х. Абдурахмонов ва бошқалар[15] томонидан демографиянинг фан сифатидаги шаклланиши, демографик жараёнларни ўрганиш манбалари, туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажralишнинг демографик мөҳияти, аҳолининг сон ва сифат хусусиятлари, такрор барпо бўлиш қонуниятлари, жинс, ёш, никоҳ ва оила таркиби, ижтимоий-иқтисодий

ҳолати, ахоли миграцияси, демографик прогнозлаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Республикада кече ётган демографик жараёнларнинг замонавий тенденцияларининг таҳлили аҳолининг ёш таркибида меҳнат ёшигача бўлғанлар салмоғининг ортиб, аксинча, меҳнатга лаёқатли ёшдагилар улушининг камайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида, истиқболда мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши йўналишларида ҳам ўзига хос ўзгаришларнинг амалга оширилишини, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолини иш билан таъминлаш, кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш лойиҳалари ва дастурларини ишлаб чиқиши талаб этади. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши демографик ривожланиши истиқболини белгилашга боғлиқ.

Тадқиқот методологияси

Демографик жараёнларни ўрганиш усуллари умуммиллий ва демографик усуллар бўлиб, улар ахоли кўпайишининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради.

Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Республикасида демографик вазият шаклланишининг хусусиятлари ва тенденциялари бўйича демографик жараёнларни ўрганишга диалектик ва тизимли ёндашув, киёсий ва солиштирма таҳлил, статистик ва динамик ёндашув ҳамда гурухлаш усулларидан фойдаланилди ҳамда тарихийлик тамойилига асосланди.

Натижа ва мухокама

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлигининг расмий маълумотларига кўра мамлакатимизда доимий ахоли сони 2023 йил 1 январь холатига 36 024,9 минг

киши, 2022 йилда туғилганлар 932 192,0 минг нафар, вафот этганлар 172 075,0 минг киши, аҳолининг табиий ўсиши 760 117,0 минг кишини ташкил этиб, туғилиш ва вафот этиш коэффициентлари 26,2 ва 4,8 промиллега teng бўлган.

Мамлакатимизда иктиносидиётни модернизациялаш жараёнида ижтимоий-иктисодий сиёсатни амалга оширишда демографик омилларга устувор аҳамият берилмоқда. Ахоли кўпайиши билан бир йўла унинг зичлиги ҳам ошмоқда. Мамлакатимизда 01.01.2023 йилда ахоли зичлиги бир кв. км.га 80,2 кишини, дунё бўйича эса 53,0 кишини ташкил килган бўлиб, юртимиз дунёда ахоли сони бўйича 41 ўрин, туғилиш кўрсаткичи бўйича 54 ўрин, ер майдони бўйича 56 ўрин ҳамда ахоли зичлиги бўйича 134 ўринни эгаллаган.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси доимий ахолиси сонининг ўзгариши 1 январь холатига, миллион киши

Юкоридаги расм маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикасида доимий ахоли сони йил бошига 1920 йилда 4,4 млн. кишини ташкил этган бўлса, 2023 йилнинг 1 январига келиб 8 баробарга кўпайган. Ўз навбатида, табиий ўсиш коэффициенти, мос равишда, 11,0 ва 21,4 промиллени ташкил этган. Ахоли жинси бўйича эркаклар сони 50,3 фоизни, аёллар сони 49,7 фоизни ташкил этиб, 50,9 фоизи шаҳар ахолисига, 49,1 фоизи кишлоқ ахолисига тўғри келган.

Демографик салоҳиятнинг шаклланишида унинг гендер тавсифи мухим аҳамиятга эга. Гендер – инсоннинг


жамиятда ўзини тутишини ва бундай тутиш кандай қабул қилинишини белгилайдиган ижтимоий жинсdir. Агар жинс эркаклар ва аёллар ўртасидаги фарклар аниқ ва ўзгармайдиган бўлган биологик категория ҳисобланса, гендер жамият томонидан яратилган ижтимоий категория бўлиб, вақт ўтиши билан ўзгариб боради [12]. Гендер таркибида аёллар ва эркаклар улушининг tengлиги, яъни мутаносиблиги уларнинг никоҳга киришига ва оиласалар ташкил топшишига қулай вазият яратади. Лекин ҳар доим ҳам жамиятда аёллар ва эркаклар улушининг tengлиги кузатилмайди. Илмий манбаларда кўрсатилишича, дунё аҳолисида янги туғилган чақалоқлар орасида ўғил болалар кўпроқ туғилади. Статистик маълумотларга қараганда, ҳар 100 та қиз болага нисбатан туғилган ўғил болалар сони 105–106 тани ташкил этади. Ўғил болалар сонининг қиз болаларга нисбатан юқорилиги уларнинг 15–20 ёшларигача сақланиб қолади.

Иқтисодиётда меҳнатга қобилияти ёшдан катталар меҳнатидан фойдаланиш «нуқта»лари бўлади. Улар орасида юқори ақлий малака ишлатишни талаб қиладиган фаолият турлари ҳам бўладики, улар инсондан юқори умумтаълим тайёргарлигини ва муайян амалий тажрибани талаб қилади. Кўпгина мактаб ўқитувчилари, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, шифокорлар, илмий ходимлар ва бошқа юқори ақлий фаолият турлари вакиллари борки, улар пенсия маррасидан ўтгандан кейин ҳам муваффақиятли меҳнат қилиб қелмоқдалар.

Демографик салоҳиятнинг гендер тавсифида аёллар репродуктив ва ижтимоий вазифаларни, эркаклар эса меҳнат ва ижтимоий вазифаларни бажаради. Аёлларнинг репродуктив

вазифаси деганда аҳолини такрор барпо этиш учун ҳар бир оиласада нечтадан фарзанд бўлиши мумкинлиги назарда тутилади. Аёл ўзининг репродуктив вазифасини бажариши учун, яъни бир авлоднинг ўрнини иккинчи авлод давом эттириши учун ҳар бир туғиши ёшидаги (15–49 ёш) аёл ўрта хисобда 2,15–2,17 та фарзанд кўриши керак. Аёл томонидан дунёга келган фарзандлар сони 1,8 дан камни ташкил қилса, туғилиш даражаси жуда паст, агар у 1,8–2,15 га teng бўлса, туғилиш даражаси ўртача ҳисобланади. Айтиш жоизки, туғилишнинг йифинди коэффициенти қийматлари юқори қийматга эга бўлса, аҳолининг такрор барпо бўлиши кенгайиб боради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ёш гурухлари бўйича аҳоли сонига эътибор берсак, 01.01.2023 йилда меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар 31,7%, меҳнатга лаёқатли ёшдагилар 56,8%, меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар эса 11,5% ни ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса мамлакатимизда жами аҳолининг ярмидан ортиқ қисми меҳнатга лаёқатли эканлиги, иқтисодиётнинг ишчи кучи билан таъминланганлик даражаси юқори эканлигини англаради. Буларга, албатта, туғилганлар ва вафот этганлар сони таъсир қилади.




2-расм. Ўзбекистонда туғилганлар сони, минг киши

Республикамизда 2018–2022 йилларда туғилганлар сони барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиб, туғилганларнинг 482,4 минг нафарини ўғил болалар, 449,8 минг нафарини эса қиз болалар, яъни ҳар 100 қиз болага нисбатан туғилган ўғил

болалар сони 2018 йилда 110тани, 2022 йилда эса 107тани ташкил қилган.

Мамлакатнинг демографик ҳолати туғилишларда тирик туғилишнинг улуши юқориличигига боғлиқ ҳисобланади. Шу боисдан, туғилишларни таҳлил қилишда тирик туғилганлар сонига ҳам дикқатни қартиш лозим. Тирик туғилиш мамлакатда аҳолининг тиббий хизматлар билан таъминланганлик ва ушбу хизматларнинг сифат даражасини ҳам кўрсатиб беради.

Ўтказилган статистик таҳлиллар натижасига кўра, тирик туғилишга асосий сабаб туғилган чақалоқлар ота-онасининг ёши ҳисобланиши сабабли, туғилганлар сонини ота-онасининг ёши бўйича тақсимладик. Туғилганлар сонини аниқлашда Оила кодексига мувофиқ, туғилган чақалоқнинг онаси ёки отасининг доимий яшаш жойига қараб туғилган худуди аниқланади ҳамда ўша худуднинг аҳолиси сонига қўшилади (3-расм).




3-расм. Ота-онасининг ёши бўйича туғилганларнинг тақсими, 2022 йил январь-декабрь, %да

Юқоридаги расм маълумотларидан кўринадики, болалар туғилиши ва уларнинг яшовчанлик даражасига ота-оналарининг ёши ҳам жiddий таъсири қилар экан. Бунда, Ўзбекистонда ота-онасининг ёши 25–39 ёш оралиғида бўлган (83,4 % отасининг ёши бўйича, 60,1% онасининг ёши бўйича), болалар жами туғилган болаларнинг асосий

қисмини ташкил қиласди. Бунга, бошқа бир томондан, менталитетимизнинг ҳам таъсири борлигини инобатга олиш зарур. Ота-оналарнинг ёши 40 ёшдан катта бўлган чақалоқлар жами туғилганларнинг энг кичик улушкини ташкил қиласди.


Мамлакатимизда туғилиш коэффициентининг ортиб боришини минтақа мамлакатлари билан солиштириш орқали ўртача ҳолатда статистик баҳо беришимиз мумкин бўлади. Шу сабабли, МДҲ мамлакатлари ва Ўзбекистоннинг туғилиш коэффициенти кўрсаткичларини киёсий таҳлил қиласмиз(4-расм).



4-расм. Туғилиш кўрсаткичлари бўйича МДҲ давлатлари рейтинги, 2022 йил, 1000 аҳолига нисбатан коэффициенти

Юқоридаги маълумотлар МДҲ бўйича мамлакатимизда туғилиш кўрсаткичлари энг юқори даражада эканлигини ва истиқболда ишчи кучи таъминоти ҳамда истеъмолчилар талаби бўйича янада ижобий кўрсаткичларга эришиш мумкинлигини кўрсатади. Кейинги ўринларда ҳам Ўрта Осиё мамлакатлари, яъни Қозогистон ва Қиргизистон мамлакатимизга жуда яқин даражада (мос равишда ҳар минг кишига нисбатан 23,5 ва 22,4 киши) юқори кўрсаткичга эга бўлган.

Табиий кўпайишга туғилиш билан бирга ўлим сони ҳам таъсири қиласди. Шу сабабли, ўлим коэффициенти аниқланаби, бу кўрсаткич ҳар минг кишига нечта вафот этган кишилар сонини ифодалайди(5-расм).



5-расм. Ўзбекистонда ўлим коэффициенти, ҳар минг киши ҳисобига

Юқоридаги маълумотлар шундан далолат берадики, аҳоли орасида ўлим коэффициентининг йиллар давомида пасайиб бориши, туғилиш сонининг нисбатан ортиши билан бир қаторда, аҳоли орасида ўлим билан боғлиқ муаммоларни бартараф этилишида деб ҳам ҳисоблаш мумкин. Масалан, соғлиқни саклаш тизими, аҳоли муҳофазаси соҳаларида тизимли ишларнинг ўз ўрнида олиб борилишини асосий омиллар сифатида олишимиз мумкин бўлади. 2022 йилнинг ўзида 60 ёш ва ундан катта бўлганлар орасидаги ўлим жами ўлганларнинг 55,4 фоизини ташкил қилган бўлиб, 20 ёшгача бўлган ёш гуруҳидагиларда 20,0 фоизни, қолган ёш гуруҳидагилар 24,6 фоизни ташкил қилган.

Ўзбекистонда демографик жараёнларни статистик таҳлил қилиш билан бирга, уларнинг истиқболдаги натижаларини прогнозлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, келгуси даврлар учун аҳоли сонига таъсир қилувчи омилларни статистик баҳолаб, уларнинг орасидан статистик аҳамиятли даражаси энг юқори бўлганлари таъсирини инобатга олган ҳолда прогноз қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса

Аҳоли бандлик даражаси макроиқтисодий кўрсаткич сифатида мамлакат иқтисодиётига баҳо бериша

фойдаланилса, ижтимоий жиҳатдан эса бу аҳолининг фаровонлик даражасини кўрсатиб берувчи кўрсаткич ҳисобланади. Шу сабабли, аҳоли бўйича статистик маълумотларни шакллантиришда аҳолини тўлиқ қамраб олиш барча ҳудудий ва маъмурний бирликлар тўғрисида тўлиқ, деярли хатосиз маълумот олиш зарур ҳисобланади. Шу сабабли, аҳолини рўйхатга олиш жуда катта аҳамиятга эга жараён ҳисобланади. Одатда, ҳар ўн йилда бир марта ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш мамлакатимизда, 1989 йилги Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш тадбирларидан сўнг, навбатдаги аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари 2023 йилда ўтказилиши режалаштирилган. Аҳоли сони билан боғлиқ маълумотларни шакллантиришда аҳолини рўйхатга олиш жараёнлари кўп жиҳатдан муҳимлилигини инобатга олиб, ушбу статистик кўрсаткичларнинг аниқлилик даражасини ошириш учун маълумотлар базасини рақамлаштирилган тизимлар ёрдамида тўплаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, мамлакатда кутилаётган умр кўриш давомийлигининг ўсиши ижтимоий тизимлар ривожланганлиги даражасини белгиловчи асосий мезон эканлигидан келиб чиқиб, умр кўриш давомийлиги узайишига таъсир қилувчи аҳоли турмуш даражасининг ўсиши, илм-фаннинг, айниқса тиббиёт соҳасидаги тараққиёти, аҳолининг гигиена маданиятининг, умуман таълим даражасининг барқарор ривожланишини таъминлаш зарурдир. Аҳолини табиий ўсишида туғилишни узок муддатли истиқболда ҳам демографик такрор барпо қилишнинг оддий режимини таъминлаш даражасида саклаш, аҳоли соғлиқни саклаш тизимини ислоҳ этишини янада чуқурлаштириш, даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, аҳолига юқори

сифатли, замонавий талаб ва стандартларга мувофиқ тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-кувватлашни кучайтириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларга ихтисослаштирилган ва юкори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатишни ривожлантириш, тўғри овқатланиш ва гигиена, соғлом ҳомиладорлик ва бола парвариши, репродуктив саломатлик масалаларида

аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш, ишлаб чиқаришда меҳнат килишнинг хавфсиз шарт-шароитларини таъминлаш, бахтсиз ҳодисалар, заҳарланишлар ва жароҳатларнинг олдини олиш каби чора-тадбирларнинг таъсирини оширган ҳолда ўтказиб бориш зарур. Шулардан, республикамида демографик сиёsatнинг асосий йўналишларини амалга ошириш аҳолини такрор барпо қилувчи демографик салоҳиятни шакллантиришга ва ундан самарали фойдаланишга замин яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони.
2. БМТ Аҳолишунослик жамғармаси маълумотлари. 2020 йил.
3. Борисов В.А. Демография. – М.: Издательский дом НОТА ВЕНЕ, 2009. – 272 с.
4. Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег.–М.:Прогресс, 1978.
5. Oswald A. The Economic theory of trade unions: an ntroductionary survey. Scandinavian Journal of Economics.-1985. V.67. P.160-193.
6. Rosen H., Quandt R.E. Estimating a disequilibrium aggregate labour market. Review of Economics and Statistics/ -1978. V.60. P.371-379.
7. Хайек Ф. Безработица и денежная политика. Правительство как генератор «делового цикла» //Экономические науки - М., 1991, N 1, 91-95 с, N 11, 57-66 с.; N 12, 39-48 с.
8. Hall S.G. et al. A disequilibrium model othe UK labour market: some estimates using rational expectitions. Oxford, 1985.
9. Янош Корнаи. Дефицит.- М.: Наука, 1990, 665 с.
10. Глушкова В.Г., Симагина Ю.А. Демография: учебник для вузов. /Под ред. 5- изд., стер. – М.: Кнорус, 2010. – 288 с.
11. Арабов Н.У. Ўзбекистон Республикасида демографик вазият шаклланишининг хусусиятлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2018 й. 1-13-б.
12. Зокиров Ш. Ўзбекистонда асосий демографик кўрсаткичлар: мавжуд динамикалар ва кутилаётган ўзгаришлар. Scientific progress. <http://www.scientificprogress.uz/> 109-116 б.
13. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслик).-Т.:«Меҳнат»-2009. 145-б.
14. Абдураҳмонов Ҳ.Ҳ. Демографик жараёнлар хавфсизлиги концепцияси. “Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришнинг методологик асослари”. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами (2018 йил 14 ноябрь). - Т.: ТДИУ, 2018. 248-250 бетлар.
15. Абдураҳмонов Қ.Х. ва бошқалар. Демография. Дарслик. – Т.: “IQTISODIYOT”, 2014. 364-б.

УЎТ 330/08(33)

Урунов Равшанбек Садуллаевич,
Тошкент молия институти
“Статистика ва эконометрика” кафедраси
доценти в.б., *PhD*.
E-mail: urunovravshan1971@gmail.com

**ХУДУДЛАРНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ АҲОЛИ
ТУРМУШ ДАРАЖАСИГА ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИ ЭКОНОМЕТРИК
МОДЕЛЛАРИ**

Урунов Равшанбек Садуллаевич,
Ташкентский финансовый институт
и.о. доцент *PhD* кафедры
“Статистика и эконометрика”
E-mail: urunovravshan1971@gmail.com

**ЭКОНОМЕТРИЧЕСКИЕ МОДЕЛИ ТРАНСФОРМАЦИИ УСТОЙЧИВОГО
РАЗВИТИЯ РЕГИОНОВ В УРОВЕНЬ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ**

Urunov Ravshanbek Sadullaevich,
Tashkent institute of finance
PhD of “Statistics and econometrics” shair
E-mail: urunovravshan1971@gmail.com

**ECONOMETRIC MODEL OF TRANSFORMATION OF SUSTAINABLE
DEVELOPMENT OF REGIONS AND NATIONAL LEVEL**

Аннотация. Мақолада ҳудудларнинг барқарор ривожланишини статистик баҳоланган. Ҳудудларнинг барқарор ривожланишини аҳоли турмуши даражасига таъсири борасида эконометрик модели тузилган. Аҳоли турмуши даражасини яхшилашага доир мулоҳазалар келтирилган. Натижса сифатида аҳолининг кам таъминланганлик даражасини ва унга таъсир қилувчи омиллар сифатида аҳоли жон бошига ЯҲМнинг ўсиши суръати, аҳоли сонининг ўсиши суръати, ёшга доир пенсия оладиган аҳоли улуши, аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг ўсиши суръати, бандлик даражаси, ишсизлик даражаси, Джини коэффициенти, ЯИМ(ЯҲМ) дефлятори ҳамда ЯИМ(ЯҲМ)да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши каби омиллар танлаб олинган.

Таянч сўзлар: ҳудуд, ривожланиши, аҳоли турмуши даражаси, эконометрик модель, кўп омилли эконометрик модель, Джини коэффициенти, ЯИМ(ЯҲМ) дефлятори, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик.

Аннотация. В статье статистически оценивается устойчивое развитие регионов. Создана эконометрическая модель влияния устойчивого развития регионов на уровень жизни населения. представлены мнения по повышению уровня жизни населения. В результате уровень бедности населения и факторы, влияющие на него, - это темпы роста ВВП на душу населения, темпы роста населения, доля населения, получающего пенсии по старости, темпы роста совокупных доходов на душу населения, на душу населения, уровень занятости, уровень безработицы, коэффициент Джини, ВВП (были выбраны такие факторы, как дефлятор ВНП и доля малого бизнеса и частного предпринимательства в ВВП (ВНП)).

Ключевые слова: регион, развитие, уровень жизни населения, эконометрическая модель, многофакторная эконометрическая модель, коэффициент Джини, дефлятор ВВП, малый бизнес и частное предпринимательство.

Annotation. The article statistically evaluates the sustainable development of regions. An econometric model of the impact of sustainable development of regions on the standard of living of the population has been created. Opinions on improving the standard of living of the population are presented. As a result, the level of poverty of the population and the factors influencing it are the growth rate of GDP per capita, the rate of population growth, the share of the population receiving old-age pensions, and the growth rate of total per capita income. per capita, employment rate, unemployment rate, Gini coefficient, GDP (factors such as the GNP deflator and the share of small business and private entrepreneurship in GDP (GNP) were chosen.

Keywords: region, development, standard of living, econometric model, multifactorial econometric model, Gini coefficient, GDP deflator, small business and private entrepreneurship.

Кириш

Жаҳон халқаро ташкилотлари томонидан мамлакатларда ижтимоий тенгиззликка қарши курашиш мақсадида, жуда кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса, бизнинг мамлакатда ҳам кенг амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 марта “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4653-сонли қарори орқали ташкил этилган вазирлик ва унинг тизимидағи ташкилотларнинг асосий вазифаларидан бири – бу камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастак ва механизмларини ишлаб чиқиши, ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ҳамда миллий барқарор ривожланишнинг мақсад ва вазифаларига

эришиш чора-тадбирларини амалга ошириш.

Бугунги қунда мамлакатларга барқарор ўсиш ва иш ўринлари яратиш омилларини ўрганиб, ишлаб чиқилган таклифларни татбиқ қилиш жуда муҳим.

Шу маънода халқаро ташкилотлар ҳам бу борада ўз вазифаларини бажармоқда, яъни Халқаро Валюта жамғармаси ҳам глобал иқтисодий ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдиган 190 мамлакатдан иборат ташкилот сифатида иқтисодий барқарорлик ва барқарор ўсишни қўллаб-қувватлаш учун мамлакатлар билан ишлашга йўналтирилган.

Мавзуга оид адабиётлар шархи

Ҳудудларниг барқарор ривожланишини статистик баҳолашнинг назарий жиҳатлари хорижлик олимлардан S.Dresner, K.Hamilton, G.Atkinson, J.Pezzey, M.A.Toman, W.Beckerman, J.M.Hartwick,

N.D.Olewiler ва бошқаларнинг¹ илмий ишларида ёритилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МҲД) мамлакатлари олимлари худудларнинг барқарор ривожланишини статистик баҳолаш масалаларини тадқиқ этиш бўйича М.С.Алексейчук, А.Н.Анохин, Е.Н.Бабина, С.Н.Бобылев, Ю.В.Вертакова, О.С.Мирошниченко, В.В.Глинский, В.Г.Ионин, М.А.Толстов, В.В.Артюхов, С.И.Забелин, Е.В.Лебедева, А.С.Мартынов, М.В.Мирутенко, И.Н.Рыжов ва бошқалар² илмий изланишлар олиб борган.

¹ Dresner S. The Principles of Sustainability // Earthscan, London, 2002. - 200 p.; Hamilton K., 1995. Sustainable Development, the Hartwick Rule and Optimal Growth Environmentaland Resource Economics 5:393-411.; Hamilton K., Genuine Saving as a Sustainability Indicator. The World Bank. Environment department papers. Paper No. 77. 2000 – 24 p.; Atkinson, G., and Pearce, D.W.,1993, Capital Theory and the Measurement of Sustainable Development: An Indicator of Weak Sustainability, Ecological Economics 8:103-8.; Pezzy J., 1989, Economic Analysis of Sustainable Press, Cambridge. Growth and Sustainable Development; John C.V., Pezzy J., Michael A. Toman, Economics of Sustainability, 25 July 2002.; Beckerman W. 2017, Economics as Applied Ethics: Fact and Value in Economic Policy.; John M. Hartwick and Nancy D. Olewiler. The Economics of Natural Resource Use. 2 ed. Addison-Wesley, Reading, MA, 1998.

² Алексейчук М.С. Чистые сбережения как индикатор оценки устойчивости регионального развития // Регион: экономика и социология, №3. 2008. С. 67-77.; Анохин А.Н. Методы экспертных оценок. Учебное пособие. - Обнинск: ИАТЭ, 1996. - 144 с.; Бабина, Е. Н. Региональные аспекты экологически устойчивого развития территории// Бабина, Е. Н. - Ставрополь:ООО «Ставропольбланкиздат», 2009.; Бобылев С.Н. Индикаторы устойчивого развития: региональное измерение. Пособие по региональной экологической политике. - М.: Акрополь, ЦЭПР, 2007.; Вертакова Ю.В., Мирошниченко О.С. Многокритериальная оценка устойчивости регионального развития // Бюллетень Международного Нобелевского экономического форума. 2011. № 1 (4), с.82; Глинский В.В., Ионин В.Г. Статистический анализ. - М., 2002. - 238с.; Толстов М.А. Статистическое моделирование

Ўзбекистон Республикасида худудларнинг барқарор ривожланишини статистик баҳолаш ва прогнозлаш масалалари бўйича маҳаллий олимлардан С.С.Фуломов, Б.А.Бегалов, Ё.А.Абдуллаев, Х.А.Шодиев, Б.К.Фойибназаров, А.Н.Нигматов, Т.Ш.Шодиев, Н.М.Соатов, Р.Х.Алимов, З.А.Нуриддинов ва бошқалар³ илмий тадқиқотлар олиб боргандар.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида анкетали кузатиш, динамика қаторлари асосида таҳлил қилиш, кесишувчи маълумотлар асосида баҳолаш, статистик гурухлаш, дескриптив таҳлил, индикатив таҳлил, кўп омилли эконометрик таҳлил ва эксперт баҳолаш каби усууллардан фойдаланилди. Ҳар бир ҳудуд бўйича кўп омилли эконометрик модуллар тузилган. Ҳар бир ҳудуд бўйича омиллар ўтасидаги

устойчивого развития регионов в условиях глобализации экономики. Саратов 2012.; Артохов В.В., Забелин СИ., Лебедева Е.В., Мартынов А.С., Мирутенко М.В., Рыжов И.Н.. Рейтинги устойчивого развития регионов Российской Федерации: «Интерфакс», 2011. 96с.

³ Фуломов С.С., Бегалов Б.А. Иқтисодий информатика.–Т.: ТДИУ, 2010.–587 б.; Абдуллаев Ё. Макроинтисодий статистика. 100 саволга 100 жавоб.–Т.: Мехнат, 1998.–382 б.; Шодиев Х.А., Хабибуллаев И. Статистика// Дарслик – Т.: Иқтисод-Молия, 2018.–253-268 б.; Фойибназаров Б.К. Ахоли турмуш даражасини статистик баҳолаш. – Т.: ФАН, 2006.–125 б.; Нигматов А. ва бошқалар. Барқарор ривожланиши ва унинг тизимли индикаторлари// Монография. – Т.: Spectrum Media Group, 2015. – 120 б.; Шодиев Т.Ш. Эконометрика / Ўқув қўл.–Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси, ТДИУ, 2005.–126 б; Соатов Н.М. Статистика. Дарслик. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2003.–743-б.; Алимов Р.А. Методологические проблемы построения системы национальных счётов. Док.дисс.–Т.: ТГУ, 1993.–С.280.; Нуриддинов З.А. Минтақалар иқтисодиётини инновацион ривожлантириш ва инвестицион жозибадорлигини статистик баҳолаш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори диссертация автореферати. – Т.: ЎзРДСК қошидаги КМОСТИ, 2020. – 62-б.

корреляцион боғлиқлик, аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг ўсиш суръати, бандлик даражаси, ишсизлик даражаси, Джини коэффициенти, ЯИМ(ЯҲМ) дефлятори ҳамда ЯИМ(ЯҲМ)да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши каби омиллар Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида таҳлил қилинган.

Натижা ва муҳокама

Жаҳон ҳалқаро ташкилотлари томонидан мамлакатларда ижтимоий тенгсизликка қарши қурашиш мақсадида, жуда кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Бу каби ишлар бизнинг мамлакатда ҳам кенг амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 марта гаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4653-сонли қарори орқали ташкил этилган вазирлик ва унинг тизимидағи ташкилотларнинг асосий вазифаларидан бири – бу камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастак ва механизмларини ишлаб чиқиши, ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ҳамда миллий барқарор ривожланишнинг мақсад ва вазифаларига эришиш чора-тадбирларини амалга оширишдан иборат. Айниқса, жаҳон пандемияси даврида кучли иқтисодий ўсишни тиклаш ва аҳолини иш билан таъминлаш, асосий устувор вазифалардан биридир.

Тадқиқотимиз давомида ҳудудларнинг барқарор ривожланиши аҳоли турмуш даражасига таъсири борасида эконометрик модели тузилди.

Тузилган эконометрик моделимизга натижা сифатида аҳолининг кам

таъминланганлик даражасини ва унга таъсири қилувчи омиллар сифатида аҳоли жон бошига ЯҲМнинг ўсиш суръати, аҳоли сонининг ўсиш суръати, ёшга доир пенсия оладиган аҳоли улуши, аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг ўсиш суръати, бандлик даражаси, ишсизлик даражаси, Джини коэффициенти, ЯИМ(ЯҲМ) дефлятори ҳамда ЯИМ(ЯҲМ) да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши каби омиллар танлаб олинган.

$Y =$ Худудларда аҳолининг кам таъминланганлик даражаси – $LPP_{C(R)}$

$X_1 =$ Аҳоли жон бошига ЯИМ(ЯҲМ)нинг ўсиш суръати – $PC_{GDP(GRP)}$

$X_2 =$ Аҳоли сонининг ўсиш суръати – $PGR_{C(R)}$

$X_3 =$ Ёшга доир пенсия оладиган аҳоли улуши – $PPRP_{C(R)}$

$X_4 =$ Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг ўсиш суръати – $TIPC_{C(R)}$

$X_5 =$ Бандлик даражаси – $ER_{C(R)}$

$X_6 =$ Ишсизлик даражаси – $UR_{C(R)}$

$X_7 =$ Джини коэффициенти – $GC_{C(R)}$

$X_8 =$ ЯИМ(ЯҲМ) дефлятори – $D_{C(R)}$

$X_9 =$ ЯИМ(ЯҲМ) да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши – $SBPE_{GDP(GRP)}$

Тузилган эконометрик моделнинг ўзгарувчилари ўртасидаги функционал боғлиқларини ифодаловчи математик ифодани тузамиш:

$$Y_{X_{it}} = \beta_0 + \beta_1 X_{1t} + \beta_2 X_{2t} + \beta_3 X_{3t} + \dots + \beta_n X_{nt} + \varepsilon_t \quad (1)$$

Ушбу кўп омилли эконометрик моделнинг назарий кўринишидан келиб чиқиб, танланган омиллар ўртасидаги корреляцион муносабатлар учун математик ифода ишлаб чиқилган:

$$\begin{aligned} Y_{X_{it}}(LPP_{C(R)}) &= \beta_0 + \beta_1 X_{1t}(PC_{GDP(GRP)}) + \beta_2 X_{2t}(PGR_{C(R)}) + \\ &\beta_3 X_{3t}(PPRP_{C(R)}) + \beta_4 X_{4t}(TIPC_{C(R)}) + \dots + \beta_5 X_{5t}(ER_{C(R)}) + \beta_6 X_{6t}(UR_{C(R)}) + (2) \\ &\beta_8 X_{8t}(D_{C(R)}) + \beta_9 X_{9t}(SBPE_{GDP(GRP)}) + \varepsilon_t \end{aligned} \quad (2)$$

I-жадвал

Дескриптив статистика⁴

Кўрсат- кичлар	LPP_c Y	PC_{GDP} X_1	PGR_c X_2	$PPRP_c$ X_3	$TIPC_c$ X_4	ER_c X_5	UR_c X_6	D_c X_8	$SBPE_{GDP}$ X_9
Average	19,0	104,5	101,6	7,4	126,6	67,7	4,2	19,0	104,5
Median	17,7	104,7	101,5	7,4	124,8	67,7	5,0	17,7	104,7
Minimum	11,0	99,8	101,1	7,0	112,7	66,1	0,2	11,0	99,8
Maximum	28,9	107,9	104,0	8,2	155,8	69,4	10,5	28,9	107,9
Standard deviation	6,5	1,9	0,6	0,3	11,8	0,9	3,2	6,5	1,9
Variation	0,343	0,018	0,006	0,044	0,093	0,013	0,765	0,343	0,018
Asymmetry	0,169	-0,413	3,090	1,091	0,968	0,133	0,197	0,169	-0,413
Excess	-1,616	0,075	10,183	0,777	0,257	-0,112	-0,768	-1,616	0,075
5% Percent	11,0	100,0	101,1	7,0	112,8	66,1	0,2	11,0	100,0
95% Percent	28,8	107,9	103,8	8,2	155,2	69,4	10,4	28,8	107,9
Range	13,4	3,0	0,4	0,3	15,5	1,0	4,9	13,4	3,0

⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Республика бўйича натижавий белгига таъсил қилувчи омиллар 1-жадвалда келтирилди ва уларнинг дескриптив статистика бўйича натижалари олинди.

Омиллар динамик қаторлар бўйича 22 та: 2000 йилдан 2022 йилгача танлаб олинди ва кузатилиб, жадвалларда шакллантирилди. $X_7(GC_{CR})$ – Джини коэффициентининг даврлар оралиғидаги маълумотларида узилишлар ҳамда ҳудудлар кесимида шакллантирилмаганлиги учун, ёшга доир пенсия оладиган аҳоли улуши – $X_2(PPRP_{CR})$ ва бандлик даражаси $X_5(ER_C)$ каби омиллари мамлакат ва ҳудудларда аҳолининг кам таъминланганлик даражасига кучли таъсири бўлиш эҳтимоли пастлиги сабабли, $X_3(PPRP_c)$ ва $X_5(ER_c)$ омиллар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик ўрганилганда $X_3(PPRP_c)$ ва $X_5(ER_c)$ омилларнинг натижавий кўрсаткич билан боғланиши пастлиги, яъни корреляцион жадвалда мультиколлинеарлик ҳодисаси мавжудлиги сабабли кучсиз боғланган омиллар чиқариб юборилди.

$$Y_{X_1}(LPP_c) = 0,454X_1(PC_c) + 0,067X_4(TIPC_c) - 0,542X_6(UR_c) - 0,400X_9(SBPE_{GDP}) - 5,08 \quad (3)$$

Ушбу эконометрик моделни (3) қуидаги талқин қилиш мумкин, яъни натижавий белгини камайтиришни мақсад қилган ҳолда қараймиз, чунки статистик тадқиқотдан мақсад ҳам айнан кам таъминланган аҳолининг даражасини пасайтириш учун қайси омилларга эътибор қаратиш лозимлигидир. Шунинг учун, талқин қуидаги: аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиш суръати бошка омиллар ўзгармас бўлганда бир бирликка ошса кам таъминланганлик даражаси 0,454 бирликка камаяди. Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг ўсиш суръатининг бир бирликка ошиши мамлакатда кам таъминланганлик даражаси 0,067 бирликка камаяди, бу ҳолатда ҳам қолган омил белгилар ўзгармас бўлганда. Республикада ишсизлик даражасини бир бирликка камайиши кам таъминланганлик даражасини 0,542 бирликка камайишига олиб келиши аниқланган. ЯИМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушкини

бир бирликка ошиши республикада кам таъминланганлик даражасини 0,400 бирликка камайшига олиб келган.

Хулоса

Қисқача хулоса қилиб айтганда худудларнинг барқарор иқтисодий ривожланиши ахоли турмуш даражасига қанчалик трансформация бўляяпти, деган

саволга жавоб қуидаги келтирилган эконометрик моделлардан 2- жадвалда акс этган.

Яъни аҳоли турмуш даражасининг энг куйи қатламида (кам таъминланганлик даражаси) барқарор иқтисодий ўсишнинг натижаси таъсири кўринса шундагина, бу ривожланишларни яхши баҳолаш мумкин.

2- жадвал

Худудларнинг эконометрик моделларида қатнашувчи омиллар⁵

Худудлар номи	Эконометрик моделлар
Коракалпогистон Рес.	$Y_{X_i}(LPP_R) = -5,36X_2(PGR_R) - 17,85X_3(PPRP_R) - 1,35X_9(SBPE_{GRP}) + 768,98$
Андижон вилояти	$Y_{X_i}(LPP_R) = 3,96X_3(PPRP_R) - 1,02X_6(UR_R) - 0,42X_9(SBPE_{GRP}) + 18,56$
Бухоро вилояти	$Y_{X_i}(LPP_R) = -0,53X_6(UR_R) - 0,33X_9(SBPE_{GRP}) + 38,65$
Жиззах вилояти	$Y_{X_i}(LPP_R) = -0,56X_6(UR_R) - 0,42X_9(SBPE_{GRP}) + 54,49$
Қашқадарё вилояти	$Y_{X_i}(LPP_R) = -1,83X_6(UR_R) + 0,17X_8(D_R) - 0,21X_9(SBPE_{GRP}) + 28,71$
Навоий вилояти	$Y_{X_i}(LPP_R) = 0,10X_4(TIPC_R) + 0,89X_5(ER_R) - 1,05X_6(UR_R) - 0,13X_9(SBPE_{GRP}) - 50,95$
Наманган вилояти	$LnY_{X_i}(LPP_R) = -1,53LnX_5(ER_R) - 2,08LnX_9(SBPE_{GRP}) + 18,08$
Самарқанд вилояти	$Y_{(X_{i-2})}(LPP_R) = -0,47(X_{i-2})_1(PC_R) - 0,71(X_{i-2})_6(UR_R) - 0,4(X_{i-2})_9(SBPE_{GRP}) + 94,53$
Сурхондарё вилояти	$Y_{X_i}(LPP_R) = -1,37X_6(UR_R) - 0,33X_9(SBPE_{GRP}) + 55,08$
Сирдарё вилояти	$Y_{X_i}(LPP_R) = -6,96X_2(PGR_R) + 0,13X_4(TIPC_R) - 0,63X_6(UR_R) - 0,29X_9(SBPE_{GRP}) - 735,2$
Тошкент вилояти	$Y_{X_i}(LPP_R) = 0,08X_4(TIPC_R) - 1,39X_5(ER_R) - 1,17X_6(UR_R) + 108,14$
Фарғона вилояти	$Y_{X_i}(LPP_R) = 0,46X_6(UR_R) - 0,09X_8(D_R) - 0,67X_9(SBPE_{GRP}) + 62,58$
Хоразм вилояти	$Y_{X_i}(LPP_R) = -2,74X_2(PGR_R) - 0,87X_5(ER_R) - 0,55X_6(UR_R) - 0,61X_9(SBPE_{GRP}) + 399,58$
Тошкент шаҳри	$LnY_{X_i}(LPP_R) = 2,79LnX_1(PC_R) - 1,3LnX_4(TIPC_R) - 0,18LnX_6(UR_R) - 6,72LnX_9(SBPE_{GRP}) + 20,93$

⁵ STATA, MINITAB, Microsoft Excel, EViews ҳамда GRETL каби статистик пакетлар ёрдамида муаллиф ишланмаси.

Ҳудудларнинг эконометрик моделларидан қуидаги асосий хуласаларни чиқардик, хусусан, бир омил белгининг натижага таъсирини изоҳлаётганда қолган омил белгилар ўзгармас деб қаралади:

– Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Сирдарё вилоятларида аҳоли сонининг ўсиш суръатини бир бирликка оширганда кам таъминланганлик даражаси, мос равища, 5,36, 2,74 ва 6,96 бирликка камайиши аниқланди;

– ёшга доир пенсия оладиган аҳоли улушкини бир бирликка ошиши Қорақалпоғистон Республикасида кам таъминланганлик даражасини 17,85 бирликка камайтирса, Андижон вилоятида 3,96 бирликка ошиши аниқланди. Яъни, Қорақалпоғистон Республикасида кам таъминланган аҳоли сонида 55 ва 60 ёшдан кичик бўлган аҳолининг улуси кўпроқни ташкил қиласди. Андижон вилоятида эса 55 ва 60 ёшдан катта бўлган аҳолининг улуси кўпроқни ташкил қиласди;

– аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг ўсиш суръати бир бирликка камайса, Навоий, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида кам таъминланганлик даражаси, мос равища 0,10, 0,13 ва 0,08 бирликларга ошиши аниқланди.

– Фарғона вилоятида ишсизлик даражаси бир бирликка камайса кам таъминланганлик даражаси 0,46 бирликка камайишини кўрсатяпти(эконометрик модель);

– Қашқадарё вилоятида ЯҲМнинг дефлятори бир бирликка камайса кам таъминланганлик даражаси 0,17 бирликка камайиши аниқланди;

– Самарқанд вилояти учун тузилган эконометрик модель 2 йиллик лаг билан ҳисобланган, бунда аҳоли жон бошига ЯҲМнинг ўсиш суръати “а” даврда бир бирликка ошса, кам таъминланганлик даражаси “а+2” даврга бориб 0,47 бирликка камайиши аниқланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси, 2017 йил 14 январь / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. 104-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь
3. Шодиев Х.А., Ҳабибуллаев И. Статистика// Дарслик – Т.: Иқтисод-Молия, 2018.– 253–268-б.
4. Гойибназаров Б.К. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш. – Т.: ФАН, 2006.–125 б.
5. Урунов Р.С. Миллий статистика тизимини такомиллаштириш масалалари// “Молия” илмий журнали. – Тошкент, 2020. №5. 178–185-б. №12.
6. Урунов Р.С. Ҳудудларда аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пасайтиришнинг статистик индикаторлар тизими// “Молия” илмий журнали. – Тошкент, 2021. №5. – 83–94-б. №12

7. Равшанбек Урунов, Абдуазим Абдурахманов, Асаль Джамалдинова, Нигора Шакирова. Digital economy as a highest stage development of infocommunication technologies. Ilkogretim Online 20 (3), 2021/5/1
8. Urunov R.S. System of statistic indicators of regional sustainable development in conditions of digital econemyJournalNX-A Multidisciplinary Peer Reviewed JournalISSN No:2581 -4230VOLUME 7, ISSUE 4, impact factor-7,23,Apr. -2021,383-387b.
9. Urunov R.S. Statistical assessment of the sustainable development of the economy of khorezm region. J.Galaxy international interdisciplinary research journal (giirj)issn(e): 2347-6915Vol. 10,Issue 1, impact factor-7,4. Jan.(2022)132-136b.
10. Urunov R.S. The concept and subject of statistics.// Ж.Экономика и социум. 2019 ү. p-133-136.
11. Урунов Равшанбек Садуллаевич. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт тармоқларида рақамли иқтисодиётни қўллашининг асосий йўналишлари ..polish science journal (ISSUE 1(34), 2021) - Warsaw: Sp. z o. o. «iScience», 2021. Part 1 – 132-136.
12. Urunov R.S. Рақамли иқтисодиёт шароитида худудларнинг статистик фаолиятини меъёрий-хукуқий ҳолати ва уни баҳолашнинг аҳборот таъминоти. Innovation in the modern education system: a collection scientific works of the International scientific conference (25th April, 2021) – Washington, USA: 2021-yil. 295–300-b.
13. Урунов Р.С., Аюпов Р. Ўзбекистонда рақамли иқтисод ва 4.0 Индустряяниянг ривожланиш тенденциялари.// Иқтисодиётнинг тармоқларини инноватсиянишланишида аҳборот коммуникация технологияларининг аҳамияти. Республика илмий-техник анжумани, 3-китоб. ТАТУ, 2019 й. 309-401-б.

УЎТ 336.226.657

Қодиров Фарҳод Амирович,
Тошкент молия институти “Статистика ва
эконометрика” кафедраси доц.в.б PhD
faxod.qodirov@inbox.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛИ.

Қодиров Фарҳод Амирович,
Ташкентский финансовый институт PhD, и. о.
доцента кафедры статистики и эконометрики
faxod.qodirov@inbox.ru

ЭКОНОМЕТРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

Kodirov Farkhod Amirovich,
Tashkent institute of Finance PhD., acting associate
professor, Department of Statistics end econometrics
faxod.qodirov@inbox.ru

ECONOMETRIC ANALYSIS OF MACROECONOMIC INDICATORS OF UZBEKISTAN

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда макроиқтисодий кўрсаткичлар алоқаларини ифодаловчи кўп омилли эконометрик моделини шакллантириши келтирилган ва уларнинг адекватлиги, коэффициентларнинг барқарорлиги критерийлар ёрдамида текширилган. Ўзбекистон Республикасида пул таклифи, давлат харажатлари ва иқтисодий ўсию суръатларининг истиқболдаги сценарийлари тузилган.

Таянч сўзлар: макроиқтисодий кўрсаткичлар, кўп омилли, модель, мезон, адекват, ўсию суръати, коэффициентларнинг барқарорлиги.

Аннотация. В статье представлено формирование многофакторной эконометрической модели, отражающей взаимосвязь макроэкономических показателей в Узбекистане, их адекватность и устойчивость коэффициентов проверены с использованием критериев. Составлены перспективные сценарии денежной массы, государственных расходов и темпов экономического роста в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: Экономический рост, многофакторный, модель, критерий, адекватный, темп роста, устойчивость коэффициентов

Annotation. The article presents the formation of a multi-factor econometric model representing the relationship of macroeconomic indicators in Uzbekistan, and their adequacy and stability of coefficients were checked by using criteria. Prospective scenarios of money supply, government spending and economic growth in the Republic of Uzbekistan were suggested.

Keywords: Economic growth, multifactorial, model, criterion, adequate, growth rate, stability of coefficients

Кириш

Жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнларида пул-кредит муносабатларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, пуллар таклифини оптимал тартибга солиш, инфляция даражасининг бир меъёरда сақлаб туриш учун таргетлаш режимларидан фойдаланиш бевосита юқори иқтисодий ўсишга эришиш жараёнларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида пул таклифини оптимал тартибга солиш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб этиш соҳасида – макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини жиддий равиша камайтириш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, “яширин” иқтисодиётга қарши курашиш ва унинг улушкини кескин қисқартириш, валюта сиёсатини эркинлаштиришни давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш, иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик мақсадларга эришишда фаол иштирок этишга қодир малакали кадрларни тайёрлаш керак бўлади. Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайдиган монетар

сиёсатнинг асосий кўрсаткичлари (пул таклифи, М2) билан макроиктисодий кўрсаткичлар, жумладан, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсиши, инфляция, капиталга инвестициялаш ҳамда давлат харажатлари орасидаги боғланишни ўрганиш катта аҳамиятга эга. Шу туфайли пул таклифининг макроиктисодий ўзгарувчиларга таъсирини ўрганиш иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Мақолада барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайдиган монетар сиёсатнинг асосий кўрсаткичлари (пул таклифи, М2) билан макроиктисодий кўрсаткичлар, жумладан, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсиши, инфляция, капиталга инвестициялаш ҳамда давлат харажатлари орасидаги боғланишларни, иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатаётган асосий омилларни чуқур таҳлил қилган. Шу билан бирга, кўп омилли эконометрик моделларни таҳлил қилиш ва баҳолаш асосида иқтисодиётни истиқболда 2025 йилгача ривожлантиришнинг сценарийлари тузилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодий барқарорликнинг дастлабки назарий масалалари Ф.Кенэ, Ж.Б.Сэй, А.Маршалл, Ж.М.Кейнс, Самуэльсон, Ф.Хайек кейинчалик реал иқтисодий ўсишни моделлаштиришда замонавий моделлар муаллифлари Р.Солоу, Харрод-Домар, Кобб-Дуглас ва бошқа кўплаб чет эллик олимлар томонидан тадқиқ этилган¹. Жаҳондаги

¹ Babatunde, M.A. and Shuaibu, M.I., (2011). Money supply, inflation and economic growth in

назарий ва амалий адабиётларда монетар сиёсатнинг иқтисодий ўсишга таъсирига доир дискуссиялар давом этмоқда. Умуман бу түғрисида олимларнинг икки тоифадаги қарашларини кўрсатиш мумкин: кейнсчиларнинг фикрича, монетар сиёсат иқтисодий ўсишга таъсир этмаслиги ёки кам таъсири борлигини эътироф этишса, монетаристлар аксинча, монетар сектор билан реал сектор ўртасида чизиқли, бевосита алоқа борлигини [иқтисодий ўсишнинг пул таклифи етакчилиги гипотезаси] тан олишади [Precious and Palesa, 2014]. Кўпгина иқтисодчиларнинг фикрига биноан самарали ва фаол монетар сиёсат нархларни ва инфляцияни жиловлаш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қиласди.

- Nigeria. Asian-African Journal of Economics and Econometrics, 11(1)
- Chaudhry, I.S., Qamber, Y. and Farooq, F., (2012). Monetary policy, inflation and economic growth in Pakistan: exploring the co-integration and causality relationships. Pak. J. Commer. Soc. Sci., 6(2)
- Chukwu, J.O. and Agu, C.C., (2009). Multivariate causality between financial depth and economic growth in Nigeria. African Review of Money Finance and Banking, 2009, pp. 7-21
- Habibullah, M.S., (1999). Financial development and economic growth in Asian countries: testing financial-lead growth hypothesis. Savings and Development, 23 (3)
- Ismailov, A., (2013). Maintenance of the monetary system stability in Uzbekistan. European Journal of Business and Economics, 8 (3)
- Masnan, F., Shaari, M.S. and Hussain, N.E., (2013). Relationship among money supply, economic growth in inflation: empirical evidence from three Southeast Asian countries. International Journal of Information, Business and Management, 5 (3)
- McKinley, T., (2010). The puzzling success of Uzbekistan's heterodox development. Development Viewpoint, 44
- Mohammed, S.D., Wasti, S.K.A, Lal, I. and Hussain, A., (2009). An empirical investigation between money supply, government expenditure, output and prices: the Pakistan evidence. European Journal of Economics, Finance and Administrative Sciences, 17 (2009)
- Zettelmeyer, J., (1999). The Uzbek growth puzzle. IMF Staff Papers, 46 (3), pp.274-292

Аммо бу алоқалар эмпирик тадқиқотлар натижасига кўра [Chukwu and Agu, 2009; Habibullah, 1999; Mohammed et al. 2009; Babatunde and Shuaibu, 2011; Georgantopoulos and Tsamis, 2012;] турли мамлакатларда турлича.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот методологияси динамик қаторлар маълумотларини корреляцион-регрессион таҳлил усулларини кўллаб, эконометрик моделлар тузиш, уларни таҳлил этишга асосланган. Маълумотлар базаси тариқасида макроиктисодий кўрсаткичларнинг 2000 – 2021 йиллар оралиғидаги динамик қаторлари олинди ва бу маълумотлар Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банкининг сайтларидан, Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг ҳисоботларидан тўпланди. Асосий ўзгарувчилар тариқасида пул таклифи (M2), Реал ЯИМ (RGDP), Истеъмол товарларининг нарх индекси (CPI), давлат харажатлари (Gov) кабул қилинди. Бу ўзгарувчилар ёрдамида эконометрик моделлар тузиб, уларнинг корреляцион матрицаси таҳлил этилиб: пул таклифи (M2), реал ЯИМ (RGDP), давлат харажатлари (Gov) орасидаги алоқадорлик ёки узоқ муддатли мувозанатни аниқлаш мақсад қилиб қўйилди.

Натижа ва муҳокама

Мамлакатимизда глобал инқизорзининг салбий оқибатларини юмшатиш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини кўллаб-куватлаш, чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш, товар ва хизматлар нархини барқарорлаштириш, монетар сиёсат инструментларидан самарали фойдаланиш мақсадида кўп омилли эконометрик модель туздик. Макроиктисодий кўрсаткичлар динамикасини ўрганиш натижасида

(1-жадвал) 2000 – 2021 йилларда пул таклифи, инфляция даражаси ва давлат харажатлари ҳамда иқтисодий ўсиш тенденциялари боғлиқликлари корреляция коэффициентлари матрицасини туздик (2-жадвал). Сўнгра кўп омилли регрессия тенгламаларини ҳосил қилдик ва excel дастурида ҳисобланган натижаларни олдик.

1-жадвал

Пул таклифи, инфляция, давлат харажатлари алоқалари

Йиллар	GDP	M2	Gov	CPI %
2000	3256	396	607	24.9
2001	4925	612	907	27.4
2002	7450	793	1339	27.6
2003	9844	1009	1781	10.3
2004	12261	1490	2133	1.6
2005	15923	2300	2803	6.40
2006	21125	3147	3232	8.7
2007	28190	4597	4400	6.1
2008	38970	6511	6207	7.2
2009	49376	9171	7639	7.8
2010	74042	13978	9871	7.6
2011	96950	18498	12355	7.3
2012	120242	23893	15776	7.2
2013	144548	29398	20422	7
2014	177154	33778	24746	6.4
2015	210183	42291	30141	5.5
2016	242496	52226	36117	9.5
2017	302537	73223	39988	13.9
2018	406649	83734	57179	17.5
2019	511838	90145	83861	14.5
2020	580203.2	102476	101869	11.1
2021	734043	116080	165800	9.9

2-жадвал

Макроиқтисодий кўрсаткичлар корреляция коэффициентлари матрицаси

GDP	1		
M2	0.986434985	1	
GOV	0.975779786	0.931779755	1
INF	-0.013980091	-0.004647882	-0.0175519
			1

Эконометрик модель шундан далолат берадики, қисқа муддатда инфляция даражаси билан ялпи маҳсулотнинг алоқалари паст даражада ва пул таклифи узоқ муддатда давлат харажатлари орқали иқтисодий ўсиш суръатини тезлаштиради. Пул таклифи ва давлат харажатлари орасида мультиколленеарлик мавжуд. Бундай ҳолларда кўрсаткичлар орасидаги боғланишни ўрганишда чизиқли модель ўрнига чизиқсиз эконометрик модель кўлланилади. Регрессия тенгламаси кўйидаги кўринишга эга:

$$\text{Ln(RGDP)} = 1,82 + 0,46 * \text{Ln(Gov)} + 0,54 * \text{Ln(M2)} - 0,16 \text{Ln(INF)}$$

Бу ерда, натижавий кўрсаткич, функция сифатида реал ялпи ички маҳсулот, ўзгарувчилар эса давлат харажатлари микдори, пул таклифи массаси ва инфляция даражаси киритилган. Демак, агар давлат харажатларини бир фоизга оширсан, бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда ялпи ички маҳсулот 0,46 фоизга ортади. Худди шунингдек, пул таклифи массасини ва инфляция даражасини бир фоизга оширсан, бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда, ўз навбатида, ялпи маҳсулот 0,54 фоизга ортади ва 0,16 фоизга пасаяди. Инфляция иқтисодий ўсишга қисқа муддатда салбий таъсир кўрсатмоқда.

вывод итогов				
<u>егрессионная статистика</u>				
Множественны 0.99932297				
R-квадрат 0.9986464				
Нормированн 0.9984208				
Стандартная о 0.06992659				
Наблюдения 22				
Дисперсионный анализ				
	df	ss	ms	F ачимость F
Регрессия	3	64.9349583	21.64498609	4426.623531 5.37E-26
Остаток	18	0.08801511	0.004889728	
Итого	21	65.0229734		
Коэффициенты для оценки статистик P-Значение и другие 95% верхние 95%				
Y-пересечени 1.82789165	0.12073576	15.13960475	1.10382E-11	1.574235 2.081548
Переменная X 0.46001807	0.06230439	7.383397674	7.53242E-07	0.329121 0.590915
Переменная X 0.54944495	0.05448898	10.08359749	7.8558E-09	0.434968 0.663922
Переменная X -0.1596895	0.02485776	-6.424129796	4.78414E-06	-0.21191 -0.10747

Эконометрик моделдан фойдаланган ҳолда маълум гипотезалар асосида мамлакатимизда иқтисодий ўсиш суръатларининг истиқболдаги сценарийларини яратамиз. Бунинг учун математика қоидага асосан логарифмик чизиқли функциядаги ўзгарувчиларнинг йиллик ўсиш суръатларида фойдаланамиз ва қуидаги формулани қўллаймиз:

$RGDP = 0,46 * GOV + 0,54 * M2 - 0,16 * INF$

Бу ерда ўзгарувчилар йиллик ўсиш суръатларида ифодаланган. Кейинчалик бу формула асосида иқтисодиётнинг 2025 йилгача ўсиш сценарийларини яратдик (3-, 4-жадвал, 1-расм).

3-жадвал Ўзбекистон Республикасида пул таклифи ва иқтисодий ўсиш суръатларининг истиқболдаги сценарийлари (ўсиш суръатлари фоизда, %)¹

	5	6	7	8	9	10	11	12
5	5.00	5.54	6.08	6.62	7.16	7.70	8.24	8.78
6	5.46	6.00	6.54	7.08	7.62	8.16	8.70	9.24
7	5.92	6.46	7.00	7.54	8.08	8.62	9.16	9.70
8	6.38	6.92	7.46	8.00	8.54	9.08	9.62	10.16
9	6.84	7.38	7.92	8.46	9.00	9.54	10.08	10.62
10	7.30	7.84	8.38	8.92	9.46	10.00	10.54	11.08
11	7.76	8.30	8.84	9.38	9.92	10.46	11.00	11.54
12	8.22	8.76	9.30	9.84	10.38	10.92	11.46	12.00

RGDP=0,46*GOV+0,54*M2-0,16*INF INF=const

RGDP	GOV	M2
------	-----	----

4-жадвал Истиқболда маълум пул таклифи ўсиш суръатларига эга бўлиш учун давлат харажатлари ва иқтисодий ўсиш комбинациялари, %²

	5	6	7	8	9	10	11	12
5	5	4.15	3.3	2.45	1.6	0.75	-0.1	-0.95
6	6.85	6	5.15	4.3	3.45	2.6	1.75	0.9
7	8.7	7.85	7	6.15	5.3	4.45	3.6	2.75
8	10.55	9.7	8.85	8	7.15	6.3	5.45	4.6
9	12.4	11.55	10.7	9.85	9	8.15	7.3	6.45
10	14.25	13.4	12.55	11.7	10.85	10	9.15	8.3
11	16.1	15.25	14.4	13.55	12.7	11.85	11	10.15
12	17.95	17.1	16.25	15.4	14.55	13.7	12.85	12

M2=1,85*RGDP-0,85*GOV+0,29*INF INF=const

RGDP	GOV
------	-----



1-расм. Давлат харажатлари ва пул таклифининг иқтисодий ўсишга таъсири сценарийлари³

Хулоса

1. Таҳлиллар шуни кўрсатдики республикамиздаги иқтисодий ўсишни таъминлаш ва уни тартиблаштиришда Марказий банкнинг пул - кредит сиёсати маълум таъсирини ўтказган. Пул таклифи билан иқтисодий ўсиш суръатлари монанд равишда ўзгарган ва натижада иқтисодий барқарорлик таъминланган. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, пул таклифининг ортиши, бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда, фоиз ставкасини пасайтиради ва у ўз навбатида, корхоналар, ишлаб чиқариш субъектлари ва ахолининг инвестицион фаоллигини оширади, янги иш жойлари яратилади, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми, яъни ЯИМ кўпаяди, иқтисодий ўсиш юз беради. Албатта бу жараён агар пул таклифи массаси меъёрида бўлганда амалга ошади.

2. Давлат монетар сиёсатни амалга оширганда барча макроиқтисодий индикаторлар алокасини, улар орасидаги мутаносибликни таъминлайди, жумладан, ахолининг бандлигини ошириш, товар ва хизматларнинг нархлар ўзгариши индекси, давлатнинг ижтимоий сиёсатни амалга оширишдаги харажатлар миқдори ва бошқа омиллар.

3. Кўп омилли эконометрик омиллар ёрдамида пул-кредит сиёсатининг иқтисодий ўсишга таъсири аниқланди, улар асосида иқтисодиётни истиқболда

2026 йилгача ривожлантиришнинг сценарийлари тузилди. Эконометрик моделларда натижавий кўрсаткич, функция сифатида реал ялпи маҳсулот, ўзгарувчилар эса давлат харажатлари миқдори, пул таклифи массаси ва инфляция даражаси киритилган. Натижалар шундан далолат берадики, маълум гипотезалар асосида айтиш мумкинки, агар давлат харажатларини бир фоизга оширсан бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда ялпи ички маҳсулот 0,46 фоизга ортади. Худди шунингдек пул таклифи массасини ва инфляция даражасини бир фоизга оширсан бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда ўз навбатида, ялпи маҳсулот 0,54 фоизга ортади ва 0,16 фоизга пасаяди.

4. Статистик маълумотларни таҳлил қилиш ва синтезлаш жараённада пул таклифи массаси ўзгариши билан иқтисодий ўсиш орасидаги алоқадорликни бевосита кузатиш мураккаблиги сезилди, чунки пул таклифининг ортиши Республикаизда маълум даражада инфляцион босимни юзага келтирган ва шу туфайли марказий банк инфляцион таргетлаш сиёсати ғоясини илгари сурмоқда. Макроиқтисодий индикаторлар, жумладан, пул таклифи массаси, давлат харажатлари, меҳнат унумдорлиги, инфляция даражаси, инвестициялар оқими сингари алоқаларни тизимли ўрганиш учун эконометрик усувларни кўллаш талаб этилади.

5. Муқобил пул-кредит сиёсатининг юритилиши барқарор иқтисодий

ўсишни таъминлайди, аммо ўта уни қатъйлаштирилиши иқтисодиётдаги инвестицион фаолликнинг сусайишига олиб келиши мумкин. Унинг асосиз юмшатилиб, кредитлаш ҳажмларининг кескин оширилиши эса истеъмол ва инвестицион талабни рағбатлантириш билан бир каторда, инфляция даражасининг кескин ошиб кетишига ҳам сабаб бўлади. Қолаверса, яна шуни таъкидлаш зарурки, биргина пул-кредит сиёсатининг ўзи мамлакат иқтисодий салоҳиятини барқарор оширишнинг асосий манбай бўла олмайди. Узок муддатли истиқболда иқтисодиётда рақобат муҳитини яхшилаш, меҳнат унумдорлиги ва энергия истеъмоли самарадорлигини ошириш, инфратузилмани ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг ички ва ташки рақобатбардошлигини кучайтириш, бизнесни ташкил этиш ва юритишини енгиллаштиришга қаратилган давомли таркибий ислоҳотларни амалга ошириш иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий омиллар ҳисобланади. Шунинг учун бизнинг моделларимизга бюджет – солик сиёсатининг асосий инструментларидан бири – давлат харажатлари ўзгарувчи сифатида киритилган ва унинг иқтисодий ўсишни таъсири топилган. Истиқболдаги иқтисодий ўсиш сценарийларида пул таклифи билан давлат харажатларининг комбинациялари тузилган ва муқобил варианtlар аниқланган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Анализ факторов инфляции с помощью эконометрических моделей. Центральный банк Узбекистана, 2021.
2. Монетар сиёсатнинг 2019 ва 2020–2021 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Тошкент, 2019 йил.
3. ЦБ Республики Узбекистан. Статистический бюллетень, 2020 год, Ташкент, 2021 год.

